Ilm kelajagimiz ravnaqidir

№-2. 2023

# СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
# SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
# СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
# SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ**

**SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER**

*Илм келажагимиз равнақидир*

# СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
# SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
# СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
# SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION

*Илмий мақолалар журнали*

N-2 2023

ТАЪСИСЧИЛАР;
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**Ҳар чоракда 1 марта чиқади.**

**Jurnal 25-05-2020 yil. №-11-079 raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil 12 dekabrdagi № 01-06/25-04 raqamli xati asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida **GUVOHNOMA N-11-079.**

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat xizmatlari portali.
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

**Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.**

**Ariza raqami: 19051279.**

**НАШР ИНДЕКСИ 190-111.**

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 28-уй.
Босишга рухсат этилди: 22.05.2023.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Босма табоғи 12,0. Офсет босма.
Офсет қоғози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 19.

Техник ходимлар:
**Хидиров Холмат**
**Мамаражабов Ғайрат**
**Умаров Икром**
Саҳифаловчи:
**Қўшоқова Моҳигул**

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru
Тел: 876 223 07 66.
+99 891 577 90 50,
+99 894 200 49 55,
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**
**Тарих фанлари доктори, профессор**
**Термиз давлат университети**
Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
**Қобулов Эшболта Атамуродович**
**Тарих фанлари доктори, Термиз давлат университети, Педагогика институти директори**
Журналнинг илмий котиби:
**Умурқулов Бекпўлат филология фанлари доктори, Термиз давлат университети**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Марахимов Авазжон
Тўраев Назар
Муртазоева Раҳбархон
Сагдуллаев Анатолий
Абдуллаев Улуғбек
Ашуров Адҳам
Дониёров Алишер
Шамсиддинов Рустам
Эшов Баходир
Обломуродов Наим
Муҳамадиев Раҳмон
Эргашева Юлдуз
Бўриев Очил
Давлатова Саодат
Ғоффоров Шокир
Худойқулов Абдулла
Пардаев Тошкенбой
Рахимов Ғанишер
Холмўминов Жуманазар
Турсунов Нурулло
Холмўминов Хусан
Тўхтаев Абдуғани
Хайитов Шодмон
Ирискулов Олимжон
Саидов Илхом
Якубова Диларам
Саидов Бахтиёр
Акчаев Фаррух
Усмонов Муртоз

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Турдиев Тоштемир
Убайдуллоева Барно
Курбонова Манзилла
Раҳмонов Фахриддин
Ёрматов Фахриддин
Чориев Рўзимурод
Қосимов Асрориддин
Вохидов Шодмон
Қодирова Дилбар
Раҳимов Баходир
Юнусова Хуршида
Тўраев Хайит
Хасанова Нодира
Бобожонова Дилором
Эшонқулов Абдужаббор
Алланов Қилич
Тилеукулов Гауҳар
Алиқулов Рустам
Мирзаев Ибодулло
Панжиев Нормамат
Жабборова Шоира
Чориев Иргаш
Ҳотамов Очилди
Турсунов Жавли
Файзуллаева Мавлуда
Туропова Мохдил

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИ РИВОЖИНИНГ ФИДОИЙ, КОМИЛ, ДОНИШМАНД, ВАТАНПАРВАР УСТОЗИ

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори, профессор

***“Ҳамма баракатларнинг калити сабрдадир”.***
Варроқ Термизий



Саидов Илҳомжон Муҳиддинович камтарин, пок қалби, одил, саховатли, теран фикрли, ўз сўзига эга, саловатли, шогирдлар ёнида тоғ, дўстлар даврасида безак бўлган устоздир. Илм-дунёни безайди, илм-жамият тараққиётининг пойдевори, илм - ҳақиқатни яхши кўради, илм бор жойда ғийбат бўлмайди. Илмли одам ҳамиша қадр топган, чунки донишманд инсонлар Ватан равнақи йўлида шойиста хизматлари билан эл ардоғига сазовор этилган. Билимдон донишмандлар ўз ватанларининг довруғини дунёга ёйган, илм билан ватанларини бошқа ватанларга танитган. Халқимизнинг ана шундай комил фарзанди-Ўзбекистон тарихининг билимдонларидан бири, Ўзбекистон тарихининг Иккинчи жаҳон уруши ва халқаро муносабатларни ўрганиш борасида ўзига хос мактаб яратган олим тарих фанлари доктори, профессор Саидов Илҳомжон Муҳиддиновичдир.

Саидов Илҳомжон Муҳиддинович зиналарни бошланғич пойдеворидан бошлаб, ҳар қандай жихатларига эътибор берадиган, фан саҳифаларига жиддий қарайдиган, ўйлаган фикрларини обдон текширадиган, етти ўлчаб бир кесадиган, исботни талаб қиладиган кескин тадқиқотчига айланди. Улуғ аждодимиз-ирфон фалсафасининг мумтоз вакилларидан бири Азизиддин Муҳаммад Насафий айтадиларки, **“Дарахтнинг барча камолот босқичлари уруғидадир. Фақат миришкор боғбоннинг тарбияти ва парвариши лозимдир, токи уруғ дарахт бўлиб, рўёбга чиқсин. Шу каби поклик ва гўзал ахлоқ, илм ва маърифат, сир-асрор кашф бўлиши, нурларнинг зуҳури барчаси – инсон зотида мавжуддир. Фақат донишманд суҳбати, тарбият ва парвариш лозимдир, токи булар тўлиқ юзага чиқсин”**[1]

Бу иқтибосни бежиз келтирмадик. Бинобарин, биз қуйида ҳаёт йўли ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида фикр юритадиган устозимиз – тарих фанлари доктори, профессор И.Саидов ҳам айнан донишмандлар, комил устозлар суҳбатидан баҳра ва баракот, илм ва тарбия олиб, яхши инсон ҳамда забардаст олим сифатида камол топган зиёлиларимиздандир.

Саидов Илҳомжон Муҳиддиновичнинг ҳаёт фаолияти чизгиларида шундай ҳикмат бор; **“Ўн саккиз минг оламда сон-саноғи йўқ мавжудотлар орасидан фақат инсонга шундай юксак мақом берилиб, теварак-атрофимиздаги барча** жонли-жонсиз нарсалар унга бўйсундириб қўйилган экан, бутун вужудимиз билан ва ҳар бир олган нафасимизда Оллоҳга шукроналар қилишимиз керак”. Унинг юрагида эса “Коинотни яратган раҳмли эгам Аллоҳим қайд этган бутун борлиқдан баҳра топиш, файзу-футуҳ олиш ва камолотга эришиш учун инсонга, унинг жисму-жонига ва руҳиятига бетакрор неъматлар ато этилган”. *Улуғ Термизий аллома* Абу Исо Имом ат-Термизий *илмни Аллоҳ ва ўз қалбига бағишлаганларга алоҳида эътибор бериб; “Илмга берилган кишилар қанчалик кўп ўқишса, шунчалик кам билишини ҳис этадилар, илмсиз кишилар эса ўзларини доно санашади” деб изоҳ берганда бутун ҳаётини ва ижодини ҳамиша илмга бағишлаган устозга* нисбатан айтилган ҳақ. Инсон илм туфайли

[1] Азизиддин Насафий. Комил инсон китоби. Форс тилидан Олим Давлат таржимаси // Тафаккур, 2015, 3-сон. – 74-бет.

буюклик сари илдам қадам ташлаб мақсадга эргашади. Менинг қадрдоним, устозим Саидов Илҳомжон Муҳиддинович.шундай буюк олим, камтарин устозлигини илк бор 1985 йилда илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган давримда Самарқанд давлат университети Тарих факультетида таниганман. Ўшанда устоз Саидов Илҳомжон Муҳиддинович тарихга шундай баҳо берган эдики, **В**атанни, халқни келажак тақдири авваломбор тинчликга тааллуқли, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистонликларни иштироки шундан далолат берадики, бу тинчлик учун кураш бизнинг шонли тарихимизда фақат тарих фани туфайли абадий хотирада қолади. деб айтган эдилар. Республикамизда таниқли тарихчи олим, вилоят ва республика тарих фани ривожига муносиб ҳисса қўшаётган Саидов Илҳомжон Муҳиддинович шогирдлари учун ўз мактабини ярата олган устоздир. Тарих фанига шариф (азиз ва мукаррам)лик мақомини бериб, Самарқанд давлат университети  мактабини асосчиларидан бирига айланди. Шариф бўлиш фақат инсонгагина берилганлиги учун ҳам Саидов Илҳомжон Муҳиддиновични иймон-эътиқодли бўлишни, қалбни поклаш, ирфон соҳиби бўлиш, вақтни ғанимат билиш, беҳуда кетган ҳар бир дақиқа учун афсусланиш, нафс, таъма домига тушмаслик, шайтоний ҳою-ҳавас ва гуноҳ ишлардан узоқда бўлиш каби мажбуриятлар ҳам унинг зиммасига юклаб қўйилди. Илмда булоқ, устозга кўнгли тоза таъзимда, эшитувчи, шогирдларга талабчан, ўрни келганда шогирдга раҳмсиз, уни илм олишга мажбурлайдиган тафаккурли тарихчи олим. Самарқанд давлат университетининг салоҳиётига муносиб ҳисса қўшаётган забардаст олим, фан соҳасида катта босимга эга, университетининг ташкилий-тарбиявий, раҳбарлик салоҳиётига мунтазам ҳисса қўшиб Илхом Саидов деган улуғ номга эга бўлди. Дўстларга меҳрибон, шогирдларга раҳнома бўлиб қандай вазият бўлмасин уларни ёнида маслаҳатчи, таянч, суянчиқ бўлмоқда, шу туфайли ҳамма дўстлар Илхом Саидовни жуда ҳурмат қилади. Керак бўлса ҳизматига тайёр, устоз қалбида онг, ақл, сўзлаш, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш, англаш, муаммо, мулоҳаза  тасаввур, тафаккур, фикрлаш ва бошқалар жамланган.

Буюк аллома Хожа Самандар Термизий изоҳ берганидек; “Азизим қобилиятли кишиларга эътибор бер! Истеъдодсиз кишиларни эса ота-боболарининг хизмати эвази учун. зинҳор ардоқлама!” деган ҳикматга Илхом Саидовнинг ҳамиша эътибор берадиган кундалик шиоридир. Саидов Илҳомжон Муҳиддинович. ҳамиша Ўзбекистон олимлари издоши, ҳамкасблари фикрдоши, ўз шогирдларнинг илҳомчиси, ҳамиша  дўст ва баҳсли мунозарали олимдир. Унинг қалбида Хожа Самандар Термизийнинг бир ҳикмати бор: **“***Қадрли дўст! Чин инсон бўлишга интил! Яхши кишилар суҳбатида бўлиб, тажрибанг хазинасини донишмандлик билан бойит”*. Саидов Илҳомжон Муҳиддинович тарих мактабини чинакам шайдоси, юртсевар, илмпарвар ва вилоят тарихи тадқиқотининг жонкуяр фидойиларидан бири ҳамдир.

Илхом Саидов мазкур соҳадаги 53 йиллик педагоглик фаолиятида самарали устоз-шогирд мезонига амал қилиб, ўқув-услубий йўналишга ҳақиқий педагоглик маҳоратини ишга солиш, илмий ва маънавий ҳаётида ибрат олиш, ташаббускор, изланувчан, янги педагог технологияларни жорий этиш, янгиликни ҳаётда амалий жиҳатдан қўллашга ҳаракат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Саидов Илҳомжон Муҳиддинович. устозни муборак 70 ёши билан қутлаб, маънавий-маърифий соҳадаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшаётган катта ҳиссаси учун самимий миннатдорчилик билдирамиз. Ва албатта, жонкуяр олимга илмий фаолиятида янги мувоффақиятлар, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва улкан ижодий зафарлар тилаймиз.

Ҳурматли устоз Саидов Илҳомжон Муҳиддинович эзгулик умр мазмуни деб билган бугунги кунда ҳам меҳнати ва сермазмун умри билан халққа ситқидилдан хизмат қилиб келмоқдалар. Унинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган сабру қаноат, тинимсиз меҳнат билан кечираётган сермазмун умри мамлакатимиз ёшлари учун чинакам тарбия мактабидир.

# НАМОЗ БОТИР БОШЧИЛИГИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КЎТАРИЛГАН НОРОЗИЛИК ЧИҚИШЛАРИ ВА ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ (1904-1907)

***Қаҳрамон Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор,***
***Ўзбекистон ФА Тарих институти бош илмий ходими***
*kahramon-62@mail.ru*

**Аннотация:** мақолада Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашган Намоз Ботир Пиримқул ўғли фаолияти ҳақида сўз юритилади. У архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий маълумотлар асосида ёзилган.

**Калит сўзлар:** халқ қўзғолонлари, амирлик, генерал-губернаторлик, камбағаллар, подшо маъмурлари, бўлис, мингбоши, бахши.

**Аннотация:** В этой статье глубоко анализирует действия Намоза Батира, сына Пиримкула, который активно боролся против колониальной политики, проводимой Российской империей. Статья основана в основном на архивных документах и другой исторической информации, которая была подтверждена через тщательные исследования.

**Ключевые слова:** народные восстания, эмират, генерал-губернатор, бедняки, царские чиновники, волосты, мингбаши, бахши.

**Annotation** The article highlights focuses on the activities of  Namoz Batir, the son of Pirimkul, who actively fought against the colonial policies enacted by the Russian empire. The article is primarily based on archival documents and other historical information verified through rigorous research.

**Key words:** people's uprisings, emirate, governor-general, the poor, royal officials, volost, mingbashi, bakhshi.

XX аср бошларига келиб Туркистонда Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши халқ ҳаракатлари янги босқичга кўтарилди. Андижонда Дукчи Эшон бошчилигида кўтарилган халқ қўзғолони (1898 йил май) мағлубиятга учраган бўлса ҳам, орадан кўп ўтмай нафақат Фарғона водийсида, балки Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Хўжандда рус маъмурларига қарши оммавий норозилик ҳаракатлари вақти-вақти билан кўтарилиб турди. Ана шундай халқ ҳаракатларидан бири 1904-1907 йилларда Самарқанд вилоятида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати ва маҳаллий амалдорлар зулмига қарши Намоз Ботир (Намоз Пиримқул ўғли) бошчилигида кўтарилган деҳқонлар исёни бўлди.

Самарқанддаги халқ ҳаракатига раҳбарлик қилган шахс Намоз Пиримқул ўғли ҳақида ҳозиргача Ўзбекистон тарихи фанида турли зиддиятли қарашлар мавжуд. Ҳатто XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанддаги халқ қўзғолонлари, Намоз Ботир фаолияти ва шахсияти тўғрисида бугунги кунда Ўзбекистон миллий архивида сақланаётган 120-130 йиллик мозийдаги тарихий ҳужжатларнинг аксарияти ҳозир (2023 йил 1 апрелда) ҳам тадқиқотчилар ихтиёрига берилмай, балки “мутлақо махфий” тамғаси остида муҳофаза қилиниши мамлакатимиз архив тизими раҳбарларининг Россия империяси қонунларига содиқлик билан хизмат қилаётганлигини англатади. Ҳолбуки бу архив ҳужжатлари совет давлатининг емирилиши ва мустақилликнинг дастлабки йилларида очиқ бўлган эди. Бу аччиқ ҳақиқатни соҳа мутасаддилари тан олмаса ҳам архивда ишловчи тарихчилар ва тадқиқотчилар яхши билишади. Шунинг учун ҳам биз ихтиёримизда мавжуд бўлган айрим тарихий маълумотлар ва тарихчи олимларнинг тадқиқотлари асосида Намоз Ботир шахсияти ва Самарқанддаги халқ ҳаракатлари тўғрисида бу ўринда мухтасар фикр юритишга мажбурмиз.

Намоз Пиримқул ўғли 1874 йили Бухоро амирлигидаги Бойсун беклигида[8.64] туғилган[2]. У ёшлигида барвақт етим қолиб амакисиникида яшаган. Кейин Самарқандга бориб, хат-саводини чиқарган. Маҳаллий мадрасада таҳсил олган. Намоз рус тилини ҳам яхши билган.

[2] Ўзбекистонда ҳозиргача Намоз Ботир ҳақида сўз юритилган барча тадқиқотларда, ҳатто 2003 йилда нашр этилган “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” (6-жилд)даги “Намоз Пиримқул ўғли” мақоласида унинг туғилиш санаси ва жойи янглиш кўрсатилиб, у 1877 йили Каттақўрғондаги Ўтарчи қишлоғида туғилганлиги айтилади.

Самарқандлик маҳаллий ўлкашунос тарихчи Ўктам Икромовнинг баъзи фикрларга қараганда, Намоз Ботир Петербургга бориб, ҳарбий мактабда таҳсил олган, сўнгра Москва ва Самара шаҳарларида ҳам бўлган. Кейин Тошкентга қайтиб, бир муддат Туркистон генерал-губернаторлиги идорасида таржимон, сўнгра Самарқанд уездидаги Даҳбед волостида бошлиқ бўлиб ишлаган[1].

Самарқандлик бошқа тарихчи олим Наим Каримович Норқулов (1935-2005) томонидан "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"га киритилган "Намоз Пиримқул ўғли" мақоласида ёзилишича, у Самарқанддан туриб Петербургга – Россия императори Николай II (1868-1918; ҳукмронлик даври: 1894-1917) номига маҳаллий маъмурлар кирдикорларидан шикоят қилиб, бир неча марта хат ёзади. Натижа чиқмагач, Намоз ўз лавозимидан воз кечган ва халқнинг норозилик чиқишларига раҳбарлик қилган. Намоз подшо амалдорлари, бой-бадавлат кишиларнинг мол-мулкини тортиб олиб, бева-бечоралар ва камбағалларга улашган. Шунинг учун ҳам у рус мустамлакачилари ва маҳаллий амалдорлар орасида Намоз ўғри деб камситилган, халқ ўртасида эса Намоз Ботир деб эъзозланган[4].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Намоз Ботир ҳақида архивда сақланаётган дастлабки ҳужжат 1904 йил 15 октябрь санаси билан белгиланади. Унда айтилишича, Самарқанд уездига қарашли Даҳбед волостининг Оқтепа қишлоғида Қаршибой Рўзибоев, Ғайбулла Рўзибоев, Бекбой Ниёзбоев, Саидназар Соҳибназаров каби бухоролик етти нафар савдогар 15 туялик карвони билан номаълум кишилар томонидан тўхтатилган. Уларнинг бошлиғи Қаршибойга қамчи уриб, ҳамроҳларига карвонни тинтув қилишни буюрган ҳамда 720 бухоро кумуш тангаси[3] ва 3 дона тўнни олиб, савдогарларни қўйиб юборади. Қаршибой полиция приставига берган гувоҳлигида қароқчилар бошлиғи Намоз Пиримқулов[4] эканини айтади. Чунки бундан бир ҳафта олдин улар йўлда тасодифан учрашиб қолишганида Намоз ундан 500 боғ беда келтиришни сўраган, лекин Қаршибой унинг бу талабини бажармаган. Шунинг учун Намоз бу ҳолатни унутмай, ундан ўч олганлигини приставга хабар қилади. Бошқа яна бир маълумотда айтилишича, Намоз Ботирнинг одамлари 1905 йил 10 майда Каттақўрғон бозоридан қайтаётган савдогарлар, чўпонлар ва деҳқонларни ўраб олишади. Лекин фақат савдогарларнинг пул ва молларини мусодара қилишади. Чўпон ва деҳқонларнинг пуллари, отлари ва молларига эса қўл ҳам тегизмай, қўйиб юборишади[6.392-393].

Намоз Ботир бошчилигида Самарқандда кўтарилган халқ ҳаракати қуйидаги уч босқичга бўлиб ўрганилади: 1-босқич (1904-1905); 2-босқич (1905 йил октябрь – 1906 йил февраль); 3-босқич (1906 йил февраль – 1907 йил июнь)[3]. Биринчи босқичда Намоз Ботир бошчилигида қуролли гуруҳ пайдо бўлиб, улар Россия империясига ўз норозилик муносабатларини асосан мустамлакачи маъмурлар ва бадавлат кишиларнинг мол-мулкини талаш ҳамда уларнинг уйларига ўт қўйиш орқали билдирганлар. Намоз Ботир йигитлари асосан золим мансабдорлар ҳамда очкўз бойлар ва савдогарлар, текинхўр судхўрларнинг[5] мол-мулкини камбағаллар ва

[3] *Бухоро кумуш тангаси* – Бухоро хонлиги ташкил қилинган пайтда Муҳаммад Шайбонийхон номи билан зарб қилинган кумуш тангалар. Танганинг оғирлиги бир мисқол (4,8 грамм) миқдорида бўлган. Манғитларнинг кумуш тангалари аъло сифатли соф кумушдан ишланган. Кумуш танга XX аср бошларида русларнинг 20 тийинига тўғри келган. Қўқон ва Хива хонликларидаги кумуш ва олтин тангаларга нисбатан Бухоронинг тилла ва кумуш тангаларининг қадри баланд бўлган.

[4] Ота-боболаримиз исми ва шарифи ёнига "ов" ва "евич" қўшимчалари қўйилиб, русча фамилия ва "отечество" ясаш Россия империяси Туркистонни босиб олгач, XIX аср охири ва XX аср бошларида юртимизда қатъий тусга кирди. Рус маъмурияти томонидан юритилган барча расмий ҳужжатларда ўзбеклар ва бошқа туб жой аҳоли вакиллари исми ва отасининг номини қўпол равишда русча транскрипцияда бузиб ёзиш, уларни русча (европача эмас!) фамилия билан аташ ҳолати совет давлати даврида ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланиб қолди. Афсуски, бу ҳолат СССР емирилгач, мустақил давлатга айланган Ўзбекистон Республикасида бугунги XXI асрнинг йигирма учинчи йилида ҳам барқарор сақланиб қолмоқда. Ушбу сатрлар муаллифи 2020 йил январда туғилган супрақоқди ўғли Умарга Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ЗАГС бўлимида туғилганлик гувоҳномасини олаётганда, унинг қатъий талабига қарамасдан ўзбек жувони бўлган мудира бу қоидаларни бузиш мумкин эмаслигини, яъни исм ва фамилияни ўзбекча эмас, балки русча ҳарфларда ёзиш талабига қатъий амал қилишини айтиб, улар бу кўрсатмаларни Москвадан олганликларини таъкидлади. Хуллас, камина ҳам ҳозиргача ўз паспорти ва фарзандлари туғилиш гувоҳномасида номи ва фамилиясини русча ҳарфларда номланишига Ўзбекистоннинг 99, 99999 фоиз аҳолиси қаторида (давлат раҳбарларидан тортиб оддий фуқарогача) сабот билан чидаб юрибди...

Биз яна ўзбек тилига 1989 йилда давлат тили мақомини бердик деб 35 йилдан буён бутун дунёга жар солиб, лоф уриб юрибмиз...

[5] Бу даврда Бухорода яшаган машҳур адиб Садриддин Айний (1878-1954) томонидан кейинчалик ёзилган машҳур "Судхўрнинг ўлими" асарини бир хотирланг.

бева-бечораларга тарқатиб берганлиги учун ҳам авом (қора халқ) уларни яхши кўрган. Бир томондан кучли шахс олдидаги қўрқув ва хавотирлик ҳисси ҳурмат ва эҳтиромга айланганлиги ҳам рост.

Намоз Ботирнинг тарафдорларидан бири Ҳамроқул Дўстбобоев қўлга олинганда терговчига берган иқрорномасида у асосан бозорчи савдогарлар ва бойларни талаганлигини тан олади. Улар қўлга киритган пул маблағини ўз сафдошларига тақсимлаб берган, моллар, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини эса камбағалларга бўлиб берган.

Пристав Пётр Широков расмий маълумотларда Намоз Ботир тарафдорлари маҳаллий маъмурият вакиллари бўлган бўлис (волост) бошқарувчилари (мингбошилар), қишлоқ оқсоқоллари, юзбошиларга доимо таҳдид солгани, уларни калтаклагани ва ўлдиргани, мол-мулкини тортиб олгани ҳақида шундай ёзади: "Қароқчилар уларни тутиб ушлаб бермоқчи бўлган қишлоқ маъмурларидан қаттиқ ўч олардилар. Халқ ҳам улардан қўрқар эди. Маҳаллий маъмурият эса улардан юрак олдириб қўйган"[7.393].

Бироқ эҳтиёткорликни унутиб қўйган Намоз бошчилигидаги гуруҳ 1905 йил 29 октябрда қўлга тушиб, Самарқанддаги Моховхона қамоқхонасига ташланади. Аслини олганда Намоз Ботир гуруҳи Хўжаариқ волости бошқарувчиси Лутфулла Хўжаевнинг сотқинлиги туфайли Қоратерак қишлоғида пристав капитани Голов томонидан қўлга олинган. Терговда маълум бўлишича, ўша 1905 йили Намоз Ботир 28 ёшда бўлган. У ўрта бўйли, қора соқол, қоракўз ва хушбичим йигит эди. Уйланган, бироқ фарзанди бўлмаган. Унинг Самарқанд уезди Даҳбед волостидаги Жарқишлоқда ҳовли-жойи ва ери бўлган. Деҳқончилик билан шуғулланган. Империя маъмуриятига қарши ҳаракатлари учун у икки марта маҳаллий қозихона томонидан жазоланган. Йигитларининг ўртача ёши 20-25 атрофида бўлиб, улар турли халқларга мансуб бўлган, ҳатто ораларида руслар ҳам бор эди. Баъзи сотқинлик ва хоинликларга қарамасдан Намоз Ботирни самарқандликлар қизғин қўллаб-қувватлаган.

Айнан Намоз Ботирнинг терговда берган кўрсатмалари бугунги кунда ҳам архив маълумотларида сақланиб қолган. Аввалдан шуни таъкидлаб ўтишга бурчлимизки, тарихий тадқиқотларда Намоз Пиримқулов ва сафдошлари ҳақида Самарқанд ва Тошкент округ судларида тергов жараёнида тўпланган маълумотлар 14 жилд ҳамда 63 та суд ишини ташкил этганлиги кўрсатилади[1].

Самарқанд қамоқхонасида ўтирган Намоз Ботир ва унинг 60 нафар сафдоши 42 қулоч узунликда ер остидан лаҳм қазиб, 1906 йил 2 февралда қамоқхонадан қочишга муваффақ бўлишади. Бу билан курашнинг иккинчи босқичи тугаб, унинг сўнгги даври бошланади. Қасоскорлар халқнинг меҳр-эътиборини қозонмаганда ўз жонини гаровга тиккан одамлар қочиш учун уларга ёрдам бермас эди. Буни яхши тушунган Намоз Ботир ва сафдошлари курашнинг кейинги босқичларида мулкдорларни талаш амалиётидан воз кечиб, Россия империяси сиёсатига қарши мардонаворлик билан озодлик курашини давом эттирадилар.

Самарқанд вилояти ҳудудида уч йил давом этган халқ курашининг сўнгги учинчи босқичи анча шиддатли кечди. Намоз Ботир бошчилигидаги қуролли гуруҳ рус босқинчиларига қарши курашни авж олдиради. Кураш кўлами вилоят ҳудудидан чиқиб, Бухоро амирлиги ҳудудига ҳам тарқалади, ҳатто Афғонистон билан чегарагача етиб боради. Уларни маҳаллий аҳоли, хусусан, ўзбеклар қизғин қўллаб-қувватлайди. Каттақўрғон уезди бошлиғи бу ҳақда шундай маълумот беради: "Намоз ўз ҳужумларидан сўнг хавф-хатар пайдо бўлса, маҳаллий аҳоли ёрдамида яшириниб олади. Аммо ҳеч кимдан унинг турган жойи ҳақида маълумот ололмаганмиз. Маълумотлар келиб тушса ҳам, бу ҳолат Намоз жўнаб кетгандан кейин бўлар эди"[9:59-60].

Самарқанд вилояти ҳарбий генерал-губернатори генерал-майор Гескет ҳам бу ҳолатни қуйидагича эътироф этади: "Намоз доимо чопқир отлари ёрдамида таъқибдан қочиб қутиларди. Кўплаб туманлардаги турли қишлоқларнинг аҳолиси унга бошпана берарди, одамлари ва отларига қарашарди. Намознинг соқчилик хизмати аъло даражада йўлга қўйилган. Ҳар ёқда қўриқчи ва даракчилар бор, аҳоли ўртасида, ҳатто Самарқанд шаҳрида ҳам унинг хуфиялари кўп"[10:91].

Бу пайтда Самарқанд вилоятидаги маҳаллий маъмурият орасида ҳам Намоз Ботирнинг тарафдорлари кўп бўлган. Чашмаиоб волостидан Ҳожи Турсун, Ургутдан Мирза Қобил, Даҳбеддан Мулла Ҳамид, Ангордан Ҳикмат Махдум Жунайдуллаев каби бўлис бошқарувчилари (мингбошилар) Намоз Ботирни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлар. Бу ҳолат Туркистон ўлкаси ҳарбий генерал-губернатори Николай Гродековни ҳам жиддий хавотирга солади. Унинг буйруғи билан Намоз Ботирнинг яқин сафдошларининг ишлари бошқа “қароқчилар”дан ажратиб олиниб, хавфли сиёсий маҳкумлар сифатида Тошкент округ судининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчисига топширилади[11:395].

Хуллас, Россия империяси маъмурияти Намоз Ботир гуруҳини тугатишга жиддий киришади. Бу топшириқ Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси полковник Сусанинга топширилди. Унинг ихтиёрига Самарқанддаги миршаб ва аскарлардан ташқари 1-Туркистон казаклар дивизияси ва 2-Уральск полки қисмлари ҳам берилади. Рус маъмурияти Намозга қарши курашда сопини ўзидан чиқариб, маҳаллий жосуслар ва сотқинларга ҳам мурожаат қилади. Ана шундай сотқинлардан бири Ширин Мухамедов бўлиб, у Намоз Ботир гуруҳига кирган ҳамда сардорнинг яқин кишиларидан бирига айланган эди.

Самарқанд вилоятида рус қўшинлари билан Намоз Ботир гуруҳи ўртасида 1907 йил баҳорида шиддатли жанглар бўлган. Айниқса, 28-31 майда бўлган тўқнашувларда Намоз Ботир гуруҳи енгилиб, аввал Жомбой ва Жом чўлига, сўнгра Бухоро амирлиги ҳудудига чекинади. Бироқ русларнинг буйруғи билан амир сарбозлари ҳам Намоз гуруҳига қарши кураш олиб борган. 1907 йил 3 июнь куни Намоз Ботир Бухоро амирлигига қарашли Зиёвуддин беклигидаги Қорача тоғларида (Тошқудуқ қишлоғидан 6 чақирим узоқда), Бухоро қўшбегиси Остонақулбекбийнинг маълумотларига қараганда эса Зиёвуддин беклигининг Эникичик деган жойида ўлдирилган[12:26]. Тинимсиз тўқнашувларда ҳолдан тойган Намоз Ботир ухлаб ётганида ўзининг ёрдамчиси бўлган сотқин қўлида жон таслим қилган. Намоз Ботирнинг жасади унинг йигитлари томонидан ўзи туғилган қишлоғига дафн этиш учун олиб кетилган.

Самарқандда милоддан аввалги IV асрда Искандар Македонскийга қарши қўзғолон кўтарган Спитамен ҳам ухлаб ётганида ана шундай разилликнинг қурбони бўлган. Чингизхон бошчилигида мўғулларга қарши йўлбарсдек олишган Жалолиддин Мангуберди ҳам 1231 йил августда ҳозирги Туркия ҳудудида оғир жангдан кейин ухлаб ётганида бир курд томонидан ўлдирилган эди.

Намоз Ботирнинг яқин сафдошларидан аксарияти қирғинбарот жангларда енгилади. Қўлга тушган ўзбек йигитларидан Шакар Мулла Ҳасанов, Ёрқул Муротов, Узун Элмуродов, Ҳотам Каримов, Узоқ Каримов ва бошқалар кўп муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинади[12:26]. Намоз Ботирнинг яқин дўсти Абдуқодирхўжа 1907 йил 12 августда Мингариқ волостида рус аскарларига қарши жангда ўлдирилади. Каттақўрғонлик Қобилнинг тақдири ҳам 1907 йил декабрда фожиали тугайди.

Намоз Ботир ҳалок бўлса ҳам, 1907 йилдан кейин Самарқанд вилояти ва Туркистоннинг бошқа ҳудудларида Россия империяси мустамлакачилик сиёсатига қарши кўплаб қўзғолонлар ва норозилик чиқишлари бўлиб турган. Масалан, Самарқанд уездида 1907 йили 907 марта “қароқчилик” ҳолати содир бўлган бўлса, 1910 йилга келганда бу миқдор 2228 тага етади[13:103].

Намоз Пиримқулов ўғли ва сафдошлари ишини давом эттирган Даврча бу пайтда Митан ва Ғаллаоролдан ташқари Бухоро амирлигининг Чироқчи, Хатирчи ва Кармана бекликларида миршаблар, рус маъмурияти ва маҳаллий сотқин бойларга қарши шафқатсиз курашади. Икки йил давомида тинимсиз курашган Даврча подшо Россиясининг казаклар отряди билан бўлган жангда 1909 йил 29 августда енгилиб, асир тушишга мажбур бўлади ҳамда қамоққа ташланади[5:29].

Шундай қилиб айтганда, Намоз Ботир ва унинг ёвқур йигитлари жасорати халқимиз қалбида мустақиллик ва истиқлол ғояларини қайта алангалатиб юборди. Намоз Ботир ишлари ва жасорати ўзбек халқи ўртасида достон бўлиб кетган. Халқ бахшиси пайариқлик Нурмон Абдувой ўғли (1862-1940) ўзи бевосита гувоҳи бўлган халқ харакати бошлиғи фаолияти ҳақида

“Намоз” достонини яратиб, халқ ўртасида куйлаб юрганида 1914 йили Каттақўрғон ҳокими томонидан қамоққа олинган. У қамоқда жисмонан майиб (шол) бўлиб қолгач, озодликка чиқади ва достон куйлашни давом эттиради[2:417]. Нурмон бахши куйлаганидек,

Кеча-кундуз юргани дала-дашт бўлди,
Ўттиз йигитларга ўзи бош бўлди,
Николайга неча кун кенгаш бўлди,
То ўлгунча Николай билан ғаш бўлди,
Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда.
Бургутдайин қабоғини уйгандир,
Бор кучини билагига йиққандир,
Тўрт ҳокимга[6] ўзи ёлғиз чиққандир,
Намоздайин валломат ўтди жаҳонда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев (1937-2021) совет даврида яратган “Қасоскорнинг олтин боши” (1980) тарихий романида Намоз Ботир сиймосини жонлантиргани учун анча тазйиққа учради. У роман ёзиш учун тўплаган тарихий маълумотлар номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилади. Самарқанд зиёлиларидан Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода (1868-1948) Намоз Ботирни яхши билган ҳамда у ҳақида “Намоз” романини ёза бошлаган. Ўз вақтида севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ҳам Намоз Ботир ҳақида роман ёзмоқчи бўлиб, Самарқандга борган ҳамда ботирнинг ўша пайтда тирик бўлган опаси Улуғой билан учрашган эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. *Икромов Ў*. Намоз Ботир ким бўлган? // “Oqdaryo ovozi”. 2019 йил 22, 29 август, 5 сентябрь.
2. *Мирзаев Т*. Нурмон Абдувой ўғли // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 6. – Б. 417.
3. *Муродова Ш*. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги озодлик ҳаракатлари тарихи (Самарқанд вилояти мисолида). Тарих фанлари номзоди... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. – Б. 18-19.
4. *Норқулов Н.* Намоз Пиримқул ўғли // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 6. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.262.
5. Ҳайдаров Х. Жиззах тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – Б. 29.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.392-393.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Б. 393.
8. Ўзбекистон Миллий архиви, И-130-фонд 1-рўйхат, 2931-иш, 64-варақ.
9. Ўзбекистон Миллий архиви, И-17-фонд, 1-рўйхат, 14346-иш, 59-60-варақлар.
10. Ўзбекистон Миллий архиви, И-17-фонд, 1-рўйхат, 2968-иш, 91-варақ.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Б. 395.
12. Ўзбекистон Миллий архиви, И-18-фонд, 1-рўйхат, 2193-иш, 26-варақ.
13. Ўзбекистон Миллий архиви, И-18-фонд, 1-рўйхат, 2193-иш, 26-варақ.
14. Ўзбекистон Миллий архиви, И-18-фонд, 1-рўйхат, 2194-иш, 103-варақ.


[6] Нурмон бахши тўрт ҳоким деганда Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах, Хўжанд уездлари губернаторларни, яъни ҳокимларни кўзда тутмоқда.

## СОЧИНЕНИЕ ДЖАМАЛА АЛ-КАРШИ «АЛ-МУЛХАКАТ БИ-С-СУРАХ» И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В ИСТОРИИ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ И КАЗАХСТАНА

**Ш.Вохидов**
доктор исторических наук, профессор
(Таджикистан)

Аннотация. Статья посвящается произведению Джамала Карши (ум. в начале VIII/XIV в.) «Мулхакат бис-Сурах» (Прибавления к словарю «Сурах»). Данное сочинение Джамала ал-Карши является единственным мусульманским трудом исторического содержания, составленным на территории улуса Чагатайа (1227–1370), в эпоху правления Чапара, сына Кайду. Именно поэтому он имеет важное значение для освещения истории и культурной жизни Средней Азии, Казахстана и Восточного Туркестана в монгольский период (1218–1370). Автором статьи осуществлена описание списков данного труда, введение к изданию текста оригинала и перевод с комментариями. Статья представляет презентационное значение.

Ключевые слова. Монголы, каан, хан, словарь, историческое произведение, Джамал Карши (укращение дворца), Средняя Азия, Казахстан.

## JAMAL AL-KARSHI'S ESSAY «AL-MULHAKAT BI-S-SURAKH» AND ITS SIGNIFICANCE IN THE HISTORY OF PEOPLES OF CENTRAL ASIA AND KAZAKHSTAN

**Sh. Vokhidov**
Doctor of Historical Sciences, Professor
(Tajikistan)

Abstract. The article is dedicated to the work of Jamal Karshi (d. At the beginning of the VIII/XIV century.) «Mulhakat bis-Surah» (Additions to the dictionary «Surah»). This work of Jamal al-Karshi is the only Muslim work of historical content, compiled on the territory of the Chagatai ulus (1227-1370), during the reign of Chapar, the son of Kaidu. That is why it is important for covering the history and cultural life of Central Asia, Kazakhstan and East Turkestan during the Mongol period (1218-1370). The author of the article described the lists of this work, an introduction to the publication of the original text and a translation with comments. The article represents the presentation meaning.

Keywords. Mongols, Kaan, Khan, dictionary, historical work, Jamal Karshi (decoration of the palace), Central Asia, Kazakhstan.

Сочинение Джамала ал-Карши (ум. в начале VIII/XIV в.) «ал-Мулхакат би-с-сурах» является единственным мусульманским трудом исторического содержания, составленным на территории улуса Чагатайа (1227–1370), в эпоху правления Чапара, сына Кайду. Именно поэтому он имеет важное значение для освещения истории и культурной жизни Средней Азии, Казахстана и Восточного Туркестана в монгольский период (1218–1370). По своему содержанию «ал-Мулхакат би-с-сурах» – разножанровое сочинение, написанное на арабском языке. Лишь некоторые его части составлены на персидском языке. В нем мы находим историко-географические сведения, разделы по истории ислама, мусульманских династий в Мавараннахре (Ма вара' ан-нахр, Трансоксиана) и Кашгаре, коранистике, истории древних пророков, автобиографические заметки, воспоминания автора о своих современниках, а также краткий очерк по грамматике арабского языка (по части лексикографии, двойственного и множественного числа имен существительных). Несмотря на свое значение для специалистов в разных отраслях науки, этот памятник до сих пор неиздан в полном объеме. Всего на сегодняшний день известны три его списка.

Первое упоминание об этом источнике мы находим в «Та'рих-и Рашиди» Мухаммад-Хайдара (905–958/1499–1551) [1]. Из исследователей впервые на источник обратил внимание Н.

Ф. Петровский [2], который узнал о нем у местных ученых мусульман и дав ему произвольное название «Прибавления к словарю «ас-Сурах мин ас-сихах». Как известно, Джамал ал-Карши создал свое первое произведение – арабско-персидский словарь «ас-Сурах мин ас-сихах» на базе знаменитого арабского словаря «ас-Сихах», составленного в 398/1008 году среднеазиатским ученым из Фараба Абу Насром Исма‘илом ибн Хаммадом ал-Джаухари. Ал-Карши ознакомился с этим сочинением в Кашгаре при посещении библиотеки своего учителя Бурхан ад-дина. Он решил переделать его в двуязычный толковый арабско-персидский словарь, назвав его «ас-Сурах мин ас-сихах». Этот труд, по свидетельству самого автора, был завершен во вторник, 10 дня месяца сафар 681/27 мая 1282 г. в Кашгаре. Списки данного сочинения многочисленны, существуют также несколько литографических изданий, осуществленных в Индии и Иране. В дальнейшем к словарю Джамал ал-Карши «ас-Сурах мин ас-сихах» был составлен ряд дополнений и комментариев[3].

Несколько позднее сам автор – Джамал ал-Карши решил приложить к своему первому труду «ас-Сурах мин ас-сихах» примечания (мулхакат), которые помогли бы читателю адекватно понять соответствующие места словаря. Они носили разнообразный характер, и получив отдельное название «ал-Мулхакат би-с-сурах», со временем превратились в самостоятельное сочинение. Как свидетельствуют списки «ал-Мулхакат би-с-сурах», данное сочинение часто переписывалось и, в отдельном томе, и получило широкое распространение.

Наличие в названии сочинения слова «примечания» (мулхакат) сперва навело исследователей истории Средней Азии на мысль о том, что этот важный источник следует искать на полях списков первого сочинения автора – «ас-Сурах мин ас-сихах». Несколько лет спустя после появления заметки Н. Ф. Петровского, другой русский востоковед барон В. Р. Розен (в примечании к статье Петровского) указал по каталогу Эте на оксфордский список «ас-Сурах», который имел какие-то глоссы на полях [4]. В 1895 году, по указанию барона В. Р. Розена, В. В. Бартольд, находясь в Оксфорде, осмотрел эту рукопись. Однако, как позднее отметил В. В. Бартольд, глоссы на полях этой рукописной книги не имели ничего общего с теми «Прибавлениями», о которых упоминалось в «Та’рих-и Рашиди». Тот же барон В. Р. Розен также высказал надежду, что со временем найдется другая копия «ас-Сурах» с искомыми прибавлениями, может быть, в Средней Азии [5].

Наконец в 1897 году в Азиатский музей Императорской Академии наук (ныне Санкт-Петербургский филиал Института востоковедения Российских Академии наук – СПб. Ф ИВ РАН) поступил первый список «ал-Мулхакат би-с-сурах». Он был передан туда М. С. Ан-дреевым через В. П. Наливкина[6]. Рукопись была приобретена в Самарканде в 1897 году [7]. Данный список, получивший шифр В-514, был переписан Шараф ад-дином ибн мулла Нур ад-дин Фархадом Андиджани в начале джумада I 1066/феврале-марте 1656 года [8]. Он был активно и плодотворно использован В. В. Бартольдом при написании своего классического труда «Туркестан в эпоху монгольского нашествия» [9].

В своей специальной статье «Мулхакат ас-Сурах» В. В. Бартольд дает краткое описание данного списка и некоторые скудные данные из биографии автора «Прибавлений». Он смог идентифицировать автора, указав при этом лишь на его прозвище – «ал-Карши». Проанализировав «ал-Мулхакат би-с-сурах» на основе единственного дефектного списка, В. В. Бартольд установил его важное значение для изучения истории Центральной Азии и ценность приводимых в нем историко-географических сведений. В конце своей публикации он высказал надежду, что «было бы очень желательно со временем отыскать еще другую, более полную рукопись «Прибавлений» [10].

Фрагменты «ал-Мулхакат би-с-сурах», содержащие сведения по истории и географии Центральной Азии (около 30% от всего объема произведения), были изданы В. В. Бартольдом в составе его вышеупомянутой монографии (Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Часть первая. Тексты. СПб., 1898. С. 128–153), на основе одного единственного в то время списка. В этой связи В. В. Бартольдом были допущены отдельные пробелы и неточности. Например, издатель не обратил внимания на те части сочинения, которые требовали более детального и внимательного подхода. Видно, что главной задачей исследователя было извлечение из источ-

ника данных историко-географического характера по его теме. При этом огромный пласт материалов историко-культуроведческого, религиозного и био-библиографического характера остались невостребованными. По нашему мнению, в этом ему помешало дефектное состояние рукописи. Также остался вне внимания исследователя важный пласт – словарная часть «Прибавлений». Она содержит в себе живую лексику, употреблявшуюся народами Мавараннахра и Хурасана в XIII–XIV веках, которая до сих пор не потеряла своего значения для исследователей. Видимо, он не осмелился приступить к такому сложному лексикографическому исследованию. Сложность этой части сочинения состоит также в том, что большинство представленных слов, имели иранские корни и перешли в арабский язык в видоизмененной форме. Для осуществления издания этой части «Прибавлений» требовалось бы хорошее знание особенностей местных языков и диалектов. Нужно заметить, что на материале этого словаря можно проследить историческую эволюцию многих слов, словосочетаний, имен нарицательных и терминов.

В. В. Бартольд не обратил внимания на те части сочинения, где речь шла о древних пророках, генеалогии пророка Мухаммада (ум. в 632 г.), истории ислама до периода правления Караханидов. Осталась не изданной грамматическая часть. Эта часть «ал-Мулхакат би-с-сурах» имеет значение не только для филологов, но и для историков, востоковедов.

В 1902 году во время научной командировки В. В. Бартольду в ферганском городе Маргилане удается приобрести для Азиатского музея (ныне СПб Ф ИВ РАН) второй список «ал-Мулхакат би-с-сурах» (год переписки – 1831) у переводчика Ферганского областного управления Ю. К. Казбекова [11]. На основе второго списка исследователь дополняет свои прежние наблюдения [12]. Важно отметить, что этот список содержит в себе полный текст сочинения. Несмотря на представившуюся возможность В. В. Бартольд, по неизвестным нам причинам, не осуществил издания полного текста «ал-Мулхакат би-с-сурах». Данный список под шифром С-286 ныне хранится в фондах Санкт-Петербургского филиала Института востоковедения РАН (СПб Ф ИВ РАН) в составе сборной рукописи[13]. Можно предположить, что позднее обнаружение второго, более полного списка «ал-Мулхакат би-с-сурах», не позволило ученому выполнить научное издание текста.

Критический текст оставался не осуществленным и в дальнейшем. Когда ленинградская исследовательница Р. Ш. Шарафутдинова приступила к переводу «ал-Мулхакат би-с-сурах» на русский язык, она, к сожалению, в качестве опорного текста выбрала изданные В. В. Бартольдом извлечения. Хотя у нее были прекрасные шансы составить критический текст с привлечением двух петербургских списков. Она опубликовала переводы извлечений в 1989 году в Ташкенте с коротким введением и примечаниями [14]. К сожалению, исследовательница, во-первых, воспроизвела уже допущенные прежде ошибки, во-вторых, многие места текста, специальные понятия и религиозные термины, иносказания и региональная специфика лексики, вычурный, витиеватый стиль изложения автора до конца не осознаны переводчиком.

Некоторое время спустя появились статья и кандидатская диссертация А. Саидова, написанные исключительно на основе известных нам извлечений из «ал-Мулхакат би-с-сурах», опубликованных В. В. Бартольдом [15]. Они носят вторичный характер и, к сожалению, не заключают в себе новой информации ни об источнике, ни о его авторе.

Наманганский список «ал-Мулхакат би-с-сурах». Представляемый впервые в этой книге третий список «ал-Мулхакат би-с-сурах» был обнаружен в городе Касансай Наманганской области Республики Узбекистан неким продавцом рукописными книгами и антиквариатом по имени Раʻна. Вместе с этой книгой, у неизвестного лица ею были приобретены остальные 50 томов арабографичных рукописей. Не знакомая с арабографичной письменностью Раʻна предполагала, что передает нам очередную копию известного труда по мусульманскому праву (фикх) ʻУбайдаллаха ибн Масʻуда ибн Тадж аш-Шариʻа ал-Махбуби ал-Бухари (ум. в 747/1346 г.) «Мухтасар ал-виКайа». В Ташкенте, с большим интересом рассматривая наше новое приобретение, мы заметили, что данный список вложен в переплет другого сочинения. В целом состояние рукописи довольно плохое. В результате тщательного осмотра было установлено, что перед нами неизвестный доселе науке новый список сочинения «ал-Мулхакат би-с-сурах»

Абу-л-Файла Мухаммада ибн ‘Умара ибн Халида, по прозвищу Джамал ал-Карши.

Данный список по месту обнаружения был нами назван «Наманганским». Рукописная книга обладает следующими кодикологическими данными: без переплета, сильно растрепанная, ее объем – 39 листов (лл. 1а–39б). Размеры бумаги 28х18 см; размеры исписанного пространства 18,5х14 сантиметров. Чернила черные. Заглавные слова и названия глав записаны киноварью. Начало списка (всего 13 листов), переписано (или восстановлено), скорее всего, в XIX веке, на шелковой лощеной бумаге почерком наста‘лих. Последующие листы до самого колофона сочинения переписаны почерком насхи. Переписчиком назван Мухаммад…‘Али (Балхи?). Кто-то из читателей, по неизвестным нам причинам, стер имя отца переписчика. Далее сохранилась запись, гласящая, что книга переписана в медресе (мадраса) ‘Азизан [16] в 1043/1633–1634 году. В конце рукописи мы находим еще одну благопожелательную сентенцию в адрес автора «Прибавлений». Благопожелания принадлежат перу Хашима ибн Шафи‘а ибн Хурда ибн Ибн-Йамина ал-Каӥи аш-Шаши. Дата и место составления стихов – 1038/1628–1629 год, г. СамарКанд. Переписчик сопровождает собственное имя эпитетом «самый ничтожный из студентов» (аӥ‘аф ат-туллаб). На л. 37б записаны несколько хадиѳов и задач по фихху, и на лл. 38а–39б приводится начало рассказа о Шайхе Сан‘ане, ученике Шайха Мафтуха, современнике Фарид ад-дина ‘Аттара. Все эти части (лл. 37б–39б) были записаны в более позднее время.

Таким образом, различные части нашего сочинения были переписаны в разное время. Окончательно текст был восстановлен в XIX веке. Первый лист в верхней части имеет дефекты: крупное отверстие на листе сделало нечитабельными начальные шесть строк. Здесь же имеются два темных пятна, образовавшиеся под влиянием влаги.

На полях некоторых листов имеются дополнения и комментарии переписчика/переписчиков, которые мы при издании решили сохранить в сносках под основным оригинальным текстом.

Отличительными чертами наманганского списка «ал-Мулхакат би-с-сурах» является то, что он в начале имеет в алфавитный указатель персидских слов, вошедших в арабский язык. В дальнейшем тексты трех списков почти совпадают. В конце Наманганский список, в отличие от двух других, содержит подробную информацию об истории составления дополнений к основному сочинению. После нее следует заключение – благопожелание автора к своему словарю, отсутствующее в других списках. Колофон включает еще две касиды: первая – Хусайна ибн Мухаммада ибн ‘Абд ал-Малика ал-Мараги, и вторая – Абу-л-Махамида ибн Мас‘уда ал-Худси. Обе они посвящены автору и его словарю. Примечательно, что они отсутствуют в остальных известных списках и изданиях «ас-Сурах».

Автор сочинения. Его полное имя мы узнаем из вступительной части издаваемого сочинения – Абу-л-Фаӥл Мухаммад ибн ‘Умар ибн Халид. Однако, в научной литературе он более известен под своим прозвищем Джамал ал-Карши («украшение дворца»; «Карши» от монгольского слова «дворец»; здесь имеется в виду «человек, приближенный ко двору»). Он родился в Алмалихе в 628/1230–1231 году. Это было время правления местного владетеля Сигнах-текина, сына Бузара, умершего в 648/1250–1251 году. По сведениям автора «Та’рих-и Рашиди», его отец был одним из хафизов (‘алим, знающий наизусть Коран и более 20 тысяч преданий-хадиѳов) города Баласагуна, а его мать происходила из Мерва, и принадлежала к потомкам шайха Абу ‘Али-шаха. В своем сочинении Джамал ал-Карши пытается выпячивать факты покровительства, оказанные ему правителями его времени. Ему доверяли воспитание царевича Ил-Бутара, сына Сигнах-текина, и монгольской принцессы Булган-Бики (потомка Джучи/Туши). Именно близостью к правящей династии наш автор обязан своим прозвищем «ал-Карши».

Сам автор, в своем сочинении, упоминая Бузар-хана ал-Алмалихи, перечисляет его сыновей, отдельно выделяя Сигнах-текин.

Джамал ал-Карши получил начальное образование в Алмалихе у Хабаша ‘Амида ал-Кармини ал-Бухари ал-Иларгури. Последним он был рекомендован новым наставникам в лицах Ахмада ибн Аййуба ибн Ахмада ал-Баласагуни и автору сочинений «ал-Мунйа» и «ал-Арба‘ун» Рашид ад-дин Абу-л-Фаӥа’ил Мухаммад ибн Аби Бакр ар-Рашиди ал-Абиварди (умер

в 646/1247–1248 г.), известному под прозвищем «ал-‘Ахраб» (Скорпион)». С его помощью он поступил на службу к султану Махмуду аз-Завули, правителю Газны и Герата.

Джамалу ал-Карши не было еще и 12 лет, когда он начал обучаться у Ашрафа ибн Наджиба ибн Мухаммада ал-Касани (ум. в Кашгаре в мухарраме 659/декабре 1260 – январе 1261 г.). В течение нескольких месяцев 646/1248–1249 года Джамал ал-Карши обучался у Бадр ад-дина Мухаммада ал-Фарахи. Затем наш автор, после своего переселения в Алмалих из Балха, учился у Шамс ад-дина Абу Джа‘фара Тахира ибн Аби-л-Ма‘али ал-Хусайни ал-Балхи.

Покровителями ал-Карши в разное время были Зарбахш ал-Бахарзи (вместе с которым он совершил паломничество в Мекку), шайх ал-ислам Бади‘ ад-дин, умерший после того, как наш автор покинул Алмалих, Амир Хайдар ал-Мутаййаб – известный в те времена ученый и лекарь (табиб). Кроме них нашему автору покровительствовал садр Худжанда и его окрестностей ас-саййид Бурхан ад-дин ал-Мухри’ ал-Худжанди, которого ал-Карши впервые встретил в Алмалике и обучался у него в течение нескольких месяцев 670/1271–1272 года.

При содействии садр Бурхан ад-дина, он получает место в государственной канцелярии (диван ал-инша’ ва-л-китаба). Но в конце 662/1264 года, как это установил В. В. Бартольд, Джамал ал-Карши переехал в Кашгар. На следующий год за ним последовал и сам садр Бурхан ад-дин.

В Кашгаре Джамала ал-Карши встретили два шайха – Шамс ал-Афаӣил ал-Му‘иззи и Бурхан ад-дин ‘Алим ал-Бухари, которые привели его к кашгарскому садру Камал ад-дину Абу ‘Абдаллаху ал-хусайну ибн ал-Музаффару ал-Балади аш-Шайбани. Сын последнего – Са‘д ад-дин побудил Джамала ал-Карши написать «Прибавления к «ас-Сурах».

Джамал ал-Карши вспоминает о своих встречах с наместником Бурхан ад-дином ал-‘Ала’, с ученым ал-Мухри, Джалил ал-Мулком Джамал ад-дином – правителем Худжанда, шайх ал-исламом Наджм ад-дином ас-садри ас-сахиби и его братом амиром Маджд ад-дином, сыновьями вазира садр ад-дина ас-сахиба. Во время своей второй поездки в Худжанд в месяце мухаррам 688/январе-феврале 1289 года он встретился с ДихКаном ×ази, автором глосс к тафсиру известного ученого Хусам ад-дина ал-‘Али’абади. В этой же его поездке через Худжанд он навещает своего покровителя, шайха Фахр ад-дина ал-Джавалихи.

Круг собеседников Джамала ал-Карши составляли такие ученые, как Мухаммад ибн Мухаммад ибн Мухаммад ал-Хубави, Джамал ад-дин ал-Харави ал-Иламиши, Тадж ад-дин ар-Раӣи ас-Сарви аш-Шаристани [Шахристани], шайх ал-ислам Хусам ад-дин Абу-л-Махамид Хамид ибн ‘Асим ал-‘Асими ал-Барчинлиги, шайх Камал ад-дин ал-Хваразми ас-Сигнахи, Шайð Баба, ученик Наджм ад-дина ал-Кубра (впоследствии Джамал ал-Карши сочинил стихи для написания на его надгробной эпитафии), Абу Хафс ‘Абдаллах ибн ‘Али ал-Кашгари ал-Ханакахи, Хасан ибн Мухаммад ибн ‘Абд ал-Малик ал-Мараги (который родился в Мерве и стал известным под прозвищем Хусам ал-Мараги), Саййид Рушнайи ал-Марвази и другие.

Из сообщений ал-Карши мы узнаем, что в 671/1272–1273 году правителем Ташкента был Кадир-Малик, и наш автор знал его супругу и сыновей, в том числе, будущего наместника Шаша ‘Ала’ ад-дина. В 693/1293–1294 году уже правил в Шаше Нусрат ад-дунйа Пахлаван-Махмуд ибн ‘Ала’ ад-дин, известный под прозвищем Саййид Кунда-Паз/Баз ас-СамарКанди, затем ал-Алмалиги. Этот правитель был родственником Джамала ал-Карши.

Во второй половине VII/XIII века он много путешествовал как в частных целях, так и по торговым делам. В 668/1269–1270 году он уже побывал в ал-Ламише [17], в 671/1272–1273 году – в Шаше, в 672/1273–1274 году – в Барчканте (Барчинлиг, находится в низовьях Сирдарьи) и в Дженде. Шаш он посетил вторично в 693/1293–1294 году. И потом еще раз по делам своего сына, по нашему мнению, жившего здесь, он бывал в этом городе. Он неоднократно посещал и Худжанд.

О мировоззрении автора свидетельствует его занятие тазкир [18] – проповедью, которая практиковалась в суфийских братствах того времени – Йасавийа [19], Хваджаган[20] и Кубравийа [21], среди последователей известных шайхов. Но, Джамал ал-Карши не приводит подробных сведений о лидерах этих братств и их последователей, признавая, однако, их в качестве шайхов.

Ўзбекистонда мелиорация, ирригацияни ривожлантириш ва янги ерларни ўзлаштириш, аграр ишлаб чиқаришни механизациялаш, шахсий томорқа хўжалигини кучайтиришни ташкил этиш бўйича бошланган кенг кўламли  ишлар ўзининг ижобий натижаларини берди. Шу тариқа аграр соҳа ялпи маҳсулотининг ҳажми 1965-1985 йиллар мобайнида амалда икки баробарга ошди [2]. Натижада жанубий областларнинг аграр соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи 1980 йилда Сурхондарё областида 523 минг тонна пахта, 217,2 минг тонна дон, 151,0 минг тонна сабзавот, 10,7 минг тонна картошка 55,7 минг тонна полиз, 35,5 минг тонна ҳўл мева ва 30,0 минг тонна узум етиштирилди [3].

Шунингдек, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш, ҳосилдорликни ошириш янги навлар яратиш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Селекциячи олимлар нафақат пахтанинг балки, шоли, буғдой, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг янги анча маҳсулдор навларини яратдилар.

Жумладан, Сурхон воҳасида буғдой ва арпанинг “Толмас”, “Сурхон-5688” “Узрос-7-13”, “Санзар-4”, “Санзар-8” каби навлари экилди. Шунингдек, областда маккажўхори ва оқжўхорининг гибрид уруғларини етиштириш билан 1 та элита хўжалиги, шоли етиштириш билан 2 та уруғчилик хўжалиги, лалмикор ерлар учун буғдой ва арпанинг юқори ҳосил берадиган элита уруғларини етиштириш билан эса 2 та хўжалик шуғулланди. Кўрилган барча чора-тадбирлар, қишлоқ аҳлининг тинимсиз бунёдкорона меҳнати натижасида сабзавот, полиз экинлари, мева ва узум етиштириш маълум даража кўпайди, уларни етиштириш билан 3 та ихтисослашган колхоз ва 6 та совхоз шуғулланди ваҳоланки шу даврда  53 та колхоз, 91 та совхоз пахта етиштириш билан шуғулланар эди[4].

Натижада Сурхондарё области аграр соҳасида ҳам пахта якка ҳокимлиги йил сайин ўсиб борди. Масалан, 1970 йилда областда 217,4 минг гектар ерда деҳқончилик қилинди, шундан

66,8 минг гектарида донли экинлар, 119,3 минг гектарида картошка ва полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 1985 йилга келиб эса областда 273,7 минг гектар ерга экин экилди, шундан; 62 минг гектарини донли экинлар, 150,0 минг гектарини пахта 11,3 минг гектарини эса картошка ва полиз маҳсулотлари ташкил этди[5]. Лекин воҳа деҳқонларининг тинимсиз меҳнатининг эвазига областда нафақат пахтадан балки бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳам мўл ҳосил олинди.

Чунончи 1970-1985 йилларда областда ялпи дон етиштириш 50,5 минг тоннадан 135,6 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 45,1 минг тоннадан 70,6 минг тоннага, маккажўхори- 4,7 минг тоннадан 30,8 минг тоннага, сабзавот 35,4 минг тоннадан 202,7 минг тоннага, шоли-112 минг тоннада 29,3 минг тоннага ҳўл мева 25,5 минг тоннага, узум 20,8 минг тоннадан 77,2 минг тоннага ўсди[6]. Республика раҳбарияти пахта бўйича режани қисқартириш масаласини иттифоқ раҳбарияти олдига мунтазам равишда қўйиб келганига қарамасдан, марказнинг пахтага бўлган талаби йилдан йилга ориб борди, ушбу талабни қондириш ниҳоятда мушкул бўлиб, ҳаётий ҳақиқатдан анча йироқ эди. Ўша йилларда республикадаги бутун ташкилий ва сиёсий ишлар бевосита пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги давлат топшириқларини бажаришга қаратилди. Пахтадан мўл ҳосил олиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, марказдан туриб белгиланган улкан пахта топшириш режасини бажариш учун республика раҳбарияти қўлидан келган барча ишни қилди. Хусусан қишлоқ хўжалигини механизациялаш, кимёлаштириш, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини қисқартириб бўлсада пахта майдонини кенгайтириш каби ишлар шулар жумласидан эди. Пахтадан мўл ҳосил олиш, қишлоқ хўжалик заракунандаларига қарши курашиш мақсадида далаларга меъёридан ортиқ даражада минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий перепаратлар қўлланила бошланди.

Биргина 1960 йилнинг ўзида Сурхондарё областида 1 гектар ерга 10 кг дан зиёд заҳарли препарат қўлланилди. 1964 йили Қашқадарё областида эса 1 гектар ерга 14,3 кгдан заҳарли кимёвий моддалар сепилди. Ваҳоланки илмий асосланган меъёрларга кўра 1 гектар ерга сепиладиган кимёвий моддалар миқдори 1 килограмга яқин бўлиши лозим[7]. 1971 йилга келиб эса Қашқадарё областида ҳар бир гектар ерга 40-50 кг дан заҳарли кимёвий моддалар сепилди [8]. Оқибатда тупроқнинг таркиби жиддий тарзда бузилиб, сувда, ҳавода, тупроқда заҳарли моддалар миқдори йил сайин ортиб борди. Вазият шу даражага етдики ҳатто оналар сути таркибида ҳам заҳри қотил бўлган пецитицидлар мавжудлиги аниқланди. Қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан аёвсиз тарзда фойдаланиш нафақат атмосферани ифлослантирди балки аҳоли саломатлигига ҳам жиддий зарар етказди. Шеробод туманининг Хитой қишлоғида яшовчи Ражаб бобо Пардаевнинг эслашича 1978 йилда Шеробод тумани В.Қодиров номидаги совхоз ишчиларидан 2 нафар агроном, 4 нафар тракторчи ва 6 нафар сувчи ғўза майдонларига гексохлоран препаратини қўллаш жараёнида заҳарланган ва шундан 2 нафари вафот этган[9].1989 йилда эълон қилинган маълумотларга кўра Республикада туғилган ҳар минг боладан 40 таси, Сурхондарёда 60 таси, Қашқадарёда эса 65 таси вафот этаётганлиги ҳам бевосита минтақадаги экологик танглик билан боғлиқ эди. Қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий моддаларни аёвсиз қўллаш болаларнинг нормал ўсишига ҳам жиддий зарар етказди. 1990 йилда Қашқадарё областининг Марказий болалар шифохонасида 12860 нафар боланинг 80 фоизи гипотрофия ёки улардан 13 нафари эса ушбу касалликнинг оғир шакли билан касалланганлиги қайд этилган[10].

Янги ерларни ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган айрим хатолар хусусан ўзлаштирилган ерларда дренаж ва коллектер тизимларининг сифатсиз бажарилишида, режа изидан қувиб, янги ерларни ўзлаштиришда шошмашошарлик билан палапартиш ҳаракат қилишлар оқибатида жанубий областларнинг айрим ҳудудларида ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, шўрланиш даражаси йилдан йилга ортиб борди.

Мисол учун 1987 йил Қашқадарё областида кучли шўрланган ерлар 51 минг гектарни, ўрта шўрланган ерлар 37 минг гектарни ташкил қиларди. Миришкор канали атрофидаги ерларда ниҳоятда оғир аҳвол рўй берди. Бу ерларда ер ости сувини чиқариб юбориш масаласи ҳал қилинмаганлиги учун ер ўта даражада захлаб кетди. Қолаверса қурилиш бошқармаси

томонидан ўзлаштирилган ерлар сифатсиз тарзда топширилди. 1987 йилнинг 1 январига қадар бу ерларда қурилмаган коллекторлар 117 кмни, тугалланмаган ёпиқ дренажлар 754 кмни, чала қурилган суғориш тизимлари 84 кмни ташкил этарди. Қарши магистрал каналининг қурилиши охирига етказилмаганлиги туфайли Косон районида коллектор ва дюкерлар қурилмай қолди. Бой терак, Пўлати коллекторлари ишламади. Ҳар йили режадаги 12 минг километр коллекторларни тозалаш ўрнига 2-3 минг километр коллектор тозаланди[11].

Оқибатда ернинг ҳосилдорлиги пасайиб шўрланиш даражаси ошиб борди. 1987 йилда Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 2,5млн гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 2,2 млн гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер 671 минг гектари ҳайдаладиган ерлар, 1,4 млн гектар ер эса яйловларни ташкил этарди. 1976 йилда областдаги суғориладиган ҳар бир гектар ердан 714 рубллик маҳсулот олинган бўлса, 1986 йилга келиб бу кўрсаткич 639 рублга тушиб қолди. 1976 йили ҳар бир гектардан 28,4 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, 1986 йилга келиб 14,3 центнерга тушиб қолди. Бунинг устига 35 минг гектар суғориладиган ер фойдаланилмасдан шўр босиб қолди[12].

Бироқ бевосита Марказнинг топшириғи асосида республикада пахта етиштириш суръатлари сунъий тарзда ошириб борилди. Натижада унинг ялпи ҳосили 1946-1985 йилларда 5,5 баравар ортди. Чигит экиладиган майдонлар эса 841 минг гектардан 1989,8 минг гектарга етди[13]. XX асрнинг 80-йилларнинг ўрталарига келиб республика қишлоқ хўжалигида пахта экиладиган майдонлар салмоғи жами экин майдонлар миқдорининг 75 фоиз жанубий областларда эса ундан ҳам ошиб кетди[14].

Ўзбекистон аҳлининг пахта якка ҳокимлигининг оғир асоратларидан тинкаси қуриб, пахта етиштиришнинг барча имкониятлари тугаган ва режа-топшириқлари нореал тус олган бир шароитда марказ ҳар йили пахта етиштиришни доимий тарзда кўпайтириш юзасидан топшириқ бериб борди. Масалан, 1979 йилда Ўзбекистон давлатга 5 млн 850 минг тонна, 1981 йилда 6 млн тонна пахта топшириши лозим бўлгани ҳолда, 1982 йилда Брежнев 6 млн 300 минг тонна пахта топширишни таъминлаш вазифасини қўйди[15]. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов ушбу жараённи изоҳлаб шундай ёзган эди: "Қачонлардир Ўзбекистон мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаши зарур, деган фикр кўндаланг бўлиб қолди. "Оқ олтин" ниҳоятда шавфқатсиз усуллар билан қўлга киритила бошлади. Бу йўлга ўтмаганларни вазифасидан четлатишди ва йўқотишди, уларнинг ўрнига "етиб оламиз ва ўзиб кетамиз", "беш йилликни икки йилда қойиллатамиз, дея итоаткорана қўл қовуштириб турадиганлар танланди. Фақат дераза токчаларию томларга пахта экилмади, холос. Биз пахта мустақиллигини таъминладик. Ўзимиз эса қарам иқтисодиётга эга бўлиб қолдик"[16]. Совет ҳукуматининг нотўғри иқтисодий сиёсати туфайли иттифоқ иқтисодиёти XX асрнинг 80-йилларга келиб боши берк кўчага кириб қолди.

Ижтимоий-сиёсий соҳа ниҳоятда таранглашди, иқтисодиёт бир жойда депсиниб қолди. Шундай шароитда Москва муаммонинг илдизини бошқарувнинг маъмурий зўравонлик тизимидан ахтаришнинг ўрнига маҳаллий республикалар фаолиятидан топишга ҳаракат қилди. 1983 йилда Ўзбекистон Компартияси биринчи секретари Ш.Рашидовнинг вафотидан кейин республикада алғов-далғов даври бошланди. Марказ кўрсатмаси билан "Рашидовчилик", "пахта иши", "ўзбеклар иши" каби сохта айбномалар ўйлаб топилиб, қама-қамалар авж олдирилиб, қатағонларнинг янги даври бошланди. "Ўзбек иши" ва "пахта иши" сифатида амалга оширилган қатағонлар халқимизнинг бошига чексиз ситамлар солди. Кўплаб кишилар ноҳақ қамалди уларнинг айримлари авахталарда жон таслим қилди. Уларнинг яқинлари, оила аъзолари сиқувга олинди "ўзбек иши" деб аталган туҳмат ва қатағонлар шундайига ҳам аҳволи оғирлашиб бораётган халқнинг бошига яна катта-катта кулфатлар ёғдирди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Узбекистан за годы одиннадцатой пятилетки (1981-1985 гг.) Статистический сборник. – Ташкент, 1986. – С .119.

2. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б.293.
3. Турсунов С ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: “Шарқ”. 2001. – Б.256.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рақам, 382-иш, 76-варақ.
5. Узбекистан за годы одиннадцатой пятилетки (1981-1985 гг.) Статистический сборник. – Ташкент, 1986. – С .143
6. Турсунов С ва бошқалар Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: “Шарқ”. 2001. – Б.257.
7. Пардаев Т.Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва унинг экологик салбий оқибатлари тарихидан лавҳалар (1960-1970 йй). – Тошкент : “Фан”. 1996. – Б.9.
8. Ленин байроғи 1972 йил 6 январь.
9. Пардаев Ражабдан 2018 йил 31 май куни ёзиб олинган маълумот.
10. Пардаев Т.Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва унинг экологик салбий оқибатлари тарихидан лавҳалар (1960-1970 йй). – Тошкент : “Фан”. 1996. –Б .15.
11. Худойқулов М. Қарши чўли. – Тошкент: “Шарқ”. 1998. – бб.273-274.
12. Қашқадарё ҳақиқати газетаси. 1987 йил 15 сентябрь.
13. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. - С.102; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. – Ташкент, 1986. – С .103.
14. Ризаев С. Шароф Рашидов. Штрихи к портрету. – Ташкент, 1992. – С. 273.
15. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б.303-304.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2011. – Б. 285-286.

# РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ (XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ. ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАР МИСОЛИДА)

**Холмуминов Ҳусан Эшмуминович**,
Термиз давлат университети жаҳон тарихи
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

**Аннотация:** Ушбу мақолада Россия империясининг мустамлакачилик ҳамда кўчириш сиёсати ва унинг Ўзбекистон жанубий воҳаларидаги аҳоли демографик жараёнларга таъсири масалалари ёритилган, таҳлил этилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар: Демографик жараёнлар, Росссия империяси** *сиёсати, темир йўллар, пахтачилик саноати, савдо-иқтисодий алоқалар, кўчириш сиёсати, рус-тузем мактаблари, аҳоли миграцияси, миллий таркиби ортиши.*

**Аннотация:** Влияние колониальной политики Российской империи на демографические процессы. В данной статье рассматривается, анализируется и делается вывод о колониальной и переселенческой политике Российской империи и ее влиянии на демографические процессы в южных оазисах Узбекистана.

**Ключевые слова и фразы:** Демографические процессы, политика Российской империи, железные дороги, хлопчатобумажная промышленность, торгово-экономические отношения, переселенческая политика, школы русского строя, миграция населения, увеличение национального состава.

**Annotation:** The influence of the colonial policy of the Russian Empire on demographic processes. This article discusses, analyzes and draws a conclusion about the colonial and resettlement policy of the Russian Empire and its impact on demographic processes in the southern oases of Uzbekistan.

**Key words and phrases:** Demographic processes, policy of the Russian Empire, railways, cotton industry, trade-economic relations, relocation policy, Russian-system schools, population migration, increase in national structure.

XIX аср охирида амалга оширилган Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик ҳаракатлари, Россия империясининг манфаатларини кўзлаб амалга оширилган. Бу даврда мустамлакачилик сиёсатидан кўзланган мақсад маҳаллий аҳолини ўзига бўйсиндириш, шунингдек, арзон хом ашё базасига эга бўлишдек, катта манфаатларни кўзлаб амалга оширилган эди. Бу борада Туркистонга дастлаб юборилган миссиялар ўлканинг табиий географик ҳолатини ўрганиш, асосий фойдали қазилма бойликлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплана борган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тўпланган маълумотлар асосида эндиликда ошкора тарзда ўлкада ўз мавқейини ўрнатиш ҳамда бошқарувни қўлга киритиш, мустақил бекликларни аста-секинлик билан ўзига бўйсиндириш каби ҳаракатлар амалга оширила бошлади. [1:129

Бухоро амирлигининг жанубий ҳудудларида ҳам империя сиёсати натижасида маҳаллий бекликлар ҳам аста-секин буйсиндирила бошланди[1:129. ]. Жанубий воҳалар ҳудудларидаги бекликлар Бойсун, Денов, Қабодиён, Қўрғонтепа, Қоратегин, Кўлоб, Балжувон, Ҳисор, Сарижўй, Шеробод бекликлари ҳам аста-секин ушбу сиёсат таъсирига тушиб борган.[3:111]. Аммо Бухоро амирлиги таркибида бўлган бу бекликларнинг амирликдан нисбатан узоқлашиши кузатилмоқда эди. Шу сабабли улар Бухоро амирлигининг Россия империяси билан тузган шартномасидан норози кучларнинг асосий марказига айланганди [4:28].

Сиёсий беқарорликлар сабабли, 1868 йили Бухоро амири қўшини ҳисорликларни тормор келтириб, Денов ва Ҳисорни қўлга киритди. Шарқий Бухоро беклари амир қўшинлари томонидан қаттиқ жазоланди. [4:176]. Мустақил бекликлар амирликнинг бундай сиёсатидан норози ҳолатда ўз мустақиллигига эришиш учун ҳаракатлари ва умуман амирлик ҳуддудида бекликлар ўртасида ўзаро ихтилофларнинг юз беришига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири эди[5:26].

Бухоро амирлиги ижтимоий сиёсий бошқарувидаги ўзаро ички низолар, анча қолоқ даражадаги ижтимоий турмуш амирлик сиёсий бошқарувига ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Россия империяси қўшинлари билан бўлган жанглардаги мағлубиятдан сўнг, мустамлакачилар амирлик устидан тўла бошқарувни қўлга киритган эди[6:18]. Шундан сўнг россия империяси сиёсий маъмурлари аста-секин ўзининг ҳукмронлик доираларини кенгайтириш бошқарувни мустаҳкамлаш мақсадида кўпроқ рус миллатига мансуб аҳоли вакилларини кўчириб келтириш, рус манзилгоҳларини кўпайтириш масалаларига эътибор қарата бошладилар. [7:70]. Шу ўринда таъкидлаш керакки, темир йўллар бўйлаб, рус милллатига мансуб аҳоли вакиллари жойлаштирилиши биринчи навбатда уларнинг ижтимоий турмуш даражасида яхши шароит яратиш мақсадида амалга оширилган бўлса, шунингдек, иккинчи томондан кўчириб келтирилган аҳолини бандлигини таъминлаш, мақсадида асосан почта-телеграф, темир йўл тармоқларида хизмат кўрсатувчи ва бошқа кўплаб яхши ҳақ тўланадиган касблар бўйича ишлар билан банд қилишган. Маҳаллий аҳоли вакиллари эса бундай ишларга малакасизлиги ҳамда ўқувсизлиги баҳонасида бундай ишларга олинмас эди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бутун минтақа бўйлаб темир йўл қурилишининг кириб келиши, сиёсий хукмронлик доирасини янада кенгайтириш ҳамда тайёр хомашё бойликларига эга бўлишдек, катта мақсадлар кўзланган. Шунингдек, сиёсий мақсадларида эса, Ўрта Осиё масаласида Россия-Англия зиддиятларининг кучайиши каби омилар ҳамда келгусида Ҳинд океанига чиқиши Россия империясининг Амударёнинг ҳар иккала қирғоғи бўйлаб жойлашган ўлкаларда сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш каби омиллар кўзланган эди[8:150]. Кейинчалик темир йўл қурилиши 1895–1897 йилларда Ховос станциясидан Қўқонгача давом эттирилди. 1899 йили темир йўл Тошкентга етказилиб, *Самарқанд-Андижон темир йўллари билан бирлаштирилди* [9:2]. 1913–1915 йилларда Когон–Амударё станцияси ва Қарши–Китоб шохобчалари қурилди. 1917 йилга келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида темир йўлларнинг умумий узунлиги 1,1 минг км ни ташкил этди [10:231].

Жумладан Сурхон воҳасининг Бойсун, Шеробод, Термиз ҳудудлари орқали Паттакесар кечуви ва ундан Балхга ўтиш ҳудудлари тўғрисида дастлабки тарзда рус элчиси Давидов, маълумотлар тўплаган[11:7]. Н.Покотило ўз маълумотларида жанубий воҳаларни Шерободдарё ва Сурхондарёнинг тинч оқими деҳқончилик қилиш учун қулайлиги, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ҳамда пахтачилик ривожи учун катта имкониятлар мавжудлиги тўғрисида муҳим маълумотларни берган[12:37]. Дарҳақиқат, Россия империяси пахта етиштириладиган майдонларни кенгайтиришга биринчи даражали иш сифатида қараган бўлсада, аммо бу сиёсатнинг таг замирида яна бир қанча мақсадлар ҳам мужассамлашган.[13:33], Бу даврда маъмурий ҳукумат вакиллари томонидан темир йўллар атрофидаги ҳудудларга рус миллатига мансуб аҳоли вакилларини кўчириб келтириш ишлари қатъий тарзда олиб борилди. Шунингдек, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли вакилларининг ижтимоий турмуш тарзига аълоҳида эътибор қаратила бошлаган. Яъни касалхоналар, мактаб, клуб, маданий муассасалар, болалар боғчаси каби муассасалар аввало ушбу темир йўллар атрофида истиқомат қиладиган аҳоли вакиллари учун барпо қилинишига аълоҳида эътибор қаратишган. Шундай мақсадларда 1989-1907 йилларда Бухорода дастлабки тарзда иккита касалхона ва битта дорихона қурилиб, ишга туширилган. 1910 йилда эса дастлабки рус-тузем мактаби фойдаланишга топширилган[14:19]. Шунингдек, жанубий воҳаларда ҳам кўчириб келтирилган аҳоли вакилларининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли ислоҳатлар амалга оширила бошлаган эди.

Бу борадаги ислоҳатлар мобайнида жанубий ҳудудларда хусусан Термиз шаҳрида 30 дан ортиқ савдо ва саноат корхоналари пайдо бўлишига замин яратган. [15:209] Пахтачиликда катта тажриба тўпланиб, Россия империяси учун муҳим бўлган хомашё базаси яратиш ишларига эътибор қаратила бошлаган. Бутун Шарқий Бухорода етиштирилган пахта хом ашёси Термиз шаҳрида тўпланган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, воҳада саноатнинг ривожланиши етиштирилган хом ашё ва саноат маҳсулотларини ташиб кетиш муаммоларини юзага келтирди. Ана шу муаммоларни ҳал этиш мақсадида XX аср бошларига келиб империя ҳукумати ҳарбий-стратегик жиҳатдан зарур бўлган Когон-Термиз темир йўлини қуриш бошланиб, 1916 йилга келиб Когон-Термиз темир йўли[15:210] қуриб битказилади. XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистон жанубий воҳаларидаги аҳолининг демографик жараёнлари тарихини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу даврда жанубий воҳаларда аграр соҳадаги ислоҳатларнинг амалга оширилиши, пахтачилик саноатининг ривожлантирилиши каби омилларнинг туб моҳияти мустамлакачилик манфаатларини кўзлаб амалга оширилган бўлиб, ушбу сиёсат натижасида демографик жараёнларда бир қатор муаммолар юзага келаётган эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент, 2016. – Б.129.

2.Логофет Д. Н. Страна бесправия. – СПб, 1909. – С. 9.

3. Искандаров Б. И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. I. – Душанбе, 1963. – С. 111.

4. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – СПб., 1911. – С. 28.

5. Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и северный Афганистан // ТС. – Т. 404. – С. 25 – 26.

6. Ашуров.Я.С. и другие. Бухара. Краткий справочник-путиводитель. Т. Узбекистан. 1968. (104с) .С 18

7. Хидиров.Х.Ж. . Туркистонда темир йўл қурилиши. // Давр. Замон. Шахс. Илмий-амалий мақолалар тўплами. 2 қисм, 2016 йилнинг II чораги. Термиз: «Сурхон–Нашр». – Б. 67–70.

8. Могилевич В.М., Боброва Т.В. Организация дорожно-строительных работ. - Москва: Транспорт. 1990. – С.150.

9. Ўзбекистон Миллий архиви, И 1-фонд,13-рўйхат, 1237-иш, 2-варақ

10. Митаишвили А.А.Экономические проблемы развития транспорта. –Москва: Транспорт, 1982. – С.231.

11. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Кн. III. Бухарско-Афганская граница. – СПб., 1909. – С.  7.

12. Покотило Отчет о поездке в пределы Центральной и восточной Бухары в 1886гг. – Ташкент, 1888. – С37 .

13. Кривошеин А. В. Записка главноуправляющего землеустройствам и земледелием о поездке в Туркестан. – СПб., 1912. – С. 3.

14. Ашуров Я.С. и другие. Бухара. Краткий справочник-путиводитель. Т. Узбекистан. 1968. (104с). – С. 19.

15. С.Турсунов. Э.Қобилов, Б.Муртозаев ва бошқ.-Т.:Шарқ, 2004. Б-209.

## SHIMOLIY AFG'ONISTON AHOLISINING ZARGARLIK BUYUMLARI

**Zokir Xoliqov,**
Termiz davlat universiteti dotsenti,
tarix fanlari nomzodi.
**Sharifi Gavharshodbigum,**
"O'zbekiston tarixi va manbashunoslik"
kafedrasi mustaqil tadqiqotchisi.

Annotatsiya: Hozirgi Shimoliy Afg'onistonning Qunduz, Andxoy, Toxar, Qobul, Mozori Sharif, Balx, G'azna, Hirot kabi shahar va viloyatlarida Buxoro amirligidan ko'chib borgan aholi aholisining zargarlik buyumlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: zargarlik buyumlari, turkiy va forsiy zabon aholi, Balx, G'azna, Hirot, etnik tarkib, afg'on xalqlari.

Hozirgi Shimoliy Afg'onistonning Qunduz, Andxoy, Toxar, Qobul, Mozori Sharif, Balx, G'azna, Hirot kabi shahar va viloyatlarida Buxoro amirligidan ko'chib borgan aholi istiqomat qiladi. Bu hududlarda turkiy va forsiy zabon aholi aralash yashaydi.

Aholining ko'chib borib joylashishi va ularning mahalliy aholi bilan aralashib-singishib ketishi, o'zbek, tojik va afg'on xalqining qadimgi davrlardan iqtisodiy va madaniy aloqalari mavjudligini tasdiqlaydi. Aholining ko'chib borishi bilan bir qatorda ularning o'ziga xos xo'jaligi, uysozligi, moddiy madaniyatdagi an'analari ham birga ko'chadi. Bu jarayon madaniy sinkretizm deyiladi.

Aslida shimoliy Afgoniston qadimgi davrlardan Baqtriya-Toxariston hududiga, keyinchalik Xorazmshohlar, Qoraxoniylar, Temuriylar va xonliklar davrlarida Orta Osiyo xalqlari bilan assimilyatsiya bolib ketgan edi.

XIX asrning oxiri XX asrning boshlarida Buxoro shahrining shimoli-sharqiy qismida qozoqlar va turli joylarida savdogar-afg'onlar yashagan. Ular aksariyat hollarda choy sotish bilan shug'ullangan. Mana shu erdagi mahallalarda hindlar ham istiqomat qilgan. Bu holat Buxoro shahrining etnik tarkibi murakkab ekanligidan darak beradi.

Shahardagi har bir mahalla yoki ko'cha ishlab chiqarilgan mahsulotning nomi bilan atalgan. Masalan, Mexchagaron (mix yasaydiganlar), Suzangaron (ignachilar), Kosagaron (kosagar-kulollar), Sobungaron (sovunpazlar) kabi ko'plab hunarmandchilik sohasiga ixtisoslashgan ko'cha va mahallalar mavjud edi. Tabiiyki, O'rta Osiyoning boshqa yirik shaharlarida ham ixtisoslashuv bo'lgan.[1]

Ko'chib borgan aholi orasida qadimgi ishlab chiqarish uslubi, me'morchilik, kulolchilik, to'qimachilik, zargarlik, kashtachilik yoki zardo'zilik, kosibchilik, kandakorlik, sovunpazlik kabi qator hunarmandchilik sohalarining an'anaviy tarzda saqlanib qolinishi aholining o'troq dehqonchilik va ko'chmanchi chorvachilik turmush tarzida ham bir xil kuzatiladi.

Uy qurilishi. Afg'onistonning Qunduz, Taxo'r, Balx, Mozori Sharif, Hirot kabi shaharlaridagi turkiyzabon va forsiy zabon etnik guruhlarining xonadonlari va uylari qurilish tarhi O'rta Osiyoning me'morchilik an'analari asosida barpo etilganligini kuzatish mumkin.

Uylarning qurilishi so'nggi o'rta asrlardagi Termiz va Chag'aniyon uylari qurilishiga aynan o'xshashligi bilan ajralib turadi. Masalan, uylarning kun chiqish tomonga qaratib qurilishi, eshik va derazalarining ravoqsimon ko'rinishi, tomining gumbazli "balxi" uslubida yopilishi issiq iqlimli

mintaqa uchun mos qilib barpo etilganligidan darak beradi. Bunday uslub Termiz tumanidagi O‘rta ovul masjidi, Salovat qishlog‘i uy qurilishlari uchun ham xarakterlidir. [2]. Turkman gilamdo‘zlari, umuman to‘qimachilik bilan shug‘ullanadigan aholi yarim chorvador xo‘jalikka ega bo‘lgan. Gilamdo‘zlarning o‘z to‘qimachilik qurollari: qoziq, taroq, qilich, eshak, ip yoki jun yigirish uskunalari mavjud. Ko‘chmanchi chorvador uchun «qoziq» muhim tushuncha bo‘lgan. Chunki qabila yoki urug‘ ko‘chib borgan joyiga «qo‘sh» tashlab, qoziq qoqqan. Oqsoqollar qoziq qo‘ygan joydan o‘tov tikilgan.

O‘tovni tikish uchun uning markazidagi yog‘och changarakni ko‘tarib turadigan «o‘q ham o‘ziga xos qoziqdir». O‘tov atrofidagi har bir keraga ham qoziqlarga mahkamlangan. Biz yuqorida keltirgan qoziqning vazifasi haqidagi fikr uning an’anaviy xarakterini ko‘rsatadi. O‘oziqlar o‘tov uchun, belanchak uchun, ot uchun, o‘rmak uchun kabi turlarga bo‘linadi.

Bundan tashqari aholi xo‘jaligida moy-juvoz, ob-juvoz kabi zig‘ir, kunjut yog‘larini ajratib oladigan juvozlar muhim ahamiyatga ega bo‘lgan. Xulosa qilib aytganda, Buxoro amirligi davrida siyosiy sabablar tufayli Afg‘onistonga ko‘chib borgan aholi o‘zining moddiy madaniyati, xo‘jaligi, urf-odat marosimlarining birligi bilan afg‘on xalqi orasiga singishib, madaniyatdagi an’anaviylik meroslariga sodiq qoldilar.

Afg‘onistonning shimoliy hududida, ya’ni Qunduz, Balx, Mozori Sharif, Hirot, Maymana, Oqcha, Toshqo‘rg‘on, G‘azna kabi viloyat va shaharlarida migratsiya bo‘lib borgan o‘zbek, tojik, turkman aholisi istiqomat qilishadi. Ular XIX asrning oxiri va XX boshlarida Buxoro amirligining Buxoro, Qarshi, G‘uzor, Chorjo‘y, Kalif, Boysun, Sherobod, Denov, Hisor, Ko‘lob, Badaxshon, Shahri Tus kabi shaharlaridan muhojir bo‘lib borib qolganlar.

Aholining bu qismi qo‘shni afg‘on xalqlari bilan tez orada aralashib, mahalliylashib ketdi. Ko‘chib borgan aholi orasida qadimgi ishlab chiqarish uslubi, me’morchilik, kulolchilik, to‘qimachilik, zargarlik, kashtachilik yoki zardo‘zilik, kosibchilik, kandakorlik, sovunpazlik kabi qator hunarmandchilik sohalarining an’anaviy tarzda saqlanib qolinishi aholining o‘troq dehqonchilik va ko‘chmanchi chorvachilik turmush tarzida ham bir xil kuzatiladi.

Afg‘onistonning Qunduz, Taxo‘r, Balx, Mozori Sharif kabi shaharlaridagi turkizabon va forsiy zabon etnik guruhlarining xonadonlari va uylari qurilish tarhi O‘rta Osiyoning me’morchilik an’analari asosida barpo etilganligini kuzatish mumkin. Uylarning qurilishi so‘nggi o‘rta asrlardagi Termiz va Chag‘aniyon uylari qurilishiga aynan o‘xshashligi bilan ajralib turadi. Masalan, uylarning kun chiqish tomonga qaratib qurilishi, eshik va derazalarining ravoqsimon ko‘rinishi, tomining gumbazli “balxi” uslubida yopilishi issiq iqlimli mintaqa uchun mos qilib barpo etilganligidan darak beradi. Uylar bir eshikli, xo‘rjun tom, ayvonli, boloxonali, gumbazli, chuqur va “gung” tokchalik, ravoqli, derazali, panjarali va maxsus isitish tizimiga ega bo‘lgan uylar edi. Ayniqsa, Sulton Saodat, Qirqqiz memorchilik inshoatlarining “balxi” uslubda qurilishi Sharqiy Buxoro va Afg‘oniston hududida qadimgi Sharqning mumtoz arxitektura an’analari davom etib kelganligining isbotidir.

Bunday uslub Termiz tumanidagi O‘rta ovul masjidi, Salovat qishlog‘i uy qurilishlari uchun ham xarakterlidir [3]. To‘qimachilik. Qunduz, Maymana, Balx, Hirot kabi shaharlarlarda turkman elining qadimgi to‘quvchilari istiqomat qilishardi va mazkur hunarmandchilikning taraqqiy etishida ularning o‘rni muhim edi.

Turkman gilamdo‘zlari, umuman to‘qimachilik bilan shug‘ullanadigan aholi yarim chorvador xo‘jalikka ega bo‘lgan. Gilamdo‘zlarning o‘z to‘qimachilik qurollari: qoziq, taroq, qilich, eshak, ip yoki jun yigirish uskunalari mavjud. Avvalo ip urchuqlarda yigirilgan. Keyin bo‘yash jarayoni boshlangan. Keyin rangli qaynatilgan suvlarda iplarning qaynatib bo‘yashgan. Mana shunday bo‘yalgan iplarda to‘qilgan gilamlarning rangi hech qachon uchmagan. Iplar bo‘yab bo‘lingach gilam to‘qishga kirishilgan.

Ko‘chmanchi chorvador uchun «qoziq» muhim tushuncha bo‘lgan. Chunki qabila yoki urug‘ ko‘chib borgan joyiga «qo‘sh» tashlab, qoziq qoqqan. Oqsoqollar qoziq qo‘ygan joydan o‘tov tikilgan. O‘tovni tikish uchun uning markazidagi yog‘och changarakni ko‘tarib turadigan «o‘q ham o‘ziga xos qoziqdir».

O‘tov atrofidagi har bir keraga ham qoziqlarga mahkamlangan. Biz yuqorida keltirgan qoziqning vazifasi haqidagi fikr uning an’anaviy xarakterini ko‘rsatadi. Qoziqlar o‘tov uchun, belanchak uchun, ot uchun, o‘rmak uchun kabi turlarga bo‘linadi. Bundan tashqari aholi xo‘jaligida moy-juvoz, ob-juvoz kabi zig‘ir, kunjut yog‘larini ajratib oladigan juvozlar muhim ahamiyatga ega bo‘lgan.

Chilangarlik. Kandakorlik. Zargarlik. Metallsozlikning ham harbiy va xo‘jalik qurollarini yasaydigan ustaxonalari bo‘lgan. Shimoliy Afg‘onistonning Qunduz, Oqcha, Taxo‘r, Balx, Mozori

Sharif, Hirot, Saripul kabi yirik shaharlarida metallsozlikning harbiy qurollar, mehnat qurollari, zargarlik buyumlarini ishlab chiqaradigan ayrim sohalari mavjud bo‘lgan.

Ayniqsa, Afg‘onistonning yirik savdo hunarmandchilik markazlarida Buxoro amirligidan olib borilgan misgarlik, kandakorlik, zargarlik buyumlari ko‘p sotilgan. Shunga o‘xshash moddiy madaniyat buyumlari, badiiy va amaliy san’at namunalari turli assortimentda uchraydi.

Mis kosalar yarim sferik shaklda bo‘lib, gardishi tik tushgan, tagdoni xalqasimon, chuqur ko‘rinishga ega. Idishning balandligi 10 sm, tagdon diametri 9 sm, gardishi 20 sm gacha bo‘lgan. Bunday kosalar Surxon vohasi uchun ham xarakterlidir.

Mis likobcha. Gardishi tashqariga qayrilgan. Gardish diametri - 19 sm, devori yoysimon shaklda, tagdoni yassi bщlib, diametri 13 sm ni tashkil etadi. Idishning balandligi 5-6 sm dan iborat.

O‘rta Osiyoning boshqa hududlaridagidek, shimoliy Afg‘oniston hududida misdan yasalgan suv idishlari oftoba, choyjo‘sh, chilim kabilar keng tarqalgan.

Oftoba idishning bo‘yin qismi tor va uzun qilib ishlangan. Idishning qorin qismi bodomsimon, balandligi 42 sm ni tashkil etadi. Uning jumragi yoysimon bo‘lib, uchiga yumaloq bronza gulband o‘rnatilgan.

Choyjo‘sh - gardishi tashqi tomonga engilgina qayrilgan va kengayib boradi. Uning diametri 10 sm, qorin qismi yumaloq, balandligi 33 sm gacha bo‘ladi. Gardish tagidan baldoq o‘rnatilgan. Idishning tagdoni ham mavjud. Uning sirti qovariq, girih shaklli va aylana gulband bezaklar bilan bezatilgan.

Mis chilim - gardishi tashqariga engilgina qayrilgan va xalqasimon shaklda bo‘lib, idishning qorin qismi qovoqsimon ko‘rinishga ega. Sarxonaning diametri 6,5-7,5 sm , uning quyi qismi esa gulband bilan mahkamlangan. Chilimning tagdoni xalqasimon bo‘lib, diametri 13 sm gacha etadi. Bu idishning bo‘yi 32-50 sm gacha bo‘ladi. Idishning bezaklari sarxona gulbandidan quyida va qorin qismida uchraydi. Ular juda chiroyli o‘simlik guli va yaproqlarning tasvirlari bilan bezatilgan.

Badiiy va amaliy san’at namunalari.

Zargarlik buyumlari. Asosan ayollarning taqinchoqlari bo‘lib, o‘zbek, turkman va tojik eli ichida keng tarqalgan. Taqinchoqlardan arabi sirg‘a, g‘ulomi sirg‘a, xalqa, burun sirg‘a, beshoyoq sirg‘a, zirak, haykal, chaproz-changa va boshqa zargarlik buyumlari keng tarqalgan.

Tilla - qosh. O‘zbek va tojik urug‘lari orasida keng tarqalgan. Peshona va qosh-qoboqning ustini yopib turgan.Buxoro amirligining zargarlari tilla qoshni eng qadimgi bosh bezagi deb hisoblashgan. (Suxareva O.A., 1962.str.49). Tilla qosh uchayotgan qushni eslatuvchi, ayollarga baxt keltiruvchi ona qushi - Anqo yoki Humoning timsoli sifatida qadrlangan. Shuning uchun kelin bo‘lib uzatilayotgan qizlarning sepida albatta tillaqosh bosh bezagi sifatida uchragan [4].

Silsila. XIX asrda Xorazm qo‘ng‘irotlari va turkmanlari orasida keng tarqalgan taqinchoq turi bo‘lib, u asosan uch qismga bo‘linib: boshga, ikki chakkaga va bo‘yinga taqiladigan osma taqinchoqlar majmuasidir. Ularni bosh kiyimga, salla, qosaba yoki peshonabandga taqishgan. Bu taqinchoqlar Surxon vohasi uchun ham xarakterlidir. Silsila taqinchoqlari quyosh, yulduz, turna uslubida ishlangan.

Mana shu turdagi taqinchoqlar Buxoroda “silsila”, Xorazmda “shokila”, Surxon vohasida “sinsila” deb atalgan. Uning yana bir xususiyati ko‘z tumor deb hisoblangan. Aslida esa ajdodlardan qolgan meros sifatida urug‘ davomchisi bo‘lgan ayollarga beriladigan taqinchoqlar turidir. Silsila - sulola demakdir [5]. Ko‘chmanchi chorvador urug‘larning orasida silsilaning quyi qismi Isirg‘a sog‘ak-sog‘lik sirg‘asi deb ataluvchi jamlanmadan iborat bo‘lgan.

Sirg‘alar. Ular nomi o‘z xususiyatidan kelib chiqqan. Beshoyoq, oltioyoq, ettioyoq, zirak-kichik sirg‘a, qoziq sirg‘a, oybaldoq, burun sirg‘a yoki arabak, litva, natti kabi burun qanotlariga taqiladigan sirg‘alardan iborat bo‘lgan. Ko‘chmanchi chorvador aholi orasida uy sirg‘a, qoziq sirg‘a, oybaldoq sirg‘alar keng tarqalgan. Ulardan qoziq sirg‘a o‘ziga xos xarakterga ega. Uning yuqori qismi o‘roqsimon bo‘lib, quyi qismgacha davom etib keladigan yagona sterjen-o‘q simdan iboratdir. Boshi va quyi qismida o‘qqa bog‘langan spiral sim va ularning orasida esa kumushdan ishlangan yong‘oqsimon g‘ovak shar joylashgan. Sharchada gardish va tagdonga o‘xshash shakl berilgan. Uni mahalliy aholi “g‘o‘zacha” ham deb atashgan. Ko‘chmanchilar odatiga ko‘ra, urug‘ning bosh kayvoni momosi uni yosh kelinlarga meros qilib qoldirgan. Agar qoziq o‘q bo‘lsa, g‘o‘zacha er sharining timsoli bo‘lgan. Bu esa uzatilgan kelinlarning baxt topib ketishiga ishora bo‘lgan.

Latva tosh sirg‘a. Latva tosh - saqlovchi, asrovchi degan ma’noni anglatadi. Burun sirg‘a deb ham ataladi. Mahalliy aholi orasida arabak degan nom bilan mashhur bo‘lib, kumush va misdan ishlangan. U O‘rta Osiyoga arab savdogarlari bilan kirib kelgan. Bu sirg‘ani Qarshi va Buxoroning arab qabilalarida uchratish mumkin edi. Sirg‘a xalqasimon bo‘lib, hilol, yangi oy shakliga o‘xshaydi.

Uning xalqasi bo‘ylab kichik munchoqlar joylashtiriladi. Munchoqlar qizil, sariq, yashil, ko‘k ranglarda tovlanadi. Sirg‘alar tagidagi taqinchoqlari yoki “oyoqchalari”ga qarab beshoyoq, oltioyoq, ettioyoq deb atalgan. Sirg‘aning yuqori qismi sim xalqa, markazida shisha ko‘z va uning atrofida sim bezaklar, quyida esa munchoqli oyoqchalar joylashgan.

Zebi gardan, nozi gardan kabi bo‘yin va ko‘krak taqinchoqlari eng ko‘p tarqalgan zargarlik buyumlari hisoblanadi. Bu taqinchoqlar besh qatorlik zanjirlarning quyi tomonga qarab qisqarib borishi natijasida ajoyib shakl ega bo‘ladi. Uning eng pastida tumor solinadigan metall quticha mavjud. “Bozband” - yopiq tumor, silindr shaklidagi metall taqinchoq bolalarning elkasiga ayollarning ko‘kragiga taqiladigan kumush qutichadir. Diametri 1 - 3 sm, uzunligi 6 - 15 sm ni tashkil etadi. Ularning aksariyati panjara yoki to‘rsimon ko‘rinishda bo‘lib, ayrim hollarda juft taqilgan.

Ularning sirtida ettitagacha metall bandlar qo‘yilgan. Bozbandlar ikki shaklda uchraydi. Birinchisi silindr va yumaloq shaklda, ikkinchisi to‘rtburchak shakldagi tumor qutichalardir. Ular o‘simliksimon va geometrik bezaklar bilan gullangan. Bundan tashqari qo‘l taqinchoqlari uzuk va bilakuzuklar taqish ham keng tarqalgan. Bilakuzuk yoki dastpona o‘zining turli shakl va bezaklari bilan ajralib turgan. Ular ikki turga bo‘linadi. Ilmoqli (bog‘ichli) yoki ilmoqsiz (bog‘ichsiz).Afg‘onistonning turkman va o‘zbek aholisi orasida taroq tishli qalin bilakuzuklar keng tarqalgan. Ular jez, kumush va misdan ishlangan. Bu taqinchoqlar qizil, sariq, ko‘k rangli shisha ko‘zlar bilan bezatilgan. Ularda geometrik yoysimon bezaklar ko‘p uchraydi. Bundan tashqari ko‘chmanchi chorvador aholi ayollari kokunli uzukni ko‘p taqishgan. Bu taqinchoqlar bilakuzuk va beshpanja uzuklarning yig‘indisi sifatida namoyon bo‘ladi. Bu taqinchoq bilakuzukka biriktirilgan uch qator mis zanjirlar va ularni biriktirib turgan yoysimon to‘g‘a va unga ham biriktirilgan beshta zanjiri bilan diqqatni tortadi. Barmoqlardagi beshpanja uzuklar ham markazdagi kumush to‘g‘aga zanjirlar orqali bog‘lanadi.

Xulosa qilib aytganda, Buxoro amirligidan XIX asrning oxiri va XX asrning boshlarida migratsiya bo‘lgan aholining nafaqat moddiy boyliklari va ularning ma’naviy holatiga ham o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatgan. Buxoro amirligi davrida siyosiy sabablar tufayli Afg‘onistonga ko‘chib borgan aholi o‘zining moddiy madaniyati, xo‘jaligi, urf-odat marosimlarining birligi bilan afg‘on xalqi orasiga singishib, madaniyatdagi an’anaviylik meroslariga sodiq qoldilar.

Ko‘chib kelgan aholi Shimoliy Afg‘oniston hududlari bo‘ylab joylashib, afg‘on amirligining qonun qoidalariga bo‘ysunishga majbur edi. O‘zbek, turkman, tojik tilli aholi o‘zlarining urf odatlari va xo‘jaligini, milliy an’analarini saqlagan holatda O‘rta Osiyo xalqlari madaniyati bilan uyg‘unlashgan madaniyatni yuzaga chiqara oldilar.

Bu esa qo‘shni xalqlar diyoriga ko‘chib borgan muhojirlarning bir daryoning ikki tomonida istiqomat qilgan va qadimdan madaniy aloqalari mustahkam bo‘lgan qardosh xalqlar madaniyatining davom etganligini yana bir bor tasdiqlaydi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Т., 1958. стр. 92.
2. Xoliqov Z.E. Termiz va Chag‘aniyon so‘nggi o‘rta asrlarda. Avtoreferat kan. diss. Samarqand. 2001).
3. Меджитова Элмира. Туркменское народное искусство. Ашхабад. Изд. «Искусство». 1990. str. 13.
4. Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. Т., «Наука». 1988. стр. 108).

# ЎРТА ОСИЁДА МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАМДА ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

**Бахтигул Мамадаминова,**
"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти" миллий тадқиқот университети доценти

**Аннатоция:** Мазкур мақолада Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши шунингдек Хоразм Республикасининг тугатилиши таҳлил қилинган. XX аср 20-йиллари ўрталарига келиб, миллий-ҳудудий чегараланишга фақат Туркистон Республикасигина эмас, балки Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг ҳам тортилиши масаласи кўрилди. Бу вақтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳуқуқий жиҳатдан ҳали мустақил суверен давлатлар ҳисобланарди. Ўрта Осиёнинг миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. Чунки бу вақтга келиб Марказнинг партия раҳбариятида чегаралаш масаласи аниқ ифодаланган асосий мақсадга айланиб қолган эди. 1924 йил февраль – март ойларида Ўрта Осиёни миллий чегаралаш масаласи Хоразмда бўлиб ўтган кенгашларда ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Хива шаҳри масъул ходимлари кенгашларида Хоразм Республикасини миллий чегаралаш зарурлиги масаласи кескин мунозараларга сабаб бўлди.

**Калит сўзлар:** ХССР, Хоразм Совет Социалистик Республикаси , Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш, Туркистон Автоном Совет Республикаси, миллий-ҳудудий чегараланиш, ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар.

**Аннатоция:** В данной статье анализируется осуществление национально-территориального размежевания в Средней Азии, а также прекращение существования Хорезмской Республики. К середине 20-х годов 20 века в национально-территориальное размежевание были вовлечены не только Республика Туркестан, но Бухарская Народная Республика и Хорезмская Народная Республика. В то время республики Бухара и Хорезм еще были юридически независимыми суверенными государствами. В Москве полностью поддержали вопрос о национальном размежевании Средней Азии. Потому что к этому времени вопрос демаркации стал четко сформулированной главной целью партийного руководства Центра.

**Ключевые слова:** ХССР, Хорезмская Советская Социалистическая Республика, национально-территориальное размежевание в Средней Азии, Туркестанская АССР, национально-территориальное размежевание, узбеки, казахи, каракалпаки, туркмены.

**Annotation:** This article analyses the implementation of national-territorial demarcation in Central Asia, as well as the termination of the Republic of Khorezm. By the mid-20s of the 20th century, not only the Republic of Turkestan, but also the People's Republics of Bukhara and Khorezm were involved in national-territorial demarcation. At that time, the republics of Bukhara and Khorezm were still legally independent sovereign states. The issue of national demarcation of Central Asia was fully supported in Moscow. Because by this time, the issue of demarcation had become a clearly stated main goal of the party leadership of the Centre. In February-March 1924, the issue of national demarcation of Central Asia was also discussed at the councils held in Khorezm. In particular, the issue of the need for the national demarcation of the Republic of Khorezm was the cause of heated discussions in the councils of Khiva city officials.

**Key words:** USSR, Khorezm Soviet Socialist Republic, national-territorial demarcation in Central Asia, Turkestan Autonomous Soviet Republic, national-territorial demarcation, Uzbeks, Kazakhs, Karakalpaks, Turkmens.

1924 йил бошларига келганда Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)да халқ хўжалиги ва иқтисодиётини тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар бу ерда миллий масалани ҳал этишдаги кўплаб қийинчиликлар ва муаммолар билан биргаликда юз берди. ХССР ҳудудида азалдан ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилган. Бироқ бу ерда туркманлар, қозоқлар ва

қорақалпоқлар ҳам маҳаллий аҳоли сифатида мавжуд бўлган. XX аср бошлари ва кейинчалик бу ерда яшаган туркий аҳоли кўпчилиги ўзини хоразмликлар ёки хиваликлар деб атаган.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида 1918 – 1924 йилларда совет ҳокимияти ва большевиклар томонидан миллий масалани ҳал қилишда муайян натижаларга эришилди. ХХСР таркибида бу даврда аввал Туркман вилояти, сўнгра Қозоқ-Қорақалпоқ автоном вилояти ташкил қилинди. Туркистон АССР таркибидаги Закаспий области 1924 йилда Туркман [Туркманистон] областига айлантирилди. 1920 йил кузида Қирғизистон АССР [аслида Қозоғистон АССР] тузилиб РСФСР таркибига киритилган эди.

Расмий маълумотларда келтирилишича, 1924 йилда Ўрта Осиё республикаларида яшаётган ўзбекларнинг 66,5 фоизи Туркистон АССРда, 22,2 фоизи Бухоро ва 11,3 фоизи Хоразм республикаларида яшар эди. Ўрта Осиёдаги ҳамма туркманларнинг 43,2 фоизи Туркистонда, 27 фоизи Бухорода ва 29,8 фоизи Хоразмда яшар эди. Ўрта Осиё республикаларидаги тожикларнинг 47,7 фоизи Туркистон АССРда, 52,3 фоизи Бухоро Республикасида истиқомат қилган [1].

Туркистон минтақасини миллий-ҳудудий жиҳатдан қайта чегаралаш Марказ ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилнинг бошларида у ўзининг сўнгги босқичига кирди.

РКП(б) МКнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва Я.Э. Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди [2].

Яқинда чоп этилган иккита китобдан иборат “Ўзбекистон тарихи” номли фундаментал тадқиқотда таъкидланганидек, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг мустақиллиги бу давр охирига келиб ниҳоятда хаёлий хусусиятга эга эди. Ҳақиқатда улар мустақилликни қўлдан бой берган эдилар. Учта республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши, Хоразм ва Бухоро Коммунистик партияларининг РКП(б) таркибига кириши ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Россия билан Бухоро ва Хоразм Республикалари ўртасида янги иқтисодий битимларнинг тузилиши, пул муомаласининг бирхиллашуви (унга Россия червонининг асос қилиб олиниши) натижасида, бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш бутунлай Москва ихтиёрига ўтди.

Шу тариқа, РСФСР таркибига кирган Туркистон Автоном Совет Республикасини янгитдан чегаралаш ҳақидаги большевиклар ғояси XX аср 20-йиллари ўрталарига келиб, анча кенг миқёс касб этган вазифага – миллий-ҳудудий чегараланишга фақат Туркистон Республикасигина эмас, балки Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг ҳам тортилиши масаласига айланиб кетди. Бу вақтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳуқуқий жиҳатдан ҳали мустақил суверен давлатлар ҳисобланарди. Ўрта Осиёнинг миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. Чунки бу вақтга келиб Марказнинг партия раҳбариятида чегаралаш масаласи аниқ ифодаланган асосий мақсадга айланиб қолган эди.

1924 йил февраль – март ойларида Ўрта Осиёни миллий чегаралаш масаласи Хоразмда бўлиб ўтган кенгашларда ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Хива шаҳри масъул ходимлари кенгашларида Хоразм Республикасини миллий чегаралаш зарурлиги масаласи кескин мунозараларга сабаб бўлди.

Хоразмда 1924 йил кузида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилишидан сал олдин ХССР ҳудуди маъмурий жиҳатдан учта вилоят ва битта туманга ажратилди. Республика шимолида Қозоқ-Қорақалпоқ вилояти (области); ўрта қисмида Тошовуз вилояти; жанубий қисми – Амударё қирғоқларида Янги Урганч вилояти; воҳанинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий қисмида Хива тумани (райони) ташкил қилинди.

ХССР таркибидаги вилоятлар ва Хива тумани қуйидаги шўролардан[7] ташкил топган:

[7] Волость ижроия комитетига тенг бўлган кичик маъмурий-ҳудудий бошқарув шакли Хоразмда шўролар дейилган. Ўша

Қозоқ-Қорақалпоқ вилояти: Қўнғирот, Кўҳна Урганч, Хўжайли, Шуманай.

Янги Урганч вилояти: Бешариқ (Боғот), Гурлан, Дарғонота, Қипчоқ, Қиёт-Қўнғирот, Кат, Манғит, Янги Урганч, Питнак, Садивар, Шовот, Ҳазорасп, Хонқа, Хитой (Қтай).

Тошовуз вилояти: Анбар-Маноқ, Иляли, Қиличбой, Кўкчага, Порсу, Тошҳовуз, Тахтабозор.

Хива тумани: Оқ Дарбанд, Остона, Ғазавот, Гужи, Кирман, алоҳида Хива тумани, Янгиариқ [3].

Бу рўйхатдан кўриниб турибдики, Хоразмдаги айрим шўролар номи ўзбек халқи таркибига сингиб кетган турли туркий уруғлар: қўнғирот, қипчоқ, қиёт, манғит, хитой [қтай; кидан] номлари билан юритилган. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ҳатто битта вилоятнинг номи Қозоқ-Қорақалпоқ бўлиб, у иккита халқ: қозоқлар ва қорақалпоқларнинг номларидан иборат бўлган. Бундай туркий уруғлар орасида қўнғирот, манғит, қипчоқ сингари жуда катта нуфузга эга бўлган уруғлар бўлган. Бухоро Республикаси ҳамда Туркистон АССРнинг Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги туманлар ва кентлар номланишида эса биз бундай ҳолатни деярли кўрмаймиз.

Хоразм Республикасида миллий чегараланиш масаласи дастлаб 1924 йил февралида Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг мажлисларидан бирида муҳокама қилинган эди. Лекин ўша пайтда мажлис ХКП Марказий Комитетининг Ижроия бюросига РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг мазкур масала хусусидаги хабарини маълумотга олишни таклиф қилиши билан чекланди [4].

Хоразм Компартияси раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартда бўлган ХКП МК Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди [5].

Март ойининг ўрталарида Хивада бўлиб ўтган партия-совет фаоллари йиғилишида бу масала яна қўйилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда эътироф қилинишича, «Хоразм Республикаси миллий белги бўйича чегараланади ва тегишли районлар Ўрта Осиёнинг янги ташкил этилаётган республикаларига (Ўзбекистон, Туркманистон ва ҳоказо), мабодо бордию, шундай республикалар ажраладиган бўлса, киради».

1924 йил 5 апрелда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг Туркистон, Бухоро ва Хоразмни миллий чегаралаш тўғрисидаги таклифини олдиндан кўриб чиқди. РКП(б) МК бу таклифни асосан маъқуллади, лекин Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартияси вакиллари бўлган делегатларга РКП(б) XIII съезди учун зарур материаллар келтириш мажбуриятини юклаб, масалани ҳал қилишни май ойининг охирларигача кечиктирди. РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг кўриб чиқишлари учун миллий-ҳудудий чегараланишга оид ўз мулоҳазаларини географик карталар илова қилган ҳолда тайёрлаш ва топшириш таклиф этилди [6].

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилишининг барча масалалари Марказ томонидан РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига топширилди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларидаги аҳоли ва миллий раҳбар ходимларнинг бу соҳадаги айрим ҳақли эътирозлари инобатга олинмади. Хусусан, Хоразм Республикаси ва Хоразм Компартияси раҳбарияти, кўплаб хоразмлик миллий ходимлар бу соҳада ўз фикрларини илгари суриб, Марказ сиёсатига қарши чиқдилар.

Бироқ 1924 йил 28 апрелда бўлган РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси мажлисида Ўрта Осиё республикалари миқёсида миллий-ҳудудий белгилар бўйича чегараланиш ўтказиш вақти келди деб ҳисобланди ҳамда бу ҳақда махсус қарор қабул қилинди. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишни ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича марказий комиссия (айрим ҳужжатларда у умумий комиссия деб юритилади) тузилди. Бу комиссия 10 майгача ўз ишини тугатиш ва барча таклифларини РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига маълум қилиши керак эди [7].

Умумий комиссиялар билан бир қаторда миллий ёрдамчи комиссиялар (подкомиссиялар) ёки кичик комиссиялар ҳам тузилди. Уларнинг дастлабки йиғилиш ва кенгашлари 1924

пайтдаги шўролар ҳудуди тахминан ҳозирги Ўзбекистондаги йирик туманлар ҳудудига тенг бўлган.

йил май ойи бошларида бўлиб ўтди. Бу ёрдамчи комиссиялар Ўрта Осиё совет миллий республикалари ва автоном областлари барпо этилишига доир ўз таклифларини ишлаб чиқди, миллий республикалар ва областлар чегараларини тахминан белгилади ва бошқа масалаларни кўриб чиқди.

Кичик комиссияларнинг маърузалари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси махсус Комиссиясининг 1924 йил 10 майдаги мажлисида, 11 майда эса РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросида тингланди. Бюро махсус комиссия ва унинг кичик комиссиялари ишининг якунларини муҳокама қилиб, улар ишлаб чиққан Ўрта Осиёнинг миллий-ҳудудий чегараланишининг аниқ режасини тасдиқлади. Қабул қилинган қарорда бундай дейилган эди:

«1. Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикаларини миллий-ҳудудий белгиларига кўра чегаралаш зарур деб топилсин, янги ташкил этилаётган миллий-ҳудудий бирлашмалардан федерация ташкил этилмасин.

2. Ўзбекистон ва Туркманистон Республикалари ташкил этилсин ва улар мустақил ССР ҳуқуқларига эга бўлсин ва бевосита СССРга кирсин. Ўзбекистон Республикаси доирасида Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қирғизистон автоном вилояти ташкил этилсин: Қирғизистон автоном вилояти қайси республика таркибига кириши масаласи очиқ қолдирилсин. 3. Туркистон Республикасида яшайдиган қозоқлар ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб турган Қирғизистон [Қозоғистон] республикасига киритилсин»[15].

Бироқ бу масалада Хоразм Республикаси раҳбариятининг ўз қарашлари бўлган. Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул секретари Қаландар Одинаев, Марказий Комитет аъзоси Маткарим Абдусаломов ва бошқа миллий раҳбар ходимлар миллий-ҳудудий чегараланишта ошкора равишда қарши чиққанлар. Улар Хоразмнинг ўзига хос табиий ва жуғрофик ҳамда миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиб, уни алоҳида федератив республика сифатида СССР таркибига қўшилиш таклифини илгари сурганлар. Бу миллий раҳбарлар ўз қарашлари ифодаланган ғоя ва таклифлари ифодаланган турли мактублар ва мурожаатномаларини бир неча марта Тошкент ва Москвадаги турли юқори органларга юборганлар.

1924 йил 8 майда Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул котиби Қ. Одинаев Хоразм ССРда миллий-ҳудудий чегараланишти ўтказмаслик кераклиги тўғрисида хат йўллаган эди. Бу мактубга ундан ташқари Хоразмнинг Москвадаги мухтор элчиси М. Абдусаломов, ХССРнинг Тошкентдаги бош консули Р. Ёқубов ва ХССР Госпланининг раиси Шулимов ҳам имзо чекишган эдилар [8].

Бу пайтда Ўрта Осиё иқтисодий конференцияси ишида қатнашиш учун келган Хоразм делегацияси аъзолари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раисига «Хоразмда миллий масаланинг ҳал қилиниши тўғрисида мактуб» топширдилар, унда Хоразмни мустақил маъмурий район сифатида ўзининг аввалги доирасида қолдириш, шунингдек, Хоразм Республикаси билан Туркистон АССРнинг Амударё вилоятини ўзаро бирлаштириш таклиф қилинган эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, аслида, бу Хоразмда чегараланиш ўтказилишини рад қилишни англатган. Шунинг учун Ўрта Осиё бюроси бу фикрни инкор этди, ўз қарорларининг биринчи бандига Хоразм Республикасини ҳам киритди.

Хоразм Компартияси Марказий Комитети Ижроия бюроси бу даврда қатъий позицияда туриб, Хоразмда чегараланиш ўтказилишига қарши чиқди. Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул котиби Қ. Одинаев 1924 йил 2 июнда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси Я.Рудзутак номига телеграмма жўнатиб, унда яна бир марта Хоразмни федератив республика сифатида сақлаб қолишни сўради. Бу телеграммага ундан ташқари ХКП МК Ижроия бюроси аъзоси М. Абдусаломов, ЭКОСО раиси Ўроз Ирманов, ГПУ раиси Карим Болтаев, Хоразмнинг Тошкентдаги консули Р. Ёқубов имзо чекишган эди[14]. Баъзи тарихий адабиётларда бу телеграммага РСФСРдан юборилган махсус комиссия раиси Г. Бройдо ҳам қўл қўйган деб нотўғри кўрсатилади.

Шу муносабат билан 1924 йил 12 июнда бўлиб ўтган РКП(б) МК Сиёсий бюроси йиғилишида Ўрта Осиё бюросининг мажлисга тайёрлаган материалларига тегишли тузатишлар киритишга

мажбур бўлинди. Сиёсий бюро Хоразм Республикасини миллий чегараланишга жалб қилмай, олдинги ҳолида қолдиришга қарор қилди.

Бироқ бу қарор Марказнинг тактик чекиниши бўлиб, улар тез орада ўз мақсадларини амалга оширувчи кишиларни Хоразмга жўнатиб, улар қўли билан “чегараланиш масаласи”ни Хоразмда ҳам узил-кесил ҳал қилишга эришдилар. Шунинг учун ҳам РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг қарори билан “мустақил Хоразм Республикаси” ва Хоразм Коммунистик партияси раҳбарлари алмаштирилди.

1924 йил 15 июнда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси махсус қарор чиқариб, Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети масъул котиби Қаландар Одинаевни ўз вазифасидан озод қилиб, уни “қайта тарбиялаш” учун РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига чақириб олди. Бу лавозимга Москвадаги Шарқ халқлари коммунистик университети битирувчиси, ёш ва ғайратчан коммунист Исоқ Хонсуворов қўйилди. Исоқ Хонсуворов Марказ топшириқларини Хоразмда “партиянинг ленинча-сталинча доно миллий сиёсати” йўлидан оғишмай амалга ошириши керак эди.

Бундан ташқари 1924 йил август ойида Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси раиси Бекжон Назаров ишдан олиниб, бу вазифага Тошкентдан юборилган Саъдуллахўжа Турсунхўжаев тайинланди. Бутунхоразм Марказий Ижроия Қўмитаси раиси хоразмлик ўзбек Султонқори Жуманиёзов ўрнини Тошкентдан юборилган туркман Нодирбой Айтоқов эгаллади[9]. Ҳукумат ва давлат бошқаруви таркибида бошқа ўзгаришлар ҳам амалга оширилди.

Айнан ХССР ҳамда Хоразм Компартиясининг янги раҳбарлари Хоразмда социалистик ўзгаришларни фаол амалга оширишга киришдилар. Улар Ўрта Осиёда ўтказилаётган миллий-ҳудудий чегараланиш жараёнига Хоразмни ҳам тортиб, бу ерда Марказ топшириқлари асосида бу ва бошқа сиёсий тадбирларни қарор топтиришди.

Хуллас, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартияси Марказий Комитети таркибини янгилагач ҳамда бошқарувда хоразмликлар ўрнини Тошкент ва Москвадан юборилган “тажрибали партия, совет ва хўжалик раҳбарлари” билан алмаштиргач, ўз режаларини силлиқлик билан амалга ошира бошлади. Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг янгиланган таркиби 1924 йил 26 июнда аввал 9 июнда қабул қилинган қарорни бекор қилди ҳамда Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этди. РКП(б) МК Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг таклифи билан яна бу масалага қайтди ва Хоразмни Бухоро ҳамда Туркистон республикалари билан бир қаторда миллий-ҳудудий чегараланиш жараёнига қўшди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Революционный Восток” (Москва). 1934. №6.

2. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар.

3. Материалы по районированию Средней Азии. Кн.2. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 2.

4. Хорезм. С приложением административно-этнографической карты б. Хорезмской республики. – Ташкент: Издание Комиссии по районированию Средней Азии, 1926.

5. Ўзбекистон МДА, Р-72-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 5-10-варақлар.

6. Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1958.

7. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова. – Ташкент: “Шарк”, 2000.

8. Хоразм тарихи. II жилд.

9. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача).Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2015.

10. Bakhtigul Abdupattaevna Mamadaminova. Some Considerations about the Socio-Political Movements of Young Khivans / International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), Special Issue –IDMR 2021 April 2021. -P 50-52. @ www.ijtsrd.com

11. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattaevna. The State of Waqf Property in the Khorezm People's Soviet Republic. Journal of Ethics and Diversity in International Communication (JEDIC). Volume: 1 Issue: 7, 2021.-Pp.42-44. E-ISSN: 2792- 4017. www.openaccessjournals.eu

12. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattaevna The situation of education and its changes in KHPSR // REMIE, Multidisciplinari Journal of Educational Research 2022. Pp-1-7

13. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattayevna Economic Life in Khorezm in 1921-1924. And Processes in Cotton Growing // EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS) ISSN 2660-9630 www.ejlss.indexedresearch.org Volume 15, 2022.

14. *Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи*. – Б. 784.

15. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. – Б.297.

## ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРДА АГРАР СОҲА МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Ботирова Ҳалима Эшмаматовна,**
*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини*
механизациялаш мухандислари институти” **ва**
**Миллий тадқиқот университети “Гуманитар**
фанлар” кафедраси доценти в.б,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd).

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизнинг жанубий ҳудудларда спорт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш **мақсадида асосий** эътибор **соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни жисмонан ва маънавий камол топиши учун махсус** давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий қилинди.

Таянч сўз ва иборалар: **соғлом турмуш тарзи,** қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, **маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш,** спорт майдончалари.

**Аннотация**: В данной статье в результате реформ, проводимых в спортивной сфере в южных регионах нашей Республики, основное внимание уделялось формированию здорового образа жизни с целью улучшения условий жизни населения на селе. Были приняты и претворены в жизнь специальные государственные программы физического и духовного развития сельского населения, особенно подрастающего поколения.

**Ключевые слова и фразы:** здоровый образ жизни, популяризация спорта в сельской местности, дальнейшее улучшение культурно-бытовых условий жизни, спортивные площадки.

**Abstract**: In this article, as a result of the reforms carried out in the sphere of sports in the southern regions of our Republic, the main attention was paid to the formation of a healthy lifestyle in order to improve the living conditions of the population in rural areas. Special state programs for the physical and spiritual development of the rural population, especially the younger generation, were adopted and implemented.

**Key words and phrases:** healthy lifestyle, popularization of sports in rural areas, further improvement of cultural and living conditions, sports grounds.

**Республикамизнинг жанубий вилоятларида аграр соҳа мутахассисларнинг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида асосий** эътибор **соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни**

**жисмонан ва маънавий камол топиши учун махсус** давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий қилинди.

2012 йили республика бўйича 108 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилиб, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болалар спорт билан мунтазам шуғулланди [1].

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда қишлоқларда 4 мингдан ортиқ спорт майдончаларида болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун турли тадбирлар ўтказилди. Оммавий спорт тадбирларида 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Шу билан бирга Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқларида жойлашган жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, уларни қайта жиҳозлаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида жанубий вилоятлардаги қишлоқ ҳудудларда 2795 та спорт майдончаси ободонлаштирилди, 744 та майдонча тикланди, 279 таси эса янгидан ташкил этилди [2].

Мустақиллик йилларида асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўтказилди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда қишлоқ ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишди. Буни 2011 йилги беллашувларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ёшларидан 130 мингдан зиёд ўғил-қизлари қатнашгани ва улар орасидан ўнлаб истеъдодли ёш полвонлар кашф этилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Эътиборлиси, 2011 йилда турнирни ташкил этган маҳаллалар сони 2010 йилдагига нисбатан 685 тага, иштирокчилар эса 32 минг нафарга кўпайди. Мусобақанинг барча босқичлари замонавий спорт мажмуаларида ўтказилаётгани эса унинг нуфузи янада ошишида муҳим омил бўлди [3].

Қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси ҳамкорлигида ўтказилган «Отам, онам ва мен-спортчилар оиласи» номли спорт мусобақалари алоҳида ўрин эгаллади. Ушбу тадбирнинг вазифаси аҳоли орасида спортни ривожлантириш ҳамда касалликларга қарши профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришдир. 2011 йили мазкур мусобақанинг қуйи босқичлари 6726 та қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилиб, уларга 624 мингдан зиёд оилалар жалб этилди. Беллашувларда фаоллик кўрсатган республикадаги 11630 та оила ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди [4].

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида спортнинг шахмат ва шашка турига қишлоқ ёшларининг қизиқишини янада ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ, Шахмат федерацияси томонидан «Шахмат ва шашка» турнири уюштирилди. Турнирнинг 2011 йилда маҳалла босқичларида 7068 та фуқаролар йиғинида ўтказилган бўлиб, уларда 137 минг нафардан зиёд қишлоқдаги ўғил-қизлари фаол қатнашдилар [5].

Аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда экологик масалаларга ҳам эътибор берилиши лозимдир. Жумладан, қишлоқларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлар, айниқса, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиб буғ-газ ва сув электр станциялари қурилишини тезлаштириш, қишлоқларда қуёш ва шамол энергияларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**Қишлоқларда аграр соҳа мутахассисларнинг маданий-маиший турмуш шароитини**

**янада яхшилаш мақсадида асосий** эътибор **соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни жисмонан ва маънавий камол топиши учун махсус** давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий қилинди.

2012 йили республика бўйича 108 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилиб, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болалар спорт билан мунтазам шуғулланди [6].

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда қишлоқларда 4 мингдан ортиқ спорт майдончаларида болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун турли тадбирлар ўтказилди. Оммавий спорт тадбирларида 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Шу билан бирга Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқларида жойлашган жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, уларни қайта жиҳозлаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида жанубий вилоятлардаги қишлоқ ҳудудларда 2795 та спорт майдончаси ободонлаштирилди, 744 та майдонча тикланди, 279 таси эса янгидан ташкил этилди [7].

Мустақиллик йилларида асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўтказилди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда қишлоқ ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишди. Буни 2011 йилги беллашувларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ёшларидан 130 мингдан зиёд ўғил-қизлари қатнашгани ва улар орасидан ўнлаб истеъдодли ёш полвонлар кашф этилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Эътиборлиси, 2011 йилда турнирни ташкил этган маҳаллалар сони 2010 йилдагига нисбатан 685 тага, иштирокчилар эса 32 минг нафарга кўпайди. Мусобақанинг барча босқичлари замонавий спорт мажмуаларида ўтказилаётгани эса унинг нуфузи янада ошишида муҳим омил бўлди.

Қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси ҳамкорлигида ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» номли спорт мусобақалари алоҳида ўрин эгаллади. Ушбу тадбирнинг вазифаси аҳоли орасида спортни ривожлантириш ҳамда касалликларга қарши профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришдир. 2011 йили мазкур мусобақанинг қуйи босқичлари 6726 та қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилиб, уларга 624 мингдан зиёд оилалар жалб этилди. Беллашувларда фаоллик кўрсатган республикадаги 11630 та оила ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида спортнинг шахмат ва шашка турига қишлоқ ёшларининг қизиқишини янада ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ, Шахмат федерацияси томонидан «Шахмат ва шашка» турнири уюштирилди. Турнирнинг 2011 йилги маҳалла босқичларида 7068 та фуқаролар йиғинида ўтказилган бўлиб, уларда 137 минг нафардан зиёд қишлоқдаги ўғил-қизлари фаол қатнашдилар.

Хулоса қилиб қайд этиш зарурки, мустақиллик йилларида жанубий вилоятларда қишлоқ ишлаб чиқариши ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ёшларни касб-ҳунар билан банд қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишлоқнинг ўзида замонавий корхоналар ёрдамида қайта ишлаш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, бориш қийин бўлган ва олис аҳоли пунктларида телекоммуникация тармоқлари

ва почта алоқаларини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқларда фермерлик ҳаракатини янада қўллаб қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида этибор берилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 18-ҳужжат, 2013 йил. –Б. 36.
2. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-ҳужжат, 2013 йил, 8 февраль. –Б. 23.
3. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-ҳужжат, 2010 йил, 10 июнь. –Б. 36.
4. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 2012 йил 26 январь. –Б. 51.
5. ХудойшукуровЗ. Маҳаллларда ўтказилаётган спорт тадбирларининг бош мақсадидир. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 8 февраль, № 27 (5701).
6. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 18-ҳужжат, 2013 йил. –Б. 36.
7. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-ҳужжат, 2013 йил, 8 февраль. –Б. 23.


# СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ФЕНОМЕНИНИНГ МАДАНИЙ ХОДИСА СИФАТИДА ТАҲЛИЛИ


**Музаффаржон Мансуров,**
А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот
институти етакчи илмий ходими
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD)*
muzaffarzhon.mansurov.86@mail.ru



**Аннотация:** Тадқиқот мақсади Совет Иттифоқи йилларида Ўзбекистонда маданий туризмнинг туризм индустриясидаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат. Даврий чегараси 1924-1991-йилларни ўз ичига олади. Тадқиқот иши қиёсий-тадрижий, даврийлик методлари асосида хориж манбалари ҳамда Совет Иттифоқи йилларида нашр этилган газета ва журналлар асосида таҳлил қилинган. В.А.Квартального, Г.А. Папиряна, В.С. Малышева, Р.Ю. Поповой, О.П. Березкиной, Н.В. Михайловой, И.И.Ильиной. каби олимларнинг анализ методларидан самарали фойдаланилган. Совет Иттифоқи йилларида “темир парда” билан капиталистик мамлакатлар билан тўсиқ қўйилди. Шунингдек, туризм соҳасида махсус ахлоқ нормалари ишлаб чиқилди. Туризм социолистик тузум тарғибот қуроли сифатида фойдаланилган. Туризм харбий ватанпарварликни тарғиб қилиш мақсадида спорт туризми имкониятларидан фойдаланилган. Бу орқали совуқ уруш шароитида ёшларни сафарбарликка яширин тайёрлашдан иборат бўлган. Хатто капиталистик мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам сиёсий полиция назоратида бўлган.



**Калит сўзлар:** туризм, мафкуравий компонент, туризм феномени, темир парда, совуқ уруш, харбий ватанпарварлик.



**Аннотация:** Цель исследования - выявить роль и значение культурного туризма в туристической индустрии Узбекистана в годы существования Советского Союза. Срок включает 1924-1991 годы. Исследовательская работа анализировалась на основе сравнительно-поэтапного, периодического методов с опорой на зарубежные источники и газеты и журналы, издававшиеся в годы существования Советского Союза. В.А.Квартального, Г.А. Папириана, Британская Колумбия Малышева, Р.Ю. Поповой, О.П. Березкиной, Н.В. Михайловой, И. И.

Ильиной. методы анализа таких ученых, как В годы Советского Союза с капиталистическими странами был поставлен барьер «железным занавесом». Также в сфере туризма разработаны специальные этические нормы. Туризм использовался как инструмент пропаганды социалистического режима. Туризм использовал возможности спортивного туризма для пропаганды военного патриотизма. Через это в условиях холодной войны заключалась тайная подготовка молодежи к мобилизации. Даже туристы, приехавшие из капиталистических стран, находились под контролем политической полиции.

**Ключевые слова:** туризм, идеологическая составляющая, феномен туризма, железный занавес, холодная война, военный патриотизм.

**Abstract:** The purpose of the research is to reveal the role and importance of cultural tourism in the tourism industry in Uzbekistan during the ears of the Soviet Union. The time limit includes the ears 1924-1991. The research work was analyzed on the basis of comparative-gradual, periodical methods based on foreign sources and newspapers and magazines published during the ears of the Soviet Union. V.A. Kvartalnogo, G.A. Papiriana, B.C. Malysheva, R. Yu. Popovoy, O.P. Berezkinoy, N.V. Mikhailovoy, I.I. Ilinoy. the analysis methods of scientists like During the ears of the Soviet Union, a barrier was put up with the capitalist countries with the «iron curtain». Also, special ethical norms have been developed in the field of tourism. Tourism was used as a propaganda tool of the socialist system. Tourism used opportunities of sports tourism to promote military patriotism. Through this, in the conditions of the cold war, it consisted of secretly preparing young people for mobilization. Even tourists visiting from capitalist countries were under political police control.

**Key words:** tourism, ideological component, tourism phenomenon, iron curtain, cold war, military patriotism.

Туризм XX асрнинг 20-йилларида Совет Иттифоқи капиталистик мамлакатлар билан “темир парда” орқали муносабат ўрнатилган. Амалда кам сонли бўлса-да туристлар оқими орқали капиталистик мамлакатларда маҳсулотларнинг хилма-хиллиги ва кўплиги тўғрисида маълумотлар совет халқини қизиқтирувчи омил бўлиб қолган. Энг қизиқарли томони шундан иборатки, Совет Иттифоқи биринчилардан бўлиб, “Хорижга саёҳат қилувилар учун ахлоқ-одоб қоидалари” ишлаб чиқилган. Унга кўра совет туристи хар қандай вазиятда социализм тарғиботчиси бўлиши лозим эди. Иккинчидан, капиталистик мамлакатда ўзини қандай тутиши, мамлакат урф-одатларини хурмат қилиши кўрсатиб ўтилган[1.].

Совет даври туризм назариясининг асосчиларидан бири В.П.Антонов “Совет туризми маданий соҳадаги ишларнинг бир қисми бўлиб, чуқур сиёсий ҳодиса бўлса-да, бу синфий курашнинг ва шу билан бирга социалистик қурилишнинг янги шакли” сифатида таъриф берган. XX асрнинг 20-йилларида ўқувчилар учун саёҳат давомида бепул озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда имтиёзли йўл чипталарини йўлга қўйилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, саёҳатни сифатли ташкил этиш мақсадида гид таржимонларни ўқитиш тизимига эътибор қаратган. Совет Иттифоқи дунёдаги энг катта чегарага эга мамлакат бўлганлиги туфайли Совет давлати чегаралари бўйлаб саёҳат қилиш учун ҳам махсус туристик маршрутлар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Чегарага оммавий саёҳат” маршрути кенг тарқалган йўналиш бўлган. Аммо бундай маршрутлар бошқа тур маршрутлардан устав қоидалари билан ажралиб турган. Чегара бўйлаб пиёда саёҳат, чегара бўйлаб вело туризм турлари анча оммалашган бўлса-да, булар ҳаммаси бевосита харбий соҳа вакиллари назоратида амалга оширилган. Шунинг учун бир қанча мураккабликларга эга эди. Энг асосийси сайёҳлар бу даврда қишлоқ хўжалиги йиғим-терим ишларига жалб қилинганлиги туфайли ҳам бу йўналишни тарғиб қилувчи 40 дан ортиқ шиор лойиҳалари ишлаб чиқилган.

**XX асрнинг 20-йилларида ўқувчилар учун мўлжалланган туризм турлари таснифига эътибор қаратсак, тарихий туризм, археологик туризм, маърифий туризм, индустриал туризм, этно туризм, меҳнат ёрдам туризми, соғломлаштириш туризм турлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Энг ажабланарли туризм тури меҳнат ёрдам туризм тури бўлиб асосан қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун хизмат қилган. Туризм давомида тўпланган**

**материаллар мактаб музей фондларини бойитиш учун махсус кўргазмалар ташкил этилган. Шунингдек барча мактабларда саёҳат учун хатто махсус соат ҳам ажратилган. Маърифий туризм доирасида уй кутубхоналари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Уй кутубхоналарига саёҳат натижасида китобхонликни тарғиб қилиш ҳамда коммунистик мафкура тарғиботига алоҳида аҳамият қаратилган. Ёшларни сиёсий билимларини ошириш социалистик жамият назарияси билан яқиндан таништиришга эътибор қаратилган.**

Мактабларда ташкил этилган экскурсия тўгараклари ўз навбатида табиий, гуманитар, техник гуруҳларга бўлинган. Табиий бўлим эса ёш геолог, ёш ботаник, ёш геогриф гуруҳларига бўлинган. Гуманитар бўлим эса ёш этногриф, ёш санъаткор, ёш рассом гуруҳларига бўлинган. Техник бўлим ёш энергетик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш гуруҳларидан иборат бўлган. “**Комсомолская Правда**” газетасининг 1927-йилда йилда нашр этилган сонида “Бизга сайёҳлик ва экскурсия керак” номли мақола чоп **этилган. Мақолада туризмнинг зарурати ва унинг коммунистик мафкура тарғиботидаги ўрни таҳлил қилинган[2.].**

**Туризм ва экскурсия бюролари вазифалари қаторига қишлоқ хўжалигидаги янги технологияларни тарғиб қилиш вазифаси ҳам бевосита юклатилган. Ҳатто баҳорги экиш жараёнларида ҳам бевосита иштирок этиш мажбуриятлари ҳам юклатилган. Колхозлар билан ўзаро хамкорликда ишлаш ва уларни техника билан таъминлаш ишларига кўмаклашиш ҳам зарур эди.**

Туризмни янада оммалаштириш мақсадида турли байрам карнаваллар ҳам ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Шунингдек, турли миллат миллий кийимларда ватанпарварлик қўшиқлари ҳамда Совет давлатини улуғловчи куй қўшиқлар кенг тарғиб қилинган. Туризмни динга қарши курашувчи мотив сифатида ҳам қаралг**ан. Саёҳат давомида алкоголь маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу орқали аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган мамлакат фуқаролари анъаналарига зарба беришга ҳаракат қилинган. Бу даврда туризмнинг етарли даражада ривожланмаганлиги энг аввало моддий техник базанинг қашшоқлиги, кадрлар салоҳиятининг етмаслиги билан изоҳланди.**

1937 **йил** 28-**мартда** “**Правда**” **газетасида “Ким туризм билан шуғулланади**?” номли мақола чоп этилган. Мақолада спортнинг туризм ривожидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилган. “СССР сайёҳи” кўкрак нишони таъсис этилиши мамлакатда туризм соҳасини янада ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Ушбу нишон туризм турлари, география, то**пография, қутқарув ишларидан бохабар жисмоний баркамол инсонларга берилган[3.192 Б.].**

**Мактаб ёшидаги болалар ўртасида сайёҳликни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад туризм нафақат даволаниш ва дам олишнинг самарали усули сифатида қаралди, шунингдек ўқувчиларни жисмоний ривожланиши, таълими ва тарбиясида ҳам муҳим воситага айланган. Ўқувчилар ўртасида ҳатто маҳаллий тарих билан боғлиқ жойларни кашф этиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ва меҳнат фахрийлари билан доимий учрашувлар ўтказиб борилган.**

Капиталистик давлатлар туризмдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб келган. Улар меҳнаткаш оммани асосан синфий курашларни олдини олиш мақсадидагина туризмга жалб этади. Буржуазия туризми сиёсатдан ва синфий курашлардан ҳоли деб сайёҳларни ишонтиришга ҳаракат қилган. Хориж мамлакатларидан ташриф буюрувчи “демократик” турист тамомила буржуазия синфининг манфаатларига хизмат қилган. Совет Иттифоқида эса давлат тўлақонли меҳнаткаш омма томонидан қурилди деган ақида шакллантирилган. Туризм даромад манбаи эмас балки мароқли дам олиш тури сифатида қаралган[4.4 Б.].

Ўзбекистон ва Қорақолпоғистонда туризмни ривожлантириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Туризм энг аввало инсонни чидамлиликка, саломатлигига катта таъсир қилади. Бошқа халқлар маданияти билан танишиш орқали билимлар бойишига олиб келади. Туризм Совет Иттифоқининг узоқ ҳудудларига амалга ошириладиган актив саёҳат сифатида қаралган.

Туризм инсон саломатлигини мустаҳкамловчи омилдир. Оддий меҳнаткаш оммасининг туристик фаолияти буржуазия туристик фаолиятидан манманлик ва киборлик белгиси сифатида эътироф этилмаслиги билан ажралиб туради[4.7 Б.].

1940 йилда “СССР сайёҳи” кўкрак нишони жорий этилди. Мақсад ўқувчиларнинг жисмоний фаоллигини ошириш билан бир қаторда ҳаваскор туризмни ривожлантиришдан иборат. Совет Иттифоқининг асосий вазифаси ҳар томонлама баркамол шахсни яратиш бўлганлиги туфайли ҳам спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган.Туризмнинг ривожланиши натижасида маҳаллий аҳоли миллий ментал хусусиятларига ташқи оммавий маданиятнинг кириб келиши катта ёшдаги аҳоли норозилигига олиб келган.

Туристик гуруҳларга корхона ва ташкилотлар партия ўқишларида энг кўп қатнашган шахслар орасидан танлаб олинган. Улар туристик гуруҳнинг ҳар бир аъзосига жавобгар бўлган. Энг қизиғи хориж мамлакатларига саёҳатга жўнатилаётган ҳар бир гуруҳда 3 та энг камида “коммунистик ғоя” тарғиботчилари жўнатилган. Бу ўз навбатида хориж мамлакатларида ахборот “хуружи” учун ва ташқи босимни “лебераллаштирувчи” вазифани бажарган.

Хорижга саёҳат қилган “ахлоқий жиҳатдан барқарор ва сиёсий жиҳатдан саводли” деб тан олинган одамлар ғарбнинг “стриптиз” барлари энг кўп қизиқтирган омил бўлгани қайд этилган. Совет сайёҳларининг ғарб мамлакат аҳолисининг маданиятидан беҳабарлиги натижасида хориж мамлакатларида совет сайёҳларини обрўси у даражада “юқори” бўлмаган. Саёҳат давомида фақат маршрут доирасида ҳаракатланиш, саёҳат дастурига амал қилиш, ресторандан фойдаланиш маданиятига алоҳида урғу берилган. Аммо совет сайёҳларида ресторанда буюмлардан ўринли фойдаланиш маданияти юқори эмаслиги кулгига қолишга олиб келган. Фақат белгиланган транспорт хизматидан фойдаланишгагина амал қилинган. Сайёҳларнинг интизоми алоҳида урғуланган. Сайёҳ ўзини “муносиб” тутмаса келгусида бошқа саёҳатга чиқиш имкониятларидан “маҳрум” бўлган. Саёҳат давомида ёлғиз қолиш хулқ-атворнинг “хавфли” омили ҳисобланган. Хориж мамлакатларига борган сайёҳлар асосан жинси кийимлар кўпроқ қизиқтирганлиги ва шундай кийимлар харид қилишга ҳаракат қилган. Аммо божхона қоидаларига кўра битта жинси ва битта деним костюм олиб кириш мумкинлиги қатъй кўрсатиб ўтилган. Диний мазмундаги адабиётлар ва порнографик деб ҳисобланган ҳар қандай маҳсулот божхона постида мусодара қилинган[5.].

Совет кишисининг коммунистик идеал руҳида, социалистик Ватанга, ота-боболарнинг сўнмас жасорати, жанговар анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш Совет идеологиясининг асосий вазифаси ҳисобланган. Айниқса ёш авлодни жанговар руҳда тарбиялашда жанговар ва меҳнат шуҳрати уйларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлган.

Наманган шаҳридаги жанговар ва меҳнат шуҳрати уйида ташкил этилган таклифлар дафтарида чет эллик меҳмонлар, ўқувчи ва талабалар истаклари баён этилган. Жумладан Бангладешлик сайёҳ жанговар уйда бўлиш Совет уруш қаҳрамонларининг немис фашистлари устидан қозонган ғалабаси тарихи билан танишган[6.]. Монументал санъат республикада меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли бадиий воситаларидан бири бўлиб қолган[7.7Б.].

АҚШ социализмга қарши қаратилган пропаганда қилишда капитализмнинг жозибадор томонларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Капитализм нафақат йирик саноатчилилар шунингдек ишчилар учун ҳам манфаатли эканлигини исботлашга ҳаракат қилинди. Аммо 1965 йилда АҚШ 45 миллиард доллар фойда кўрган бўлса-да, мамлакатда 32 миллион аҳоли қашшоқликда яшаётганлиги “озод дунё”нинг асл юзини кўрсатиб беради. Испания, ЖАР, Жанубий Родезия каби “озод дунё” мамлакатларида ҳам “Капитализм эртакларига” ишонувчилар камайиб кетаётганлигини кўрсатган[8.14 Б.].

Америкалик журналист У. Ледерер ўзининг “Қўйлар подаси” асарида америка халқини энг катта хавф “коммунизм хавфи”дан огоҳлантириб, социализмнинг “кирдикорларини” очиш орқали “капитализм жаннатини” улуғлашга ҳаракат қилган[8.16 Б.].Америкалик файласуф У. Сили “Капитализмни қурол қилиб олган ғояларни муваффаққиятли тарғиб қилиш учун тарғиботда ғоятда моҳирона услублар зарур. Кучли эмоция орқали калтафаҳм одамларни чалғитиш мумкин. Бундай услубсиз капитализм узоққа бормаслигини эътироф этган[8.38 Б.].

Капитализм ва империализмни кенг тарғиб қилувчи ташкилотлар биргина АҚШнинг ўзида 15 мингдан ошади. Шулардан энг йириги Форд фондидир. Бунга америка автомобиль магнати Генри Форд асос солган. Бу социолистик мамлакатларда қўпорувчилик ишлари амалга ошириш, социолизмга қарши анти пропоганда билан шуғулланган. Фонднинг "Шарқий Европа фонди" бўлими бу ишларга бошчилик қилган. Антикоммунистик ташкилотлар "Озодлик учун салиб юриши", "Ёрдам ва қутқариш комитети", "Халқаро матбуот институти", "Берлин озод университети" каби ташкилотларни ҳам моддий жиҳатдан қўлаб қувватлаган[8.39 Б.].

1950-1960-йиллар оралиғида антикоммунизм тағиботига 259 миллион доллар маблағ йўналтирилганлиги ҳам буни кўрсатиб турган. Рокфеллер фонди учун ажратилган маблағлар 400 миллион долларни ташкил этиб, асосан социолистик мамлакатларда турли террорлар ташкил этиш, агентликлар фаолияти қўллаб қувватлашга маблағ ажратган[8.44 Б.].

Империализм тарғиботи билан шуғулланиш учун АҚШ ахборот агентлиги 1953-йилда ташкил этилган. 1967-1968-йилларда ушбу ташкилотга 186 миллион доллар маблағ ажратилган. Бу ташкилотнинг 103 мамлакатда 215 та бўлимлари ташкил этилган. "Америка овози" радиоканали ва 80 дан ошиқ редакцияларга эга бўлиб, турли тилларда фаолият олиб борувчи антикоммунистик ташкилот ҳисобланган[8.45 Б.]. "Озод Европа", "Озодлик", "РИАС" каби радиоканаллар ҳам социализмга қарши кенг тарғиботга алоҳида аҳамият қарата бошлаган [8.51 Б.]. Империалист инглиз Л. Фрейзер "Ёлғон-яшиқ гапириб, алдай олишга кўзинг етмаса шуни эсда тутки, сени албатта бир кун фош қилишлари мумкин[8.54 Б.].

1966-йилнинг ўзида хориж мамлакатларида социалистик мамлакатлар тилларида нашр қилинадиган 80 дан ортиқ журнал ва газеталарга эга бўлган. Жумладан, ўзбек тилида "Коммуннизм проблемалари", "Америка" журналларини келтириб ўтиш мумкин. Америка хориж мамлакатларга ҳар йили 600 дан ортиқ фильмлар тарқатган. Кино эксперти Эрик Жонсон "Америка фильми – АҚШ нинг энг яхши вакилидир. Айтишларига кўра Британия байроғи кетидан Британия савдогарлари юрган. Мен ўйлайманки, Америка савдогарлари Америка фильмлари кетидан юрибди" [9.].

АҚШ ўз режаларини амалга оширишда туризмдан кенг фойдаланган. Юзаки қараганда бу унчалик хавфли туюлмаса-да, турли эътиқодга эга кишиларни онгига таъсир этувчи асосий воситага айланиб улгурди[10.]. Социалистик мамлакатларга борувчи сайёҳлар учун Ню-Йорк шаҳрида "Совет иттифоқига борувчи Америка сайёҳлари учун ахборот маркази" фаолият олиб борган. Бу ерда ҳар бир турист "Совет Иттифоқида америкаликка бериладига саволлар рўйхати" билан таништирилган. Аммо америкаликларни ҳаммаси ҳам бериладиган саволларга тўлақонли жавоб бера олмаган. Жумладан, "Нима учун америкада айрим одамлар ўта бой кўп одамлар эса ўта қашшоқ яшайди?", "Ирқий камситишлар кучли мамлакатни демократик давлат дейиш мумкинми?" Бундай саволлар берилганда муҳокама қилишдан бош тортиш тавсия қилинган. "Темир парда орқасида саёҳат қилувчи америкаликлар – деб ёзади "Уоллстрит жорнэл" газетаси, - совуқ урушнинг сипоҳийси бўлган. Уларни давлат департаменти қўллаб қувватлаган. АҚШ янги, атомсиз, нобаллистик ўқ – Америка туристларини ихтиро қилди"[11.].

"Психологик уруш" раҳбарлари туризмдан фақат идеологик қўпорувчилик воситаси сифатидагина эмас, жосуслик манбаси сифатида ҳам фойданган. Жумладан, америка туристик инструкциясида қуйидаги сўзлар бўлган. "Совет Иттифоқида бўлар экансиз, белгиланган ўрганиш билан шуғулланинг, бу соҳада ишловчи кишилар билан учрашинг. Совет кишилари билан дўстона алоқа боғланг. У ердан қайтаётганда бу одамларнинг манзилини олиб бизга беринг. Биз бу манзиллардан фойдалана оламиз" [12, 98 Б.]. Америкалик таниқли ёзувчи С. Ромуло "Америка жаҳонда мисли кўрилмаган катта миқёсда империя барпо қилиб, бу империя устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш имкониятига эга бўлганин қайд этган[13].

АҚШлик сайёҳ Жек Шифф эътирофича "Америка газеталарида Совет Иттифоқида эътиқод эркинлиги йўқ деб шовқин солинади. Бизлар шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, бизлар шахсан ўзимиз иккита синагокада бўлдик. Яҳудийлар ўз маросимларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Масжид ва черковларда ҳам бўлдик. Сизларнинг юртингизда ҳар ким хохлаган динига эътиқод қилар экан. Жуда кўплаб яҳудийлар билан учрашдик. Америкаликлар сизлар

ҳақингида билишлари керак. Уруш йилларида меҳрибон ўзбек халқи яҳудийларга бошпана ва озиқ-овқат берганликларини эслаган. Мен Нью Йоркка қайтгач бу ҳақда албатта айтиб ўтаман” [14.192 Б.].

Совет Иттифоқи ютуқларининг айримларини ҳатто душман мамлакатлари ҳам тан олишга мажбур бўлган. Америкалик сиёсий шарҳловчи Уолтер Липпман шундай деган эди: Агар биз ўзимизни коммунистик давлатларнинг асосий кучи ўрнак бўлишидадир деб ҳисоб бермасак ўзимизни алдаган бўламиз. Бошқача қилиб айтсак, Совет Иттифоқи халқларининг нималарга эришганлиги буни яққол намойиш этади.

Американинг кўзга кўринган жамоат арбоби Уильям Дюбуа “Совет Иттифоқи аҳолиси қариганимда қандай яшайман?, Касал бўлиб қолсам қандай даволанаман?, Фарзандларимни қандай ўқитаман? деган саволлар қийнамайди”. АҚШлик журналист Гарри Фрримэн “Совет аёллари” журналининг 11-сонида босилган ўзининг “Буюк жамият – у қандай бўлади?” деган мақоласида бундай ёзади: Бундан икки йил муқаддам америкаликларга “буюк жамият” ваъда қилинган эди. Уларга қашшоқлик, ишсизлик, ирқий камситиш ўтмишда қолган. Барча америкаликлар тиббий хизмат ва бепул умумий таълимга эга бўлади дейилсада амалда АҚШдек буюк давлат буни уддасидан чиқа олмаган”.1964 йилда меҳмон бўлган норвегиялик журналист Я. Биленберг – бу ерда очиқ ва ҳаяжонли чеҳраларни кўриш мумкин. Лекин ҳаёт азобида эзилган, ғамхўрликдан бебаҳра, хорғин одамларга ҳеч қачон дуч келмайсан. Сурия Нафис санъат институти директори Азиз Шамал “Мен ғоят Тошкент аҳолисининг сахийлиги ва меҳмондўстлиги бегона юртда эканлигимни билдирмади”.Ўзбекистонга келган Ганалик Орроко Теттах – бу ерда тиббий ёрдам шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бирдек баҳрамадлигини қайд этди[15.].

Канадалик машхур ёзувчи Дайсон Картер ўзбек хотин-қизлари ўзларини ташқи қиёфалари, муомаласи ва истеъдодлари билан ажралиб туради. Хотин-қизлар бошларида шарф ёки шолрўмол ўраганлиги тўғрисида маълумот берган. Финли Карпентер Ўзбекистон мактабларида аъло даражадаги дарс бериш методикаси ва муваффаққияти хакида мақола эълон қилган[8.39 Б.].

1950-1975-йилларни бевосита туризмнинг ривожланган олтин даври сифатида баҳолаш мумкин. Айнан шу даврдан “оммавий маданият” ҳамда “дам олиш маданияти” тушунчалари кенг муҳокама қилинган. Шунингдек, иқлимнинг инсон танасига таъсири, табиатни инсон физиологик фаоллигига таъсири таҳлил қилинган.1965 йилдан эътиборан туризмни янада ривожлантириш мақсадида туризм бюролари таркибида турли ўқув қўлланмалар тайёрлаш ҳамда гид таржимонлар тайёрлаш ҳамда мафкуравий жиҳатдан қайта ўқитиш тизими йўлга қўйилди. 1968-йилдан туристик поездлар ташкил этилди. Бу иттифоқ бўйлаб ҳаракатланиш ҳамда саёҳат қилиш имконини берди. Бу даврда туризм кўпроқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли хар бир совет фуқароси сайёҳга айланиши мумкин эди. Бу эса бугун қайсидир маънода “орзу” сифатида қараш мумкин[12.].

1970-йилдан мактаб ўқувчиларига мўлжалланган “Сиз ўз шаҳрингизни биласизми?”, “Шаҳар тарихи музейи”, “Шаҳар кўчалари айтиб бераман”, “Бизнинг замондошимиз” “Бизнинг саноат заминимиз” “Ўз Ватанингни сев ва бил”, “Ўтмиш, ҳозир ва келажак”, “Тарихий ва инқилобий жойлари”, “Янги ва эски шаҳар” туристик маршрутлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, мактаб бирувчилари учун мўлжалланган “ҳафта охири маршрутлари” мавжуд эди[13.].

Совет Иттифоқи хориж мамлакатларига асосан капитализм “даҳшатларини” кўрсатишга ҳаракат қилинган. Капиталистик мамлакатлар ишчиларини ғамгин кайфиятини кўрсатувчи туристик маршрутлар бўйлаб саёҳатга чиқарган. Совет сайёҳлари асосан ғарб шаҳарларининг камбағал кварталларига саёҳат қилган. Гид таржимонлар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитиш тизими ҳам такомиллаштириб борилди. Уларнинг нафақат хорижий тилларни мукаммал билиши шунингдек, мафкуравий-сиёсий билим ҳамда адабиёт, санъат, психология фанларидан ҳам бохабарлик даражасига ҳам алоҳида урғу берилди. 1966 йилдан Интурист Олий мактабларида меҳмонхона бизнеси соҳаси учун ҳам кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди[14. 192 С.].

**Совет давлати туризмни ривожлантиришдан қуйидаги мақсадларни кўзлаган эди.**

**Социализм қуриш ғояларини тарғиб қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ютуқларни тарғиб қилиш, маданий соҳадаги ислоҳатлар мазмуни ҳамда динсизлик ва социалистик жамиятда динга эхтиёж йўқлигини, мудофаа соҳасидаги ютуқлар намойиш қилинган.**

1983 **йилда хориждан келган сайёҳлар совет халқи тўғрисида фикрлари сўралганда 55,2 фоизи ижобий баҳо берган. Хорижликларни энг кўп қизиқтирган омил Совет давлатининг дунё тинчлигига қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси тўғрисида баҳслар мунтазам бўлиб турганлиги қайд этилган.**1985 йилда АҚШга юборилган туристик гуруҳ иштирокчиларига америкалик ёшлар жуда кўплаб саволлар билан мурожаат қилди. Бу саволлар ўз навбатида АҚШ нинг Совет Иттифоқи тўғрисида шакллантирилган ахборот натижаси бўлиб, “Совет иттифоқи йўллари асфальт қилинганми?”, “Телефон автомати борми?”, “Сизларда уйланиш учун партия комитетидан рухсат олинадими?”, “Сизларда бола икки ёшга етиши билан давлат тортиб оладими?” каби оғир саволлар билан мурожаат қилган[8. 38 Б.].

Зангиота зиёратгоҳи атеизм музейига айлантирилиши натижасида бу ерга иттифоқ бўйлаб туристик маршрутлар рўйхатига киритилди. Натижада ҳар йили 3-4 минг Латвия, Литва, Эстония, Белорусия ва бошқа иттифоқдош республикалардан сайёҳлар ташриф буюрган[16.5 Б.]. Янгича урф-одатлар, анъана ва маросимларнинг совет кишилари турмушига тобора кўпроқ кириб келиши улар ҳаётидаги диний маросимларнинг тезроқ йўқолишига хизмат қилган[16.11 Б.]. Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида “муқаддас жой” деб аталган мозор, ғор, булоқ, қадамжо, чинор, харсангтошлар мавжуд. Халқ ишончига кирган айрим “диндорлар” оддий мозор, булоқ, тоғли масканларни Аюб ва Сулаймон пайғамбар ҳамда халифа Али номи билан боғлаш анъанага айланган. Совет ёшлар айни вақтда Самарқанддаги Шоҳи зинда, Гўри амир, Бухородаги Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Аюб, Хивадаги Саид Аловуддин, Паҳлавон Маҳмуд мақбараларига кирар эканлар у ердаги шахслар билан эмас аксинча гўзал меъморий обидалар қизиқтирган[16.12 Б.].

Бандикушод ота зиёратгоҳини илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида илмий экспедиция 1986 йилда ўтказилган. Зиёратчилар шам ёқиб, бу ердаги дарахтларга ип боғлаш орқали ўз орзуларини рўёбга чиқишда Бандикушод отадан мадад сўраганликлари қайд этилган. Бандикушод ота зиёратгоҳи Совет даврида 1964 йилдан зиёратчилар оқими ошган[16.13 Б.]. Бундай жойлардан шифо талаб қилиш ёки “кароматлар”га ишониш керак эмаслик зарурлиги тушунтирилган[16.76 Б.]. Муқадддас жойларга сиғиниш, назр-ниёз қилиш, қурбонлик келтириш каби иллатлар авлиёларни эъзозлаш ва сиғиниш билан боғлиқ одат сифатида совет даврида коммунистик ғоя доирасида йўқотиш ишлари олиб борилган[17.].

Дин тўғрисида Совет қонунлари бўйича дин таълимдан ажратилган. Бутунроссия Марказий Ижроя Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг 1929 йил 8 апрелдаги “Диний уюшмалар ҳақида” қарори (бунга 1975 йил 23 июнь қарори билан ўзгартириш киритилган. Дин билан боғлиқ барча қонунчилик айни шу қарор доирасида шакллантирилган[18. 1 Б.].

Диндорлар кўпроқ “азиз авлиёлар” куч қудрати ҳақидаги ҳикоялар қизиқтиради. “Муқаддас” ҳисобланган ҳар бир қабр, мақбара ҳақида ҳикоялар мавжуд. “Зиёратчи”лар учун энг муҳими дардига даво топиш бўлса, назоратчи руҳонийлар эса “муқаддас” жойлар номидан фойдаланиб турли эҳсон ва қурбонликлар талаб қилишган[19.13 Б.]. Андижон области Избоскан районида жойлашган “Хўжа Уббон” зиёратгоҳини етти марта зиёрат қилиш билан Маккани зиёрат қилишга тенглаштирилган. Бу ерда турли касалликлар билан оғриган беморлар ҳатто ойлаб шу ерда қолиб “даволанишган”[19.9 Б.]. Ўрта Осиёга келган сайёҳларни асосан қадимий меъморий ёдгорликлар билан бир қаторда қисман сақланиб қолган маҳаллий аҳолини урф-одатларини кўрсатилган. Пролетар туризмининг асосий вазифаларидан бири диний масканлар ҳисобланган масжид, мадраса ва мақбараларда маҳаллий аҳолини зиёрат қилишларини олдини олган ҳолда диндор муллаларга қарши кескин тарғибот ишларини олиб бориш ҳам кирган[4.10 Б.].

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, туризм энг аввало социалистик тузум ва коммунистик мафкура тарғибот қуролига айлантирилган. Шунинг учун ҳам хориж мамлакатларга саёҳат қилган совет сайёҳлари эркинлик эмас босим остида бўлганлиги ҳамда сиёсий полиция назоратида бўлганлиги қайд этилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://kazved.ru/news/travel_and_tourism/07-04-2016/vnutrenniy-turizm-v-sssr-i-rossii-god-1985-y-protiv-2016-go-4750976

2. Н. Якуш “История и география туризма в Беларуси Методические указанияк изучению одноименного курсадля студентов специальности 1-89 02 02” Туризм и природопользование Минск 2011 г.

3. Г.Долженко “История туризма в дореволюционной России и СССР”- Издательство Ростовского университета, 1988 г. 192 с.

4. G.Vasiljef. Pьroletar tyrizmi ycyn O’rta Asьja bojunca saqlam ekskyrijə ycyn. - T.:, O’z. dəvlet nəşrjat, 1932. – B. 4, 7,10 .

5. https://www.permgaspi.ru/publikatsii/stati/za-granitsu-iz-istorii_zarubezhn-ogo-turizma-v-sssr.html

6. А.Ражабов “Муқаддас даргоҳ” “Наманган ҳақиқати” газетаси: 1976 й., 15 сентябрь, № 185 (10985)

7. Ферганский областной Совет Общесва охраны помятников истории и культуры Узбекистана (Материалы наглядной агитации) 1987 г. С. 7, 9, 10, 11, 12, 13, 15,19, 23,24,25,29.

8. Ў.Рустамов “Чет элликлар Ўзбекистон ҳақида” Т.: “Ўзбекистон”, 1972 й. (71б.) 14, 16, 38, 39, 44,45, 51, 54 Б.

9. Г.Папирян “Международные экономические отношения”, Экономика туризма. М.: Финансы и статистика, 2000 г.

10. http://www.regsamarh.ru/info_act/publication/28.11.2014/sogaspi/1/19735/

11. http://kaknado.info/home/

12. Ю.Путрик Историческая преемственностьтрадиций в отечественном Туризме политика и обшеста 2012 г. 6(90) 91-98 с

13. Краткий конспект лекций по курсу “История и огранизация туризма” М.: 2014 г.

14. Г.Долженко История туризма в дореволюционной России и СССР.-Издательство Ростовского университета, 1988 г. 192 с.

15. З.Мўминова “Фестиваль ёди” “Саодат” журнали 1985 й., ноябрь, 11 сон, 15 Б.

16. Т.Саксонов “Муқаддас”жойлар хурофот ва биъат ўчоғи”, Т.: ЎзССР “Медицина” 1986 й., 5,11,12,13, 76 Б.

17. М.Бойматов “Тарбиянинг муҳим соҳаси” Боғдод туман ижро Комитетининг Авангард газетаси: 1979 й.,13 апрель, № 44 (4743)

18. И.Жабборов “Қадамжо, урф-одат, анъана” “Фан ва турмуш” журнали, 1972 й., июнь, № 1, 16,17 Б.

19. А.Асқаров, А.Муҳаммаджонов “Бандикушод ота сирлари” Т.: Ўзбекистон ССР “Фан”, 1986 й., 9, 13 Б.

20. “Атеистик энциклопедик луғат” “Ўзбекистон Совет энциклопедияси Бош редакцияси” Т.: 1988 й., 19, 265 Б.

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР

**Турсунов Анвар Сайпуллаевич**,
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси ўқитувчиси, Тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори *(PhD)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон жанубидаги шаҳарларнинг ривожланиши, шаҳар аҳолисининг ўсиш динамикаси ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, шунингдек, шаҳарларнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаётини тарихшунослик контекстида ўрганиш Жанубий ҳудудларнинг шаҳарсозлик маданиятидаги анъанавийлик ва трансформацион хусусиятларни уйғунлашувини ҳамда ушбу жараённинг умумий ва локал хусусиятларини

асослаш. Жанубий вилоятлардаги шаҳарларни республиканинг бошқа минтақалар шаҳарлари билан таққослаш орқали уларнинг ўзига хос жиҳатларини изоҳлаш асосида юртимизда шаҳарсозлик маданиятида қўлга киритилган ютуқлар ва тўпланган тажрибаларни умумлаштириш каби масалалар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Қашқадарё, Сурхондарё, трансформацион, урбанизация, Сополлитепа, Жарқўтон, Навтак.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрено развитие городов юга Узбекистана, динамика роста городского населения и его особенности, а также изучение социально-экономической и культурной жизни городов в контексте историографии, сочетание обосновываются традиционные и трансформационные черты в культуре градостроительства южных регионов, а также общие и локальные особенности этого процесса. Путем сравнения городов южных областей с городами других регионов республики, на основе интерпретации их конкретных аспектов, подняты такие вопросы, как обобщение достижений и накопленного опыта культуры градостроительства в нашей стране.

**Ключевые слова:** Кашкадарья, Сурхандарьинская область, трансформация, урбанизация, Сополлитепа, Жаркотон, Навтак.

**Abstract:** In this article, the development of cities in the south of Uzbekistan, the dynamics of the growth of the urban population and its specific aspects, as well as the study of the socio-economic and cultural life of cities in the context of historiography. By comparing the cities of the southern regions with the cities of other regions of the republic, based on the interpretation of their specific aspects, issues such as summarizing the achievements and accumulated experiences in the culture of urban planning in our country were brought up.

**Key words:** Kashkadarya, Surkhandarya, transformation, urbanization, Sopollitepa, Jarkoton, Navtak.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларнинг шаҳарлари инфратузилмасини юксалиши туфайли йирик маданий ҳамда илмий марказларига айланди. Ушбушаҳарлар инфратузилмасидаги ўзгаришларни саноат корхоналари мисолида таҳлил этишни асосий мақсад қилиб олдик, чунки совет давридан мерос бўлиб қолган саноатдаги эски қолоқ асбоб-ускуналар билан сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқараётган шаҳарлардаги мавжуд корхоналарни замонавий технология билан жиҳозлаш учун зарурий маблағлар ажратмасдан туриб аниқ натижага эришиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатди. Бундан мақсад шаҳарлар инфратузилмасини кенг тармоқли юксалиши учун асос бу саноатнт комплекс рижолантириш, замонавий жаҳон андозалрига жавоб бермадиган маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатлиги долзарб маслалага айланди. Иқтисодиётни ривожлантиришдир. Саноат корхоналаридан келиб тушадиган фойдаданолинаётган даромадлар ҳисобидан шаҳарларнинг инфратузилмаси-ни тараққий эттириш учун шаҳарларни янги саноат ишлаб чиқариш марказига айлантириш орқали эришиш мумкинлиги асосий давлат сиёсатига айланиб борди. Шаҳарлар инфратузилмасидаги мустабид тузум даврида шаҳарлардаги саноат корхоналарни қайта жиҳозлаш учун зарур бўлган техник воситалар иттифоқнинг турли заводларида ишлаб чиқарилар эди, уларни олиб келиш муаммоси ниҳоятда оғир эди. Шу билан бирга ушбу заводларнинг ўзи ҳам техник таъминотга муҳтож бўлиб, замонавий асбоб ускуналари ишлаб чиқара олмас эди. Шу туфайли мустақиллик йилларида эскирган саноат корхоналаридан воз кечиб, жаҳон андозаларига мос замонавий саноат корхоналарини қуриш муҳим масала қилиб олинди[1:480]. Чунки мавжуд саноат корхоналари, асосан, маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган эди. 1930-1960 йилларда қурилган, моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган корхоналар ишлаб чиқаргасифатсиз маҳсулот турлари замонавий талабни қондиролмас эди.

Шаҳарлардаги асосий аҳоли саноат ва қурилиш корхоналарида ишлаб, хом ашё тўхтаб қолган ҳолатларда завод-фабрикаларидаги ишчи-хизматчиларни иш билан таъминлаш, иш ҳақи, озиқ- овқат таъминоти энг муҳим муаммога айланарди. Натижада шаҳардаги демографик

вазият мушкул аҳволга тушиб, ишчи-хизматчилар орасида ишсизлик муаммоси юзага келар эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, саноат ва қурилиш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватининг пасайиши шаҳарларнинг бюджет таъминотига, иш ҳақидан ташқари, ижтимоий-маиший турмуш тарзига, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, уй-жой қурилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Термиз, Қарши, Денов, Шаҳрисабз, Шеробод, Муборак, Шўрчи, Ғузор шаҳарларидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари асосан бирламчи қайта ишланган маҳсулотлар бўлиб, консерва маҳсулотлари Россиянинг саноат шаҳарларига жўнатилар эди. Эски технологияга асосланган озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатсизлиги туфайли, дўконларнинг пештахталаридайиллаб туриб қолар, натижада иш ҳақи ва қўшимча имкониятлар учун зарур маблағларда танқислик юз берар эди. Мустақиликнинг дастлабки йилларида эски саноат корхоналарини тиклаш имконияти йўқлиги туфайли, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, кичик ва ўрта ҳамда қўшма корхоналарни қуриб ишга тушириш асосида муаммоларни бартарф этишга қиришилди. Термиз, Қарши, Шўрчи, Шахрисабз шаҳарларида 1992 йилдан бошлаб кичик ва қўшма корхоналарни қуриш ҳамда ишга тушириш масаласида дастлабки натижаларга эришилди[1:481].

Мустақиллик йилларида ушбу шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиниши натижасида, ижобий натижаларга эришилди. Чунки ушбу минтақалардан саноат корхоналари совет ҳокимияти даврида ниҳоятда суст ривожланган, фақат маҳсулотга биринчи қайта ишлов беришга мослаштирилган эди. Катта имкониятлар бўлишига қарамасдан, тайёр истеъмол маҳсулотларини ноозиқ-овқат йўналишига рухсат берилмаган эди. Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб саноатдаги қолоқликни бартараф этиш масаласида жиддий ишлар амалга оширилди. Шу даврда саноат мажмуаларини қайта таъмирлаш, янги замон талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод-фабрикаларни қуриш муҳим масалага айланди. Айниқса, асосий аҳоли маркази ҳисобланган шаҳарларда саноатни туб ислоҳотлар асосида қайта қуриш, уларни замонавий талаб асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослаштириш, саноат корхоналарини ривожлантириш асосида шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш, аҳолининг моддий турмуш тарзини яхшилаш, шаҳар инфрастуруктурасини тубдан янгилаш, давлат мустақиллигининг иқтисодий тамойилларини мустаҳкамлаш диққат марказида турди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон саноат корхоналари ҳаётида ҳам янги даврни бошлаб берди[5:2]. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди[5:3]. Ушбу қонунга кўра, хусусийлаштириш ва мулкчилик шаклларини ўзгартириш махсус дастурлар асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида,Республика ҳукуматининг иқтисодий стратегияси энг муҳим уч вазифани, яъни ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, иқтисодий юксалишнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратишни ҳал қилишга йўналтирилди[2:298].

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида 1623 та саноат корхонаси бўлиб[3:231], шундан 92 та саноат корхонаси Сурхондарё шаҳарларида жойлашган эди[4:162]. Саноат корхоналари жойлашган Қарши, Термиз, Шаҳрисабз, Денов, Шеробод, Бойсун шаҳарларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида қўшимча маблағлар ажратилиб, маҳсулот тури ҳамда сифатини яхшилаш мақсадида замонавий, янги жаҳон андозаларига мос кичик, ўрта ва қўшма корхоналар қурилиб ишга туширилди.Натижада шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш,янги замонавий саноат бошқарув малакасига эга мутахассисларни тайёрлаш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чет эл сармоялари асосида янги ишлаб чиқариш технологияларини жалб этиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. Қарши,Денов, Шахрисабз, Термиз, Шўрчи, Шеробод, Ғузор шаҳарларида белгиланган режа асосида саноатдаги мавжуд қолоқлик бартараф этилиб, кундалик талаб-эҳтиёж асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиялари ўрнатилди. Шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотнинг таннархи арзонлаштирилиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари

йилдан-йилга ошиб борди, саноат корхоналарида иш ўринлари сони кўпайди.

Қашқадарё вилоятидаги Муборак,Косон, Ғузор, Китоб,Шаҳрисабз шаҳарлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ёқилғи ресурсларини қазиб олиш бўйича Ўзбекистонда муҳим ўрин эгаллайди. Вилоят шаҳарлари республикада қазиб олинадиган табиий газнинг 88%, нефтнинг 92%, конденсатнинг 99,6%, олтингугуртнинг 100% ни беради. Саноатнинг етакчи тармоклари бўлган Қарши, Косон ёғ-экстракция, Шаҳрисабз консерва заводлари, Шаҳрисабз пиллакашлик, Қарши тикувчилик фабрикалари, Қашқадарё мармар акциядорлик жамияти ва бошқа 49 та қўшма корхона мустақиллик йилларида замонавий ишлаб чиқариш технология асосида ўзининг иқтисодий салоҳиятига эга бўлди. Вилоят ҳудудидаги дастлабки саноат корхонаси – Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи 1916 йилда қурилган. Ундан кейинги даврда вилоятда, асосан, пахта тозалаш заводлари, тикувчилик фабрикалари қурилиб, 1971 йилда Муборак газни қайта ишлаш заводи ишга туширилди[6:14-16].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қашқадарё шаҳарларининг асосий саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш 1782 млн сўмга ошиб, 93 та асосий саноат ва 743 та ёрдамчи саноат корхоналари ташкил этилди. Энг муҳими Сурхондарё вилоятининг қайд этилган шаҳарларидаги саноат корхоналарида ишловчи ишчилар сони 29961 кишини, асосий саноат корхоналарида ишловчиларнинг сони 20201 кишини ташкил этди[7:68].

Мустақиллик йиллари шаҳарларда халқ хўжалиги ҳам ҳар томонлама ривож топди, банк, молия-кредит тизимлари такомиллаштирилди, уни жаҳон талаблари даражасига кўтариш, миллий валютани иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш масаласида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1991-1993 йилларда иқтисодий сиёсат барқарорлашиб аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўрилди. Бу даврда дастлабки иқтисодийислоҳотлар амалга оширилишипул-кредит сиёсатини ўзгартиришда муҳим омил бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Сурхон воҳаси шаҳарларида саноатни қайта таъмирлаш, янги саноат корхоналарини қуриш, кон-ёқилғи саноатининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Бойсун шаҳрида кўмир қазиб чиқариш корхонасининг қуввати оширилиб, 1991 йилда 9,1 млн, 1992 йилда 291,6 млн сўмлик кўмир қазиб олинган бўлса, Жарқўрғон шаҳрида нефть қазиб олиш корхонасида 1991 йилда 123,0 млн сўмлик, 1992 йилда 400,4 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди[8:67]. Шунингдек, Қумқўрғон, Термиз ва Жарқўрғон шаҳарларида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми кўпайиб, 1991 йилда 109,1 млн сўмлик, 1992 йилда 878 млн сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Жарқўрғон шаҳрида ип-газлама комбинатининг иқтисодий қуввати оширилиб, 1991 йил 27,0 млн сўмлик, 1992 йилда 216,6 млн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди[8:69].

Шаҳарларда саноат қолоқлигини бартараф этиш учун бутун республикада бўлгани сингари, Сурхондарёда ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга ошрила бошланди. Енгил саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Айниқса, пахта тозалаш саноати соҳасида катта ўзгаришлар юзага келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарлар ҳаётида бир қатор муаммолар ҳам юзагачиққан эди. Хусусан, совет иттифоқ давридаги республикалараро алоқалар узилгач, таъминотда қийинчиликлар рўй берган эди. Кўпгина пахта тозалаш заводларидаги эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар етишмай қолди. Корхоналар бу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун, ўз ички имкониятларидан фойдаланди, бу, албатта, ўзининг ижобий натижаларини берди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида шаҳарлардаги саноат корхоналари, қатор завод ва фабрикалар электр энергияси харажатларининг ошиб бориши сабабли энергияни тежаш йўлларини излаб топдилар. Бундай корхоналар бири Термиз шаҳар пахта тозалаш заводи бўлиб, бу ерда 1993 йилга қадар 100 квт қувват берадиган ўнлаб электр моторларидан фойдаланиб келинар эди. 1993 йилга келиб эса, бу моторлар 55-70 квт ли моторларга алмаштирилди. Бунинг устига, бекор турган асбоб-ускуналар сони ҳам камайтирилди[8:69].

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Турсунов.С.Н.ва бошқалар.Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 480-481.
2. Мустакил Ўзбекистоннинг янги тарихи, 3 китоб. –Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 298.
3. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси.Қомуслар бош тахририяти.–Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 231.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988 й. –Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 162.
5. Халқ сўзи, 1991, 20 ноябрь. - Б. 2-3.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви. И 8-фонд, 1-рўйхат, 323-ҳужжатлар, 14-16-68-варақлар.
7. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси 1993 йил. 12.02. 67-69 б.

## ТРАНСПОРТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ СУРХОН ВОҲА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

**Хидиров Холмамат Джураевич,**
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Дунёнинг ривожланган мамлакатларида глобаллашув ва урбанизация жараёнларининг жадаллашуви тараққиётнинг асосий таянчи бўлган замонавий транспорт тизимининг интенсив тараққиётини тақозо этмоқда. **Бу эса, жаҳоннинг турли давлатларида транспорт тизимининг жаҳон андозаларига мос ҳолда ривожланиш тенденцияларини турли тарихий даврлар контекстида ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келмоқда.**

**Калит сўзлар:** Сув транспорти, Аракс, Ўкуз, Окс, Жайхун, Термиз дарёси, Вахандарё, Помирдарё, Гунт, Бартангдарё ва Ванч, Бурдағуй қалъаси, Эски Термиз.

**Аннотация:** Ускорение процессов глобализации и урбанизации в развитых странах мира требует интенсивного развития современной транспортной системы, являющейся главной опорой развития. Это приводит к повышению интереса к изучению тенденций развития транспортной системы разных стран мира в соответствии с международными стандартами в разрезе разных исторических периодов.

**Ключевые слова:** Водный транспорт, Аракс, Окуз, Окс, Джейхун, река Термез, Вахандарья, Помирдарья, Гунт, Бартандарья и Ванч, замок Бурдаггуй, Старый Термез.

**Abstract:** The acceleration of the processes of globalization and urbanization in the developed countries of the world requires the intensive development of the modern transport system, which is the main support of development. This leads to an increase in interest in studying the development trends of the transport system in different countries of the world in accordance with the international standards in the context of different historical periods.

**Key words:** Water transport, Araks, Okuz, Oks, Jayhun, Termiz River, Vakhandarya, Pomirdarya, Gunt, Bartangdarya and Vanch, Burdagguy Castle, Old Termiz.

Жаҳон транспорт тизимида сув ва ҳаво транспотларининг ўрни жуда каттадир. Айникса, халқ хўжалиги тараққиётида сув транспортининг аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Транспортнинг ушбу тури арзон ва қулай бўлиб, катта миқдордаги юкларни керакли манзилга етказиб бера олади. Қолаверса, сув транспорти мамлакат тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Агар ер юзидаги юксак ривожланган давлатларга назар ташласак, уларнинг ҳаммаси денгиз ёки жаҳон океанига чиқиш имконини берувчи йирик даё бўйларида жойлашганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўрта Осиёда XIX аср иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг Россия империяси протекторатига айлантирилиши натижасида амирликнинг асосий савдоси рус бозорига йўналтирилади. Шунингдек, Россия империяси Ўрта Осиё орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга нисбатан келажакда ҳарбий-стратегик мақсадларини амалга оширишда Сурхон воҳаси қулай стратегик жойлашуви муҳим аҳамиятга эга эди.

Сув транспорти Сурхон воҳасида қадимдан бошлаб ривожланган. Негаки, воҳадан жанубда жойлашган ўлкаларга бориш учун Амударёдан ўтиш лозим бўлади. Амударё тарихий манбаларда Аракс, Ўкуз, Окс, Жайхун, Термиз дарёси номлари билан аталган. Бу дарё нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳондаги йирик дарёлардан бири бўлиб ҳисобланади. Амударё Ҳиндикуш тоғининг 4000 метр баландликдаги шимолий ёнбағридан бошланиб, Помирдарёга келиб қўшилгунча Вахандарё деб аталади. Заркўлдан оқиб чиқадиган Помирдарё Амударёнинг иккинчи манбаи ҳисобланади. Помирдарё эса бошланишидан Вахшга келиб қуйилгунча Панж, яъни беш дарё номи билан (Вахандарё, Помирдарё, Гунт, Бартангдарё ва Ванч) аталган. Амударёнинг узунлиги бошланиш қисми билан бирга ҳисобланганда 2620 км. ни ташкил қилади. Сурхондарё ва Қорасув дарёси Амударёнинг охирги ирмоқлари бўлиб, кейинги 1400 км масофада унга битта ҳам бошқа ирмоқ қўшилмайди. Дарё Қорақум ва Қизилқум чўлларидан ўтиб, сувини Орол денгизига қуяди.

Тарихий манбаларда ҳозирги Сурхон воҳасида Амударёдан жанубга ўтадиган еттита кечув бўлганлиги қайд этилади. Булар: Эски Термиз, Шўроб, Чўчқагузар, Қоракамар, Паттакесар, Айритом ва Хотинрабоддир. Бу кечувлар турли даврларда фаолият юритган бўлиб, энг қадимийлари Эски Термиз ва Шўроб ҳисобланади. Бу шаҳарларда кема тўхтайдиган порт бўлган. Термизда портнинг мавжудлигига сабаб, биринчидан, бу ер дарёдан кечиб ўтиш учун қулай жой, иккинчидан, Бақтрия пойтахти Бақтра шаҳридан Термиз орқали Суғдиёна пойтахти Мароқандга энг яқин йўл ўтган. [1,В.27]

Ҳофизи Абрўнинг маълумотига кўра, Термиздан унча узоқ бўлмаган жойда, Амударё бўйида энг қадимги кечув жойи бўлган. У Термиздан анча илгари асос солинган. Александр Македонский ушбу кечув ёнида Бурдағуй қалъасини қурдиради. Бу аҳолиси гавжум, ҳунармандчилик маркази бўлиб, унда қайиқсозлар ва “шоҳ кечуви”га хизмат қиладиган қайиқчилар яшар эди. Бурдағуй сўзи юнонча “меҳмонхона” маъносини беради.[2,В.93] Ҳофизи Абру томонидан қайд этилган Бурдағуй кечуви Термиздан 30 км ғарбда, ҳозирги Шўроб қишлоғи ўрнида бўлганлиги аниқланган. Инглиз шарқшуноси В.Ф.Минорскийнинг фикрича, Бурдағуй асосида юнонча бузиб кўрсатилган “пандоки” – меҳмонхона сўзи ётади ва у бир қатор шарқ тилларига ҳам кириб қолган. Б.Аҳмедовнинг фикрича, бу кечув Маҳмуд ибн Валининг асарида Яргоҳ ёки Ярдағу деб аталган. [3,В.95]

Хитойлик элчи Чжан Цянь Амударёни Гуй–Шуй деб атаб, уни кема юрадиган, савдогарлар молларини узоқ масофаларга олиб кета оладиган сув йўли сифатида тилга олган. Полибийнинг (милоддан аввалги 201–120 йилларда) таъкидлашича, «Окс (Амударё) катта кема юрадиган дарё бўлиб, ирмоқлари ҳисобига, Бақтрияга келганда, жуда йириклашиб кетади».

Термиз дарё порти Туроннинг энг жанубида, дарёнинг кечув жойига яқин, нисбатан баландроқ жойида қурилган. Гарчи бу ердан Амударё бурилиб оқса-да, қирғоқларини ювиб кетмаган. Чунки Термиз қаттиқ қоялардан иборат таглик устида барпо этилган. Юнон тарихчиси Арриан Флавийнинг (тахминан 95-175 йиллар) ёзишича, Окснинг кенглиги олти стадий келади. У жуда чуқур бўлиб, оқими уюримли ва кучли. Шу боис, Александр Македонский қўшини унинг кечувидан ўтгунча кўплаб отларидан айрилган. [4,В. 3,30,6]

Араблар босқини даврида ҳам Амударёдан сув йўли сифатида кенг фойдаланишган. Масалан, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат Табарий (839-923 йй)нинг ёзишича, Қутайба Чағаниён юқорисидаги Шуман ва Ахарунга юришидан қайтишда, Амударёда қайиққа ўтириб, Чоржўйгача боради.

Термиз Амударё юқори ҳавзасининг асосий порти бўлган. Қолаверса, Термиз минтақалараро транзит савдони амалга оширган. Шаҳарга келган карвонларга хизмат қилиш учун кўпгина карвонсаройлар қурилган эди. Ал-Муқаддасийнинг ёзишича, Термизда кўплаб кемалар қурилган.

Чоржўйдан Термизгача ва пастга қараб Тўрткўлгача қилинадиган қатнов бир ойга яқин вақтни олар эди. Кам юк кўтарадиган флотни Амударёда асосан қайиқлар ташкил қилар ва уларнинг сони 1500 тани ташкил қиларди. Бу қайиқлар маҳаллий ўрмонларда етиштирилган толлардан ясалган эди. Толлар асосан ҳўл томирлари билан олинар ва ёғоч шираси билан бўялар, бу эса ёғочни чириб кетишидан асрар эди. Маҳаллий толдан ясалган, палубаси бўлмаган ёғоч кемалар 20-40 тоннагача юк кўтарар эди.[5,В.45] Бу кемаларнинг ташқи корпуси қаттиқ чорқирра(брус)лар билан ўзаро бириктирилган эди. Бундай қайиқлар унчалик қувватли бўлмай, вазни ҳам оғир ва бошқаришда катта қийинчиликлар туғдирар эди.

Ўрта Осиёга Сибирнинг нина баргли ўрмонларидан ёғочлар кесиб келтирилиши натижасида рус ҳунармандлари улардан енгил қайиқлар ясай бошладилар. Бу кемалар кейинчалик “ўрис кемалари” деб атала бошланди. Енгил қайиқлар кўпайиши билан маҳаллий тол қайиқлар истеъмолдан чиқиб кетди. Термиз шаҳрига барча юклар Самарқанддан қуруқлик йўллари ва Амударё орқали олиб келинар эди. Тошкентдан ва Самарқанддан юкларни етказишдаги қийинчиликлар бу ерга темир йўл тортиб келиш масалаларини  ҳал қилиш вазифаларини қўймоқда эди

Ўрта Осиё дарёчилари ва денгизчилари қаторида Термиз дарё порти хизматчилари ҳам иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнат қилдилар. Кемачилар техника ва ҳарбийларни, ҳарбий юклар ва озиқ–овқатлар ва пахта ташишда катта хизмат кўрсатдилар. Урушдан кейинги йилларда иттифоқдош республикаларда пахта экилишининг кўпайиши натижасида кемачиларга пахта ташиш учун эҳтиёж катта бўлди. Совет ҳукуматининг 1947 йилги қарорига кўра, Термиз кемачилар флоти яна қўшимча 70 та ғилдиракли ва винтли кемалар ва 75 та кемалар ёрдамида тортиб юриладиган қўшимча юк ташувчи мосламалар билан таъминланди. Кемаларнинг техник ва эксплутация хизматларини ошириш мақсадида уларни қайта ускуналаш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар олиб борилди. 1950-йилларда Термиз дарё порти замонавий ҳолда келтирилган. Энди тўғридан-тўғри темир йўл ва сув транспорти орқали юкларни ташиш масаласи ҳал этилди. Натижада юк ташиш 282 минг тоннага етди. Портда саралашда қўл меҳнати кўп талаб қиладиган юклар сони камайиб, комплекс механизация ёрдамида 243 минг тонна юк кемаларга  ортилди.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида транспорт хизмати йилдан-йилга маълум маънода яхшиланиб борган бўлса-да, соҳада ҳали мавжуд камчиликлар кўп эди, транспорт таъминоти етарли бўлмаганлиги сабабли белгиланган режалар ўз вақтида бажарилмай қолган ҳолатлар кўп эди.

Транспорт тармоқларининг асосий тури ҳисобланган сув, авиация ва қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи тизимлар халқ хўжалиги учун муҳим ҳисобланиб, Сурхондаёнинг ижтимоий–иқтисодий тараққиётига салмоқли ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса сув транспорти ҳарбий–иқтисодий старатегик соҳа сифатида Россия, совет  ҳокимияти, сўнгра эса Ўзбекистон мустақиллиги йилларида халқ хўжалиги соҳаси учун хизмат қилди. Айниқса, чегара хавфсизлигини таъминлаш, дарёнинг экологик муҳитини сақлаш, дарё суви ҳамда қирғоқлари билан боғлиқ ўсимликлар ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида Термиз дарё портини қайта таъмирлаш, янги замонавий техник жиҳозлар ва замонавий билимга эга ишчи-ходимлар билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:


1. Турсунов С Н ва бошқалар, Сурхондарё  тарих кўзгисида. –  Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.27.
2. Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения // Сочинения. Том VIII. –Москва: Наука, 1973. –С. 93.
3. Махмуд ибн Вали. Море тайн. Ташкент, 1977. –С. 95, 137, прим. 445.
4. Арриан. Поход Александра. Книга 3, 29, 2-6;  Книга 3, 30, 6.
5. Ўзбекистон Миллий архиви, И 303-фонд, 2-рўйхат,144-иш,45-варақ.

# “2016-2022 YILLARDA HIMOYASI E`LON QILINGAN PHD DISSERTATSIYALARIDA O`ZBEKISTON TARIXI DAVRLARINING YORITILISH TAHLILI (07.00.00 – TARIX FANLARI IXTISOSLIGI MISOLIDA)”

**Bokiyev Anvar Axmedovich**
Termiz davlat universiteti O`zbekiston tarixi va
manbashunoslik kafedrasi o’qituvchisi,
Tarix fanlari bo`yicha falsafa doktori (PhD)

XXI asr jahon hamjamiyati va insoniyat oldiga kutilmagan global muammolarni qo`ymoqda. Ayniqsa, globallashuv va integratsiyalashuv davrida siyosiy, huquqiy, xalqaro, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy sohalarda o`z echimini kutib turgan ko`plab ziddiyatli masalalar ko`ndalang bo`lib turibdi. Eski andozalardan voz kechib, jamiyat ahkomlarini saqlab qolish rivojlangan davlatlar aholisini ham jiddiy o`ylantirmoqdaki, bularning bari bizga ham ta`sir ko`rsatmasligi mumkin emas.

O`zbekistonda so`nggi yillarda amalga oshirilayotgan islohotlarning asl negizida, xalqimizga barqaror iqtisodiyot, xavfsiz davlat, samarali boshqaruv va ijtimoiy kafolatlarni yaratib berish turibdi. Bu dolzarb masalalarni hal qilishda ilm-fanning o`z o`rni bor. Keyingi yillarda ta`lim tizimini rivojlantirish davlatimiz taraqqiyot strategiyasining markazida turibdi. Ilm-fanni rivojlantirish uchun olimlarimizga katta imkoniyatlar yaratib berilmoqda. 2023 yilning 30-aprelida umumxalq referendumi orqali yangilangan konstitutsiyamizda ham o`qituvchilar va ilm ahliga alohida e`tibor berildi[3]. Chunonchi, yangi tahrirdagi konstitutsiyaning 50, 51, 52 va 53-moddalarida fuqarolarimizning ta`lim olish, o`qituvchilarning sha`ni va qadr-qimmati, har kimga ilmiy, texnikaviy va badiiy ijod erkinligi, intellektual mulkning muhofaza qilinishi kabi huquqlari mustahkamlab qo`yildi[4].

Lekin, shuni alohida ta`kidlab o`tish kerakki, har qanday ilmiy tadqiqot mahsuli, u maqolami, risolami, monografiyami, darslikmi yoki dissertatsiyami jamiyat taraqqiyotiga, davlat barqarorligiga va eng muhimi xalqqa xizmat qilishi kerak.

Shu ma`noda, **mazkur maqolamizda** 2016-2022 yillarda 07.00.00-tarix fanlari ixtisosligi bo`yicha O`zbekistonda himoyasi e`lon qilingan PhD dissertatsiyalarining ba`zi bir statistik tahlillarini berishga harakat qilib ko`ramiz[5] va ulardan xulosalar chiqargan holda, tarix fani istiqboli haqida fikr-mulohaza yuritishga harakat qilamiz.

Maqolada tadqiq etilayotgan davr mobaynida 07.00.00 – tarix fanlari ixtisosligi bo`yicha OAK.uz saytida jami 424 ta PhD dissertatsiyalaring e`loni chiqdi. 2017 yilda bu miqdor bor-yo`g`i 6 ta bo`lgan bolsa, 2018 yilda 39 ta, 2019 yilda 48 ta, 2020 yilda 58 ta, 2021 yilda 97 tani, 2022 yilda esa 197 tani tashkil qildi. Statistik tahlilda ko`rib turganingdek, 2017 yilga nisbatan 2022 yilda himoyasi e`lon qilingan dissertatsiyalar soni qariyib 30 barabarga ortgan.

Shu 424 ta dissertatsiyalarning 293 tasi, yani 69,1 % 07.00.01-O`zbekiston tarixi shifri bo`yicha bajarilgan[6]. Bu ko`rsatgichda 2-natijani 39 ta dissertatsiya bilan 07.00.07- Etnografiya, etnologiya va antropologiya shifri tadqiqotlari egallaydi.

Dissertatsiyalar va bajarilgan yo`nalish shifrlarining miqdori 1-jadvalda ko`rsatib o`tilgan[8].

| № | Ixtisoslik shifri | Ixtisosliklar nomi | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | Jami |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 07.00.01 | O`zbekiston tarixi | 2 | 23 | 30 | 32 | 76 | 130 | 293 |
| 2 | 07.00.02 | Fan va texnologiyalar tarixi | | | | | 1 | 1 | 2 |
| 3 | 07.00.03 | Jahon tarixi | | 4 | | 1 | | 2 | 7 |
| 4 | 07.00.04 | Dinshunoslik (tarix fanlari) | 1 | | 1 | 3 | 1 | 2 | 8 |
| 5 | 07.00.05 | Islom tarixi va manbashunosligi (t.f.) | 1 | | | | | | 1 |

[8] Jadvallarda dissertatsiyalar haqida keltirilgan ma`lumotlar oak.uz va ziyonet.uz saytlaridan olingan va maqola muallifi tomonidan tahlil qilingan.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **6** | 07.00.05 | Xalqaro munosabatlar va tashqi siyosat tarixi | | | | | **1** | **3** | **4** |
| **7** | 07.00.06 | Arxeologiya | **2** | **2** | **4** | **3** | **2** | **8** | **21** |
| **8** | 07.00.07 | Etnografiya, etnologiya va antropologiya | | **6** | **4** | **7** | **7** | **15** | **39** |
| **9** | 07.00.08 | Tarixshunoslik, manbashunoslik va tarixiy tadqiqot usullari | | **3** | **6** | **4** | **4** | **8** | **25** |
| **10** | 07.00.01<br>07.00.02 | | | | **1** | **3** | **2** | **1** | **7** |
| **11** | 07.00.01<br>07.00.04 | | | | | | | **1** | **1** |
| **12** | 07.00.01<br>07.00.05 | | | | | **3** | **1** | | **4** |
| **13** | 07.00.01<br>07.00.06 | | | | **1** | | | **1** | **2** |
| **14** | 07.00.01<br>07.00.07 | | | | | | **1** | | **1** |
| **15** | 07.00.01<br>07.00.08 | | | **1** | | **1** | **1** | **3** | **6** |
| **16** | 07.00.01<br>17.00.06 (t.f.) | | | | **1** | | | | **1** |
| **17** | 07.00.07<br>07.00.08 | | | | | **1** | | | **1** |
| **18** | 07.00.03<br>07.00.08 | | | | | | | **1** | **1** |
| | **jami** | | **6** | **39** | **48** | **58** | **97** | **176** | **424** |

Jadvaldan ko`rinib turibdiki, dissertatsiyalar miqdori keskin oshgan bo`lsada, tarix fanining 07.00.02 – Fan va texnologiyalar tarixi (2 ta), 07.00.03-Jahon tarixi (7 ta), 07.00.05 – Xalqaro munosabat va tashqi siyosat tarixi (4 ta) va boshqa yo`nalishlaridagi dolzarb tarixiy masalalarga kam e`tibor qaratilgan. Mazkur tahlil tarix fanidagi tadqiqotchilik masalalaridagi muammolarni yaqqol ko`rsatib turibdi.

Endi, PhD dissertatsiyalariga rahbarlik qilgan, taqriz bergan va bajargan tadqiqotchilarimizda olima ayollarimizning ulushi haqida fikr yuritsak. 2017 yilda dissertatsiya himoyasi e`lon qilingan tadqiqotchilarning 2 tasi olima ayol bo`lgan bo`lsa, 2018 yilda bu ko`rsatgich 11 taga, 2019 yilda 14 taga, 2020 yilda 16 taga, 2021 yilda 28 taga va 2022 yilda 29 taga etdi. Shunday qilib, tadqiq etilayotgan davrda himoyasi e`lon qilingan ayollar soni 120 tani tashkil etadi. Bu ko`rsatkich umumiy miqdorning 28, 3 % ni tashkil etadi.

**2-jadval. FALSAFA DOKTORI (PhD) DISSERTATSIYALARINING HIMOYASI E`LON QILINGAN DISSERTANTLAR STATISTIKASI**

| № | Jinsi | 2017 | % | 2018 | % | 2019 | % | 2020 | % | 2021 | % | 2022 | % | jami | % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **erkak-lar** | 4 | 66,66 | 28 | 71,79 | 34 | 70,83 | 42 | 72,41 | 69 | 71,13 | 127 | 72,159 | 304 | 71,6 |
| 2 | **ayollar** | 2 | 33,33 | 11 | 28,20 | 14 | 29,16 | 16 | 27,58 | 28 | 28,86 | 49 | 27,840 | 120 | 28,3 |
| | **jami** | **6** | **100** | **39** | **100** | **48** | **100** | **58** | **100** | **97** | **100** | **176** | **100** | **424** | **100** |

PhD dissertatsiyalariga ilmiy rahbarlik qilgan olima ayollarimizning tarix fanlarini rivojlantirishda alohida xizmatlari bor. 2017-2022 yillarda olima ayollarimiz 138 ta PhD dissertatsiyalariga rahbarlik qilganlar. Bu ko`rsatkich umumiy miqdorning 32,5 % ni tashkil etadi.

**3-jadval. FALSAFA DOKTORI (PhD) DISSERTATSIYALARIGA ILMIY RAHBARLIK QILGAN OLIMALARNING ULUSHI**

| № | Jinsi | 2017 | % | 2018 | % | 2019 | % | 2020 | % | 2021 | % | 2022 | % | jami | % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | erkaklar | 6 | 100 | 25 | 64,10 | 33 | 68,75 | 41 | 70,68 | 59 | 60,82 | 122 | 69,318 | 286 | 67,4 |
| 2 | Ayollar | - | 0 | 14 | 35,89 | 15 | 31,25 | 17 | 29,31 | 38 | 39,17 | 54 | 30,681 | 138 | 32,5 |
| | jami | **6** | **100** | **39** | **100** | **48** | **100** | **58** | **100** | **97** | **100** | **176** | **100** | **424** | **100** |

Dissertatsiyalarning ilmiy qiymati, dolzarbligi, ahamiyatini aniqlashda rasmiy taqrizchlarning o`ziga xos o`rni bor. Olimlarimizning bu sohadagi xizmatlarini ham maqolada statistik tahlil qilishga harakat qildik.

Quyidagi 4-jadvalda 2016-2022 yillarda O`zbekistonda himoyasi e`lon qilingan dissertatsiyalarga rasmiy taqriz bergan olimlar statistikasi keltirilgan.

| № | Jinsi | 2017 | % | 2018 | % | 2019 | % | 2020 | % | 2021 | % | 2022 | % | jami | % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | erkaklar | 10 | 83,3 | 46 | 58,9 | 74 | 77,1 | 87 | 75 | 147 | 75,7 | 282 | 80,1 | 646 | 76,2 |
| 2 | ayollar | 2 | 16,6 | 32 | 41,0 | 22 | 22,9 | 29 | 25 | 47 | 24,2 | 70 | 19,8 | 202 | 23,8 |
| | jami | **12** | **100** | **78** | **100** | **96** | **100** | **116** | **100** | **194** | **100** | **352** | **100** | **848** | **100** |

Tarix fanlari tadqiqotlarida tarixiy davrlar alohida ahamiyat kasb etadi. O`zbekiston tarixini davrlashtirish masalasi bo`yicha juda ko`plab ilmiy tadqiqotlar qilingan va olimlar tomonidan turli xil-xil fikr-mulohazalar o`rtaga tashlangan[1]. Tarixni davrlashtirishda xronologik davrlashtirishning o`ziga xos o`rni bor. O`zbekiston tarixini davrlashtirish masalalari bo`yicha olimlarimizdan akademiklar A.Asqarov va A.Sagdullaevlarning tadqiqotlari tahsinga sazovor[2]. Ilmiy tadqiqotlarda O`zbekiston tarixini xronolik davrlashtirishda qu`yidagi shablon, boshqalariga nisbatan ko`proq qo`llaniladi:

1. Eng qadimgi davr;
2. Qadimgi davr;
3. Ilk o`rta asrlar;
4. Rivojlangan o`rta asrlar;
5. So`nggi o`rta asrlar;
6. Chor Rossiyasi mustamlakachiligi va milliy o`yg`onish davri;
7. Sovetlar hukmronligi davri;
8. Mustaqillik davri.

2016-2022 yillarda himoyasi e`lon qilingan dissertatsiyalarning **davriy chegarasini (xronologiyasini)** tahlil qilish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Quyidagi 5-jadvalda **PhD dissertatsiyalarida O`zbekiston tarixi davrlarining** yoritilish tahlilini amalga oshirishga birinchi marta harakat qilib ko`rilgan. Bu masalani mukammal tahlil qilish mexanizmi hali ishlab chiqilmagan desak ham xato qilmagan bolamiz[9]:

| № | Dissertatsiyalarning davriy chegarasi (xronologiyasi) | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | jami | % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Eng qadimgi davr | **2** | **1** | **1** | **1** | **3** | **2** | **10** | **2,358490** |
| 2 | Eng qadimgi va qadimgi davrlar | **1** | **1** | | **2** | **3** | **3** | **10** | **2,358490** |
| 3 | Eng qadimgi va qadimgi davrlar; Ilk o`rta asrlar | | | | | | **2** | **2** | **0,471698** |

[9] Jadvallarda dissertatsiyalar haqida keltirilgan ma`lumotlar oak.uz va ziyonet.uz saytlaridan olingan va maqola muallifi tomonidan tahlil qilingan.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | Eng qadimgi va qadimgi davrlar; O`rta asrlar | | | 1 | | | | 1 | **0,235849** |
| 5 | Eng qadimgi va qadimgi davrlar; Ilk va rivojlangan o`rta asrlar | | | 1 | | | | 1 | **0,235849** |
| 6 | Eng qadimgi va qadimgi davrlar; Ilk, rivojlangan va so`ngi o'rta asrlar; Mustamlakachilik va milliy uyg'onish davri | | | | 1 | | | 1 | **0,235849** |
| 7 | Eng qadimgi va qadimgi davrlar hamda Sovet va mustaqillik davrlari | | | | | | 1 | 1 | **0,235849** |
| 8 | Eng qadimgi va qadimgi davrlar; Ilk va rivojlangan o`rta asrlar hamda Mustamlakachilik va milliy uyg'onish davri; Sovet va mustaqillik davrlari | | | | | | 1 | 1 | **0,235849** |
| 9 | Eng qadimgi davrdan to hozirgi kungacha | | | 1 | 2 | | 1 | 4 | **0,943396** |
| 10 | Qadimgi davr | 1 | | | | 1 | 2 | 4 | **0,943396** |
| 11 | Qadimgi davr va ilk o`rta asrlar | | | 2 | | 1 | 2 | 5 | **1,179245** |
| 12 | Qadimgi davr; Ilk va rivojlangan o`rta asrlar | | | | | 1 | 1 | 2 | **0,471698** |
| 13 | Qadimgi davr; Ilk, rivojlangan va so`nggi o`rta asrlar | | | | | | 1 | 1 | **0,235849** |
| 14 | Qadimgi davrdan to hozirgi kungacha | | | 1 | 3 | 3 | 4 | 11 | **2,594339** |
| 15 | Ilk o`rta asrlar | | 2 | 1 | 4 | 3 | 6 | 16 | **3,773584** |
| 16 | Ilk va rivojlangan o`rta asrlar | | | 1 | | 1 | 1 | 3 | **0,707547** |
| 17 | Ilk, rivojlangan va so`nggi o`rta asrlar | | | 1 | | | 1 | 2 | **0,471698** |
| 18 | Ilk o'rta asrlar hamda Mustamlakachilik va milliy uyg'onish davri; Sovet va mustaqillik davri | | | | | | 1 | 1 | **0,235849** |
| 19 | Ilk o`rta asrlardan to hozirgi kungacha | | 1 | 1 | | | 1 | 3 | **0,707547** |
| 20 | Rivojlangan o`rta asrlar | | 3 | 2 | 1 | 1 | 11 | 18 | **4,245283** |
| 21 | Rivojlangan va so`nggi asrlar davri | | | | 1 | 1 | | 2 | **0,471698** |
| 22 | Rivojlangan o`rta asrlar hamda Mustaqillik davri | 1 | | | | | | 1 | **0,235849** |
| 23 | Rivojlangan o`rta asrlardan to hozirgi kungacha | | | | | 1 | | 1 | **0,235849** |
| 24 | So`nggi o`rta asrlar | | 2 | | | 2 | 7 | 11 | **2,594339** |
| 25 | So`nggi o`rta asrlar; Mustamlakachilik va milliy uyg'onish davri | | | 1 | | 2 | 9 | 12 | **2,830188** |
| 26 | So`nggi o`rta asrlar; Mustamlakachilik va milliy uyg`onish davri; Sovet davri | | 1 | | | | | 1 | **0,235849** |
| 27 | So`nggi o`rta asrlar; Mustamlakachilik va milliy uyg`onish davri; Sovet va mustaqillik davrlari | | | 1 | | 2 | 4 | 7 | **1,650943** |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 28 | Mustamlakachilik va milliy uyg’onish davri | | **4** | **2** | **4** | **6** | **18** | **34** | **8,018867** |
| 29 | Mustamlakachilik va milliy uyg’onish davri; Sovet davrining dastlabki yillari | | | | | **1** | **1** | **2** | **0,471698** |
| 30 | Mustamlakachilik va milliy uyg`onish davri; Sovet davri | | **5** | **3** | **3** | **7** | **11** | **29** | **6,839622** |
| 31 | Mustamlakachilik va milliy uyg`onish davri; Sovet va mustaqillik davrlari | | **4** | **4** | **5** | **4** | **6** | **23** | **5,424528** |
| 32 | Sovet davri | | **8** | **10** | **13** | **17** | **28** | **76** | **17,924528** |
| 33 | Sovet va mustaqillik davrlari | | **1** | **2** | **6** | **10** | **14** | **33** | **7,783188** |
| 34 | Mustaqillik davri | **1** | **6** | **12** | **12** | **27** | **37** | **95** | **22,405660** |
| | JAMI | **6** | **39** | **48** | **58** | **97** | **176** | **424** | **100** |

Endi, 5-jadvalda qayd etilgan ko`rsatkichlar asosida PhD dissertatsiyalarining davriy tadqiqot chegaralari haqida ayrim fikr-mulohazalarni ta`kidlab o`tsak. Statistik tahlillar shuni ko`rsatib turibdiki, 2016-2022 yillarda himoyasi e`lon qilingan dissertatsiyalarning katta ulushini Sovet hukmronligi va mustaqillik davrlarining tadqiqi tashkil etgan. 424 ta dissertatsiyadan 76 tasi (17,9%) **Sovet hukmronligi** davriga, 33 tasi (7,78%) **Sovet va mustaqillik** davrlariga, 95 tasi (22,4%) esa bevosita **mustaqillik** davriga tegishli tarixiy jarayonlarni o`z ichiga oladi. Holbuki, bu tarixiy davrlar qariyiib 3000 ming yillik davlatchiligimizning bir asrdan ko`prog`ini tashkil etadi. Agar, Markaziy Osiyo mintaqasini antropogenez jarayoni kechgan hududlardan biri ekanligini inobatga olsak, bu ko`rsatkich yanada boshqacha ahamiyat kasb etadi.

Birinchi va ikkinchi uyg`onish davrlarini o`z ichiga olgan IX-XII va XIV-XV asrlar tarixiga oid tadqiqotlar dissertatsiyalar umumiy ulushining ancha kam ko`rsatkichini tashkil etadi. Chunonchi, **ilk o`rta asrlarning oxiri va rivojlangan o`rta asrlar** tarixiy jarayonlari tadqiq etilgan dissertatsiyalar miqdori 30 tadan oshmaydi. Jadval ko`rsatkichlariga asoslangan holda, bir necha mln yillarni o`z ishiga olgan **eng qadimgi va qadimgi davrlar** tarixiy jarayonlari bevosita yoritilgan dissertatsiyalar miqdori 20 tadan (4,7%) biroz ko`proq ekanligiga guvoh bo`lamiz.

Dissertatsiyalarning xronologik, hududiy, sohaviy va boshqa xususiyatlari haqidagi tizimli va statistik tahlillar bitta maqolaning hajmiga sig`maydi. So`zni shu erda muxtasar qilib shunday xulosa qilish mumkin. Himoya qilinayotgan dissertatsiyalar tizimli (hududiy, xronologik, sohaviy, tarmoqli va boshqalar) tahlil qilinsa, har bir dissertatsiyaning pasporti tuzilsa, statistik tahlillar amalga oshirilsa, ilmiy tadqiqotlardagi bo`shliqlarni va kamchiliklarni ko`rish imkoniyati bo`ladi. Bu esa o`z navbatida yaqin istiqbolda tarix fanlari bo`yicha bajarilayotgan dissertatsiyalarning ilmiy qiymati, dolzarbligi va ahamiyatini yanada oshirishga xizmat qiladi. Tarix fanlarining barcha sohalari va xronologik davrlari baravar rivojlantiriladi.

## FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:

1. Е.В.Зеймаль. К периодизации древней истории Средней Азии. // Центральная Азия новые памятники письменности и искусства. Сборник статей. – М., «Наука», 1987. – С.149-158; Щетенко А.Я. Проблемы хронологии цивилизации эпохи бронзы Средней Азии. //Археологические вести. – 2001. – №. 8. – С. 268-274; А.С.Сагдуллаев. Тарихий даврлаштиришнинг айрим масалалари. // Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. 2018 йил 28 март. 2-қисм. – Самарқанд, 2018. – Б. 36-39.

2. Ўзбекистон тарихи: (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик). – Т., «O‘AJBNT» Маркази, 2003; Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O‘zbekiston tarixi. Darslik. – T., Moliya, 2005. – B. 13-14; Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.,

2007. – Б. 15-23; Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K. 1 / Mas`ul muharrir: A. Sagdullayev; Taqrizchilar H.Sodiqov va boshq. – T., «Sharq» , 2010. – B. 7-8; Эшов Б.Ж. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари. / Ўзбекистон тарихини ўқитиш муаммолари: тажриба ва истиқболлари илмий-услубий анжумани материаллари. – Т., 2011. – Б. 222-227; Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. / А.Асқаров. – Т., «O`zbekiston» NMIU, 2015. – Б. 69- 90; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврлардан Россия босқинига қадар). // Масьул муҳаррир: Б.Аҳмедов /. – Т., «Sharq», 2001; Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврлардан XIX асрнинг ўрталарига қадар). – Т., «Akademiya», 2006.
3. https://lex.uz/ru/docs/6449095
4. https://lex.uz/uz/docs/-6445145
5. https://oak.uz/page
6. https://oak.uz/page

## МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР (СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА МИСОЛИДА)

**Менглибоев Акмал Холтўраевич,**
Денов тадбиркорлик ва педагогика института
тарих ва фалсафа кафедраси ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Бизга маълумки 1920-1935 йилларда мамлакатда кескин сиёсий вазият юзага келди. Бир томондан ташқи хавф, иккинчи томондан ички кескинлик амирни ўз куролли кучларини такомиллаштиришга мажбур қилди. Шу мақсадда мамлакат бўйлаб сафарбарлик эълон қилиниб, 20-45 ёш оралиғидаги йигитлар қўшинга чақирилди. Қўшин етти қисмга бўлинди. Мақолада Сурхон воҳасида ҳам Совет ҳокимиятини ўрнатиш чоралари кўрила бошланганлиги ва шу муносабат билан Термиз шаҳар совети қайта ташкил қилинганлиги ҳақида маълумот оламиз.

**Калит сўз:** Мустафоқулбек, «Муқаддас ислом учун!»; «Она-тупроқ мустақиллиги учун!», Англия империализмни, Иброҳимбек.

**Аннотация.** Как известно, в 1920-1935 годах в стране возникла напряженная политическая обстановка. С одной стороны, внешняя опасность, а с другой стороны, внутреннее напряжение заставляли эмира совершенствовать свои вооруженные силы. С этой целью по всей стране была объявлена мобилизация, и в армию призывались юноши в возрасте от 20 до 45 лет. Армия была разделена на семь дивизий. В статье мы узнаем о шагах, предпринятых для установления советской власти в Сурханском оазисе, и реорганизации Термезского городского совета в связи с этим.

**Ключевые слова:** Мустафокульбек, «За Священный Ислам!»; «За независимость Родины!», Британский империализм, Иброхимбек.

**Abstract:** As we know, in 1920-1935, a tense political situation arose in the country. On the one hand, the external danger and on the other hand, the internal tension forced the emir to improve his armed forces. For this purpose, mobilization was announced throughout the country, and young men between the ages of 20 and 45 were called to the army. The army was divided into seven divisions. In the article, we will learn about the steps taken to establish Soviet power in the Surkhan oasis, and the reorganization of the Termiz City Council in this regard.

**Key word:** Mustafokulbek, «For Holy Islam!»; «For the independence of the motherland!», British imperialism, Ibrohimbek.

Совет даврида мавжуд сиёсатга ишонтириш, халқнинг тинч-тотув яшашга бўлган муносабатини таъминлашда большевистик тарғибот устунлик қилади. Мухолифатдаги

кучлар тарафидан олиб борилган мафкуравий ишлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ҳаракатлари ва ҳаттоки, оташин нутқлар, дўқ-пўписалар, камситишлар, баландпарвоз гаплар, уруш-жанжал ичида қолган халқ ниҳоятда эсанкираб, кимга ишонишни, қаёққа эргашишни билмай гангиб қолган эди. Бундай шароитда ҳарбий устунликка эришган совет ҳукумати ишга дадил киришиб, сиёсат майдонида бошқарувни ўз қўлига олади. Шеробод, Денов, Сариосиё, Бойсун, Юрчи, Жарқўрғон, Боботоғ ҳудудларида Хуррамбек бошлиқ Ҳайит кал, Мустафокулбек, Раҳмонбек, Раҳмонберди, Салом калта, Соҳиб командир, Берди Додхо, Ўтанбек, Ахмадхон эшон ва бошқа курашчилар тенгсиз жангларда қизил армия қўшинлари ва совет ҳукумати тарафдорларига қарши «Муқаддас ислом учун!»; «Она-тупроқ мустақиллиги учун!» кураш олиб борадилар. Ҳар икки тараф ғалаба учун кескин кураш олиб бориб, кўплаб кишилар қурбон бўладилар. Минглаб гектар экинлар, боғ-роғлар пайҳон қилиниб, асрлардан буён сақлаб келинаётган маданият обидалари вайрон этилиб, халқ аёвсиз таланиб, бор-будидан ажралади. Шарқий Бухоро ҳудудидаги тоғли ўлкаларда 1924 йил январ ойида миллий-озодлик курашлари олиб бораётган 24 та гуруҳ бўлиб, уларда 1740 жангчи бор эди[8:17].

Сурхондарё вилояти ҳудудида 1924 йил миллий озодлик ҳаракатларига Турди тўқсабо, Берди Абдураззок, раҳбарлигида 2170 киши иштирок этди. Бу харакатга йирик ер эгалари чорвадорлар, ҳунармандлар ҳамда ҳунармандчилик, косиблик устахоналари эгалари иштирок этдилар. Чунки собиқ совет ҳукумати феодал бойлар ва диндорларга қарши кураши ниқоби остида маҳаллий аҳолини мол-мулкини тортиб олиш ҳамда босқинчилик ва талончилик билан шуғулланиши оқибатида халқ оммаси бу сиёсатдан норози бўлган эди. Миллий урф-одатлар, миллий камситиш сиёсати гўёки, босмачиликка қарши кураши ниқоби билан боғланган эди. 1925 йил 8 августда Мустафоқул раҳбарлигидаги халқ озодлик гуруҳи тинимсиз олиб борган кураши натижаси Туркистон сиёсий бошқармаси раҳбарлари жиддий ташвишга тушиб, ушбу ҳаракатни шафқатсизлик билан бостирди. Натижада кўплаб бегуноҳ аҳоли ҳам қириб ташланиб, мол-мулки тортиб олинди ҳамда яшаб турган жойидан қувғин қилинди.

Мустабид тузум ўзини босқинчилик ҳаракатларини яшириш мақсадида маҳаллий аҳоли орасида миллий озодлик курашини олиб бораётган кучларни босмачиликда айблаб, уларнинг ҳаракатларини қўллаб қувватламасликка чақирди. Аммо Иброҳимбек истиқлолчиларни бирлаштириб, уларнинг сафини 2500 кишига етказади, аммо маҳаллий аҳоли узоқ давом этган бу ўзаро курашлардан тинкаси қуриган эди. Бу курашларда муҳим стратегик жой бўлган Бойсуннинг ўрни ниҳоятда катта эди. Икки ўртадаги жанглар вақтида Бойсун бир неча бор қўлдан-қўлга ўтиб туради.

Умуман Сурхон вохаси: Боботоғ этаклари, Шеробод, Денов ва Юрчи мавзелари кўплаб шиддатли жангларнинг гувоҳи бўлади. Бироқ Анвар Пошшонинг ҳалокати ва Салим Пошшонинг Афғонистонга чиқиб кетиши оқибатида бутун Бухородаги қизил армияга қарши ҳаракат Иброҳимбек тимсолида яна аввалгидек ўзининг ягона қўмондонига эга бўлди[6]. Иброҳимбек Ғарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари)даги қўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарликни ўз қўлига олди.

Иброҳимбек миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилиб, маҳаллий аҳолини қўллаб қувватлаши туфайли Бухоро амирига 10 минг бухоро тангаси, 2000 қўй, 300 от, 30 туя юборди. Миллий озодлик ҳаракати иқтисодий-сиёсий Маркази Лоқай вилояти бўлиб, маҳаллий аҳоли Миллий озодлик ҳаракатини қўллаб қувватлади[9:97]. 1923 йилда Россия Туркистондаги ватанпарварлик ҳаракатини тамоман йўқ қилиш учун катта харбий куч ташлайди. Бу кучлар асосан Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган Иброҳимбек қисмларига қарши ташланганди. 1923 йил ноябрда совет ҳокимияти Лоқайда ер-сув ислоҳоти ўтказиб, маҳаллий деҳқонларга ер-сув бериш эвазига Миллий озодлик ҳаракатидан чалғитиш, маҳаллий озодлик курашчиларини “босмачиликда” айблаб, Совет ҳукумати Лақайла аҳолини ўзига ағдариб олиш учун  120 тонна буғдой, 35 тонна кунгли халқ ҳисобидан олди. 160 тонна буғдой экиш учун берилди[5:137].  1923 йил сентябрда Иброҳимбек Ўрта қайнар қишлоғини эгаллаб, бу-

тун озодлик кучларини туплаб, Қизил Армия билан кучли жангларни олиб бориб, кучлар тенг бўлмаганлиги туфайли 200 кишидан ажралиб 2 кунлик зарбалари туфайли Етимтоғ ҳудудида ҳал қилувчи тангларда 500 кишидан ортиқ миллий озодлик ҳаракати қатнашчилари ҳалок бўлди. Натижаа Иброҳимбек 1923 йил октбрда Ҳисордан чекиниб Боботоғ тизмаларига чекиниб Сурхондарё ҳудудига кириб келди[2:437].

1923 йил октябрда Қизил Армияга қарши шиддатли жанглар олиб борилиб, Иброҳимбек 3800 кишилик миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилиб Жонлиқ қишлоғида Қизил Армияни мунтазам қуролланган армия билан шиддатли жанг олиб бориб, хал қилувчи зарбалар берди. Иброҳимбек раҳбарлигидаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун Совет ҳукумати 1-чи махсус отлиқ армиясини тўлиқ қуроллантириб, 800 қилич, 720 найзали милтиқ, 5 та станновой ва 16 та қўл пулёмети билан таъминланди. Шунингдек Шарқий Бухородаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида мунтазам Қизил Армия қўшинларига 1425 қилич етказиб бериб, махсус тайёрларликдан ўтган 279 та пиёда ва 3306 отлиқ қўшинларини сафарбар этди[10:48-49]. 1923 йил декабр охирида мунтазам Қизил Армия қўшинларига қарши Иброҳимбек янги миллий озодлик кучларни бирлаштириб кучли зарбалар берди. Маҳаллий аҳоли Иброҳим қўшинларни қўллаб-кувватлаб, озиқ-овқат, ем-хашак ҳамда кийим бош билан таъминлади. Шарқий Бухоро кучли уруш алнгасига айланиб, йирик қўрбоши уюшмалари бирлашиб, шарқий Бухорода Совет ҳокимиятни хавф остига салиб қўйди. Совет ҳукумати Иброхимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида бутун чора-тадбирларни ишга солиб, нуфузли дин раҳнамоларни, эшон, муфтийларни мажбурлаб Иброҳимбекни Армия жосуси, Ватан хоини, камбағал бечора қашшоқ халқни бошига кулфат келтирувчи шахс даражасига тушунтиришга мажбур қилди.

1924 йил январда Совет ҳукумати Бухорода махсус Диний уламолар йиғилишини ўтказиб, ушбу йиғилишда босмачиларни, революция душманларни жосуслрни Совет ҳукуматини ва меҳнаткаш халқни душмани деб эълон қилиб махсус баённома эълон қилди. Бухоро халқига гўёки ҳақиқий халқ душмани “Англия империализмни бўлиб, Англия бутун исломни очиқ душман. Бизни душманимиз ўта айёр, ёвуз ҳамда ваҳший бўлиб, ушбу душман Шарқдан то Ислом марказига бўлган ҳудудларда ёвузлик ишларни олиб бормоқда”. Англияга қарши бутун ислом ва мусулмон дунёси ўтли ва кучли курашга бирлашшишимиз, Англияга қарши кураш йўлида ҳалок бўлиб исломни поклигини сақлабга бутун халқни курашга чақирамиз, деган хитобнома эълон қилинди[11:29].

Ушбу баённома очиқ ҳолда баланд товуш билан йиғилиш қатнашчиларига ўқиб берилиб, Англияни ёвуз ниятларини қўллаб қувватлаётган, жосуслик қилаётган кучларга қарши кучларни бирлаштириш, Қизил Армияни оммавий қўллаб қувватлаш масаласи чақириқни бош мавзуси қилиб олинди. Совет ҳукумати топшириғи билан Бухорони катта эшони ҳожи Домулло Донахон раҳбарлигидаги элчилар Иброхимбек ҳузурига юборилиб, қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини, Совет ҳукуматига таслим бўлиб, куроллар топширишни таклиф этди. Бироқ Иброҳимбек ўз кураши йўлини Англия импераилизми учун эмас балки Ватан мустақиллиги, озодлиги учун сарфлашга бағишлагнлигии қайд этиб, Совет ҳукуматига таслим бўлмаслигини қайд этди[1:394]. 1924 йил бошларида Ўрта Осиё миллий озодлик ҳаракати деярли бостирилиб, Анварпошшо ва Салим раҳбарлигидаги ҳаракатлар тўлиқ бостирилган бўлсада, Ўрта Осиёда Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати кучайиб, ушбу озодлик курашни Бухоро Амири Саид Олимхон Афғонистонга туриб қўллаб қувватлаб, Эрондаги Машҳад банки ҳисобидан маблағ билан таъминлаб турди. Иброҳимбек Шарқий Бухородаги кичик миллий озодлик дасталарни бирлаштириб, ушбу ҳаракатга Тожикистонни Лоқай вилояти асосий таянч бўлди[3:94].

1924 йил февралда Қизил Армияни мунтазам армияси Лоқай вилоятини ингичка қишлоғида Иброҳим қўшинлари билан ҳал қилувчи жанг олиб бориб, кучлар тенг бўлмаслиги туфайли катта кучлар йўқотиб, чекин деб, Афғонистон ҳудудига ўтиб кетди. 1924 йил ёзида Иброҳимбек 600 кишилик катта қўшин билан Тожикистоннинг Панж дарёси орқали ўтиб, Лоқай, Боботоғ, Бойсун ҳудудларни эгаллаб Қизил Армия қўшинларига жиддий зарбалар берди[12]. Совет

ҳукумати бутун чора-тадбирларини ишга солиб, мукаммал қуролланган мунтазам армияни сафарбар этиб 1924 йил охирида Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик кучларига қарши хужумга ўтди. Ушбу ҳаракатда Совет ҳукумати турли воситаларни ишга солиб, миллий озодлик ҳаракати кучларига қарши иғво, туҳматлар уюштириб, жосуслик ҳаракатидан кенг фойдаланиб, қўрбошларни бир бирига қарши қуриб, ҳатто мажбурий суръатда дин пешволарини номозлар олдидан Иброҳимбекни лаънатловчи тарғиботларга ундади. Халқни ишончини қозониш мақсадида камбағал халққа нон, дон, ер-сув берилишини тарғиб қилиб, миллий озодлик курашини олиб бораётганларни "халқ душмани" деб эълон қилиб. Уларни пешонасига "босмачи" деган тамға босилди. Совет ҳукумати 1924 йил олиб борган талончилик ва босқинчилик сиёсати асосида "босмачилик" тўла тугатилди деган баландпарвоз чақириқларига қарамай миллий озодлик ҳаракати давом этиб, миллий маънавий қадриятларни, урф-одатларини, анъаналарни сақлаб қолишга жиддий киришиб, қаршилик ҳаракатини давом эттирди.

Шарқий Бухородаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида гражданлар уруш йилларида қирғин ва талончилик билан танилган. Туркистонда миллий озодлик ҳаракатларини бостиришда катта тажрибага эга бўлган Туркфронтни махсус ҳарбий қисмлари ҳисобланган. 7-Туркистон, 6-Олтой, 3-4-ўқчи двизия, махсус қирувчи полки ва 1-2-ўқчи двизия батолония, алоқа батальон, 13-ўқчи полк ва 1-алоҳида тожик отлиқ эскадрияси "тозалаш" ишларини амалга оширди[7]. Қизил Армияни босқинчилик ваталончилик қирғин сиёсати туфайли маҳаллий аҳолидан кўплаб кишилар қириб ташланди, ногирон ва майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Совет ҳокимияти талончилик сиёсатига қарши маҳаллий аҳолини тинимсиз озодлик курашини олиб борди. Иброҳимбек халқ озодлик курашига мунтазам раҳбарлик қилиб, Бобоտоғ, Шероод, Бойсун худудларида қаршилик кўрсатиш ҳаракатларни қўллаб қувватлаб, Қизил Армияни босқинчилик сиёсатига жиддий зарбалар берди. Қурбош гуруҳлар якка ҳолда ҳаракат олиб бориб, Совет ҳукуматни зафарли юришга тўсқинлик қилди.

Шунинг учун ҳам Иброҳимбек бошчилигида қўрбошиларнинг кўплаб қурултойлари чақирилди[6]. Масалан, Ҳисорда 1924 йил 31 декабрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг навбатдаги қурултойида Иброҳимбек Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган бутун дасталарни ягона қўмондонлик остига бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини ошириш тўғрисида қўрбоши дасталари тузиш ва уларнинг жанг қилиш усуллари, аҳоли билан муносабатлари хусусида махсус кўрсатмалар берди. Қурултойда Ғарбий Бухородаги йирик бойлар томонидан ёрдам сўраб юборилган мактубни Иброҳимбек ўқиб эшиттирди. Мурожаатдан сўнг, Иброҳимбек Шеробод-Бойсун атрофларида қизил армия қисмларига қарши ўзининг зафарли юришларини ўтказган эди. Қурултой тугагач, унинг иштирокчиларидан бири Асадуллабек томонидан кўргазмали машқлар ўтказилди. Иброҳимбек қўрбоши бўлса, ўзининг мингга яқин йигити билан Вахш дарёсининг ўнг сохилидан ғарбга-Сурхон воҳаси, Шеробод ва Бойсун томонга қараб, 1925 йил январ ойининг бошларида намойишкорона назорат кўриги ўтказди. Воқеалар гувоҳи Шаҳобиддин Яссавий, бироқ Иброҳимбекнинг жасур киши бўлиши билан бир қаторда айрим масалаларни ҳал қилишда шошма-шошарликка йўл қўйиб, хатолар қилганлигини гапиради. Шуниси характерлики, Иброҳимбек «Амир Олимхон фармонида бўлиб, Розий Анвар Пошшо ва Фузайл маҳдумларга ҳурматсизлик қилди». У «ниҳоят диловар қаҳрамон» бўлса-да «калта фикрли эди... Иброҳимбек муборизлар, қўрбошилар заиф бўлғон, фойдасиз замонда иш бирлиги учун келди...». Иброҳимбекнинг Сурхондарё истиқлолчиларининг етакчиси Хуррамбек билан муносабатлари анча кескин эди, ҳатто Хуррамбекнинг баъзи бир хил ўзбошимчаликлари Иброҳимбекнинг жахлини чиқаради. Бу ердаги бутун қўрбошилар дасталари Иброҳимбек қўл остида бирлашиб, қизил армияга қарши қатъий хужумга ўтганларида Хуррамбек унга буйсунишдан бош тортиб, ўз холича иш юритган. Юқоридагилар ҳақида совет хуфияларининг маълумотларида ҳам сўз боради, Бухоро амири Сайд Олимхон бу низолардан хабар топгач, қўрбоши Иброҳимбек хузурига Бекбой Қоровулбеги деган вакилини жўнатади. Бекбой ёрдамида Сайид Олимхон

қўрбошилар ўртасидаги ихтилофларни бартараф қилишга ва энг, аввало Иброҳимбек билан Хуррамбек орасидаги келишмовчиликни йўқотишга муваффақ бўлди. Бу мулоҳазалардан Иброҳимбек фақат ўз манфаати учун кураш олиб борган, шуҳратпараст бир киши эди, деган хулоса чиқармаслик керак. У Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига етти йил раҳбарлик қилар экан, ўз она тупроғини босқинчи қизил аскарлардан тозалаш учун, эрк ва истиқлол учун кураш олиб борган эди[13]. Фақат, Иброҳимбекнинг сиёсий дунёқарашлари чекланган бўлиб, унинг «Бухоро амирига фуқаро» эканлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Иброҳимбек қўрбоши ўз қўшини сафида қаттиқ тартиб-интизом ўрната олди ва тинч аҳолини талашда қатнашган ёки бегуноҳ мусулмонларни ўлдирган аскарлар мабодо учраб қолса, улар шафқатсиз равишда жазоланар эди. Иброҳимбек томонидан қўл остидаги қўрбошилари Абдулазиз ва Абдураҳмонбойга ёзган мактублари кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Иброҳимбек ўз мактубида Абдураҳмонбойга қуйидаги сўзларни ёзган эди: «... сиз аскарларни махсус рухсатномасиз милтиқлари билан жўнатяпсиз, бу жуда ёмон».

Демак, қўрбошилар ўз йигитларини қишлоқларга милтиқлари билан юборишса, уларга махсус рухсатнома беришган, бу ҳолдан эрк ва истиқлол курашчиларининг кимлиги яққол намоён бўлади. Туркистонда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, совет Ўрта Осиё республикалари тузилгач, Шарқий Бухоронинг деярли барча қисми Тожикистон АССР ихтиёрига ўтди (фақат ҳозирги Сурхондарё вилояти таркибига кирган айрим туманлар бундан мустасно). Иброҳимбек қўрбоши Ўзбекистон ва Тожикистоннинг асосан тоғлиқ вилоятларида 1925-1926 йилларда ўз фаолиятини давом эттирди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:


1. Иноятов Х.Ш. Народь Средний Азии в борьбе против интервентов и внутренной контрреволюция. Москва. “Мисль”. 1984. - С. 394.
2. Иркаев М. История гаржданской войны в Таджикистане. Душанбе. 1971. -С. 437.
3. Иркаев М. Николаев Ю, Шарапов Я. Очерк остории советкого Таджикистана. 1917-1957. Сталинабад. 1957. - С. 94.
5. Материалы истории таджикского народа в советской период. Сталинадаб. 1954. - С. 137.
6. Ўзбекистон адабиёти ва санъати , № 28, 1994 й.
7. Краснознаменньй Туркестанский М., 1976. - С. 126.
8. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 122-Фонд. 1-рўйхат, 377-иш, 17-варақ
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 1313-Фонд, ОП.1. д 715. - С. 97.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 110-Фонд.. оп.1. д.148. л. 48-49.
11. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 110-Фонд.. оп. 2. д. 530. л. 29.
12. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 122-Фонд, 1-рўйхат, 378-иш, 15-варақ.


# SURXON VOHASI AHLINING FRONTDAGI QAHRAMONLIKLARI


**Toshov Kamoliddin,**
Termiz davlat universiteti Jahon
tarixi kafedrasi o’qituvchisi,
tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)



**Annotatsiya:** Maqolada ikkinchi jahon urush yillarida o‘zbek xalqining Buyuk G‘alabaga qo‘shgan hissasi, vatandoshlarimiz hayoti, jasorati va matonati hamda Surxondaryo viloyati ahlining frontdagi ko‘rsatgan qahramonliklari, Vatan ozodligi uchun jon fido qilgan marhum azamat jangchilarning nomlarini e’zoz bilan tilga olish, ular bilan faxrlanish kabi jihatlar tadqiq etilgan.



**Kalit so‘zlar**: front, fashizm balosi, harbiy komissariyat, xat, hayot-mamot jang, mudofaa, moddiy

ashyolar, urush, qahramonlik, do‘stlikka sodiq, partizan, razvedka, mehr-oqibat, vatanparvarlik, jasorat.

**Аннотация:** В статье вклад узбекского народа в Великую Победу, жизнь, мужество и стойкость наших соотечественников, а также героизм жителей Сурхандарьинской области на фронте, упоминание имен погибших В статье исследуются граждане, отдавшие свою жизнь за свободу Родины, и гордость за них.

**Ключевые слова:** фронт, бич фашизма, военкомат, письмо, борьба не на жизнь, а на смерть, оборона, материальные блага, война, героизм, верность дружбе, партизан, ум, доброта, патриотизм, мужество.

**Abstract:** In the article, the contribution of the Uzbek people to the Great Victory, the life, courage and fortitude of our compatriots, as well as the heroism of the people of Surkhandarya region at the front, the mention of the names of the deceased citizens who sacrificed their lives for the freedom of the Motherland, and the pride in them are studied in the article. .

**Keywords:** front, scourge of fascism, military commissariat, letter, life-and-death struggle, defense, material goods, war, heroism, loyal to friendship, partisan, intelligence, kindness, patriotism, courage.

Yangi O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar asosida xalqimizning ma’naviy salohiyatini oshirish, milliy o‘zlikni yuksaltirish, yurtparvarlik, insonparvarlik tamoyillariga alohida e’tibor berilmoqda. Qolaversa, o‘zbek xalqi mardonavor bosib o‘tgan Ikkinchi jahon urushi tarixini xolisona o‘rganish dolzarb vazifa hisoblanadi.

XX asr insoniyat tarixida Ikkinchi jahon urushi eng og‘ir fojiaviy iz qoldirgan tarixiy voqealardan sanaladi. Ikkinchi jahon urushida o‘sha davrda mustaqil bo‘lgan 73 ta davlatdan 62 tasi ishtirok etgan va bu jarayon er aholisining 80 foizini qamrab olgan. 110 million qurolli askar ishtirok etgan bu urushda taxminiy hisob-kitoblarga ko‘ra, 60 million kishi qurbon bo‘lgan. Shu bois ham bu urush chin ma’noda haqiqiy Jahon urushiga aylanib ketgani e’tirof etiladi.

Shu o‘rinda, fashizm ustidan qozonilgan g‘alabaga O‘zbekiston xalqi ham munosib hissa qo‘shgan. Umuman, urush boshlarida O‘zbekiston aholisi jami 6,5 million kishini tashkil etgan, shundan urushda O‘zbekistondan 1 million 951 minga yaqin kishi ishtirok etib, shundan 538 ming o‘zbekistonlik fuqarolar xolok bo‘ldilar. Urush davrida 158 ming hamyurtlarimiz bedarak ketgan bo‘lsa, sovet tuzimi siyosati tufayli boshqa o‘lkalarga quloq va surgun qilingan 59 mingdan ortiq yurtdoshlarimiz urushda boshqa o‘lkalar hisobidan qatnashgan[1]. Ota va onalar o‘z o‘g‘lonlarini frontga jo‘natar ekanlar, ularga bosqinchilarga qarshi sharaf bilan kurashish, o‘tmishda bosqinchilarga qarshi kurashlarda g‘olib chiqqan qahramonlarning jangovar jasoratlaridan namuna olishni, mard, botir askar bo‘lib, dushmanlar ustidan g‘alaba qozonishlarini tilab qolgandilar. Urushning birinchi kunidanoq Surxon elining azamatlari qo‘liga qurol olib fashimz bilan bo‘ladigan qonli janglarga otlandilar. Harbiy komissariyatlarga o‘zlarining frontga yuborishlarini so‘rab yozilgan arizalar soni kundan-kunga orta bordi. Urushning dastlabki oylarida viloyatdan ko‘ngilli bo‘lib frontga ketish istagini bildirgan vatanparvarlar soni ikki ming kishidan oshib ketdi. Surxondaryolik minglab yigit va qizlar urushga otlanib qo‘llariga qurol oldilar. Surxon vohasining otaxon va onaxonlari o‘z farzandlarini frontga jo‘nata turib, ularga jangovar topshiriqlar bera boshladi. Termiz tumani “Qizil chegara” jamoa xo‘jaligida yashovchi Shomirbobo Mirzaev o‘z o‘g‘lini askarlikka kuzata turib “O‘g‘lim mard bo‘l, botirlik bilan kurash” degan bo‘lsa, Sherobod tumani “Sotsializm” jamoa xo‘jaligining G‘ambur qishlog‘ida yashayotgan Ochil Turdimurodovning onasi o‘g‘lini frontga kuzatar ekan: “O‘g‘lim, dushmanga omonlik berma, dushmanni bitta qoldirmay qirib, g‘alaba bilan qayt va uy joyimga egalik qil”, deb oq fotiha berib frontga kuzatgan edi. Nuroniy otaxonlar va mehribon onaxonlar nasihatini yuragining to‘riga jo qilgan va ularning bergan har bir o‘gitini muqaddas bilgan Surxonning azamat sher yigitlari dushman bilan mislsiz janglarda qahramonlik namunalarini ko‘rsatdilar. Hayot-mamot janglarida Surxon vohasining 82 274 nafar vatanparvar farzandlari qo‘llariga qurol olib dushmanga ayovsiz qirg‘in keltirdilar. Birgina 1941-yil 22-iyundan 1942-yil 30-oktyabrgacha viloyatdan 20727 nafar kishi urushning oldingi saflariga jo‘natildi [2].

O‘zbekistonliklar Ikkinchi jahon urushi frontlarida ona yurtlari uchun olib borilgan ayovsiz janglarda, fashizm ustidan qozonilgan g‘alabaga Surxondaryo viloyati ahlining ham munosib o‘rni bor. Front liniyalarida Brest qal’asini himoya qilishda Surxon vohasining azamatlari alohida namuna ko‘rsatdilar. Ular orasidan A. Sharipov, I. Qobilov, I. Begiyarovlar frontning qaysi liniyasida jang qilmasinlar har soat va har daqiqa dushmanga qiron keltirib mardlik namunasini ko‘rsatdilar. Jumladan, Moskva shahrini himoya qilishda mard va jasur yigitlardan J. Nazarov alohida qahramonlik namunasini ko‘rsatdi.

Ana shunday mard va jasur yigitlardan yana biri urushdan oldin Termiz shahridagi “Vostokknigtorg” bazasining ishchisi bo‘lib ishlagan Prokopiy Sivustinov o‘z jangovar yo‘lini 1941-yil avgust oyida boshladi, u topchilar rotasida dushman bilan  Kavkaz tog‘lari uchun olib borilgan ayovsiz jangda alohida qahramonlik ko‘rsatib “Jasorati uchun” medali bilan taqdirlangan bo‘lsa, Qrimni ozod qilish uchun olib borilgan hayot-mamot janglarida ko‘rsatgan qahramonligi uchun esa ikkinchi marta “Jasorati uchun” medali bilan taqdirlandi. Bundan tashqari Prokopiy Sivustinov Sevastopol uchun olib borilgan jangda III darajali “Shuxrat” ordeni, Vengriyani ozod qilishda olib borilgan jangda esa II darajali “Shuxrat” ordeni bilan mukofotlandi [3].

Surxondaryolik mard jangchilar Ukraina va Belorussiya, Kavkaz va Boltiqbo‘yi erlarini dushmandan ozod qilishda, qamalda qolgan Leningradni himoya qilishda, Yevropa xalqlariga yordam qo‘lini cho‘zishda hamda fashizmni o‘z uyasida tor-mor keltirishda o‘zlarining muqaddas burchlarini ado etdilar. Jumladan, urushdan avval Denov tumani maorif bo‘limi mudiri bo‘lib ishlagan Xudayqul Allanazarov dushmanga qaqshatqich zarba berganligi sababli “Jasurligi uchun” medali bilan taqdirlandi.

1942-yil 12-iyulida Stalingrad shahrini himoya qilishda surxondaryolik S. Eshboyev, X. Jo‘rayev, Q. Omonov, N. Mamatqulov, A.Jo‘rayevlar alohida qahramonlik ko‘rsatdi. Stalingrad mudofaasini tashkil qilishdagi hayot-mamot janglarida mardlik ko‘rsatib, Vatan ozodligi uchun qurbon bo‘lgan surxondaryolik X. Jo‘rayev, R. Qilichov, A. Ashurov va K. Abdug‘aniyevlarga o‘xshash Surxon elining yuzlab navqiron yigitlari nomlari Stalingrad ozodligi uchun qurbon bo‘lgan jangchilarning nomlari qatorida tarixiy-harbiy yilnomalardan o‘rin olgan.

Kavkaz frontida dushmanga qarshi kurash olib borgan jangchilardan biri Safar Xudayberdiyevdir. U o‘z jangovar yo‘lini Kavkazdan boshlab, Berlingacha bo‘lgan masofani bosib o‘tdi. Frontdagi qahramonliklari uchun ko‘plab orden va medallar bilan mukofatlanib, g‘alabani qarshilash baxtiga muyassar bo‘ldi. Xalqlar ozodligi yo‘lida kurashgan Surxondaryolik yigitlardan yana biri  Bobo Sharfullayevdir. U 1943-yil Estoniyaning Narva ostonalarini dushmandan tozalashda alohida qahramonlik ko‘rsatdi. Urush boshlarida Surxon elining ko‘plab bahodirlari jang maydonlarida mardlarcha halok bo‘ldi. Frontga Boysun tumanidan ketgan Razzoq Doniyev ham tinchlik uchun jonini qurbon qilgan bahodirlardan biridir. U urushda 389-o‘qchi diviziyasi tarkibidagi 1279-o‘qchi polkda mo‘ljallovchi sifatida jang qilgan. Bojuv aholi punkti yaqindagi 246,4 tepaligi uchun bo‘lgan jangda Razzoq Donyiev o‘z pulemyotidan o‘t ochib, piyodalarga to‘sqinlik qilayotgan dushman nuqtasini yakson qildi. 389-o‘qchi deviziyasi komandirining buyrug‘iga binoan Razzoq Doniyev III darajali  Shuhrat ordeni bilan taqdirlandi. U 1945-yilning 27-fevralida qahramonlarcha halok bo‘ldi, qahramon jangchining jasadi Germaniyadagi Gubin shahridan 12 km janubdagi Neyderfel qishlog‘ida dafn qilingan [4, b-49].

Fashizmga qarshi kurashda jon fido qilgan yana  bir qahramon jangchi denovlik  Ollomurod Nazarovdir. U  frontda 194-o‘qchi diviziya tarkibidagi 616-o‘qchi polkida o‘qchi sifatida olib borilgan jangda dushman qarorgohiga  birinchi bo‘lib, bostirib kirib, 12 gitlerchini er tishlatdi.  Ollamurod Nazarov III darajali “Shuhrat” ordeni bilan mukofotlandi. U 1945-yilning 15-fevral kuni dushman bilan olib borilgan janglardan birida qahramonlarcha halok bo‘ldi. Marhum jangchining jasadi Polshaning Usxanovsk uezdidagi Gorntnik qishlog‘ida dafn qilingan [5, b-12].

Sherobod tumanidan frontga ketgan  Islom Qurbonov ham dushman bilan bo‘lgan janglarda namuna ko‘rsatib, 393-o‘qchi diviziyasining 1277-o‘qchi polki tarkibidagi tankka qarshi qurollar rotasi bo‘limda komandir sifatida jang qilgan. Ardon aholi punkti bo‘sag‘asida bo‘lgan dushman bilan olishuvda alohida mardlik ko‘rsatgan Islom Qurbonovning jasadi shimoliy Osetiyadagi Ardon

qishlog‘idan 500 metr shimoli-g‘arbiy tomonda dafn qilingan [5, b-10].

Denovlik Omon Soliyev yovuz dushmanga qarshi 87-gvardiyachi o‘qchi diviziya tarkibidagi 1378-polkda o‘qchi sifatida jang qilgan. Granata irg‘itib dushmanning bir pulemyot nuqtasini, avtomatdan o‘t ochib 8 soldatini yakson qildi, engil yarador bo‘lganiga qarmay jang maydonidan ketmadi. Omon Soliyev III darajali “Shuhrat” ordeni bilan mukofotlagan. U yarador bo‘lib, 1945-yil 25-yanvar kuni gospitalda vafot etgan, jasadi Litviyaning Libava rayonining Kali Kestechkasidagi alohida uydan 150 metr shimoli- g‘arb tomondagi o‘rmon chekkasida dafn qilingan [3].

Boysunlik Qosimov Juma urushga 151-gvardiyachi o‘qchi polkning birinchi o‘qchi batalonida o‘qchi sifatida qatnashgan. U “Jasurligi uchun” medali bilan mukofatlangan. Juma Qosimov 1944-yil 11-mart kuni dushman bilan bo‘lgan shiddatli jangda mardlarcha halok bo‘ldi. Vatan ozodlik yo‘lida jon fido qilgan jangchining hamshahari Umar Ramazonov ham dushmanga qarshi kurashlarda mardlik namunalarini ko‘rsatib, dushmanning 2 ta pulemyotini, 40 dan oshiq askarini yakson qildi. U “Jasurligi uchun” medali bilan taqdirlandi. Ramazonov Umar 1944-yil 18-aprelda bo‘lgan jangda qahramonlarcha halok bo‘ldi, uning jasadi Rovan viloyatidagi Chervona qishlog‘ida dafn qilingan [4,b-50]. Dushmanga qarshi olib borilgan janglarda ishtirok etgan sherobodlik jangchi Jovli Boymatovning qahramonliklari bugungi yoshlarga ibrat bo‘larlik darajadadir. Jovli Boymatov 1943-yilning mart oy-idan boshlab dushmanga qarshi jang qila boshladi. U katta jangovar yo‘lni bosib o‘tdi, dushmanga qarshi olib borilgan juda ko‘p janglarda qatnashdi. 1945-yil 18-aprel kuni otish pozitsiyasida turgan Jovli Boymatov komandirlik qilayotgan to‘p raschyoti 16 ta tank madadiga tayangan holda hammasi bo‘lib dushmanning o‘n ikkita tankini, ettita zambaragini, sakkizta minomyotini, o‘n bitta pulemyot nuqtasini, 350 ga yaqin soldat va ofitserini yakson qildi. Ana shu jangda Jovli Boymatovning o‘zi ham halok bo‘ldi. Marhum qahramonning jasadi Germaniyadagi Nodersdref qishlog‘idan 400 metr shimoli-sharq tomondagi Bezimyannaya tepaligida dafn qilingan. Jovli Boymatov janglarda ko‘rsat-gan qahramonligi uchun “Vatan urushi” ordenlari bilan mukofotlangan.

Mash’um urush yillarida dushman bilan qonli janglarda minglab surxondaryoliklar fashizmga qarshi qahramonlarcha halok bo‘ldilar. Ana shular orasida O‘tkir To‘rayev, Jo‘ra Oltiboyev, Abdulaziz Qodirov, Muhammadi Xo‘jamurodov, Ziyo Xo‘jamurodov, R.Qurbonov, E.To‘raqulov, Sh.Allanazarov va shunga o‘xshash ko‘plab mardu maydonlarning nomlarini sanab o‘tish mumkin.
Qonli janggohlarda jonini fido qilgan marhum jangchilarning muqaddas xotiralari bugungi avlod xotiralarida mangu yashab, yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda, yoshlarimizni otalar jasoratiga sodiq bo‘lib o‘sishlarida katta tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Urush yillarida surxondaryo-lik mard yigitlar harbiy ilm sirlarini mustahkam egallab, ofitser darajasiga ko‘tarildilar. Ana shunday ofitserlardan podpolkovnik Qaysarov, Kumikov, Glazunovlar, mayor Nosirov, E. Muhammadiyev, Quvvatov, mayor Denisov va shunga o‘xshash ko‘plab zobitlarning nomlarini ko‘rsatib o‘tish mum-kin [6].

Urush yillarida o‘nlab surxondaryoliklar razvedkachilik bilan shug‘ullandi, ana shunday qo‘rqmas va dovyurak razvedkachilar orasida termizlik Normurod Mamatqulov va sherobodlik Sergiy Petrovlar bor edi. Bu dovyurak vatanparvarlar dushman ichiga kirib borib, “til” olib kelishdek og‘ir vazifani sharaf bilan bajardilar. Normurod Mamatqulov urush davomida u 70 ta fashistni qo‘lga tushirishga muvofaq bo‘ldi. Ulardan 65 tasi oddiy soldat va 5 tasi ofitser edi [7]. O‘sha jangovar yillarda Surxon elining mardona farzandlaridan ham mohir partizanlar etishib chiqdi. Ana shunday partizanlardan polk komandiri Ahmad Siddiqov va sariosiyolik partizan A. P. Sornaskiylarning nomini keltirib o‘tish mumkin. Andrey Petrovich Sornaskiy batalon komandiri bo‘lib, o‘z bataloni bilan dushman orqa to-monidan partizanlik harakatlarini olib borib dushmanga qaqshatqich zarbalar berdi. A. P. Sornaskiy bataloni 49 kunda etti marta jangovar operatsiyalar uyushtirishga erishdi. Ular bu operatsiyalarda 82 ta fashistni o‘ldirib, dushmanlarning 6 ta mashinasini qo‘lga tushirdi, 160 bosh qoramol esa nemislar qo‘lidan tortib olindi.

Xiyonatkor, bosqinchi, manfur dushmanni mamlakat hududidan haydab chiqarish va Yevropa tuproqlarini dushmandan ozod qilish hamda dushman uyasi bo‘lgan Reyxstagni zabt qilishdek sharafli kurashlarda minglab surxondaryolik jangchilar faol ishtirok etdilar va alohida jasorat namunalarini ko‘rsatdilar. Dushmanni Berlingacha quvib borgan azamatlardan S. Saidov, K.

Ergashev, Q. Abdunazarov, B. Shoimov, T. Tursunaliyev, O. Turdimurodov va shunga o‘xshash minglab g‘oliblarning nomlarini keltirib o‘tish mumkin. Urush yillarida surxondaryoliklardan olti nafari Sobiq Sovet Ittifoqi Qahramoni, uch nafari esa “Shuhrat” ordenining to‘la nishondori bo‘lgan bo‘lsa, 3769 kishi esa turli xil orden va medallar bilan taqdirlandi. Surxondaryodan safarbar qilingan 50365 nafar kishining yarmidan ko‘pi dushman bilan bo‘lgan janglarda qahramonlarcha halok bo‘ldi. Biz bugungi kunda Vatan ozodligi uchun jon fido qilgan marhum azamat jangchilarning nomlarini e’zoz bilan tilga olib, ular bilan faxrlanamiz.

O‘zbekistonlik jangchilardan 1753 nafari “Moskva mudofasi uchun” medali, 2733 kishi “Stalingrad mudofasi uchun” medali bilan, 2974 nafari «Kavkaz mudofaasi uchun» medali bilan taqdirlangan bo‘lsa, 1382 nafari “Leningrad mudofaasi uchun” medali bilan mukofotlangan. Jangovar harakatlarda O‘zbekistondan 1706 nafar kishi «Berlinni olgani uchun», 109208 nafar harbiy «Germaniya ustidan g‘alaba qozonilganligi uchun» medali bilan mukofotlandilar.

Yapon militaristlariga qarshi janglardagi jasoratlari uchun o‘zbekistonliklardan 6770 nafar harbiylar mukofotlandilar. Urush yillarida jami 120 ming o‘zbekistonlik jangchi orden va medallar bilan mukofotlandi. O‘zbekistonliklardan 75 nafar kishi Sovet Ittifoqi qahramoni unvoniga sazovor bo‘ldi. O‘zbekiston jangchilaridan 82 kishi “Shuhrat” ordenining uchala darajasi bilan mukofotlandi[7].

Mustaqillik yillarida front va front orti ishlarida qatnashgan fuqarolarimiz hukumatimiz tomonidan alohida g‘amxo‘rlikka olindi. 1999-yil 2-martda O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidentining “9-mayni Xotira va qadrlash kuni, deb e’lon qilish to‘g‘risida”gi Farmoni e’lon qilindi. Urushda qurbon bo‘lganlarni xotirlash, biz bilan hozirgi kunlarda yonma-yon yashayotgan urush faxriylari va front orti ishlarida qatnashgan yurtdoshlarimizni qadrlashdek insoniy ishlar yoshlarni Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyatga egadir.

Bugungi kunda esa keksalik gashtini surayotgan urush faxriylari yoshlarimizni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda katta hissa qo‘shib, mustaqil O‘zbekistonimiz yoshlariga Vatanga muhabbat, do‘stga sodiqlik, sabr-qanoat, insofu diyonat, ota-onaga hurmat, mehnatsevarlik hislarini o‘z nasihat va o‘gitlari orqali singdirmoqdalar hamda davlatimizning yanada ravnaq topishiga o‘z hissalarini qo‘shmoqdalar. O‘zbekistonda istiqomat qiluvchi Ikkinchi jahon urushi va front orti qatnashchilarining soni 2023-yil 6-may holatiga ko‘ra 174 nafarni tashkil qiladi.

Ularning soni viloyatlar kesimida quyidagicha:

Qoraqalpog‘iston Respublikasi — 3 nafar;

Andijon viloyati — 6 nafar;

Buxoro viloyati — 7 nafar;

Jizzax viloyati — 6 nafar;

Qashqadaryo viloyati — 10 nafar;

Navoiy viloyati — 9 nafar;

Namangan viloyati — 3 nafar;

Samarqand viloyati — 10 nafar;

Sirdaryo viloyati — 3 nafar;

Surxondaryo viloyati — 8 nafar;

Toshkent viloyati — 26 nafar;

Farg‘ona viloyati — 19 nafar;

Xorazm viloyati — 5 nafar;

Toshkent shahri — 55 nafar.

Respublika bo‘yicha 100 va 100 yoshdan oshgan Ikkinchi jahon urushi va frontorti qatnashchilarining soni 25 nafarni tashkil qiladi.

Hozirgi kunda Ikkinchi jahon urushida qatnashgan surxondaryolik jangchilardan 8 nafari hayot bo‘lib, ularning aksariyati 97 yoshdan 101 yoshgacha umr ko‘rib kelayotgan piru badavlat muhtaram otaxonlarimizdir. Jumladan, Boysun tumanidan Hamroev Shohimardon 101, Qulliev Jumaqul va Qumqo‘rg‘on tumanidan Musaev Hayit 100, Oltinsoy tumanidan Abdurahmanov Xoliq 99 yosh, Denov tumanidan Meredov Dosek, Sherobod tumanidan Ilamanov Kenja va Sho‘rchi tumanidan

Shoymardanov Oqboylar 98, Mirzarahimov Raxmonberdi 97 yoshlarida Buyuk G‘alabaning 78 yilligini eson-omon nishonlab, vatondoshlari va farzandlarno‘qri hurmatiga sazovor bo‘lib turibdilar. Surxondaryo viloyati hokimligi ularning har biriga 9-may -Xotira va qadrlash kuni munosabati bilan urush va mehnat faxriylariga yo‘llagan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti yo‘llagan tabrik va 18 million so‘mdan pul mukofatlarini taqdim etdi.

Xullas, urush yillarida mashaqqatli mehnat va azob-uqubatdan boshqa narsani ko‘rmagan odamlarning ko‘pchiligi qayg‘u-alam girdobida jon berdilar. Shunga o‘xshash urush qatnashchilarining talay qismi yorug‘ kunlarni ko‘rmadi. Biroq shuni unutmaslik kerakki, ota-bobolarimiz misli ko‘rilmagan azob-uqubatlar va talofatlar hisobiga butun insoniyat boshiga tushgan ofatni bartaraf qilishga ulkan hissa qo‘shib, jahon tarixida o‘chmas iz qoldirishdi.

## FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:


1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning buyuk G‘alabaning 75 yilligi hamda Xotira va qadrlash kuniga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi // https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeev ning -buyu-09-05-2020
2. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 45-fond, 1-yozuv, 149-ish, 145 bet.
3. “Ilg‘or Surxon uchun” gazetasining 1945-yil 21-mart soni.
4. Tursunov S. va boshqalar. Xotira-barhayot, qadr-mangu. Toshkent: Fan.2010.
5. Xotira. Surxondaryo viloyati. 2-kitob. T: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. 1994. 12-bet.
6. Surxondaryo viloyat davlat arxivi. 45-fond, 1-yozuv, 137-ish, 19 betlar.
7. “Lenin bayrog‘i” gazetasining 1975-yil 25-aprel soni.
8. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 316-fond, 1-yozuv, 29-ish, 5-bet.


# CHAG‘ONIYON DAVLATINING IQTISODIY ASOSLARI


**Ergashev Mavlon Eshniyozovich,**
Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasi
o’qituvchisi, tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).



**Annotatsiya:** Biz yoritayotgan maqolada ilk o‘rta asrlarda mavjud bo‘lgan Chag‘oniyon davlatchiligining iqtisodiy asoslari, uning turli asrlarda boshqa hududdagi mahalliy davlatlar bilan munosabatlari haqida bir qator tahliliy ma’lumotlar keltirilgan.


**Kalit so‘zlar:** Chag‘oniyon davlati, Chag‘onxudotlar, Somoniy, Saljuqiylar, Qoraxoniylar, G‘aznaviylar, Xorazmshohlar davlatlari, iqtisodiy munosabatlar, siyosiy jarayonlar.


**Аннотация:** В статье, которую мы освещаем, представлен ряд аналитических данных об экономических основах чаганской государственности, существовавшей в раннем средневековье, и ее отношениях с местными государствами в других регионах в разные века.


**Ключевые слова:** Чаганское государство, чаганхудоты, сомани, сельджуки, караханиды, газневиды, хорезимшахские государства, экономические отношения, политические процессы.


**Abstract:** The article we are covering presents a number of analytical data about the economic foundations of the Chaganian statehood, which existed in the early Middle Ages, and its relations with local states in other regions in different centuries.


**Key words:** Chaganian state, Chagankhudots, Somani, Seljuks, Karakhanids, Ghaznavids, Khorezimshah states, economic relations, political processes.


Chag‘oniyon davlati O‘zbekiston hududida ilk o‘rta asrlarda tashkil topib, uning davlatchilikka xos xususiyatlari XVI asrlargacha o‘z faoliyatini turli ijtimoiy- iqtisodiy jarayonlarda mustaqil va gohida qaram davlat sifatida faoliyat ko‘rsatganligini tasdiqlaydi. Masalan V-VII asrlarda Chag‘onxudotlar tomonidan mustaqil Chag‘oniyon davlatiga asos solinib, Dalvarzin shahri siyosiy ma’muriy markaz

bo‘lib, Eron-Turk hoqonlari Sug‘d davlatlari bilan elchilik munosabatlari asosida yon qo‘shnichilik aloqalarni yo‘lga qo‘ygan. IX-XIII asrlarda Ismoil Somoniy, Saljuqiylar, Qoraxoniylar, G‘aznaviylar, Xorazmshohlar davlatlari bilan Chag‘oniyon amirlari tomonidan mustaqil davlat nomidan elchilik aloqalarni olib brogan munosabatlar, XIV-XVI asrlarda Chag‘oniyon amirlari Denov shahrini siyosiy ma’muriy markaz sifatida tashkil etib, ichki tashqiy siyosat yuritganligi tarixiy manbalarda o‘z aksni topganligi tadqiqot jarayonda ilmiy tahlil qilindi. Shuningdek,O‘zbekiston davlatchiligi tarixda alohida tarixiy tahlil qilingan arablar istilosi davrida boshqa hududlarda bo‘lganidek Chag‘oniyon ham VIII asr boshlaridan to IX asr boshlarigacha hamda Chingizxon istilosi davrida XIII asr ikkinchi choragidan to XIV asr o‘rtalarigacha o‘z siyosiy mustaqiligini ma’lum muddatga yo‘qotdi.Sovet hokimiyati yillarida yaratilgan tarixiy manbalarda O‘zbekistonga xos davlatchilik tarixiga, uning ilk shakllanish jarayonlariga deyarli e’tibor berilmay, yoritilgan tarixiy fikrlar ham soxta g‘oyalar asosida  tahlil qilingan. Kommunistik partiya siyosiy ta’sirida sobiq SSSRning chekka o‘lkalaridaga milliy halqlarning davlatchilik sohasida erishigan qadimiy tarixni, uning davlat boshqaruv usullarni, madaniyatini, til tarixni SSSR tarixi darsliklariga maxsus kiritilmagan. Shuningdek maxfiy ko‘rsatma asosida O‘zbekiston hududidagi O‘rta asrlarga oid davlatchilik tarixni o‘rganish, targ‘ib etishga ruxsat berilmadi. Natijada boshqa davlatlar tarixi kabi Chag‘oniyon tarixi ham maxsus tarix sahifalaridan tushirilib, go‘yoki Chag‘oniyon mustaqil davlat bo‘lmagan degan soxta fikirlar sovet mafkurasining asosiy g‘oyasiga aylantirildi. Kommunistik mafkuraning tazyiqi bilan nashr etilgan ko‘plab tarixiy asarlarda Chag‘oniyon tarixi soxtalashtirilib, maxsus O‘zbekiston tarixi darsliklariga kiritilmadi. Eng achinarlisi mahalliy tarixchilar ham ushbu siyosiy tayziq ta’sirda Chag‘oniyonni davlatchilikka xos belgilarni mavjudligini asoslovchi manbalar borligini bila turib, ushbu siyosatga qarshi o‘z mustaqil fikrlarni bayon qila olmadilar. O‘rta asrlar davrida mavjud bo‘lgan ko‘plab tarixiy manbalarda aks ettirilgan Chag‘oniyon davlati ilmiy jamoatchilik tomonidan tarixiy darsliklarda va yaratilayotgan o‘quv qo‘llanmalarda tadqiq etilmagan. Chag‘oniyon qadimgi Baqtriya, Yunon-Baqtriya, Kushon kabi davlatlarning hududida paydo bo‘lib, Chag‘oniyon hududda odamlar qadimdan yashaganligining izlari o‘rta poleolit va mezolit davrlariga oidligi aniqlandi. Miloddan avvalgi 2-ming yillikning 2-yarmida bu erda ilk dehqonchilik manzilgohlari (Mo‘lalitepa), miloddan avvalgi 1-ming yillik o‘rtasida esa ilk shahar (Qiziltepa) vujudga kelgan. Miloddan avvalgi I asr – milodiy I asrlarda Chag‘oniyon yuechjiylar davlatining asosiy markazlaridan biri bo‘lgan. Milodiy I-III asrlarda Chag‘oniyon hududlari Kushon podsholigi  tarkibiga kirgan. Chag‘oniyonning iqtisodi va madaniyati bu davrda ravnaq topgan, ko‘plab shahar va qishloqlar vujudga kelgan, tovar-pul munosabatlari, sug‘orma dehqonchilik, turli kasb-hunarlar, tasviriy va amaliy san’at, ayniqsa, Xolchayon va Dalvarzintepada haykaltaroshlik rivojlangan. Milodiy III-IV asrlarning 2-yarmida Chag‘oniyonni asosan Chag‘onhudotlar boshqargan. Milodiy V asrning 2-yarmi - VI asrda viloyat avval Eftaliylar[1:5-9], so‘ngra Sosoniylar davlati tarkibiga kirgan. VI asrning 2-yarmidan - VIII asrning 2-yarmigacha Chag‘oniyonni mahalliy sulola boshqargan, u nomigagina Toxaristonning oliy hukmdorlari – turkiy yabg‘ularga bo‘ysungan. Chag‘oniyonning ayrim hukmdorlari – Xidevlar yoki Chag‘onxudotlarning ismlari yozma, epigrafik va numizmmati ma’lumotlar bo‘yicha aniqlangan: Chag‘onxudot davlatining oliy hukmdorlari, ya’ni podsholari Fag‘anish, Sashr, Zarin, Turontosh, Tish, Xnar kabilarning nomlari tarixiy manbalarda o‘z aksni topdi. Milodiy VII asrning 2-yarmida Chag‘oniyonga arablar kirib kelgan, ular VIII asr oxirida mahalliy sulolani tugatganlar[2:5-11].

Tarixiy taraqqiyot shuni ko‘rsatadiki, davlatlar qaysi davrda paydo bo‘lishidan qat’iy nazar, o‘z davrining siyosiy doirasida ichki-tashqi siyosat nuqtai nazaridan faoliyat ko‘rsatgan. Chag‘oniyon davlati o‘z  siyosati, islohot jarayonlari, boshqaruv tizimi, savdo-sotiq, ichki tashqi siyosati bilan qo‘shni davlatlarga o‘z ta’sirini o‘tkazib turgan.

Baqtriya, Salavkiylar, Kushon davlatlari hududida shakllangan Chag‘oniyon davlatchilik tarixi bo‘yicha XIX asr so‘nggida evropa tarixchilari o‘rtasida munozaralar boshlangan. V.Geyger[3], E.Raysh[4], T.Noldeke[5], XX asr boshida J.Prasheklar[6] Chag‘oniyon tarixi haqida o‘z fikr mulohazalarini bayon etgan.Chag‘oniyon hududida shakllangan davlatlarning hammasi siyosiy jihatdan o‘z davrida kuchli, iqtisodiy va madaniy jihatdan rivojlanganligi haqida ko‘plab olimlar fikr-mulohazalar bildirganlar. Masalan, Ktesey Knidskiy «Baqtriya kuchli va qudratli mamlakat, VIII asrdayoq

mustaqil davlat bo‘lgan» deb ta’riflaydi. Ktesey Knidskiyning asarlari o‘rta asr tarixchisi Fotiyning asarida ilova tariqasida bizgacha etib kelgan[7]. Yuqoridagi fikrlarga asoslanib, O‘zbekiston hududida shakllangan ilk davlatchilik bilan bog‘liq masalalarni ilmiy o‘rganish asosida ilk o‘rta asrlarda shakllangan Chag‘oniyon mulkligi davlat boshqaruvi mavjud dehqonchilik, hunarmandchilik, savdo-sotiq munosabatlari asosida paydo bo‘lgan. Ushbu davlat hududida qadimdan shakllangan mddiy va ma’naviy madaniyat davlatchilik asoslarini shakllanishida muhim rol o‘ynagan. Chag‘oniyon davlatchiligida Baqtriya, Ahmoniylar, Kushon, Eftalitlar, Turk xoqonligiga xos davlat boshqaruvning o‘ziga xos xususiyatlari mujassamlantirgan. Ushbu ma’muriy davlat boshqaruv shakllari ta’sirida Chag‘oniyon davlatchiligi shakllanganligini alohida ta’kidlash zarur. Ushbu davlatlarning siyosiy, madaniy taraqqiyoti natijasida xo‘jalik, savdo-sotiq, hunarmandchilik taraqqiy etib, mahalliy aholi o‘zining an’anaviy xo‘jaliklarini rivojlantirib keldi. Chag‘oniyon davlatining tashkil topishga xos xususiyatlar davlatni vujudga kelishi bilan bog‘liq belgilarga to‘liq mos kelishi, uninghududiy-geografik joylashuvi, aholisi va uning miliy tarkibi, qo‘shni mamlakatlar bilan olib borgan tashqiy siyosati, savdo- sotiq munosabatlari,harbiy harakatlardagi ishtroki kabi masalalar ilmiy tahlil qilindi. Maqolani tarixiy tahlil etish jarayonida Chag‘oniyon davlatining tashkil topish asosida qadimiy davlatlarni mavjud bo‘lgan siyosiy – iqtisodiy va ijtimoiy tajribalar hal qiluvchi tayanch bo‘lganligi, ushbu davlatlar Chag‘onxudotlar uchun ma’muriy boshqaruv usullarni yaratib berganligi amalga oshirilgan davlat sohasidagi islohatlar davlat boshqaruvida muhim vosita bo‘lganligi ilmi yoritib o‘tildi. Shuni alohida ta’kidlash zarurki Chag‘oniyon davlati siyosiy- iqtisodiy jihatdan katta nufuzga ega ekanligi tufayli ko‘plab tarixshunoslarni o‘zga tarixiy tahlil nuqtaiy nazardan qaratganligini mavzuni bayon etish jarayonida tahlil qilib berildi. Eng muhimi Chag‘oniyon tarixini davlat nuqtaiy nazardan o‘rganish zarurligi haqidagi hozirgi tarixiy konsepsiyaga mos holda voqea- hodisalarga tayanib olib borildi.

## FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:


1. Гумилев Л. Н.-Эфталити и их соседи. ВДИ. -1959. -№-1. С12-16. Он же. Эфталити – гории или степняки. //ВДИ. -1967. №-3, С. 5-9.
2. Григоръэв Г.В. Об арабском путешественнике X века Абу Долефе И странствованииего по Средней Азии. //ЖМНП.СПб., 1873.Вип. 2, с 45-56. Бартолъд В. В. Чаганиан. Соч, Т. ИИИ, М.,1965, С-5-11.
3. Geyger W. Ostiranische kultur im Altertum. Erlangen, 1982.V. 66; Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. London. 1985. V. 45.
4. Reisch E. Baktrionoi. Paulys Real-Ensyclopodie. t. II. 1896.
5. Nildeke T. Iranisches Nationalepos, Grundriss der Iranische Philologie, II. 1896-1904. V. 141.
6. Prasek J.D. Geschichte der Meder und Perser, Bd. I, Gotha, 1906. v. 50-54
7. Массон В.М. Древнеземледелъческая кулътура Маргиани. МИА, 1959 № 73.


# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АРТЕЛЛАРИ ТУРЛАРИ


**Эргашева Сайёра Абдусоатовна,**
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси катта ўқитувчиси
sergasheva223@ gmail.com



**Аннотация:** Мазкур мақолада Сурхондарё вилояти анъанавий ҳунармандчилик артелларининг турлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. 1926-1941 йиллар давомида турли соҳаларга қамраб олган артеллар вужудга кела бошлади. Жумладан, кўп тармоқли,кўнчилик ва қурилиш, от-арава транспорти, озиқ-овқат, чиқинди тузни қайта ишлаб

чиқариш ҳунармандчилик артеллари ташкил қилинди. Шунингдек, вилоятда ногиронлик артеллари ҳам фаолият юритиб, бунда асосан урушда қатнашиб ногирон бўлиб қайтган ишчилар меҳнат қилишган.

**Калит сўзлар:** артель, "Қизил туячи", "Куйбишев", новвойчилик, озиқ-овқат саноати, косибчилик, пойафзал фабрикаси, тўқувчилик, йигирувчилик енгил саноати, гиламдўзлик, кулолчилик, шойи тўқиш, артель, касаначилик.

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о типах традиционных ремесленных артелей Сурхандарьинской области и их характеристиках. В 1926-1941 годах стали возникать артели самых разных направлений. В частности, были организованы ремесленные артели многопрофильного, кожевенно-строительного, гужевого транспорта, продовольственного, переработки отходов соли. Кроме того, в районе функционировали и артели инвалидов, где работали в основном рабочие, вернувшиеся инвалидами после участия в войне.

**Ключевые слова:** артель, «Кизил туячи», «Куйбышев», хлебопекарня, пищевая промышленность, ремесла, обувная фабрика, ткачество, легкая прядильная промышленность, ковроткачество, гончарное дело, шелкоткачество, артель, кустарное производство.

**Abstract:** This article talks about the types of traditional craft artels of Surkhandarya region and their characteristics. During the ears 1926-1941, artels covering various fields began to emerge. In particular, craft artels of multi-sector, tanning and construction, horse-carriage transport, food, recycling of waste salt were organized. In addition, disability artels also functioned in the region, where mostly workers who returned disabled after participating in the war worked.

**Key words:** artel, "Kizil tuyachi", "Kuybyshev", bakery, food industry, handicrafts, shoe factory, weaving, spinning light industry, carpet making, pottery, silk weaving, artel, home industry.

XX асрнинг 50 - 80 йиллари Ўзбекистон тарихидаги мураккаб даврлардан биридир. Бир томондан, Ўзбекистон халқининг фидокорона, бунёдкорлик меҳнати туфайли республика иқтисодиёти анчагина ривожланди. Иккинчи томондан, СССРда ҳукмрон бўлган тоталитар тузум, маъмурий-буйруқбозликнинг кучайиши натижасида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда бир қатор муаммолар, нохуш ҳолатлар тўпланиб бориб, пировардида инқирозли вазиятни келтириб чиқарди[1.Б.14.]

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси олдида турган асосий вазифалар халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946 - 1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасида белгилаб берилган эди. Беш йиллик режа Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1946 йил 30 августда бўлиб ўтган сессиясида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Режага биноан 1946 йилнинг ўзидаёқ халқ хўжалигини қайта қуришни тугаллаш, ишлаб чикаришни эса 1948 йилда урушдан илгариги даражага етказиш кўзда тутилган эди. Сурхондарё вилояти ҳунармандчилик иттифоқи ҳам иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари турларини яхшилаш, уларни сифатли ва кўплаб ишлаб чиқаришга кириша бошлади.

1926-1941 йиллар давомида турли соҳаларга қампаб олган артеллар вужудга кела бошлади. Жумладан, Термиз (Паттакесар) шаҳрида 1926 йил 5 апрелда "Кожевник"[20;Б.59], "Хуршид" номли кўнчилик ва қурилиш, 12 апрелда "Красные женщины Востока" номли қурилиш, 27 апрелда "Ленин" номли от-арава транспорти, 11 майда "Красный строитель" номли қурилиш, 1930 йилда "Прогресс" [19;Б.6] номли кўп тармоқли, "Восход" [23;Б.24] номли озиқ-овқат, 1934 йилда "Қизил Туячи" [24;Б.12] номли от-арава транспорти, 1939 йил 15 ноябрда "Утильпереработка" номли чиқиндини қайта ишлаш, 1940 йилда "Родина"[22;Б.27] 1941 йил апрелда "Пограничник" [21;Б.60] номли кўп тармоқли 1941 йил 18 январда "ВКП (Б) XVIII партия конференцияси" номли қурилиш артели, "Оқтош" номли тузни қайта ишлаб чиқариш ҳунармандчилик артеллари ташкил қилинди ва турли йилларда фаолият кўрсатган.

Жарқўрғон туманидаги кўп тармоқли ҳунармандчилик артеллари иккитани ташкил қилиб ("Янги турмуш" ва "Қизил аскар" номли кўп тармоқли хунармандчилик артеллари) улардан бири "Янги турмуш" номли кўп тармоқли ҳунармандчилик артелида 1947 йилнинг 1 январига қадар 28 та ҳунарманд (шулардан бештаси аёллар) 1948-1949 йилларда 39 нафар ҳунарманд

ташкил қилиб, улар 1949 йили 132,7 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдилар. Артел аьзоларининг иш ҳақи жамғармаси эса 75,2 минг сўмни ташкил қилди”[4;Б.3.]

“Қизил аскар” ҳунармандчилик артели халқ хўжалиги юкларини ташишга мўлжалланган транспорт артели бўлиб, транспортчилар томонидан 1946 йили 1383 тонна халқ хўжалиги юклари ташилиб, 32575 км йўл босилди. Ҳунармандчилик артели транспортчилари томонидан йил ўтган сайин юк ташиш ҳажми ортиб борди. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўришимиз мумкин. 1948 йил артель **бўйича I ярим йиллик режаси 121 фоиз бажарилди. Артелнинг Ҳасан Аҳмедов бошлиқ транспорт бригадаси I ярим йиллик ишлаб чиқариш режасини 178 фоизга бажарди**”[9;Б.80.] **Ушбу транспорт бригадаси ҳар ойига 9190 сўмлик артелга даромад келтириш лозим бўлса бу цех январь ойи режасини 18700, февраль ойи режасини 12000, апрель ойи режасини 10900 сўмлик бажаришган**”[10;Б.4.] 1950 йилга келиб ҳунармандчилик артелида 30 та туя бўлиб, йил бўйи бу туяларда 8790 кунлик иш куни ишланиб, 225,0 минг сўм соф фойда олинди. Халқ хўжалиги юкларини ташишда 40436 км йўл босилиб, 1322 тонна юк ташиб беришга эришилди. “Қизил аскар” ҳунармандчилик артели от - арава транспортчилари аҳолининг оғирини енгил қилишда катта хизмат қилди.

1948 йилда “Қизил аскар” артелида нонвойхона, ошхона, чойхона каби хизматлар ҳам йўлга қўйилди”[9;Б.80.] Ғишт ишлаб чиқариш, тикувчилик, бордончилик, гилам, бўйра тўқиш ва мебель ишлаб чиқариш цехлари ҳам ишга туширилиб ўз маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. 1952 йил артелнинг ғиштчилик цехи (бошлиғи Б.Тўрақулов) йиллик режасини 10 ой ичида 150 фоиз, тикувчилик цехи (мудири Р.Ҳазратқулов) 105 фоиз, бордончилик цехи (мудири А.Жўраев) 125 фоизга етказишиб йиллик режани муддатидан олдин бажаришди”[5;Б.28.] 1956 йил артелнинг бўйрачилик цехи (бошлиғи ўрток Н.Жўраев) уй-рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш цехи (бошлиғи ўрток Р.Жафаров) йиллик режасини 120-130 фоиз адо этдилар. Артелнинг ғишт қуйиш цехи (бошлиғи С. Матаров) жамоаси режадаги 1,5 миллион ўрнига 2 миллион 400 минг ғишт ишлаб чиқаришди”[6;Б.34.]

Бу артелда 1947 йил январига келиб, ҳунармандлар сони 34 нафарни ташкил этган бўлса, 1954 йил 1 январига келиб, эса ҳунармандлар сони 73 тани ташкил қилди”[5;Б.80.] 1959 йилга келиб эса артель ишчилари сони 147 нафарни ташкил қилиб, шундан 78 нафари хотин – қизлар тикувчилик, гилам ва бўйра тўқиш цехларида меҳнат қилишган”[10;Б.4.]

Бойсунда халқ ҳунармандчилиги эркаклар томонидан қайта тикланган. Бу Ростов-Дон яқинидаги жангларда оғир яраланган катта сержант Юсуф Қодировнинг ҳарбий шифохонага ётқизилиши билан бошланди. Ўзбекистондан аскарларга совғалар билан посилкалар келди, Бойсундан Юсуф Қодировга чеккалари қўл меҳнати билан чиройли қилиб безатилган атлас рўмолча келган эди. Унинг сафдошлари ушбу рўмолчани музейга топширишни маслаҳат беришади. Фронтда, Қодировда Бойсундаги барча машҳур ҳунарманд аёлларни йиғиб, улардан артель тузиб, ёшларга ўргатиш фикри туғилди. Шифохонадан уйига демобилизация қилинган катта сержант Юсуф Қодиров дўстлари - Мамараҳим Қодиров, Йўлдош Пошшоев, Раҳмон Мамаровлар билан биргаликда бўш иншоот топдилар, уйдан эски дастгоҳлар олиб келиб, тўрт нафар ҳунармандчилик ихлосмандлари артель ташкил этишди”[16;Б.54.]. Уруш йилларида бу ерда бадиий тикувчилик, дўппи тикиш цехи очилди”[3;Б.44.]

1950 йилга келиб, Бойсун туманидаги ҳамма ҳунармандчилик корхоналари “Куйбишев” номли артелга бирлашди”[3;Б.45.] Уста Қодир, Уста Раҳмат Эсонов, Уста Абдурайим, Уста Раҳмон уларнинг давомчилари Уста Мамарайим, Уста Расуллар-олача, жанда, нонка тўқишда шухрат козонган. Уста Йўлдош Пошшоев, Уста Нарзилло, Уста Собир, Уста Холиёр ва бошқа ўнлаб усталар етишиб чиққан. 1950 йилда “Куйбишев” номли артель 94593 метр алача, 2697 метр жанда, 894 метр абрешин, 90 метр атлас ишлаб чиқаришга эришган. 1957 йилда артель аъзоларидан тўқувчи Муртазоев Холмамат 170 фоиз, темирчи Қўзиев Самад 206 фоиз, Пардозловчи Соҳибов Нор 205 фоиз, Темирчи Норбоев Мамади 135 фоиз, тўқувчилар Маматқулов Умбар, Сафаров Норқул, Каримов Маллалар 162 фоиз, Юсуф Қодиров бошчилигидаги тикувчилик цехи мастери Хўжамуродов Боқи 180 фоиз, тикувчи Бўриева Чўлпон ва Қурбонова Хадичалар 154 фоизга йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини бажарган бўлсалар”[25;Б.144.],сандиқчи Бобоқул Жўрақулов”[15;Б.3.],тикувчилар

Зумрат Саломова”[14;Б.2.], Холназар Файзиев”[13;Б.4.], Шарофат Қодирова”12;Б.2.] лар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб халқнинг ҳурматига сазовор бўлишди. Ана шу корхона базасида 1963 йилда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати ташкил этилди”[2;Б.46.]

1946 йилда Сурхондарё вилояти ҳунармандчилик иттифоқида 1019 нафар ҳунармандлар бўлган бўлса, 1948 йилда уларнинг сони 1073 нафар ва 1954 йилда эса 1289 нафарни ташкил қилади”[18;Б.228.]

*Республикадаги, жумладан Сурхондарё* вилоятидаги ҳунармандчилик артеллари ҳам ҳунармандларининг биргаликдаги меҳнати, ишлаб чиқариш жараёни устидан ягона раҳбарлик, ташкилий ва техник жиҳатдан бошқаришни яхшилаш, ишлаб чикариш вазифалари ва умумий манфаатдорлик жамоанинг умумий меҳнат фаолияти билан боғланган эди. Юқоридаги ҳунармандчилик артелларининг ташкилий тузилиши 1960 йилгача то ҳунармандчилик кооперацияси тугатилгунга қадар ўзгармасдан қолаверди. Шу ерда табиий савол туғилади. Нега Ўзбекистонда кейинги ўн йилликларга келиб саноатда ҳунармандчилик саноатидаги ҳунармандларнинг катта кисми унутилди ёки республикамизда эътибордан четда қолдирилди? Бунга сабаб, биринчидан, 1930 - йилларда ва ундан кейинги ўн йилликларда Ўзбекистонга собиқ иттифоқдош республикалардан ва Марказдан тайёр саноат маҳсулотларининг келтирилиши бўлса; иккинчидан, юқоридаги сабаблар натижасида Ўзбекистон Республикаси ва унинг вилоят ва туманларидаги ҳунармандчилик саноатининг азалий обрўси ва довруғи илдизига болта урилди; Учинчидан, собиқ совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати натижасида Ўзбекистон иттифоқнинг хом ашё етказиб берувчисига айланиб қолди; Тўртинчидан, собиқ КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Министрлар кенгашининг Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар совети, вилоятлар, туман, шаҳар комитетлари, партия ташкилотларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар совети, вилоят, туман, шаҳар, ижроқумлари ва Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгашлари (“Ўзпромсовет”)га ҳунармандчилик артеллари аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосланиб, ҳунармандчилик кооперацияси корхоналарини давлат идоралари ва матлубот кооперациялари бошқаруви ихтиёрига ўтказиш юклатилди.

Бу қарор натижасида жуда кўплаб ҳунармандчилик артеллари йириклаштирилган корхоналарга айлантирилди. Ўзбекистон ССРнинг кўпчилик шаҳар ва туманларида ҳунармандчилик кооперациясини давлат корхоналари билан ёнма - ён мавжуд бўлишига йўл қўйилмади. Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар совети республикада ҳунармандчилик кооператив саноатини бундан кейин мавжуд бўлишини фойдасиз деб топди ва 1960 йил 13 апрелда “Республика маҳаллий ва ҳунармандчилик кооперацияси саноати ишларини яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан маҳаллий ҳунармандчилик ишлаб чиқариш артеллари ва Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши (“Ўзпромсовет”) нинг ногиронлар ҳунармандчилик артеллари давлат корхоналарига айлантирилди.

Шундай қилиб, 1960 йилда Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши ва унинг тармоқлари тугатиб юборилди. Шулар қаторида 1960 йилда Сурхондарё вилояти ҳунармандчилик иттифоқи ҳам тугатилди.

Ҳунармандчилик артеллари давлатлаштирилиб юборилди. Улар амалда давлат корхоналарига айлантирилди ва маҳаллий саноат вазирлиги ихтиёрига берилди. Совет органларининг бу кескин тадбири ҳунармандчиликни чеклабгина қолмай, унинг кўплаб турларининг йўқ бўлиб кетишига ҳам олиб келди. Асосан ногиронлар артеллари (уларни иш билан таъминлаш мақсадида) ва халқ бадиий ҳунармандчилиги сақлаб қолинди холос. Советларнинг ҳунармандларга салбий муносабати туфайли газлама, гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, кўнчилик, мисгарлик, бўёқчилик ва бошқа кўплаб ҳунармандчилик соҳалари 1960 йиллардан бошлаб йўқ бўлиб кетди”[17;Б.212.]

Улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг турлари ва хажми камайди. кооператив, саноат асосан ҳунармандчилик артеллари маҳсулоти 1940 йилда Республика саноати ҳажмининг 19 фоизини ташкил қилган бўлса, 1958 йилда 8,5 фоизни, 1962 йилда эса атиги уч фоизни ташкил қилди”[26;Б.43.] Давлат корхоналари билан бир қаторда хусусий ёки кооператив

мулкка асосланган ҳунармандчиликнинг бўлиши республика иқтисодий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этар эди. Лекин совет ҳукумати раҳбарларининг ўзбошимчалиги туфайли ҳунармандлар кооперацияси асоссиз равишда тугатилди. Бу республика аҳолиси (колаверса вилоят аҳолисини ҳам)ни ҳаётий зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ва маиший хизмат кўрсатиш аҳволини мушкуллаштирди.

Мустабид совет давлати жамиятни “социалистик асосда” қайта қуришни зўравонлик билан ва шу билан бирга жадал суръатлар билан амалга оширди: қишлоқ хўжалиги мажбурий жамоалаштирилди, корхоналар эса сунъий равишда саноатлаштирилди. Миллий ҳунармандчилик ҳам ана шу “социалистик экспериментлар” гирдобига тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўша даврда ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик шароитида ҳунармандчилик кооперацияси давлат органлари топшириқларини, кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга мажбур бўлди. Аммо шунга қарамай **ҳунармандчиликда кўп сондаги мураккаб машина, механизм ва инновацияларни амалиётга жорий этиш натижасида тегирмон ва новвойчилик озиқ-овқат саноатига, косибчилик пойафзал фабрикасига, тўқувчилик ва йигирувчилик енгил саноатга айланди, темирчилик эса металлга ишлов берувчи саноат тармоқларини вужудга келтирди.**

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Абдуллаева Р. Ҳунармандчилик фаолиятини тадбиркорликни кенгайтириш орқали ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Т.2019.
2. Бойсун тумани давлат архиви, 73-фонд,1-рўйхат, 168- иш.
3. Бойсун туман давлат архиви, 12- фонд, 1-рўйхат. 22- иш.
4. Жарқўрғон туман давлат архиви, 7- фонд, 1-рўйхат, 42- иш.
5. Жарқўрғон тумани давлат архиви, 5- фонд, 1-рўйхат, 1- иш.
6. Жарқўрғон тумани давлат архиви,22- фонд, 1-рўйхат, 8- иш.
7. Жарқўрғон тумани давлат архиви,5-жамғарма, 1-рўйхат, 1- иш
8. Жарқўрғон тумани давлат архиви,5- фонд, 1-рўйхат, 2- иш.
9. Жарқўрғон тумани давлат архиви,5- фонд, 1-рўйхат, 2- иш.
10. Жарқўрғон ҳақиқати газетаси, 1959 йил 13 декабрь.
11. Жарқўрғон ҳақиқати газетаси 1948 йил 21 май.
12. Ленин байроғи газетаси, 1960 йил 3 июнь
13. Ленин байроғи газетаси, 1960 йил 3 март
14. Ленин байроғи газетаси, 1960 йил 3 февраль
15. Ленин байроғи газетаси, 1960 йил 9 февраль
16. Моложавенко В.Сурхандарья - земля моего брата..-Т.: “Узбекистан”, 1981.
17. Пардаев Т.Р. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1945-1991 й.).: Тарих фан. док... (DSc). дисс. – Термиз, 2021.
18. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 261 фонд, 1рўйхат, 51 иш.
19. Сурхондарё вилояти давлат архиви,15- фонд, 1- рўйхат, 4- иш.
20. Сурхондарё вилояти давлат архиви,199- фонд, 1- рўйхат, 1- иш.
21. Сурхондарё вилояти давлат архиви,251- фонд, 1- рўйхат, 32- иш.
22. Сурхондарё вилояти давлат архиви,258- фонд, 2- рўйхат, 3- иш.
23. Сурхондарё вилояти давлат архиви,460- фонд,1- рўйхат, 1- иш.
24. Термиз шаҳар шахсий таркиб ҳужжатлари архиви, 428- фонд, 2-рўйхат, 2- иш.
25. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун, Т., “Академнашр”, 2011.
26. Ўз МА, 1619-жамғарма, 1-рўйхат, 2097-иш.
27. Ўзбекистоннинг янги тарихи.1-китоб//Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, Шарқ, 2000.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Алимухамевова Нодира Ядгаровна**
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти
"Гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада глобаллашувнинг интеграция жараёнлари шароитида глобал, геосиёсий, этник, миллий муаммоларнинг кескинлашуви кўриб чиқилади. Жамият ҳаётининг асосий соҳаларининг глобаллашуви анъанавий чегараларни аста-секин шаффофлашиб, интеграция жараёнлари маданиятларнинг қўшилишига олиб келмоқда, миллий ўзликни англашнинг ўсиши эса айнан шу вазиятдан ҳимояланиш воситаси сифатида бугунги куннинг энг муҳим масаласига айланди.

**Калит сўзлар:** глобаллашиб, миллат, миллий юксалиш, миллий идентификация, идентиклик, синергетика

**Аннотация:** В статье рассматривается обострение глобальных, геополитических, этнических, национальных проблем в контексте интеграционных процессов глобализации. Глобализация основных сфер жизни общества постепенно стирает традиционные границы, интеграционные процессы приводят к слиянию культур и рост национальной идентичности стала сегодня самым важным вопросом как средство защиты от этой самой ситуации.

**Ключевые слова:** глобализация, нация, национальный прогресс, идентификация, идентичность, национальная идентичность, синергетика.

**Resume:** The article deals with the aggravation of global, geopolitical, ethnic, national problems in the context of the integration processes of globalization. The globalization of the main spheres of society's life is gradually erasing traditional boundaries, integration processes lead to the merging of cultures, and the growth of national identity has become the most important issue today as a means of protecting against this very situation.

**Key words:** globalization, nation, national progress, identification, identity, national identity, synergetics.

Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда турли таҳдидлар кучайиб, миллатлараро тўқнашувлар, сиёсий ҳамда иқтисодий муаммолар, миллий-маънавий ҳаётимизга ёд унсурларнинг кириб келиши миллий ўзликни асраш масаласини янада долзарблигини кўрсатади. «Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Дунёдаги айрим сиёсий марказлар томонидан баъзи ҳудудларда сунъий равишда беқарор вазият юзага келтирилмоқда, норозилик кайфиятлари авж олдирилмоқда»[1:295]. Бу шароитларда, миллий ўзликни асраш, миллий манфаатлар йўлида жамият аъзоларини бирлаштириш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш муҳимдир. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» мақсади белгиланган бўлиб, бу борада миллий тараққиётнинг концептуал асосларини – мавжуд назариялар, қарашлар ва ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш илмий заруриятдир, чунки «... ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиб, уни яхшилаш, такомиллаштириш бўйича самарали механизмларни ишга солишни даврнинг ўзи талаб этмоқда»[1:269]. Шундай экан, миллатнинг шаклланиши, миллий идентификация жараёнларини тадқиқ этишда фанлараро характерга эга бўлган синергетик услубнинг янги концептуал имкониятлари ва миллий тараққиёт стратегиясининг амалиётига таъсири, Ўзбекистон жамиятининг янгиланишида миллий идентификация жараёнини оптималлаштириш йўллари ва имкониятларига эгадир.

Инсоният цивилизацияси динамик характерга эга бўлиб, узоқ тарихий тараққиёт жараёнларида мураккаблашиб борар экан, парчаланиш, ҳалокат, муваффақиятсизлик ва инқирозга мойилликни кўрсатади. Европалик социолог ва файласуф У.Бек ўз асарларида –

«хавф жамияти» ҳақидаги машҳур рисолаларида глобаллашув ҳамда демократия ҳақидаги тадқиқотларга асосланиб, замонавий дунёнинг тартибсиз ва тобора хаотик ҳолатга ўтмоқда, деб баҳолайди. Ҳозирги кунда энг истиқболли фанлараро ёндашувлардан бири синергетика ҳисобланади. Синергетиканинг қонуниятлари ва тамойиллари асосида мураккаб ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш жараёнида, ижтимоий ва табиий ҳодисалар умумий фундаментал асосга эга эканлиги аниқланган. Ижтимоий синергетика билишнинг янги услуби сифатида кенг тарқалар экан, бу борада постсовет маконидаги айрим олимлар янги услубни диалектиканинг инкори сифатида тушунган эдилар. Бизнинг фикримизча, тизимнинг тузилмавий-функционал яхлитлиги сақланган, барқарор холатидаги ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини ўрганишда диалектика услуби билиш чегараларини кенгайтирса, тизимдаги тузилмавий-функционал беқарорликдан тортиб, яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида ўз-ўзини ташкиллаштириши ёки тизимнинг парчаланиши, элементларини тартиблиликдан хаосга ўтиши, сўнгра эса янада мураккаб тартибни шаклланиш жараёнларини синергетика услуби ёрдамида билиш имкониятларимиз ошади.

Ижтимоий тизимлар мураккаб диссипатив тизим бўлиб, бу «очиқ» тизимлар ташқи муҳит билан доимий тарзда модда алмашинуви асосида алоқада бўлади. Замонавий талқинда хаос – тартибсизлик, шаклсизлик, ноаниқлик, структурасизлик, беқарорлик, стихиялилик демакдир. Хаос ҳолатида тизимда қайта ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг бир неча варианти, тармоғи, ҳаракат йўналиши (бифуркация ёки полифуркация) бўлиши мумкин. Бифуркация эволюциянинг янги йўлини танлаш имконияти – «ривожланиш йўналишларининг майдони»да ҳар бир инсондан тортиб барча инсонлар ҳаёти давомида, миллатлар тарихий тараққиёт жараёнларида кўплаб маротаба танловни амалга оширишлари мумкин ва бу зарур. Узоқ тарихий тараққиёт давомида инсонлар, халқлар, давлатлар, жамиятлар «Бир йўлдан воз кечиб, бошқа бир йўлни танлайдилар». Бу танлов маълум бир манфаатлар, демак, идеаллар асосида ҳаракатланувчи инсонлар томонидан амалга оширилган. Бу ҳолда тизимни беқарорлиги турли манфаатлар ва идеалларнинг ўзаро тўқнашуви билан ҳам белгиланиши мумкин. Беқарорлик, флуктуация имкониятлардан бирини танлаш, башоратнинг чекланганлиги синергетик дунёқарашнинг асосини ташкил этади. Флуктуация тизимнинг мувозанат ҳолатидан тасодифий, тартибсиз холда четланиши, деб ҳисобланади. Тасодиф аслида имкониятнинг воқеликка ўтишидаги кўпвариантлилик ёки синергетик нуқтаи назардан бифуркация ёки полифуркациядир.

Ҳар бир этноснинг келиб чиқиши ва миллатларнинг шаклланиш жараёни ночизиқли динамик тизимларнинг ўзаро таъсирида кечган, тўхтовсиз флуктуация жараёнлари натижасида «илк элатлар ......емирилиб, уларнинг ўрнига бошқа элатлар вужудга келган» , яъни бифуркация нуқтасида ушбу флуктуациялар тизимни издан чиқаришга ёки тартибни тубдан, сифатий ортга қайтмас ўзгаришларга олиб келган. Динамик тизимдаги тасодифий, эҳтимолий оғишлар, ушбу тизимнинг бошланғич ҳолатидаги минимал ўзгаришлар ва тебранишларга жуда сезувчан бўлиб, ўзаро боғланган бўлади. Ночизиқли беқарор тизимларнинг хатти-ҳаракати траекторияси, тизимдаги кўз илғамас, кичик ўзгаришлар сабабли олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган ва мисли кўрилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини исботлаган. Яна бир муҳим масала шундан иборатки, тизим ташқи муҳитдан ҳам бошқарилиши мумкин. Ижтимоий тизимга ташқаридан кириб келаётган модда, энергия ёки ахборот унинг тараққиётига, ёки таназзулига туртки бўлади.

Миллат тизим сифатида доимо беқарорлик ва барқарорлик, тартиб ва хаоснинг бирлиги сифатида юқори даражадаги барқарорликка интилиш натижасида тараққий этади. Биринчидан, миллат муракаб тизим сифатида беқарорлик ҳолатида элементларининг орасидаги алоқалар, яъни тизим тузилмасининг ўз-ўзини ташкиллаштириши муҳим. Тизимнинг барқарор тараққиёти миллатнинг асосий омили бўлмиш одамларнинг миллий ўзлигини англаши, миллий мансублик ҳиссини қанчалик мустаҳкамлигига боғлиқ. Айнан миллий ўзликни англаш, миллий идентиклик миллат бирлигининг, миллат тузилмаси мустаҳкамлигининг кафолатидир. Иккинчидан, миллатни ўз-ўзини ташкиллаштириши, унинг структуравий элементларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари, инсон ва жамоанинг қадриятлар ориентацияларини

уйғунлаштириш орқали улар орасидаги муносабатларни уйғунлигига қаратилади. Учинчидан, миллатни ўз-ўзини ташкиллаштириш орқали тараққиётнинг узлуксизлиги таъминланар экан, бу жараённинг асосий субъекти, миллати учун жон куйдирган, миллий ғурурни ҳис этган, миллатпарвар, ватанпарвар, миллатни сақлаб қолиш масъулиятини ҳис қилган «пассионар» инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятига боғлиқ. Бифуркация нуқталари оралиғида флуктуациялар – оғишлар кейинги тараққиёт йўналишларини белгилаб беради, ижтимоий ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларида миллий ўзлигни англаган, миллатга масублигини тўлиқ англаган ва ҳис этган инсонларнинг танлови муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги глобаллашаётган дунёнинг ғоявий манзараси тубдан ўзгариши умумбашарий ахлоқ, глобал тафаккур ва глобал идентикликни, ҳатто «ҳиссиётларнинг глобаллашуви»ни шакллантирмоқда. У.Бек таъкидлайдики: «Мен кимман? Менинг ватаним қаерда? – деган саволга энди оддий ва умрбод ўзгармас жавоб йўқ. Турли хил идентиклик шакллари ва ўзига хослик қатламлари мавжуд бўлгани каби энди кўплаб жавоб вариантлари мавжуддир. Жавобни қай бирини танлаш ҳар бир алоҳида ҳолатда устувор бўлган ташқи шароитларга, шунингдек, индивиднинг интилишлари ва мақсадларига боғлиқ бўлади». Миллий идентиклик миллий давлатлар легитимлигининг ядросини ташкил этар экан, миллатнинг умумий ўтмиши, тарихий тақдирнинг бирлиги ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Миллат вакилларида бирлик ҳисси мавжуд экан, халқлар миллий ўзига хослигини сақлаб қолишга интиладилар. Жамият аъзолари миллий идентикликни синфий, диний, маҳаллий фарқлардан юқори қўяр экан, миллат ҳам мавжуд бўлади.

Идентиклик **лотин тилида** identifico, identus – **айнанлик, мансублик, ўхшашлик, монандлик маъноларини билдиради.** «Идентиклик атамаси – **шахс томонидан ўзининг қайси социал гуруҳга мансублиги ҳамда шу социал гуруҳ доирасида ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, аҳлоқий стереотипларга амал қилинишидир»[2:41-42]. Идентиклик** идентификация **жараёнида шаклланади**. **Зигмунд Фрейд томонидан** идентиклик атамасини тушунча сифатида биринчи бор қўлланган ва ушбу тушунча ортида олим этник идентикликни назарда тутган эди[3:28]. Э.Эриксон идентикликни «одам томонидан ўзининг «Мен»нинг яхлит қиёфасини турли хил ижтимоий алоқалар бирлигида қабул қилишга асосланган узлуксиз ўз ўзини англаш ҳисси»[4:59] сифатида талқин этади. Олим идентикликни ўзгарувчан ва ўта мураккаблашиб борувчи, беқарор ижтимоий ҳаётга инсонни мослашувчанлиги сифатида тушунади. **Идентикликнинг шаклланиш жараёни нафақат инсоннинг маданияти, балки жамият маданиятига асосланган ҳолда шахсий ва ижтимоий идентиклик ҳамкорликда шаклланади ва инсоннинг ижтимоий-психологик барқарорлигини таъминлайди.** Норвегиялик антрополог Томас Хюлланд Эриксен фикрича замонавий жамиятда кўплаб ижтимоий идентификациялар инсонда мансублик туйғусини таъминлаши мумкин, масалан, тил, яшаш жойи, қариндошлик, фуқаролик, миллат, оила, ёши, маълумот, сиёсий қарашлар, жинс, синфий ва диний мансублик. «Ижтимоий идентификация инсоннинг қайси гуруҳларга мансублиги, одамлар «Биз» ва «Бегоналар» ўртасида кўринмас, аммо ижтимоий аҳамиятга эга чегараларни қандай ўрнатиши ва қўллаши билан боғлиқ»[5:45]. Идентитлик ўзини бошқа инсонлар, ғоялар, қадриятлар, меъёрлар, эътиқодларга солиштириш орқали тасдиқланадиган, ҳеч қачон тугамайдиган, динамик ва доимий жараёндир. **Идентиклик инсонда «Мен кимман?», «Менинг бошқалардан фарқим нима?» деган саволлар асосида вужудга келади ва бунда инсон ўзликни англаш жараёнидаги мураккаб йўлни босиб ўтади[6:22].** Эрих Фромм идентикликни «ўз «Мен»ини легитим тарзда аниқлаш билан боғлиқ инсон қобилиятидир» деб тушинади ва «Мен» сўзи остида инсон ўзини бошқараётган ва потенциал имкониятда бўлган фаолиятини тушунади[7:132].

Турли маданиятларнинг «тўқнашуви» натижасида маданий идентификация ҳар доим биринчи ўринга чиқади. Ўн саккизинчи асргача ушбу муаммо маҳаллий, локал характерга эга бўлган, фақат мустамлакачилик экспансияси давридан бошлаб у глобал характерга эга бўла бошлади. Европа мисолида қараганда мустамлакачилар туб халқларни европалаштиришни, аборигенларни маданийлаштириш, уларни тараққиёт билан таништириш сифатида кўрганлар.

Бироқ замонавий жамиятда глобаллашувни харакатлантирувчи куч бу, алоҳида давлатлар эмас, балки трансмиллий корпорациялар, интернет, оммавий маданият ва миграцион оқимлар ҳисобланади. Масалан, миграцион жараёнларнинг жадаллашуви натижасида Европанинг маҳаллий аҳолиси ўз миллий идентиклигига кўпроқ эътибор бера бошлади. Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларидан уруш ва қашшоқликдан қочган, «фаровон» ҳаёт илинжидаги мигрантлар Европа маданиятининг гомогенлигига раҳна солиб, яқин келажакда «европаликлар»нинг миллий қиёфасини тубдан ўзгартитиб юбориши мумкин. Бу ҳолат миллий идентиклик масалаларини кескинлашуви, долзарблашувига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув техноқадриятлар мақомини оширибгина қолмай, унинг янги турини, глобал маданиятни шакллантирди. Бу эса миллийликни заифлашувига, миллий қадрият ва анъаналарнинг ўз позицияларини йўқотишига олиб келмоқда. Хусусан, А.Коневанинг фикрича «маданий кодларнинг айнанлиги ва турфа хиллиги идентикликнинг асосини ташкил қилиши билан бирга, ушбу жараённинг статика ёки динамикасини белгилайди. Мазкур маданий кодлар идентификация жараёнлари динамикасини таъминлаш билан бирга уни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ҳам намоён бўлади»[8:56]. Л.Гараи ўзининг идентиклик назариясига бағишланган тадқиқотида, идентикликнинг дуаллик ва ўзаро таъсир кучига эга жараён эканлигини қайд қилади. Шунинг билан боғлиқ равишда, идентиклик тил билан узвий боғлиқ матн ахборотни ташувчи, ахборот эса «мантиқий хусусиятга эга»[9:118].

Глобаллашув таъсирида идентиклик ижтимоий ҳодиса сифатида мураккаблашиб, хилма-хиллик, серқирралилик, мослашувчан, яшовчанлик, динамик, нисбийлик, етуклик ва номукаммаллик каби хусусиятлар касб этиб, тугалланмаганлиги билан характерланувчи ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлмоқда. Идентикликнинг характери, кўлами, жадаллиги, кишиларни йўналтириш ва сафарбар қилиш қобилияти жамият тараққиётида ижтимоий манба бўлиб, фуқаролар идентиклигини шакллантириш давлат яхлитлиги ва жамият барқарорлигини сақлаш шартидир. Идентикликнинг ажралмас қисми бўлмиш миллий идентиклик миллат борлиғи ва ривожининг манбаи, миллий давлатчиликнинг асоси ва мавжудлик шартидир. Одамлар хулқ-атворини йўналтириш ва тартибга солиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган янги қадрият мўлжални, миллий ғурурни шакллантирувчи, миллий идентикликни қайта ва қайта яратишга қодир миллий идеаллар, ғоялар ва мафкурани ривожлантириш борасида алоҳида тадқиқотлар олиб борилишини глобал интеграция даври талабига айланмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2021. – Б. 295.
2. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент, “NOSHIR”, 2015. – Б. 41-42.
3. Острецов В. Фрейд и «Бнай - брит» //http://www.realisti.ru/main/nauka ?id=456/ 2013// Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент, “NOSHIR”, 2015. – Б. 28.
4. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. М.: Прогресс, 1996. С. 59
5. Эриксен Т.Х. Что такое антропология? Издательский дом Высшей школы экономики. 2014. − С. 45.
6. Фромм Э. Бегство от свободы. М.: АСТ. 2009. − С. 22.
7. *Фромм Э.* Революция надежды. СПб: Ювента: 1999. С.132.
8. Конева А.В. Понятие и структура социального соображения // Вопросы философии. № 5. 2016. – С. 56.
9. Garai, Laszlo. Complementarity of Information Theory and Identity Theory in the Human Sciences, Voprosy Filosofii, Vol. 5. 2019, pp.118.

# БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ШАҲАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ АҲВОЛИ

**Саидусмонмон Шаропов Саидахмедович**,
Термиз давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Жамият тараққиёти тарихининг турли даврларида шаҳар ҳал қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Урбанистик жараёнлар тараққиётининг ўзига хос қонуниятларига аниқлик киритиш зарурати илк шаҳарлар тарихини ҳозирги кунда ҳар томонлама ўрганишни тақозо этмоқда.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ҳаёт, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қарши, Шеробод, Денов, Бойсун, иқтисодий-маданий маркази, урбанизатсия.

**Аннотация:** В разные периоды истории развития общества город имел решающее социально-экономическое и политическое значение. Необходимость выяснения конкретных закономерностей развития городских процессов требует всестороннего изучения истории первых городов.

**Ключевые слова:** общественная жизнь, Шахрисабз, Китаб, Яккабог, Карши, Шерабад, Денов, Байсун, экономический и культурный центр, урбанизация.

**Abstract:** In different periods of the history of the development of society, the city had a decisive socio-economic and political importance. The need to clarify the specific laws of the development of urban processes requires a comprehensive study of the history of the first cities.

**Key words:** social life, Shahrisabz, Kitab, Yakkabog, Karshi, Sherabad, Denov, Boysun, economic and cultural center, urbanization.

Сурхондарё воҳасининг қадимий иқтисодий-маданий маркази бўлган Шеробод шаҳри воҳанинг жануби-ғарбий тоғ тизмалари билан ўралган ҳудудда жойлашган бўлиб, Шеробод шаҳри ёнидан Шеробод дарёси оқиб ўтиб, ушбу дарё фақат баҳор ойларида серсув бўлиб, Амударёга бориб қуйилган.

Шеробод шаҳри Шеробод беклигининг йирик марказий шаҳри бўлиб, Кўҳитанг тоғ тизмаларининг жанубий қисмида жойлашган Шеробод дарёси қирғоғида жойлашган йирик маъмурий-ҳудудий марказ ҳисобланган. Шеробод шаҳри Шеробод беклигининг маркази бўлиб, йирик маданий ҳамда савдо маркази сифатида танилган. Шеробод шаҳрига 16 та қишлоқ бўйсуниб, 2000 оиладан иборат бўлган 7000 десятина ер Шеробод беклигининг асосий фойда келтирувчи хўжалик тизимига кирган. Шеробод беклигида 7 та амлакдорлик бўлиб, 2000 кв. версдан иборат майдонни ўз ичига олган.

Шеробод шаҳрида 779 та оила истиқомат қилиб, Сариосиёда 627 та оила, Юрчида 931 та оила истиқомат қилган[1:102-103].

Шеробод шаҳри бутун Шеробод воҳасининг маъмурий ва савдо маркази ҳисобланган. Шеробод шаҳрини мустаҳкам қалъа ҳимоя қилиб, уч қатор ички девордан иборат бўлган. Шеробод шаҳрининг маъмурий бошқарув маркази дарё бўйидаги йирик қояда жойлашиб, бу шаҳар ва воҳани бошқарувчи бекнинг уй қалъаси ҳисобланган. Шеробод шаҳрининг қадимги номи «Шаҳриҳайбар» деб аталиб, кейинчалик XVIII асрда ҳозирги Шеробод шаҳри марказида Шералихон номи билан ҳарбий-сиёсий ва маъмурий-ҳудудий марказ сифатида вужудга келган. Шеробод шаҳри ва унинг атрофи 5 та амлакдорликдан иборат бўлиб, ҳар бир амлакдорликда 3-5 тадан қишлоқ мавжуд бўлган[4:154-157].

Шаҳрисабз шаҳри Бухоро амирлигининг шимолий қисмида, Самарқанд вилоятининг жанубида, Қашқадарё сув ҳавзасининг дастлабки бошланғич қисмида жойлашган бўлиб, ўзининг табиий, тарихий шароитларга кўра унинг турли қисмлари текислик, нотекислик ҳамда тоғликлар билан ўралган. Шаҳарнинг шарқий тоғ қисмлари Қашқадарё дарё ирмоқлари билан боғланган бўлиб, Шаҳрисабз шаҳри тоғ тизмаси билан қуршалган. Шимолий қисми

Самарқанд тоғининг жанубий қисми билан боғланган ҳамда Самарқанд йўналишида тоғ тизмалари билан ўтадиган тоғ йўллари билан туташган. Шаҳрисабз шаҳри Ғузор-Бухоро, Ғузор-Шеробод-Термиз алоқа йўллари билан мунтазам тарзда савдо карвон ҳаракати билан боғланган. Шаҳар аҳолиси Оқсув, Танхос, Яккабоғ дарё ирмоқлари билан боғлиқ ҳудудларда истиқомат қилган[11:95-96].

Шаҳрисабзда Кенагеслар маҳаллий аҳоли сифатида манғит амирларига қарши жиддий курашлар олиб борди. Амир Насруллахон кенагесларга қарши жиддий курашлар олиб бориб 30 йил давомида кенегаслар билан 32 марта ҳарбий тўқнашди.

1856 йил Кенегеслар билан бўлган ҳал қилувчи жангда Амир Насруллахон ғалабани қўлга киритиб, манғитлар ҳукмронлигини Шаҳрисабз ва Китобда тиклади ҳамда аҳолини шавқатсизларча талаб, бутун аҳолининг қаршилик кўрсатган қисмини қириб ташлади. Шаҳрисабз бегининг қизи Кенагасхонимни зўрлик билан ўзига никоҳлаб олиб, Бухорога олиб кетди. Бу билан у Бухоро амирлиги қонуний кенагаслар устидан ўзининг ҳукмронлигини ўрнатганлигини никоҳ орқали тасдиқлаб олди[10:182]. Бироқ Шаҳрисабз аҳолиси тинимсиз тарзда Амир салтанатига қарши жиддий кураш олиб борди. Кенагас халқи билан манғитлар сулоласи ўртасида кураш Амир Насрулло даврида деярли тўхтамади. Амир Насруллахон кенагас аҳолисига нисбатан шавқатсизлик сиёсатини давом эттириб, ҳатто ўзининг никоҳида бўлган хотини Кенагасхонимни «Мени қулоғимга симоб қўйдинг» деб жаллодга топшириб юборди[6:38].

Бухоро амирлигига қарши мунтазам тарзда Яккабоғ, Шаҳрсиабз, Китоб шаҳарларида халқ ҳаракатлари бўлиб, Амир Насруллохон, унинг ўғли Саид Музаффархон даврида ушбу қўзғалонларни бостириш учун 32 марта ҳарбий юришлар уюштирилди, бироқ Амир Насруллохон узоқ вақтгача Китоб, Шаҳрисабз қалъаларини эгаллаб ололмасдан шаҳар атрофидаги ғаллазорларни от қўйиб едириб, ғалласиз қолган шаҳарларни босиб олишга ҳаракат қилди. Ана шу олиб борилган мудҳиш босқинчилик, талончилик натижасида халқнинг тинчлиги бузилиб, жиддий тарзда Амирнинг босқинчилик сиёсатига қарши халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Натижада 1860 йил шавқатсизликдан танилган 35 йил амирлик қилган Насруллахон ўз хотини Кенагасхоним томонидан ўлдирилди.

1868 йил майида Россия хукуматининг Ўрта Осиёга истилочилик ҳаракати натижасида тарқоқ, маъмурий-сиёсий жиҳатдан заиф, Бухоро амирлиги шаҳарларини руслар томонидан истило қилиниши тезлашди. Натижада генерал Кауфман Зирабулоқ қишлоғидаги жангда Амир Музаффар қўшинларини мағлубиятга учратиб, шармандали битмни имзолади. Ушбу битмдан кейин Бухоро амири катта тавон тўлаб, русларни Бухоро амирлиги шаҳарларида эркин савдо-сотиқ қилиши учун розилик билдирди[7:40].

1870 йил рус генерали Абрамов бошчилигидаги рус армияси Бухоро амирлиги шаҳарларини босиб олиш ҳатти ҳаракати билан шуғулланиб, махсус жазолаш экспедицияси қўшинлари билан Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларини талон-тарож қилди. Амир Музаффархон икки тараф ўртасидаги шартномаларни имзолаш ва ўзаро келишув асосдаги битмга имзо қўйишга мувофиқ бўлди.

1870 йил 11 августда генерал Абрамов раҳбарлигидаги қўшинлар Китоб ва Шаҳрисабзни эгаллаб, шаҳарга жуда катта жиддий талофат етказдилар. Бироқ маҳаллий аҳоли рус истилочиларига қарши қаттиқ қаршилик кўрсатиб, русларни истилочилик ҳаракатларини мунтазам тарзда қайтариб турди. 1870 йил 14 августда Китоб қўрғони, 15 августда эса Шаҳрсиабз шаҳри руслар томонидан эгалланди. Амир Музаффархон ихтиёридаги Ғузор, Кармана, Ҳисор, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қарши, Шеробод, Денов, Бойсун шаҳарларида рус савдо карвонлари эркин мулоқот қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бухоро амири ҳар йили 2 марта кузда ва баҳорда Китоб ва Шаҳрисабз шаҳариларига саёҳат қилган. Шаҳрисабздан Китобгача масофа 8 верстни ташкил этган. 1870 йил 14 сентябрь куни Амир Бухородан чиқиб, 14 сентябрь куни Қарши шаҳрида бўлди. 30 сентябрь куни эса Шаҳрисабз шаҳрига келди. Самарқанд шаҳридан Китоб шаҳрига икки йўл орқали бориш мумкин эди. 1. Жомий йўли бўлиб, бу йўл орқали 1970 йил рус қўшинлари Китоб

шаҳрига келиб, уни эгаллаган эдилар. Китоб шаҳри йирик маданий, иқтисодий марказ бўлиб, бир неча кичик бозорларига ҳам эга эди. Шаҳар ҳаддан ташқари кичик тор кўчалардан иборат бўлиб, шаҳар маъмурий, идоравий усулда бек одамлари томонидан бошқарилар эди. Шаҳар ўрдасига дарвозалар орқали кириб келиб, бозорларга мева ва ҳар хил кийим-кечаклар, савдо-сотиқнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланган. Китоб беги Абдужалил даврида шаҳар анча ривожланиб, тараққий этиб борди[5:78-85].

1889 йил сиёсий фаолиятини бошлаган Амир Олимхон қарши вилоятига ҳоким этиб тайинланиб, унга Абулхайр (1885-1910)ни маслаҳатчи, ёрдамчи сифатида ҳамда бошқарув ишларига ёрдам бериш учун Усмонбекни унга оқсоқол этиб тайинлади. Чунки Олимхон давлат ишларини бошқаришда ёш, тажрибасиз ҳамда маъмурий-сиёсий ишларни тушунмас эди[3:8-9].

Этнограф В.Безобразов Китоб, Шаҳрисабз бекликларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ўрганиб, бу бекликлар қадимий аҳоли марказларида жойлашган бўлиб, қулай, иқтисодий, сиёсий ва маъмурий марказ сифатида шаклланганлигини ва уларни шаҳар ҳокими яъни беклар бошқарганлигини қайд этади[2]. Шаҳарларнинг маъмурий, ҳудудий бошқариш усулида ва бекликнинг умумий бошқарув назорати ташкил этилган яъни шаҳарни бошқаришда оқсоқоллар, саркардалар, қозилар, раислар, муроблар ва миршаблар ҳал қилувчи роль ўйнаб, шаҳарнинг бошқарув йўналиши бўйича ўз вазифаларига эга бўлган. Шаҳар оқсоқоллари, беклик вакиллари, ҳар бир маҳалла кўча бўйича солиқни ўз вақтида йиғиб олиш, уни ташкил қилишга жавобгар бўлган. Масалан шаҳар маъмурий бошқарувида 6 та саркарда бўлиб, улар Ахчабуғ, Пистахона, Жовуз, Башир, Ғаров, қоронғи каби маҳалла ҳудудларига бўлинган. Шаҳрисабз шаҳрида эса 9 та саркор бўлиб, уларнинг ҳар бирига белгиланган маҳаллалар топширилган. Масалан, шаҳарда тошкўприк дараси Танкос шаҳарнинг ғарбий қисми бўйича Ўртақўрғон, Дах, Занги, Шанба, Янгиқўрғон ҳудудларининг ҳар бири саркорлар қўлида бўлиб, шаҳарда 10 та муроб, шаҳарни сув билан таъминлаш ишлари билан шуғулланган. Шаҳарнинг ободонлаштириш, сув билан таъминлашда, маъмурий солиқ тизимини ташкил этишда мироблarнинг хизмати ниҳоят даражада катта бўлиб, улар ҳар бир хонадондан бир тангадан солиқ учун пул йиғиб олганлар.

Шунингдек, шаҳарни маъмурий, ҳудудий назорат қилиш учун аҳоли ва маъмурият ўртасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда шаҳардаги асосий ҳокимият қози ихтиёрида бўлган. Бутун ҳуқуқий назорат ва судлов ишлари қози томонидан олиб борилган. Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларида 5 та қози бўлиб, уларнинг муфтилари ҳуқуқий масалаларни ҳужжамлаштиришда бевосита иш олиб борганлар. Қозилар асосан саркорлар яшайдиган қишлоқларда истиқомат қилиб, Китоб ва Шаҳрисабздаги асосий бошқарув орган бўлган қозикалонга бўйсуниб, улар билан биргаликда раис ва миршаблар иш олиб борган. Маъмурий, ҳуқуқий бошқарув даврида раис ва миршаблар айбдорларни топиб, жазолаб, шаҳар маъмурияти топшириғини муваффақиятли бажаргач, ҳар бир амалга оширган ҳисоботдаги йирик ишлари учун 5-6 тангадан рағбатлантириш олганлар. Шунингдек, қозиларнинг маъмурий бошқарилишида қонун ишларини бажариш ва тасдиқлатиш мақсадида махсус мулла, меросхўрликни аниқловчи хизматчи, мулкларнинг баҳосини аниқловчи ходимлар иш олиб борганлар. Келин-куёвни никоҳлаш учун қози томонидан тайинланган муллалар 10 танга баъзан эса 5 танга, вақф ҳамда савдо-сотиқ ишларини ҳужжатлаштирганлиги учун 2-3 тангагача хазина учун пул олганлар[8:30-31].

Бухоро хони Рахимхон даврида шаҳарларни маъмурий, ҳудудий бошқариш мақсадида бир қатор ислоҳотлар ўтказилди. Айниқса, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари масаласида назорат кучайтирилди. Бухоро амири Раҳимқулихон Шаҳрисабз ва Китоб бекликларини доимий қаттиқ назоратда тутиш ва бўйсунмаган бекларни жазолаш мақсадида турли хил жазолаш усулларидан фойдаланган. Масалан, Амир Рахимқулихон Шаҳрисабз бегини жазолаш мақсадида Бухоро шаҳрига меҳмондорчиликка чақириб, зиёфат вақтида уни қамоққа олиб жазолади ва Шаҳрисабзга Амир Рахимқулихонга содиқ киши тайинланиб, у 5 йил Шаҳрисабзни бошқарди. Тарихий манбаларнинг қайд этишича, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг тез-тез ўзгариб туриши натижасида нотинчлик бўлиб, халқнинг сабр-косаси ниҳоят даражада тўлган эди. Натижада Шаҳрисабз ҳукмрон доиралари маъмурий-ҳудудий бошқаришни ўз қўлларига олиб,

Амирга қарши бир неча марта халқ исёнлари уюштирди. Шаҳар мудофасини мустаҳкамлаб, қаттиқ ҳимоя истеҳкомларини вужудга келтирди[9:35-36]. Бухоро амирлиги даврида Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ шаҳарлари ўзининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, мустаҳкам ҳарбий қалъага эга бўлиши, маъмурий бошқарувда маҳаллий задагонларнинг кўпчиликни ташкил этиши билан ажралиб турган.

Ғузор шаҳри Қашқадарё ирмоқлари қуйиладиган Ғузор дарё сув ҳавзаси билан боғланган, унинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Шаҳрисабз тоғ тизмалари билан боғланиб, шарқий қисми Шеробод-Бойсун тоғларининг ғарбий тизмаларига бориб тақалади. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми Ғузор дарёсининг шимоли-ғарбий қисмида истиқомат қилади. Шунингдек, Лангардарё суви билан Ғузорнинг Янгикент Тенге-Харам қишлоқлари суғорилади. Ғузор шаҳрида 850 оила истиқомат қилиб, шаҳар марказида Афғонбоғ ва Эскибоғ кентлари аҳоли гавжум маҳалла сифатида тарихий манбаларда акс этган.

Шаҳарлар ҳақида сўз борар экан, қайд этиб ўтиш лозимдирки, кўрилаётган давр мобайнида Ўрта Осиё ҳудудида ҳажми, аҳолисининг сони ва жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқланувчи кўплаб катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эди. Шу билан бирга шаҳарларни тавсифлашда эътиборга лойиқ умумий ҳолатлар ҳам мавжуд. Улар Ўрта Осиё шаҳарлари тараққиётининг айрим умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлашда ёрдам беради. Бу ҳолат, айниқса шаҳарларнинг ташқи кўринишида яққол кўзга ташланади. Табиийки, савол туғилади-сўнгги ўрта аср шаҳарлари қандай ва қай тарздаги ташқи кўринишига эга эди? Қайд этиб ўтиш жоиздирки, Ўрта Осиёнинг сўнгги ўрта асрларга қадар мавжуд бўлган, кўрилаётган даврга келиб тараққиёт пиллапоялари ва инқирозли даврларни ўз бошидан кечирган ҳамда айнан мана шу даврга бу қадим ўлкада вужудга келган янги шаҳарлар ҳам деворлар билан ўраб олинган эди. Шаҳарларнинг деворлар билан ўраб олиниши Ўрта Осиё шаҳарларини тавсифлашда уларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган асосий ҳолатлардан биридир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Ананьев. Шерабадская долина. Стр-102-103.
2. В.Безобразов. «Очерки Шахрисабзского бекство» асари.
3. Фитрат «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври». 8-9 бет.
4. Маев Н.А. Материалы для статистики Туркестанского края. С.Петербург. Военное изд. тво. 1879. С. 154-157.
5. Маев Н.А. Материалы для статистики Туркестанского края. Выпуск с Петербург. 1879. С. 78-85.
6. О.Жўрақулов. Қашқадарё мангитлари. Т.ф. 1993 йил. 38-бет.
7. О.Пармонов, А.Бердиев. Китоб тумани. Фан нашриёти, 1996 йил. 40-бет.
8. О.Пармонов., А.Бердиев. Китоб тумани. Фан нашриёти, 1996 йил. 30-31 бетлар
9. Садриддини Айний асарлари. 1-том. Т.: 1963 йил, 182-бет.
10. Территория и население Бухары и Хорезма. Стр-95-96.


## BOLTAJON SODIQOV- TARIXIY VA ADABIY MULOHAZA


**Choriyev Sanjar Hamzayevich,**
Termiz davlata universiteti
Jahon tarixi kafedrasi oʻqituvchisi



**Anotatsiya**: “Oʻqituvchi inson ruhining muhandisi, yosh avlod baxtining naqqashi, haykaltaroshi, mehribon va talabchan ustozi. Ana shu kasb fidoyisi boʻlgan insongina bu borada muvaffaqiyatga erishadi”- Boltajon Sodiqov.

**Kalit so‘zlar:** Zarobog‘, Boltaniyoz, niyoz, Muhammadsodiq, Termiz pedogogika bilim yurti, “Tinchlik uchun”, “Surxon kuylari”, “Malik va ilik”, “Yodgorlik archa”.

**Аннотация:** «Педагог – инженер человеческой души, живописец и скульптор счастья молодого поколения, добрый и требовательный педагог. В этом плане преуспеет только человек, преданный этой профессии» - Болтаджон Садыков.

**Ключевые слова:** Заробог, Болтаниез, Ниёз, Мухаммадсадык, Термезский педагогический университет, «За мир», «Сурханские наигрыши», «Малик и Илик», «Мемориальный можжевельник».

**Annotation:** «The teacher is an engineer of the human soul, a painter and sculptor of the happiness of the young generation, a kind and demanding teacher. Only a person who is devoted to this profession will succeed in this regard» - Boltajon Sadikov.

**Key words:** Zarobog, Boltaniyoz, Niyoz, Muhammadsadiq, Termiz Pedagogical University, «For peace», «Surkhan tunes», «Malik and Ilik», «Memorial juniper».

Hayotda shunday kishilar bo‘ladiki, ular bilan bir daqiqagina orom olib suxbatlashsangiz, ming yillik dardlardan forig‘ bo‘lganday bo‘lasiz. Boltajon Sodiqov ham shu toifa insonlardan biri hisoblanadi. Vohamizning so‘lim qishloqlaridan biri Zarobog‘ qishlog‘ida Nomozxoji bobo o‘g‘li Muhammadsodiq akaning xonadonida yosh avlodning sevimli shoiri, ma’naviy ustozi, O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasining a’zosi, shoir Boltajon Sodiqov 1932 yilning 1 yanvarida tug‘ildi. Shoirni boltadak mustahkam va keskir bo‘lsin deb Boltaniyoz qo‘yishadi. Otasi Muhammadsodiq aka ehtirosli mehnatkash va yaxshi chobog‘on bo‘lgan. Shoir 2 yoshligida Muhammadsodiq aka ko‘pkari vaqtida fojeali vafot etadi. Onasi Masturabonu esa bir so‘zli, latofatli, vazmin ayol bo‘lganlar. Yosh Boltajonning boshiga og‘ir kulfat, musibat tushib, onasi Mastura opa ham shoirning otasi vafotidan keyin, iztirob chekib, bir yildan so‘ng, vafot etadi. Singlisi Jamila bilan g‘irt etim bo‘lib qolgan Boltaniyoz otasining o‘gay ukasi Mamanazar polvon eshigida tarbiyalanadi. So‘ng bolalar uyiga topshirildi. Ota-ona mehri nasib qilmaganidek, bolalar uyi tarbiyachilarining ham mehri uzoq muddatda yosh Boltaniyoz qalbidan joy ololmasdi. U un uch yil bolalar uyida, ya’ni etimxonada bo‘ldi. Ko‘p yaxshi kishilar tarbiyasini oldi. Shoir 1941-yildan Boltaniyoz singlisi Jamila bilan Sheroboddagi 4,10,13-Mehribonlik uyida tarbiyalanib yurgan chog‘larida yakkayu-yagona singlisi, ota-onasidan yodgorlik qolgan Jamiladan ham judo bo‘ldi. Shoir shu achchiq hayotini: “Singlim Jamila vafotidan so‘ng dunyoda yolg‘iz qolganim uchun qattiq yig‘ladim. Shu yig‘lashda etti kun yig‘ladim” deb eslaydi.

Termiz shahridagi mehribonlik uyida Boltaniyozning ismidagi “niyoz” atamasi diniy tushuncha degan bahonada o‘chirib,” jon “ so‘zini qo‘shib tug‘ilganlik guvohnomasini Sodiqov Boltajon Sodiqovich deb rasmiylashtiriladi [1, B.272 ]

Yosh Boltajon ilmga chanqoqligini sababli 1948 yili Termiz shahridagi 18-pedagogika bilim yurtiga o‘qishga kiradi. 1952-yil bilim yurtni tugatib, Toshkent davlat pedogogika institutida o‘qishga kiradi. 1956-yil shoir hayotida quvonchli voqea yuz berib, institutni a’lo baholarga bitirib, pedogog-psixolog ixtisosligi bo‘yicha imtiyozli diplom oladi. So‘ngra, o‘zi o‘qigan Termiz pedogogika bilim yurtiga ishga kirib, avval kutubxonachi,so‘ngra tarbiyachi va direktor vazifalarida ishladi. **“O‘qituvchi inson ruhining muhandisi, yosh avlod baxtining naqqashi, haykaltaroshi, mehribon va talabchan ustozi. Ana shu kasb fidoyisi bo‘lgan insongina bu borada muvaffaqiyatga erishadi**” – deb, ta’kidlaydi shoir. Mazkur bilim dargohi yosh shoir Boltajon qalbida adabiyotga, she’riyatga bo‘lgan havasni kuchaytirdi. Bilim yurtidagi adabiyot to‘garagiga qatnashish, she’riyat sirlari olamiga asta-sekin kira borish uning qalbini to‘lqinlantiradi. Shu qiziqishlar, izlanishlar natijasida Boltajonda ilk she’rlar paydo bo‘la boshladi. Shoirning ilk she’ri 1951 yili “Sharq yulduzi” jurnalida “Tinchlik uchun” sarlavhasi bilan bosilgan [2,B.7].

Jahon bo‘ylab yangramoqda
- Tinchlik!- degan kuchli ovoz.
Va tinchlikning hur kaptari,
Ko‘klar osha qilur parvoz.....

Ushbu misralar bilan boshlanuvchi bu she'rda ifoda topgan butun dunyoda taralayotgan va yangrayotgan ovoz insonlarning tinchlik ovozidir. Unda tinchlik qushi- oq kaptarning osoyishta parvozi kuylanadi. Shoir esa barcha kishilarni tinchlik oʻrnatish uchun yakdil boʻlishga undaydi.

- Tinchlik! -deydi jahon xalqi
Tinchlik mangu topar qaror
Tor- mor etar yovuzlarni
Tinchlik ulugʻshior......

Ushbu she'rda hayotimizda tinchlik oʻrnatish uchun mehnat qilish kerakligi, mehnat tufayligina yurtimizda tinch- totuvlik, osoyishtalik oʻrnatilishi kuylangan. Bu bilan shoir yoshlarni ona-vatanini sevishga, ardoqlashga, uning uchun xizmat

qilishga chaqiradi. Oʻz kasbini puxta egallagan Boltajon Sodiqov xushmuomilaligi, mexribonligi, shirinsoʻzligi, jamoatchiligi bilan oʻqituvchilar va oʻquvchilar jamoasi orasida katta obroʻ qozondi. Ta'lim-tarbiyani yaxshilashga, uni toʻgʻri yoʻlga qoʻyishga qaratilgan koʻpgina maqolalar yozdi va ma'ruzalar ham qildi. 1966 yili domlani Termiz davlat pedagogika institutiga ishga taklif qilishdi. U 18 yil pedagogika va psixologiya kafedrasining mudiri sifatida koʻpgina ibratli ishlarni amalga oshirdi. Domla Boltajon Sodiqov qaysi auditoriyaga kirmasin, pedagogika va psixologiya fanining qaysi sohasi boʻyicha ma'ruza oʻqimasin, tinglovchilar qalbida katta taassurot qoldiradi. Domladagi xushchaqchaqlik, mehribonlik har bir kishining diqqatini oʻziga tortgan.Umuman, Boltajon Sodiqov adabiy ijodga 50-yillarning oʻrtalarida kirib keldi. U oʻz iqtidorini kelajagimiz, baxt- quvonchimiz hamda ishlarimizning davomchilari boʻlgan bolalarni soʻz san'ati orqali tarbiyalashdek sharafli ishga bagʻishladi. Shoirning bolalarga atagan dastlabki she'rlari "Surxon kuylari" (1959) toʻplamda birinchi marta e'lon qilindi [ 3,B.37].

Shoirning "Qoʻngʻiroqcha" (1983) nomli toʻplamga kirgan she'rlarida ham yuqorida aytilgan yutuqlar oʻz aksini topgandir. Bu toʻplam Boltajon Sodiqovning ijodi bilan ochilib, unda shoirning oʻn oltita katta-kichik she'rlari berilgan. Shoirning maktab bilan bogʻliq mavzudagi she'rlarida bolalarning oʻqituvchilarga muhabbati, ilm dargohini bunyod etgan kattalar mehnatini e'zozlashlari, fanlarni sevishlari va qunt bilan bilim olishlari kabi motivlar rang-barang koʻrinishlarda tasvirlanganini kuzatamiz. Koʻpincha shoir mavzu munosabati bilan tugʻilgan poetik fikrni oʻz nomidan osoyishta kayfiyatda, pand-nasihat, didaktika yoʻlida, obrazli ifodalash, yoshlik damlarini qadrlashga, uni behuda oʻtkazmaslikka undaydi, davrga, zamonga munosib, sogʻlom, xushxulq, pokiza qalbli, jamiyat uchun zarur va foydali fuqarolar boʻlib etishishga chaqiradi. Fikrimizning tasdigʻi uchun "Maktabim", "Toʻgʻri yozing", "Asl doʻstimsan, kitob", "Birinchi qoʻngʻiroq", "Sirli yozuvlar" singari juda koʻp she'rlarini eslatish mumkin.

Boltajon Sodiqovning she'rlari oʻzining oʻynoqiligi, quvnoqligi, yumorga boyligi, magʻzining toʻliqligi bilan oʻquvchi e'tiborini tortadi.

Boltajon Sodiqovning "Malik va ilik" (1991) nomli kitobchasi shoir mahoratining oʻsib borayotganini koʻrsatadi. Masalan «Boldan shirin bolalar» she'rida bolalarning shoʻx- shodonligi, quvnoq hayotlari, asaldan ham shirin soʻzligi kuylanadi. Bu bilan shoir bolalar kelajagimiz ekanligi, ularni asrab-avaylashimiz lozimligi, ularga nisbatan mehribon, shirinsoʻz, muruvvatli boʻlishimiz kerakligini ta'kidlaydi:

Boldan shirin bolalar,
Shoʻx, quvnoq shalolalar.
Qalbim qoʻri qatidan.
Xayolim qanotidan
Terayin ol lolalar......

Boltajon Sodiqov oʻzining bolaligidan etim qolib, ota- ona mehriga tashna, bir ogʻiz shirin soʻzga zor boʻlganligini «Yodgorlik archa» (1972 yil 1 yanvar) she'rida ota- onasiz qolgan bolalarga nisbatan mehr- oqibat, etiborli boʻlishni, ularni sevib ardoqlashni uqtiradi, archa daraxti bunga bir timsol boʻladi.

Boltajon Sodiqov qoʻshiqchi-shoir sifatida ham tanilgan. Uning qaqajon bolalarga bagʻishlangan "Bolajonim, oʻynagin", "Koʻzichoq", "Uch ogʻayin, uch oʻgʻlon", "Dadajonim keldilar", "Gʻizillay-

ver, mashinam", katta yoshdagilarga atab "Termiz", "Surxonim", "Tillo qiz" kabi qo'shiqlari bunga misoldir. Sodda, ravon, samimiy, obrazli hamda xalqchilligi bilan ajralib turadi. Bu qo'shiqlarga O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi Fattoh Nazarov va Sodiq Mamasoliyev kabi bastakorlar musiqa bag'ishlaganlar. Shoirning qo'shiqlari orasida jonajon yurtning chiroyini madh etgan, ota-onalar hurmatini bajo keltirgan, baxtli yoshlik tuyg'ularini o'rniga qo'ygan va ularni qo'shiq qanotida millionlab kishilar qalbiga etkazganlari ham ko'pgina. Masalan "Dadajonim keldilar" shunday qo'shiqlardan hisoblanadi. Bu qo'shiqda har bir bola ham o'z otasini sevishi, uni hurmat qilishi kuylanadi.

## FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:


1. Boltajon Sodiqov. "Sexriston". 272-bet. "Tafakkur" nashriyoti, Toshkent - 2015.
2. Ro'ziqul Mustafoqulov. "Surxon adiblari bolalarga". 7-bet. "Yozuvchi" nashriyoti, Toshkent - 2000.
3. Bolta Yoriyev. "Hayrat va g'ayrat" 37-bet. "San'at nashriyoti". Toshkent - 2008.


# "PAXTA ISHI"NING MATBUOTDA YORITILISHI


**Nazarov Otabek Muzrobovich**
Termiz davlat universiteti tadqiqotchisi



**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O'zbekistonda 1983-1989 yillarda amalga Gdlyan va Ivanov boshchiligidagi tergov guruhi tomonidan amalga oshirilgan «paxta ishi», «o'zbeklar ishi» nomli o'ylab topilgan uydirmalarning matbuotda yoritilishi, natijalari, oqibatlari o'rganilgan. Ayni vaqtda davriy matbuotda shu mavzu yuzasidan yoritilgan maqolalarning xalqini qoralsh yoki yolg`on ayblaovlar bilan qatag`on qilishni o'zaro tahlil etilgan.



**Kalit so'zlar:** paxta ishi, matbuot, Gdlyan va Ivanov guruhi, matbuot nashrlari, nohaq ayblanganlar, bo`hton



**Аннотация:** В данной статье исследуются освещение в СМИ, итоги и последствия «хлопкового дела» и «узбекского дела», проводившихся следственной группой под руководством Гдляна и Иванова в Узбекистане в 1983-1989 гг. В то время, опубликованные статьи на эту тему в периодической печати, подвергались взаимному анализу с целью оклеветать народ или подавить его ложными обвинениями.



**Ключевые слова:** хлопковое дело, пресса, группа Гдляна и Иванова, пресс-релизы, несправедливо обвиненные, клевета.



**Abstract:** In this article, the media coverage, results, and consequences of the "cotton case" and "Uzbeks case" carried out by the investigative team led by Gdlyan and Ivanov in Uzbekistan in 1983-1989 are studied. At the same time, articles published on this topic in the periodical press were mutually analyzed to slander the people or repress them with false accusations.



**Key words:** cotton case, press, Gdlyan and Ivanov group, press publications, unjustly accused, slander.


Ma'lumki, mustabid tuzum faqat jadidlarni yo'q qilish bilan cheklanib qolmagan. O'tgan asrning 80-yillarida ham minglab vatandoshlarimiz turli bo'htonlar bilan qamoqqa olingan, xo'rlangan.

"Bugun ham yo'lda o'ylanib kelyapman. 30-yillarni eski tarix desa, "paxta ishi"-chi?! Yetakchilarimizni qatag'on qilish uchun soxta ayblovlar o'ylab chiqarishdi-ku. Boshqa respublikalarda yo'qmidi kamchilik? Bunday alamli voqealarni hech qachon unutib bo'lmaydi. Bugungiday bayramlarda, tinch-osoyishta kunlarda shularni ham yuragimizdan o'tkazib, yoshlarimizga etkazishimiz kerak", — deya ta'kidladi Prezident Shavkat Mirziyoyev 31 avgust kuni erta tongda Shahidlar xotirasi xiyobonida qatag'on qurbonlarini yod etish marosimidagi nutqida[1].

Darhaqiqat, o'tgan asrning 80-yillari o'rtalarida xalq orasida, qayerda ochiq-oydin, qayerda shivir-

shivir “O‘zbekistonga Gdlyan deganning boshchiligida Moskvadan tergovchilar kelibdi, paxtani qo‘shib yozishni tekshirayotganmish, ko‘plar qamalarmish” degan mish-mish tarqaldi. Tez orada, falonchi kolxoz raisi qamalibdi, falonchi raykom sekretari so‘roq berayotganmish degan faktlar orqali mish-mish haqiqatga aylandi. So‘ng, “lavozim” ko‘tarila bordi: obkom sekretari, Markazkom sekretari…

Bu davrga kelib sobiq markazda nashr etiladigan maqolalarda O‘zbekiston haqida tanqidiy maqolalar nashr etila boshlandi. Oradan ko‘p o‘tmay tanqid shiddatli tus oldi. Biror soha tanqiddan chetda qolmadi. Bu tanqidlar millatning sha’ni va obro‘sini to‘kishga qaratilgan edi. Undan ham dahshatlisi juda puxta o‘ylangan bu hatti harakatlar ortida o‘ta yovuz maqsad yashiringan edi. O‘zbekiston xalqini qoralash, poraxo‘r, jinoyatchi, sovet mulkini talon-taroj qilgan tamg‘a ostida jazolash maqsadi qilingandi. Odamlar nima bo‘layotganligini anglay olmay sarosimaga tushib qolishgan edi.

Kechagina emasmidi O‘zbekiston xalqini bag‘rikeng mehmondo‘st deb ko‘klarga ko‘tarishgani. Qora mehnatdan boshi chiqmagan, tonna-tonna paxta, behisob tilla-yu pilla, qorako‘l teri va boshqa nodir xomashyolar etkazib, lekin biri ikki bo‘lmay kelayotgan xalq, qanaqasiga yoppasiga jinoyatchi bo‘lib qoldi?

Gdlyan va Ivanov boshchiligidagi “desantchilar” guruh faoliyatini matbuotda yoritish orqali soxta obro‘ orttirishga qattiq bel bog‘ladilar. ular tomonidan O‘zbekistondagi tergov ishlari go‘yoki jinoyatchilik, qo‘shib yozish, poraxo‘rlikka qarshi kurash niqobi ostida xalqni badnom qilishga qaratilgan maqola va chiqishlarni amalga oshirdilar. Biryoqlama berilgan ma’lumotlar ko‘pincha Gdlyan va Ivanovning sodiq do‘sti bo‘lgan yilnomachilar, masalan, dam Rossiyada, dam Isroilda umrguzaronlik qiladigan jurnalist Dodolevga o‘xshagan kimsalar tomonidan yozib tarqatilar edi[2].

Matbuotda berilayotgan O‘zbekiston xalqining SSRI xazinasidan millionlarni o‘g‘irlaganliklari haqida, janubiy respublikalardagi “mafiya” haqida, davlat mulkini talon-taroj etganlar haqida bo‘rttirilgan maqolalar ittifoq jamiyatida respublikamiz haqida noto‘g‘ri fikrning shakllanishiga olib keldi.

Gdlyan va Ivanov hodisasi ko‘p hollarda matbuotda buzib ko‘rsatildi. Masalan, “Rossiyskaya gazeta” sahifalarida e’lon qilingan maqolalarda O‘zbekistonda o‘z joniga qasd qilish hodisalarini moskvadagi o‘z joniga qasd qilish hodisalari bilan bog‘lashga urinishdi[3].

“Ogonyok” jurnalining 1989 yil 4-sonida “Koma” nomli maqola A.Lixanov tomonidan nashr ettiriladi. Unda Qarshi aeroportidan general Norbo‘tayev va tezkor xodimlar uchishi lozim bo‘lgan samolyot uchish chizig‘ida begona buyum paydo bo‘lishi fonida samolyot uchishi to‘xtatiladi[4]. Bu hodisaning o‘sha paytda Toshkentda bo‘lgan Gdlyan va Ivanovga umuman aloqasi bo‘lmagan. Ammo, bu hodisadan xabar topgan “ilg‘or”lar jurnaldagi maqolada samolyotni halokatga uchratish orqali “Gdlyan va Ivanovlarga suiqasd uyushtirildi” deb, ularning obro‘sini orttirishga, hatto ularni himoya qilish uchun soqchilar ajratish haqidagi talabnomalar keltirishga harakat qilishadi.

Xususan, “Literaturnaya gazeta”sining 1988 yil 20 iyul sonida tahririyat sharhlovchisi Y.SHekochixinning militsiya polkovnigi Aleksandr Gurov bilan suhbati-maqolasida sharhlovchining “Aleksandr Ivanovich nega mafiya haqidagap ketsa, negadir jozibali misollar janubiy hududlardan olinadi?” mazmundagi savoliga Aleksandr Ivanovich quyidagi mazmunda javob beradi:-“Menimcha, buning sabablarini iqtisodiy hayotdan izlash kerak, deydi A.Gurov.-...bu o‘rinda gap qog‘ozda etishtirilgan paxta uchun milliardlab so‘m pul o‘g‘irlangani, rahbarlarning korrupsiyaga berilib ketishi tufayli respublika jar yoqasiga kelib qolganida emas, respublika haddan tashqari kovlab tekshirilgani sabab O‘zbekiston tildan tushmay qoldi. Gap shunda. Boshqa hududlarni tekshirish uchun esa qo‘limiz kaltalik qilyapti[5]”. Mana militsiya polkovnigining bayonoti. Boshqa respublikalarga “tishi” o‘tmay turgan organlar, o‘sha paytda tayyor hazm qilish mumkin bo‘lgan “lahm go‘sht”dek tergov guruhlarining aksariyati asoslanmagan, sudda isbotini topmagan ma’lumotlar bilan maqolalar bitishib, xalq fikrini chilg‘itish bilan shug‘ullandi.

«Selskaya molodej» jurnalining 1988 yil oktabr[6] sonida O‘zbekiston SSR Oliy Soveti Prezidiumining raisi, keyinroq SSSR Oliy Soveti Millatlar Kengashining raisi bo‘lib ishlagan Yodgor Nasriddinova haqida maqola chop etiladi. Unda Yodgor Nasriddinovaning O‘zbekistondagi korrupsion holatlar va “paxta ishi” bo‘yicha ayblashadi. 1988 yil 18 noyabrda uni partiya safidan

chiqarishadi. Ayblov isbotlanmagach 1991 yil 3 aprelda partiyaga tiklashadi. Ammo bungacha Yodgor Nasriddinova nafaqaga chiqarilgan edi. Yodgor Nasriddinova haqida koʻpgina maqolalar e'lon qilinadi. Xususan, "Izvestiya" gazetasining 1988 yil 2 noyabr[7] sonida Arkadiy Saxaninning "Poraxoʻrlik" nomli maqolasi e'lon qilinadi. Bu maqolada ham Oʻzbekistondagi korrupsion tizim haqida boʻrttirib yozishadi.

Millionlarni musodara qilish Gdlyan va uning tarafdorlarining eng asosiy dastmoyasi edi[8]. U ana shu millionlar tufayli nom chiqardi v matbuot sahifalarida, televizor ekranida koʻklarga koʻtarib maqtaldi, soʻngra esa Ivanov bilan birgalikda SSRI xalq deputatlari kursisiga oʻtirdi. Millionlarni televideniye orqali olib koʻrsatishdi, rasmga tushirishdi, suratlarni matbuot sahifalarida bosib chiqarishdi. Bu voqea 1988 yilda sodir boʻlgan. Bunday chiqishlar ular uchun saylovoldi reklamasi uchun zarur edi. Bunday koʻrgazma oʻsha davr qonunchiligiga koʻra mumkin boʻlmasa-da, SSRI bosh prokurori A. Rekunkovni prokuratura binosi zalida namoyish qilishga koʻndirishdi[9]. Bu hodisani shu tergov guruhi a'zosi Abdujabbor Abdujalilov "Gdlyan-Ivanov farisei ot korrupsii" nomli maqolasida shunday eslaydi,-"Ishdagi ashyoviy dalillar – qimmatbaho buyumlar, pullar, tillalar bankka oʻz vaqtida topshirilmagani, buning oʻzi protsessual qonunchilikning qoʻpol ravishda buzilishiga sabab boʻlgan. Ular inventarizatsiyasiz va tizimsiz seyflarda toʻplangan; bir marta Gdlyan Moskvaga pul va oltin olib ketdi va SSSR prokuraturasi majlislar zalining foyesida «koʻrgazma» tashkil qildi. Keyin hech kim savol bermadi: nega pul va qimmatbaho narsalar banklarda saqlash oʻrniga bu erda yotibdi? Hammada "Oʻzbekiston ishi boʻyicha tergov muvaffaqiyati" eyforiyasi bor edi"[10]. Yuqoridagi fakt ham Gdlyan va Ivanovlarning hatti harakati qonunchilikka zid boʻlsa ham, matbuot orqali xalq fikrini chalgʻitish, markaz oldida soxta obroʻ orttirish ilinjida boʻlganligini tasdiqlaydi.

Vladimir Sokolovning "Literaturnaya gazeta"si 1988 yil 20 yanvar sonida bosilgan maqola uch kun oʻtib 23 yanvar kungi "Sovet Oʻzbekistoni"[11] gazetasida ham bosildi. Ushbu maqolada muallif badiy obrazlar bilan oʻsha vaqtlardagi Namangandagi Lenin nomli sovxoz va Pop agrosanoat birlashmasi rahbari Ahmadjon Odilov faoliyatiga baho bergan edi. Ahmadjon Odilov Oʻzbekiston SSR birinchi kotibi Sh. Rashidov bilan juda yaqinligi, koʻplab jinoiy harakatlarni birgalikda kelishib amalga oshirishi, korrupsion tizim asosiy figurantlaridan biri sifatida gavdalantiradi. Gʻurumsaroydagi A.Odilov xoʻjaligini oʻrta asr xon saroylariga oʻxshatib, tasvirlaydi. Paxta uchun ochilgan yangi qoʻriq erlarini shaxsiy manfaat yoʻlidagi harakatlar sifatida baholaydi. Shu orqali SSRI xazinasidagi pullar notoʻgʻri sarflangan, oʻzbekistonliklar bu pullarga mazza qilib "xon"lardek yashashamoqda degan gʻoyani oʻquvchiga etkazishga harakat qiladi. Aslida boshqa manbalarni kuzatadigan boʻlsak, bu xoʻjalikni etakchi nammunali xoʻjalik va agrosanoat birlashmasi sifatida koʻrsatish belgilangan. Shu nuqtai nazardan ittifoqning "raqamlar ortidan quvib", gʻarb mamlakatlari bilan raqobatining bir namunasi emasmidi? Yoki paxta hosilini har yili tonnalarga oshirish orqali respublika aholisini ogʻir mehnatga duchor qilish "markaz"ning siyosati boʻlganligiga hech kim shubha qilmaydi. Har bir sohada ulkan zafarlar, marralar gazeta, jurnal va matbuotda tinimsiz yangramasmidi? Nega endi birdaniga hammasi teskarisiga ishlay boshladi? Bu savollarning javobini yuqorida biz keltirdik va shuni ta'kidlamoqchimizki, 80-yillardagi niqoblangan siyosat, xalqni badnom qilish yomon otliq qilish orqali muaayyan kamchiliklarni yashirish, emirilib borayotgan ittifoqni, saqlashga urinish alomatlari desak, toʻgʻri boʻladi.

A.Odilov faoliyati haqida "Izvestiya" gazetasining 1988 yil 9 may sonida maqola chop etilgan[12]. Unda Namangan viloyatining Pop tumanida A.Odilov haqida suratga olingan hujjatli film haqida soʻz boradi. Shu bilan birgalikda Sh.Rashidovning "yaqin odami boʻlgan" A.Odilov tomonidan barpo etilgan agrosanoat birlashmasida johillarcha "oʻrta asr" boshqaruvni eslatuvchi tizim tashkil etganligi, ishchilarga oylab oylik bermasdan ishlatgani, sotsialistik mulk talaon taroj qilingani haqida chiroyli badiiy tarzda fikrlar bayon etilgan. Bu maqolani oʻqigan har qanday kishida keskin fikrlar paydo boʻlishi tayin. "Pravda Vostoka" gazetasining 28 may va 10 noyabr sonlarida, "Oʻzbekiston komsomoli" gazetasining 6 oktabr sonlarida ham shu mazmundagi maqolalar chop etildi.

Bunday maqolalar orqali Oʻzbekistonda ish olib borayotgan turgov guruhi faoliyati koʻklarga koʻtarilib, qoʻllab quvvatlandi, xalqning qalbiga vahima qoʻrquv uygʻotildi. Ertaga boshqa kishilarni shunga oʻxshash taqdir kutib turganligiga ishora qilindi.

Y.Dimitriyev tomonidan "Trud" gazetasida bosilgan maqolada shunday soʻzlar bitilgan:-"... oʻzbek erida jinoiy ishlar sodir qilindi. Biroq shuni qattiq oʻzlashtirib olish kerakki, xalq hukmdorlar uchun javob

bermaydi. Aslida xalqning o‘zi jabridiyda...[13]. Bu so‘zlar bilan xalq javob bermasligi, jabridiydaligi aytilayotgan bo‘lsada, Gdlyan va Ivanov boshliq turgov guruhi faoliyati davomida olib borgan noqoniy hatti harakatlari, matbuotdagi maqolalar, teleko‘rsatuvlar orqali xalq bosimda ushlab turildi.

Ammo har bir davrda ham, og‘ir bo‘lishiga qaramasdan nohaqliklar so‘ngida baribir adolat qaror topadi. Gdlyan va Ivanov boshchiligidagi tergov guruhining noqonuniy faoliyati haqida birin-ketin maqolalar chop etila boshlandi.

“Izvestiya” va “Sevetskaya Rossiya” gazetalarining 1990 yil 9 fevral sonlarida Gdlyan va Ivanovning O‘zbekistondagi tinch aholiga nisbatan jinoiy hatti-harakatlari haqida maqola chop etildi[14]. “Haqiqatni hamma bilishi kerak. Bor haqiqatni” nomi bilan bosilgan ushbu maqolada Gdlyan va Ivanovlarning sovet qonunchiligiga zid ravishda olib borgan faoliyatiga odilona baho berilgan edi.

Gdlyan va Ivanov va ularning tarafdorlari tomonidan Respublika hamda markaz OAVlarida omma e’tiborini chalg‘ituvchi, uydirma ma’lumotlarning doimiy berib borilganligi [15] butun jamoatchilikda noto‘g‘ri fikr va dunyoqarashni shakllanishiga olib keldi. Ular shon shuxratga ega bo‘lish uchun matbuotdan ustalik bilan foydalanishdi.

## FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:


1. Shavkat Mirziyoyev: Mustaqillikka erishish oson bo‘lmagan. president.uz/uz/lists/view/5478
2. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 5-b.
3. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 3-b.
4. “Ogonyok” jurnalining 1989 yil iyun, 4-soni
5. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 266-b
6. Yo‘ldoshev I. Maxfiy mahkama yoxud qonunsiz qamalganlar qissasi. Samarqand. Turon nashr, 2021 8-b
7. «Selskaya molodej» jurnalining 1988 yil 3 oktabr soni.
8. “Izvestiya” gazetasining 1988 yil 2 noyabr soni.
9. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 181-b
10. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 181-b
11. Abdujalilov A.  Gdlyan-Ivanov farisei ot korrupsii. https://proza.ru/2008/12/15/256
12. “Sovet O‘zbekistoni” gazetasi 1988 yil 23 yanvar soni.
13. “Izvestiya” gazetasi 1988 yil 9 may soni.
14. “Trud” gazetasi 1991 yil 16 aprel soni.
15. Yo‘ldoshev I. Maxfiy mahkama yoxud qonunsiz qamalganlar qissasi. Samarqand. Turon nashr, 2021 b-330.
16. Pravda Vostoka gazetasi 1987 yil 20 iyun soni.


# СУҒД ВА УСТРУШОНА: АРАБЛАР БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА


**Хўжанов Нуриддин Зиёдуллаевич**
Самарқанд давлат университети таянч докторанти



**Аннатация:** Ушбу мақолада Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳамда Суғд ва Уструшонадаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлари ҳақида умумий маълумот берилган. Ҳудудлардаги ҳукумдорларнинг сиёсий жараёнларга қўшган ҳиссаси баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Суғд, Тохаристон, Уструшона, Муғ тоғ, Деҳистон, Лившист, Араб, Бағд, А-9
**Аннотация:**В данной статье представлены общие сведения о проникновении арабов в Среднюю Азию и их политических и социальных процессах в Согде и Уструшене. Описан вклад региональных правителей в политические процессы.
**Ключевые слова:** Согд, Тахаристан, Уструшона, Муг, Дехистан, Лившист, Араб, Багд, А-9

Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятида муҳим даври Араб халифалиги ҳукмронлиги даври билан боғлиқ бўлиб, бу даврда минтақада юз берган ўзгаришлар кейинги даврлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларга ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди десак муболаға бўлмайди. Араб халифалигининг Марказий Осиё минтақасига юришлари арафасида минтақада Турк хоқонлиги таркибидаги бир неча конфедератив асосда бошқариладиган Суғд, Тохаристон, Чоч, Бухоро, Чоч каби маъмурий-сиёсий бирликлар мавжуд бўлиб, улар ички сиёсатда мустақил бўлишган.

VII асрнинг сўнгги чораги – VIII асрнинг биринчи ярмида, яъни, қарийб ярим асрдан ортиқ давр оралиғида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида йирик сиёсий жараёнлар юз беради. Асосан араблар босқини билан характерланадиган бу давр мобайнида Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбидаги Марв, Гургон ва Деҳистон (Шимоли-Шарқий Хуросон), ушбу минтақа жанубидаги Тохаристон, Бадахшон ҳамда минтақанинг нисбатан марказий қисмларидаги Бухоро, Хоразм, Суғд, Устрошона, Чоч, Исфижоб ва Фарғона каби тарихий-маданий вилоятлар янги сиёсий кучларга қарши курашиш заруриятига дуч келадилар. Минтақада вужудга келган чигал вазият ушбу ҳукмдорликларни ўзаро ҳамжиҳатликка ундаб, Ғарбий Турк хоқонлиги етакчилигида Чоч, Фарғона, Уструшона, Бухоро, Самарқанд, Панч, Тохаристон ҳукмдорликларининг арабларга қарши курашадилар. Қисқаси мавжуд бўлиш ёки яшаб қолишнинг асосий шарти биргаликда ҳаракат олиб бориш билан боғлиқ эди.

Ушбу давр ҳар бири алоҳида-алоҳида воҳа ҳукмдорликлари – мулкликлар бўлган мазкур сиёсий-маъмурий бирликлар Ғарбий Турк хоқонлиги қўл остида бўлиб, бу вақтда хоқонликнинг сиёсий жиҳатдан нисбатан кучсизлашган бир палласи эди. Шунга қарамай, хоқонлик ушбу воҳа ҳукмдорликлари устидан ўз сиёсий устунлигини сақлаб қолган ҳолда минтақада арабларга қарши курашга бошчилик қилишга интилганлиги турли тиллардаги ёзма манбалар, хусусан, хитой йилномалари, қадимги турк битиктошлари, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари, араб ва форс тилларидаги маълумотлар асосида ўз тасдиғига эга. Соҳага оид тадқиқотларда ҳам хоқонликнинг Араб халифалиги кучларига қарши биргаликда ҳаракатлар олиб борганлиги эътироф этилган[10]. Масалани Суғд ва Уструшона мисолида қараб чиқадиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, араб босқини арафасида ҳар иккала конфедерацияда деярли ўхшаш сиёсий воқеликлар юз берганлиги англашилади. Бу ҳолат айниқса, асосан Уструшонада, қисман эса Суғднинг Устуршонага қўшни ҳукмдорликларида бўлиб ўтган сиёсий воқеликларда яққол кўзга ташланади.

Илк ўрта асрлар даврига оид Панч ҳукмдорлари архиви суғдий ҳужжатлари бўйича изланишлар олиб борган суғшунос В.А.Лившиц Самарқанд Суғди ва ундан анчагина мустақил сиёсат юргизган Панч ҳукмдорлиги билан Уструшонанинг ўзаро муносабатларини ёритадиган бир ҳужжатга ўз эътиборини қаратган. Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орасида А-9 деб юритиладиган ҳужжатда Уструшона, Шавкат, Буттаман, Парғар каби жой номлари учраб, ҳужжат мазмунидан уларнинг бир қисми Уструшонага, бир қисми Панчга тегишли тоғлик мавзелар экани англашилади[11]. Бу ҳужжат талқинидан англашиладиган муҳим масала шуки, илк ўрта асрларда ҳам Уструшона айни ҳолатда ишлатилган ва алоҳида маъмурий сиёсий бирлик сифатида қўшни минтақалар билан алоқалар ўрнатган.

[10] Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. - Л.: Изд. АН СССР, том II. – 1950. – С. 311-321; Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М.: Издво восточной литры, 1962. – С. 80-84; Кляшторний С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // ЭВ. – Москва, 1954. – № IX. – С. 5564; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 40; Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин А. Ўрта Осиё битиклари – I. Суғдий ёзма ёдгорликлар. – Т., 2020. – Б. 28-58.

[11] СДГМ II. – С. 95-96; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 61-63.

Милодий 722 йил август ойининг биринчи ҳафтасида ёзилган деб тахмин қилинади А-9 ҳужжатининг адресати жуда бўлмаганда муҳим амалдор эканлиги хат мазмунидан яққол кўриниб туради. Масалан, муаллиф Уструшона, Парғар, Хўжанд каби қатор шаҳар ва вилоятлардаги аҳволни баён этади. Афтидан, у араблар билан тузилиши мумкин бўлган битим ҳақида гапиради. Ҳужжат муаллифи Парғар ерларини ташлаб кетмаслик лозимлигини таъкидлайди. Чунки бу ерларда яқин келажакда муайян хавф-хатар йўқ[12].

А-9 ҳужжати мазмунига кўра, подшо Деваштичнинг Парғар, Уструшона, Хўжанд вилоятларида яширин иш кўрган кузатувчиси (айғоқчиси) томонидан ёзилган махфий маълумотномадир. Ҳужжатда адресат ва мактуб йўлловчи киши номлари кўрсатилган эмас. Унда одатдагидек мактубот жанрига хос кириш ва хотима формулалари ҳам йўқ. Хат муаллифи тўғридан-тўғри ўзи кузатган воқеалар баёнига киришади. Бундай эҳтиёткорлик араблар истилоси жараёнида эҳтимол зарур бўлгандир. Бу ҳақда А-9 ҳужжатининг илк ношири В.А.Лившиц уч хил тахмин билдирган: 1) мактубнинг етиб келган қисмининг бир бўлаги, бош қисми йўқолган; 2) А-9 матни хатнинг асосий мазмунининг қора нусхада тайёрланган кўриниши. Шу матн асосида тегишли кириш ва хотима формулалари билан оққа кўчирилган матн етиб келмаган; 3) кириш ва хотима формулаларида исмлар таъкидланиши лозим эди. Лекин ҳарбий-сиёсий вазият тақозоси билан атайлаб тушиб қолдирилган. М.Исҳоқов, Ғ.Бобоёров ва А.Кубатинлар бу ўринда учинчи тахминни кўпроқ асосга эга деб ҳисоблашади. Бунинг исботи сифатида ҳукмдор Деваштичнинг ўз кишиларини қўшни ерларга юборар экан, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда шароит тақозоси билан мактуб ва маълумотлардаги расмий анъанавий услуб формулаларидан атайлаб фойдаланмаслиги ҳолатини келтиришади. Мактуб Деваштичга шахсан йўлланганлиги ҳақида фақат тахмин қилиш мумкин. Буни асослаш учун ҳужжатнинг 8-қаторида муаллиф томонидан адресатга мурожаат қилиб *рти марай* “ва ҳоким (жаноблари)” деб ёзилганини кўрсатиш кифоя. Кўпроқ суғдийча афшин унвонини ифодалаш учун қўлланилган *марай* орамийча идеограмма бўлиб, Муғ тоғи суғдий матнларида фақат адрес формулаларида учрар ва Деваштичга нисбатан қўлланар эди. Бошқа вилоят ҳокимларига нисбатан доимо суғдийча хуву – “ҳоким”, “ҳукмдор” сўзидан фойдаланишган. Кўриниб турибдики, бу ўринда Деваштичнинг ўзига хат контексти ичида мурожаат қилиш учун *марай* сўзи қўлланган. В.А.Лившицнинг фикрича, хат муаллифи ҳозирги Ўратепа, Мастчо, Хўжанд ерларида иш кўрган. У берган маълумотлар географияси шундан далолат беради. Буттаман – Панжикентдан юқоридаги тоғли ўлка; Парғар – Суғд билан чегарадош шимолий ерлар; Уструшан – Мастчо, Ўратепа атрофидаги ерлар[13].

Шунингдек, бироз қуйида батафсилроқ кўриб чиқиладиганидек, 683 йилдан 708 йилгача Панч ҳукмдори бўлиш билан бирга “Бағд подшоси, Панч ҳукмдори” каби қўшалоқ унвон билан иш кўрган Чакин Чўр Билга Бичут ўғли ҳукмронлигининг 15-йилида тузилган Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан бири (B-8)да учрайдиган Бағднинг қаерга тўғри келиши борасида ҳам В.А.Лившиц ўз қарашларини билдирган бўлиб, тадқиқотчи “агар Бағд подшолик бўлган бўлса, унда Панчикат (Панч / Панжикент) унинг таркибидаги ҳукмдорлик бўлган”, деб тахмин қилади. Демак, тадқиқотчи Бағд ҳудудининг Уструшонага қарашли бўлиши мумкинлигини илгари суради. Унга кўра, “агар “Вағд (Бағд) подшоси” мустақил подшолик унвонига эга бўлган бўлса, унинг мулки Самарқанд Суғдида ёки Панчга қўшни Уструшонада жойлашган бўлиши мумкин”[14].

Ўз вақтида суғдшунос И. Гершевич Бағд топонимини ўрта асрларга оид форсий манбалардаги Фағкат билан боғлашни таклиф қилган эди[15]. Бироқ ёзма манбаларда Фағкат Уструшонанинг шимолида, Хўжандга яқин йўл устидаги шаҳар, деб тилга олинади. Бу эса Фағкат ҳукмдорининг Панчга қандай алоқадорлигини чигаллаштиради. М.Исҳоқовнинг ёзишича, “Бу масалада ал-Истахрийнинг “Китоб ал-масолик ва л-мамолик” китобида келтирилган маълумот анча ойдинлик киритади. Бу асарда топоним Бағдон шаклида келтирилган. Бағдон топонимининг

[12] Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – С. 97-109; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар. ... – Б. 61.

[13] Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар. ... – Б. 63.

[14] СДГМ II. – С. 95-96.

[15] Gershevitch I. Sogdians on a Frogplain // Melanges linguistique soffertsa Emile Benveniste. Louvain. – Paris, 1975. – P. 195-211.

бу шаклини В.А.Лившиц Хутталон, Вардон, Бадахшон каби топонимлар билан типологик бир, деб қарайди ва Истахрийнинг “Илгари бу рустоқ (яъни, Бағдон) Самарқандга ўлпон тўлар эди, Афшин даврида эса Уструшонага қарашли бўлди” деган сўзларини далил сифатида кўрстади. Бундан кўринадики, Бағд муносабати билан Суғд ва Уструшона ўртасида ҳудудий муаммолар бўлган ва булар ислом даврига келиб, Уструшона фойдасига ҳал бўлган”[16]. М.Исҳоқовнинг ушбу фикрларига янада аниқлик киритиш учун қуйида бу масалага бағишлаб махсус мақола ёзган суғдшунос П.Б.Лурьенинг фикрларига тўхталиб ўтишни лозим топамиз.

Суғд ва Уструшона орасидаги сулолавий ришталар қай даражада бўлганлигини масаласига аниқлик киритиш учун суғдий ёзувли Панчга тегишли ҳужжатларда учрайдиган *βγtyk* иборасига янада чуқурроқ қараб чиқиш керак бўлади. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, тадқиқотчилар ушбу иборанинг Уструшонага қанчалик тегишлилиги масаласида бир тўхтамга келишмаган. Суғдшунос П.Б. Лурье Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан бири – В٨- рақамли ҳужжатда *βγtyk MLK' pncy MR'Y ck'yn cwr βудk"* “*βγtyk* ҳукмдор Панч подшоси (афшини) Чакин Чўр Билга” жумласи учраши ва унинг ٧٠٨-٦٩٣ йилларда Панчни бошқарган туркий ҳукмдор бўлганлигини таъкидлайди. Унга кўра, ушбу суғдий ҳужжатдаги *βγtyk MLK'* сўзи “бахтли ҳукмдор” деган маънода қўлланилган бўлиб, бу сўз ёки ибора Панч бошқарувчи Чакин Чўр Билганинг эпитети бўлган. Шу тариқа ушбу ҳужжатдаги жумлани “Бахтли ҳукмдор Панч подшоси Чакин Чўр Билга” шаклида тушуниш керак[١٧]. Тадқиқотчининг ёзишича, *βγtyk MLK'* “бахтли ҳукмдор” иборасидаги “бахли” сўзи аслида қадимги туркча “қутлуғ” эпитети (сифати)нинг суғдийча шакли бўлиб, туркийлар бошқарувида бу сифат анча кенг тарқалган эди. Бироқ, юқорида келтириб ўтганимиздек, В.А.Лившиц ва И.Гершевич каби тадқиқотчилар П.Б.Лурьенинг бу қарашига қўшилмай, *βγtyk MLK'* иборасини муайян бир жой номи билан, Уструшонага қарашли Бағдон ёки Фағнон / Факнон рустоқи билан боғлашга ҳаракат қилишади. В.А.Лившиц В٨- рақамли суғдий ҳужжатдаги *βγtyk* сўзини *kγtyk, βštyk, kštyk* кўринишларида ўқиб, уни Муғ ҳужжатларининг бир нечасида учрайдиган *sγwδyk MLK' sm'rknδc MR'Y δyw'štyc* “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштич” ибораси билан солиштиради ва шу тариқа *βγtyk MLK'* иборасини “*βγt* подшоси” деб очиқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, *βγt* сўзига муайян бир топоним деб қараш керак бўлади. Кейинроқ эса В.А.Лившиц *βγtyk* топонимини Истахрий асарида نعئان (вариантлари: نعمار , بعئان , نعيان , يغان ) ва Ибн Ҳавқал асарида بغتان *(*Baγtān*) шаклларида ўрин олган рустоқ номи билан тенглаштиради. Араб ва форс географлари асарларида Уструшона ҳукмдорлигида рустоқлардан бири сифатида тилга олинган рустоқ дастлаб Самарқандга тегишли бўлиб, ал-Афшин даврида Уструшонага қўшиб олинган эди. Бизнингча, ал-Афшин деганда тадқиқотчилар 841 йилда ўлдирилган Афшин Ҳайдар ёки Ҳайдар ибн Ковусни назарда тутишади[١٨].

П.Б.Лурье бир вақтлар В.А.Лишвиц ва И.Гершевич томонидан билдирилган фикрларга унчалик қўшилиб бўлмаслигини таъкидлаб, نعئان сўзини بقنان * (*Baqnān*) кўринишида ўқиш ва уни Уструшонадаги *Faknān* рустоғи билан тенглаштириш бирмунча қийин эканини ёзади. Унинг фикрича, Факнон рустоқи Уструшонада жойлашган бўлиб, маркази Дизак (ҳозирги Жиззах) шаҳри эди[١٩].

Бизнингча, ушбу тадқиқотчининг фикрларига бирмунча қўшилиш мумкин. Чунки, Уструшонанинг марказий қисмларидаги Фағнон (Жиззах) рустоқи Суғддан, хусусан, унинг шарқий қисмидаги Панч ҳукмдорлигидан анчагина узоқ масофада жойлашган бўлиб, Суғд ва Уструшона орасида ундан бошқа рустоқлар – Иштихон ва Кабудон ҳукмдорликлари (Суғд) ҳамда Усманд (Уструшонадаги йирик аҳоли масканларидан бири – бугунги Жиззах вилоятидаги Бахмал туманидаги Усмат қўрғони) ўрин олган эди[20]. Шу тариқа, араб ва форс ге-

[16] Исҳоқов М.М. Илк ўрта асрларда Суғд, Уструшона ва Чоч муносабатларига доир ... – Б. 7.

[17] Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгä // Центральная Азия от Ахеменидов до Тимуридов: археология, история, этнология, культура. Материалы международной научной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения А.М.Беленицкого (Санкт-Петербург, 2–5 ноября 2004 года). – СПб.: Институт истории материальной культуры РАН, 2005. – С. 128, 130.

[18] Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. – Сталинабад, 1957. – С. 153-154.

[19] Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгä. ... – С. 128.

[20] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. – Москва, 1963. – С. 144-145; Ахун-бабаев Х.Г. Древний Кабуданжакас (к вопросу локализации, генезиса этапов развития раннефеодальных владении и средневековых руста-

ографлари томонидан қайд этилган Фағдон ёки Бағдонни Фағнон рустоқи (Жиззах шаҳри) билан тенглаштириб бўлмаслигини ва Фағдон / Бағдон рустоқини Суғддан, хусусан, Самарқанд ҳукмдорлиги ҳудудидан излаш керак деб биламиз.

Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, И.Гершевич *βγt-* сўзини Уструшонадаги Бағкат, Вағкат (ҳозирги *Вағат*) топоними билан тенглаштириб, ушбу жой номини **βγt-knδh* "Вағд (туманидаги) шаҳар" деб изоҳлашга уринади[21]. Унинг бу фикрига қўшилмаган П.Б.Лурье аслида *Vaγkaθ* бўлган Бағкат ёки Вағкат топониминининг этимологик очиқламаси "Илоҳ, жаноб шаҳри" шаклида эканлиги, ушбу топоним АрриаННинг "Александр юришлари" асарида *Βαγα* кўринишида учрашига эътибор қаратади. Унга кўра, Вағкат шаҳри Панч (Панжикент) дан анча узоқда жойлашганлиги учун ҳам И.Гершевичнинг бу фикри ҳақиқатдан йироқдир[22]. Бизнингча, П.Б. Лурьенинг бу фикрида ҳам жон бор, чунки Вағкат Уструшонанинг жанубида эмас, нисбатан шимолида, хусусан, Суғддан анча узоқликдаги ҳудудда жойлашгани учун уни суғдий ҳужжатдаги *βγt-* сўзи билан тенглаштириш бирмунча қийинчилик туғдиради.

П.Б.Лурьенинг ёзишича, *βγtyk MLK'* ибораси бўйича япон суғдшуноси Ю.Ёшида томонидан билдирилган фикрлар ҳам диққатга сазовордир. Ю.Ёшидага кўра, *βγtyk* сўзини хитой йилномаларида *Ми* (Маймурғ) ҳукмдорлигининг пойтахти сифатида тилга олинган *Бо-си-де* шаҳри билан тенгалаштириш мумкин. П.Б.Лурьега кўра, *Бо-си-де (Bo-xi-de)* номи илк ўрта асрлар хитойчасида *pat-sik-tək* шаклида талаффуз қилинган бўлиб, уни *βγtyk* сўзи билан тенглаштириш ўзини оқламайди. Бизнингча, унинг ушбу фикрида ҳам жон бор бўлиб, суғдийча *βγtyk* ва Маймурғ ҳукмдорлигининг пойтахтининг хитойчада *Bo-xi-de* шаклида келтирилган номи бир-биридан анча фарқ қилади. Шу ўринда тангашунос Ғ.Бобоёровнинг фикрича, В-8 ҳужжатдаги *βγtyk* сўзини *βštyk* шаклида ўқиган тақдирда уни *Бо-си-де (Bo-xi-de)* топоними билан тенглаштириш имкони бор. Тадқиқотчига кўра, аслида бошланғичда Панч ва Маймурғ алоҳида-алоҳида қўшни ҳукмдорликдар бўлиб, VII асрнинг сўнгги чораги – VIII аср бошларида Маймурғнинг Панчга қўшиб олингани тахмин қилинадиган бўлса, ҳужжатдаги топоним (*βštyk*)ни хитой йилномаларидаги *Бо-си-де (Bo-xi-de)*ни битта жой деб қараш имконияти пайдо бўлади[23].

Шу ўринда айтиб яна битта масалага тўхталиб ўтиш керакки, хитойлик тадқиқотчилардан дастлаб Ма Сяо-хе, кейинчалик эса Ма Юн, ундан кейинроқ эса француз суғдшунослари Ф.Гренэ ва Э. де ла Вессьерлар *Бо-си-де* шаҳрини Панжикент шаҳри билан тенглаштирган бўлсалар-да[24], рус суғдшуноси Б.И. Маршак Босидэ (*Бо-си-де / Bo-xi-de)* ва Самарқанд орасидаги масофа 100 ли ( ≈ 30 км) деб кўрсатилгани, Самарқанд ва Панжикент шаҳарлари орасидаги масофа эса 60 км эканлигидан келиб чиқилса, бу фикр ўз тасдиғини топмаслигини ёзган эди. Бунга қўшимча равишда П.Б.Лурье Панжикент (суғдийча *Pančī-kanθ*) ва Маймурғнинг пойтахти, хитойча берилиши Босидэ (ўрта хитойча ўқилиши *pat-sik-tək*) номларини бир деб қараш ўзини бутунлай оқламайди, чунки, Панч пойтахти Панжикентнинг таркибий қисми *kanθ* (суғдийча *knδh* "шаҳар") хитой муаллифлари томонидан доимо *цянь* (ўрта хитойча *kɨan(ʰ)*) шаклида берлишини ҳисобга олиш зарур бўлади[25]. Шунингдек, тадқиқотчи *Босидэ* топонимини араб манбаларида Самарқандга қарашли Варағсар тўғони ёнидан оқиб ўтган йирик ариқлардан бири сифатида тилга олинган Барш ёки Бараш гидроними билан тенглаштириш ҳам мумкинлигини ёзади[26]. Бизнингча, *Босидэ* хитой йилномаларида *Ми* (Маймурғ)нинг пойтахти сифатида келтирилганлигидан келиб чиқилса, уни муайян бир гидроним билан таққослаш ўзини унчалик оқламайди.

Гарчи, бу борада П.Б.Лурье бирмунча ҳақли кўринса-да, *Босидэ* шаҳрининг ўрни ҳали аниқланмаган, уни Уструшонадаги Бағд ёки Бағдон рустоқи билан ҳам, Панжикент шаҳри билан ҳам таққослаш имкони бор. Шунингдек, *Босидэ* шаҳри Самарқанддан 100 ли узоқликда

ков Самаркандского Согда) // Археология Средней Азии. Тезисы докладов. – Ташкент, 1991. – С. 26-27.

[21] Gershevitch I. Sogdians on a Frogplain. ... – P. 206.

[22] Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгä. ... – С. 128.

[23] Ғ.Бобоёров ушбу қарашларини биз билан оғзаки равишда ўртоқлашгани учун унга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз – Х.Н.

[24] Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 166.

[25] Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгä. ... – С. 128.

[26] Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгä. ... – С. 128.

жойлашган шаҳар сифатида хитой йилномаларида келтирилган бўлиб, айрим ўринларда 100 ли узунлик ўлчов бирлигининг 50 км атрофидаги масофани билдирганлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Хитойликлар берган масофа ўлчовлари ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўлақонли мос келавермаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, *Босидэ* ва Панжикент битта жойнинг турли тилларда берилган вариантлари деб қараш ҳам мумкин. Шу билан бирга, Панжикент ва Самарқанд орасидаги масофа 60 км атрофидалиги кўзда тутиладиган бўлса хитойлик муаллифлари унчалик ҳам катта хатога йўл қўймаган бўлиб чиқади.

Энди, араб истилоси арафасида Суғд ва Уструшона ҳукмдорликлари орасидаги сиёсий муносабатлар масаласига аниқлик киритадиган бошқа маълумотларга ҳам эътибор қаратсак. А-14 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатида Панч ҳукмдори Деваштич (708-722) томонидан 710- йиллар ўрталари ёки 720- йиллар бошида Чочга юборилган элчи Фатуфарн ўз вазифасини адо этгач, Панчга қайтаётиб, Уструшона орқали ўтишига тўғри келади. Бироқ у Чочда бўлган кунларда Уструшона араблар қўлига ўтиб, йўли беркилиб қолган ва шу сабабли сафарини ёлғиз давом эттиришдан чўчиб, Чочга қайтган. Бу ердан туриб у ўз ҳукмдори Деваштичга ёзган мактуби Муғ тоғи Суғд ҳужжатлари архиви таркибида бизгача етиб келган ва хатга шартли равишда А-14 рақами берилган. Ушбу хатнинг 16-17-сатрларида Фатуфарн Уструшаник утакт пғанштак “Уструшона ерлари босиб олинган” деб ёзади[27]. Бундан кўринадики, VIII асрнинг илк чорагида араблар томонидан Уструшона, эҳтимол унинг текислик қисмидаги рустоқлари араблар қўл остига ўтган бўлиб, панчлик элчи ўз юртига қайтмоқчи бўлганда уларнинг қўлига тушиб қолишдан хавфсираган.

Араб халифалиги истилоси хавфи остида қолган Суғд ҳукмдорликлари қаторида Уструшона ҳам Ўрта Осиёнинг Чоч, Фарғона ҳукмдорликлари каби Панч ҳукмдорлиги учун иттифоқчилар излаш талабини қўяди. Бу вазият, афтидан уструшоналиклар учунгина эмас, Панч учун ҳам, Чоч учун ҳам хавфнинг кучайишига олиб келиши мумкин эди. Минтақадаги деярли барча ҳукмдорликларнинг ўзаро иттифоқчиликда арабларга қарши курашга интилишларига араб истилочилари бефарқ бўлмайди. Табарийнинг ёзишича, уструшоналиклар ва панжикентликлар биргаликда Фарғона ҳукмдори Алутар (700-726)дан бошпана сўрайдилар. Бироқ, маълумки, бу режа Алутарнинг ўз ваъдасидан қайтгани туфайли амалга ошмайди[28]. Вазиятдан хабар топган араблар Хўжанд яқинида йўл устидаги қочқинларни қириб ташлайдилар, шундан кейин панчликлар ҳам сафар ниятидан қайтадилар[29].

Араблар Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларини эгаллаш учун фақатгина минтақанинг Суғд ва Уструшона каби ўлкалари билан чекланиб қолмайдилар. Улар турли йиллардаги бир неча бор уринишлар орқали Бухоро, Самарқанд, Уструшона орқали минтақанинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларидаги Чоч, Тарбанд (Ўтрор), Исфижоб (Сайрам), Фарғона ҳудудларига юришлар уюштирадилар. 710-720 йиллар давомида қилинган юришлар тўлақонли натижа бермаганлиги учун араблар 730-750 йиллар мобайнида бир неча бор ҳарбий сафарлар уюштириш орқали ушбу тарихий вилоятлар – ҳукмдорликларни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Шунга қарамай то 750- йилларгача нафақат Чоч, Фарғона, Исфижоб, балки Уструшона ҳам араблар босқинига қарши курашни давом эттиришади. Қизиғи шундаки, ўша йилларда ҳам арабларга қарши кучлар бошида турк хоқонлари туришган[30]. Табарий ва Ибн ал-Асир араб халифалиги ноиби Асад ибн Абдуллоҳ ал-Кушайрининг 737 йилда Хутталга юриши мобайнида турк хоқони бошчилигида арабларга қарши курашаётган иттифоқчи кучлар орасида Уструшона ҳукмдори Харабуғра (Қора-бўғра) тўғрисида эслатиб ўтиши бу фикрни тасдиқлайди[31]. Хитой йилномаларида эса Қора-бўғра исмли шахс Суғднинг Иштихон

[27] Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 86-88; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар. ... – Б. 63-64.

[28] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 246-249; Отахўжаев А. Фарғона подшолигининг араб истилосига қарши курашдаги иштироки // Илмий хабарнома. Андижон ДУ. – Андижон, 2015. – Б. 65-69.

[29] Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – Москва: Наука, 1972. – С. 291.

[30] Бичурин Н. Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311-321; СДГМ II. – С. 80-84; Кляшторний С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам). ... – С. 5564; Смирнова О.И. Очерки из истории Согд. ... – С. 40; Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин А. Ўрта Осиё битиклари – I. ... – Б. 28-58.

[31] Негматов Н, Н. Уструшана // Средняя Азия в раннем средневековье. – Москва, 1999. – С. 136; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 289.

ҳукмдорлиги бошқарувчиси сифатида тилга олинади. Хусусан, хитой йилномачилари аслида Уструшона ҳукмдори бўлган Гэло-пуло (Қора-буғра)ни 748 Ғарбий Цао (Иштихон)нинг бошқарувчиси сифатида қайд этадилар[32]. Аслида Табарий келтирган маълумотдан маълум бўлишича, 720- йилларда Харабуғра (Қора-буғра) Уструшона ҳукмдори эди[33]. Бу эса 730-740 йиллар орасида Суғднинг деярли барча ҳукмдорликлари араблар асоратига тушиб қолган паллаларда Уструшона ҳукмдорлари арабларга бўйсунмасдан ўз мустақиллиги учун курашни давом эттирган ва ҳатто араблар қўл остидаги қўшни ҳудудларни ўз таъсир доирасига олишга ҳаракат қилган, деган мазмундаги тахминларга етаклайди.

Қора-бўғранинг ўғли, отасининг ўрнига Уструшона ҳукмдори бўлган шахс Харахурра кўринишида учраб, турли ёзма асарларда унинг Харахуруру, Харахана, Абарахурра, Жанахурра шакллари ҳам сакланиб қолган[34]. Табарий уни Наср ибн Сайёр (739-748) томонидан 739 йилда Уструшонага қилинган ҳарбий юриш муносабати билан тилга олиб, у Наср ибн Сайёрга ўлпон тўлаб тургани, Наср турк хоқони Кул-чўр (араб. Курсул)га қарши урушиб, Сирдарёнинг Чоч томонидаги қирғоғида бўлиб ўтган жангда араблар ёнида уструшоналиклар ҳам иштирок этганини ёзади[35]. У VIII асрнинг 90- йилларигача Уструшонани бошқарган ҳукмдор сифатида маълум. Ушбу ҳукмдор 794-795 йилларда Бармакийлар ноиби Фазл ибн Яҳё (765-803)га бўйсунгани араб манбаларида қайд этилади[36]. Бундан кўринадики, Уструшонанинг араб истилосига қарши кураши анча узоқ йиллар давом этади. Яъни, 790- йилларгача, Муқанна қўзғолонидан кейинги йилларда Уструшона ҳукмдорлари ўз ҳокимиятида анчагина эркин ҳаракат қилишган ва ҳатто минтақадаги араб ноиблари ҳам айрим вазиятларда улар билан келишишга мажбур бўлишган.

Қисқаси, юқорида кўриб чиқилган маълумотлар араб босқини арафасида Суғд ва Уструшона орасида тиғиз ижтимоий-сиёсий ва этномаданий алоқалар йўлга қўйилганидан дарак беради. Бу эса ҳар иккала тарихий-географик минтақанинг ўзаро яқин қўшничилиги, мафкуравий ва этномаданий жиҳатдан яқинлиги билан боғлиқ эди.

Хуллас, араблар босқини арафасидаги сиёсий жараёнлар ҳамда Суғд ва Уструшонадаги ҳолатга ҳар иккала ҳукмдорлик орасидаги сулолавий яқинликлар мисолида қараб чиқиш шуни кўрсатадики, ушбу тарихий-географик ҳудудлар орасида яқин алоқалар ўрнатилган эди. Бу биринчидан, ҳар иккала воҳа орасида жойлашган ҳукмдорликлар бошқарувидаги сулолалар орасида қай даражадир қариндошчилик муносабатлари бўлганлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, Уструшона ҳукмдорлигида мавжуд бўлган “афшин”, “чўр” унвонларининг Суғддаги йирик ҳукмдорликлардан бири бўлмиш Панч бошқарувида ҳам ишлатилганлиги, уларнинг ҳар иккаласида бундай унвонлар деярли бир вақтда кўрина бошлагани асосида ўз тасдиғига эга. Шунингдек, Уструшона ва Суғднинг халифалик юришлари арафасида бир-бирига иттифоқчи сифатида ҳам ёрдамга ҳаракат қилганлиги, қолаверса, ушбу иттифоққа Фарғона, Чочнинг алоқадорлиги ҳамда бунинг бошида Турк хоқонлиги турганлиги муҳим бир ҳодиса бўлганлигидан дарак беради.

---

[32] Бичурин Н. Я. Собрание сведений. ... II. – С. 313.

[33] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. ... – С. 425, 428; Грицина А.А. Усрушанские были. – Ташкент: 2000. – С. 43.

[34] Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 290.

[35] Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. ... – С. 136-137; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 290.

[36] Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 290.

# СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА ҚЎЙЧИЛИК СОҲАСИНИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИГА ОЛИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ЧОРА ВА ТАДБИРЛАРИ: НАТИЖАЛАР ВА МУАММОЛАР

**Қосимов Абдисаттор Чориевич,**
Термиз давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси тадқиқотчиси.
E-mail: abdisattorqosimov@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақолада совет даврида қўйчилик соҳасини давлат назоратига олиш бўйича бир қанча амалга оширилган чора ва тадбирлари, Ўзбекистоннинг жануби, Сурхондарё округида ташкил этилган қўйчилик совхозлари фаолияти, қоракўл қўйлари, қўйчилик соҳасини совет давлати томонидан ривожлантиришдан асосий мақсади, наслли қўзилар етиштиришда Қумқўрғон районида тери ошлаш заводининг аҳамияти ҳақида, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси, халқаро мўйна аукциони ташкил этилиши, зотдор қўйларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, Ўзбекистонда қўй маҳсулотининг таннархи ҳақида, ҳисори қўйлар маҳсулдорлиги, қўзилатиш мавсумларининг бориши борасидаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилган.
**Калит сўзлар:** Сурхондарё округи, чорва моллари, ем-хашак, жун, гўшт маҳсулотлари, зотли қўчқор, майин қоракўл териси, қоракўл қўйлар, совхозлар, қўй терилари, мўйналар, сур қоракўл терилари, қоракўлчилик совхозлари, ҳисори қўйлар.
**Аннотация:** В данной статье рассмотрен ряд мер и мероприятий, предпринятых в советский период по постановке овцеводческой отрасли под государственный контроль, деятельность государственных овцеводческих хозяйств, созданных в Сурхандарьинском районе юга Узбекистана, каракольских овец, основных цель развития советским государством овцеводческой отрасли, разведение овец в Кумкурганской области, сведения о значении фабрики, организация Всесоюзной сельскохозяйственной выставки, международного пушного аукциона, повышение производительности труда племенной овец, цены на продукцию овцеводства в Узбекистане, влияние на продуктивность овец и ход сезонов ягнения.
**Ключевые слова:** Сурхандарьинская область, животноводство, корма, шерсть, мясные продукты, чистопородный баран, мягкая черная овечья шкура, черная овца, совхозы, овечьи шкуры, меха, черные шкуры, овцеводческие совхозы, гисарские овцы.
**Abstract:** In this article, a number of measures and measures taken during the Soviet period to bring the sheep breeding industry under state control, the activities of the state sheep farms established in the Surkhandarya district of the south of Uzbekistan, Karakol sheep, the main goal of the development of the sheep breeding industry by the Soviet state, breeding sheep in the Kumkurgan region information about the importance of the factory, the organization of the All-Union Agricultural Exhibition, the international fur auction, the increase in labor productivity of breeding sheep, the price of sheep products in Uzbekistan, the effect on sheep productivity, and the progress of the lambing seasons were analyzed.
**Key words:** Surkhondarya region, livestock, fodder, wool, meat products, purebred ram, soft black sheep skin, black sheep, state farms, sheep skins, furs, black sheep skins, sheep breeding state farms, Hisari sheep.

Совет даврида чорвачилик, хусусан, қўйчилик соҳасини давлат назоратига олиш бўйича бир қанча чора ва тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирларни Ўзбекистоннинг жануби, Сурхондарё округида ташкил этилган қўйчилик совхозлари фаолиятида кўриш мумкин.

Ёзма манбаларда Қизириқ Бандихон ҳудудларида истиқомат этган аҳоли хўжалигида чорвачилик муҳим ўрин тутганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Арабнавис муаллифлар (Ал-Яқубий, Ибн Хавқал) маълумотларига кўра Термиз вилоятида жойлашган шаҳарлардан бири Хушваранг (Хашура) чорва моллари ва жундан тайёрланган махсулотлари билан машхур бўлган.

Қизириқ ҳудудининг табиий шароити чорвачилик билан шуғулланишга мос бўлиб, бу тармоқ иқтисодиётда етакчи ўринни тутган. Шу сабабли чорва молларини боқиш кўпайтириш борасида катта тажрибага эга бўлганлари ҳолда, чорва молларига оид турли хил атамаларни ҳам қўллаганлар.

**Мақолада умумий қабул қилинган усуллар-тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида қўйчилик соҳаси тарихи баён этилган.** Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллий аҳолини турмуш тарзини юксалтириш, моддий-турмуш даражасини ўсишга имконият яратиб бериш, чўпонлар учун замонавий уй-жойлар қуриш, моддий-маънавий соҳада тўлиқ шарт-шароитларни яратиб бериш масаласи иккинчи даражали сиёсат сифатида қабул қилиган эди.

Жарқўрғон тумани. Уруш йилларида вилоятда чорвачилик ҳам катта зарар кўрган эди. Чунки фронт ва мамлакат ичкариси эҳтиёжлари учун чорва моллари ҳисобга олинмасдан сўйиб юборилди. Бунинг устига уруш даврида чорвачилик соҳасида меҳнат қиладиган мутахассислар етишмас эди. Шунинг учун тўртинчи беш йиллик (1946-1950 йй) ва ундан кейинги беш йилликларда чорва моллари туёғини кўпайтириш, унинг наслдорлигини ошириш, ем-хашак базасини такомиллаштириш, аграр секторнинг бу муҳим тармоғи моддий базасини мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Чорвадорлар меҳнат мусобақасининг етакчи шакллари соғин сигирлардан олинадиган сут миқдорини ошириш, қирқиб олинадиган жун, гўшт маҳсулотларини кўпайтириш эди. 1946-1948 йилларда Жарқўрғондаги “Сурхон,” “Н.Боймуродов” ва бошқа жамоа ва давлат хўжаликларида энг яхши чорвадорлар ҳар юз бош она қўйдан 115-117 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдилар. 1950-йилларда бир қатор хўжаликларда ем-хашак узатиш, илдизли озуқаларни ювиш ва қирқиш учун мосламалар жорий қилинди.

Электромеханик ва от кучи билан ишлайдиган юритмалар қўлланилди. Айрим чорвачилик фермалари аралаш ва дағал озуқаларни майдалаб беришга киришдилар. Сигирларни аста-секинлик билан механик соғиш жорий этилди. Қоракўлчилик хўжаликларида қўйларнинг жунини олиш учун электромеханик агрегатлар ишга туширилди. [1. 146-147 б]

“Н.Боймуродов” номли жамоа хўжалигида 1968 йил 1 январгача 18940 бош қўй ва эчкилар (шундан қоракўл қўйлар 18215 бош) бор эди. Жамоа чорвадорлари барча молларни асраш ва кўпайтириш соҳасида анчагина жонбозлик кўрсатдилар.

Жамоада зотли қўчқор ва бошқа моллар боқилди. Бу даврда донг таратган чорвадор кадрлар етишиб чиқди. А.Равшанов, Т.Рўзиев, Х.Холмуродов, Н.Ортиков, Т.Хидиров ва Э.Холмуродовлар қорамолларни боққан бўлсалар, Х.Пиримкулова, У.Аьзамовалар сут соғувчи, А.Холмуродов, М.Исроилов, А.Абдураҳмонов, Н.Бакировлар жамоада чўпонлик қилдилар. [2. 26-б]

“Социализм” хўжалиги эса 1966 йил давлатга 107,5 тонна гўшт, 274 тонна сут, 20,3 тонна жун сотди. [3. 251- б]

1973 йили “Й.Охунбобоев” жамоа хўжалиги чорвадорлари чорва махсулотларидан 98 тонна гўшт, 315 тонна сут, 65 минг дона тухум етиштирдилар. Чорва моллари учун 475 тонна силос, 416 тонна беда пичани, 500 тонна сенаж, минг тонна дағал хашак тўпладилар. [4.]

1975 йили шу жамоа хўжалик чорвадорлари ҳар бир сигирдан 2950 кг сут, ҳар юз бош сигирдан ўнтадан бузоқ, юз бош совлиқдан бир юз қирқтагача қўзи, юз бош чўчқадан икки мингтагача чўчқа боласи олинди. Шу йили жамоа хўжалиги чорвадорлари 150 центнер пичан, 500 центнер кўк поя, 2500 тонна силос, 400 тонна дағал хашак, 200 тонна беда тайёрлаб режаларини ортиғи билан бажардилар. [5.]

Қўйчилик соҳасини совет давлати томонидан ривожлантиришдан асосий мақсад мамлакат иқтисодиётини юқори даражага кўтариш, хорижга экспорт қилиши, маҳсулот таннархини ошириш, сифатли маҳсулот чиқаришга эътибор бериши, жаҳон кўргазмаларида иштирок этиб, юқори олий мукофотларни эгаллашдан иборат эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки маҳаллий аҳолини турмуш тарзини юксалтириш, моддий-турмуш даражасини ўсишга имконият яратиб бериш, чўпонлар учун замонавий уй-жойлар қуриш, моддий-маънавий соҳада тўлиқ шарт-

шароитларни яратиб бериш масаласи иккинчи даражали сиёсат сифатида қабул қилиган эди. Шунга қармай маҳаллий чўпонлар, ҳамда мутахассислар қўйчиликни янада самарали ва салмоқли қилиш борасида тинимсиз амалий ишларни бажариб бориб, қўйчиликни тараққий этишига бор имкониятларни ишга солдилар. Жумладан янги қўй наслларни яратиш, ҳамда ҳосимли, гўшт берадиган қўй зотларни яратиш масаласида эътиборли ишларни бажардилар. Жумладан. Сурхондарё вилоятида ҳам сунъий нуқсонли қўзиларни сўйиш ва терини биринчи қайта ишлаш, сақлаш жараёнида келиб чиқиб, сунъий нуқсонли ва яроқсиз терилар бўлмаслиги учун колхоз ва совхозларда марказлаштирилган қўзи сўйиш марказлари ташкил қилиш, бу ишга тажрибали кишиларни қўйиш тадбирлари кўрилди.[6.]

Вилоятда наслли қўзилар етиштиришда хўжаликларда кўп ҳолларда эътиборсизлик қилиб келинди. Масалан, 1972 йил майда Термиз гўшт комбинатига хўжаликлардан келтирилган қўйнинг 15 тасида сўйилгандан сўнг ичидан қўзи чиқди. Қўзиларнинг жуни майин қоракўл териси Қумқўрғон районида тери ошлаш заводига юборилди. Шу усулда сифатли қўй тери олиш тажрибаси йўлга қўйилиб борилди. Тажрибали чорвадор А.Абдуллаев бошчилигида бригада ташкил этилиб, унга 2894 бош совлиқ берилди. Қўйлар бўрдоқига боқилиб, улардан ҳам чала қўзилар олиниб, териси топширилди.[7.]

Иттифоқ қўй тери етиштириш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан бири бўлди. Қўй терилари намуналари доимий равишда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси (ВДНХ) да намойиш этиб турилди. 1959 йили Бойсун ва Шеробод районлардаги совхозларида етиштирилган маҳсулотлар кўргазмага қўйилди. Кўргазмада қоракўл қўйларни етиштириш жараёни, яйловлари, чўпонларнинг фотосуратлари ҳам намойиш қилинди. Шунингдек, кўргазмага қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Н.С.Гигинейшвили томонидан ихтиро қилинган платина ва бронза рангдаги қоракўл терилари ҳам намойиш этилди. Тажрибалар Қумқўрғон районидаги “Сайхон” совхозида ўтказилиб, бу турдаги қоракўл терилари Иттифоқда фақат мана шу хўжаликда тайёрланди.[8. 42-49]

1955 йил Ленинград аукционида 700 минг дона қўй терилари сотилди. Бу маҳсулотлар асосан, Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон республикаларида етиштирилган эди.[9.24-27бетлар.] 1956 йил Ленинград шаҳрида 27-Халқаро мўйна аукциони ташкил этилиб, унда турли-туман мўйналар билан бирга наслли қўйларнинг мўйналар савдоси қизғин бўлди. Аукционда 19 та давлатдан 119 та мўйна фирмаларининг вакиллари иштирок этди.[10.19-22.бетлар]

Аукционда 880 минг дона турли навдаги қўй терилари сотувга қўйилиб, унда Қозоғистон, Туркманистон қоракўл териларига нисбатан Ўзбекистон маҳсулотига хорижликлар катта қизиқиш билан қаради ва юқори баҳолади. Аукционда қозоққўй териларига умуман талаб бўлмади. Ўзбекистон хўжаликларида тайёрланган қўй терилари Туркманистон маҳсулотига нисбатан бир неча баравар юқори сотилди. Қўй терилари асосан Англия, АҚШ, Голландия, Финландия, Швейцария, Австрия, Швеция, Канада фермалари томонидан сотиб олинди.

Аукцион доирасида халқаро кўргазма ҳам ташкил этилиб, унда 900 минг қўй терилари намойиш қилинди. Кўргазмага қўйилган кулранг ва қора қўй териларининг 80 фоизи сотилди. Сур қоракўл терилари 9-12 доллар атрофида сотилди.[11.22-29 бетлар]

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг маълумот беришича, 1967 йил дунё бўйича йилига 20 млн. дона қўй терилари тайёрланган. Жаҳон бозорида эса 40-45 млн. дона қоракўл терига эҳтиёж мавжуд эди.[12. 7]

Иттифоқда жаҳон бозорлари талабидан келиб чиқиб, сифатли қўй териларини етиштиришни кўпайтиришга эътибор қаратилди. Наслли ва зотдор қўйларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш тадбирлари олиб борилди. Зотдор қўй териланпи ишлаб чиқариш мавсумий бўлди. Қўйчиликда асосий эътибор моддий, меҳнат, молиявий ресурслар ҳамда табиий бойликлардан имкони борича оқилона ва самарали фойдаланишга, ҳар бир хўжаликда энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаш эвазига қўй терилари маҳсулоти етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга қаратилди.

Қоракўлчилик маҳсулотлари учун нарх белгилашда маҳсулот етиштиришнинг ҳудудий

хусусиятлари ҳисобга олинмади. Ҳолбуки, чўл, чала чўл ва тоғ этаги зоналарида қоракўлчилик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш шароити, ҳамда ем-хашак ва меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси бир хил эмас эди, шу сабабли нархлар зона хусусиятларига қараб табақалаштиришни талаб этди.

Сурхондарё вилоятида 1966 йили бир дона қўй терилари етиштириш учун 9,5 рубль сарфланган бўлса, 1973 йили бу 17,6 рубл бўлди. Ўзбекистонда қўй маҳсулотининг таннархи республика бўйича ўртача даражадан анча паст бўлган кўплаб хўжаликлар фаолият олиб борди. Масалан, “Сайроб”, “Сайхон”, “Дарбанд”, “Коммунизм” совхозлар шулар жумласидандир. Бу хўжаликларда насли ва зотдор қўй териларнинг таннархи 13-14,5 рублдан, 1 центнер жуннинг таннархи 175-223 рублдан ва 1 центнер қўй гўштининг таннархи 60-65 рублдан ошмади.[]

1950 йил республикада 5 та наслчилик заводи бўлган бўлса, 1983 йилга келиб улар сони 8 та эди. Уларнинг ҳар бирида 75-80 минг бош қоракўл қўйлари боқилди. [13. 296-б]

XX асрнинг 60-йилларида хўжаликларнинг қоракўл тайёрлаш режаси ортиғи билан бажарилди. Масалан, 1969 йил Сурхондарё вилояти Қоракўлчилик тректи режа бўйича 222600 дона қўй териларини тайёрлаши лозим бўлиб, амалда 320194 дона тери давлатга топширилиб, режа 143,8 фоизга бажарилди.[14. 81-б]

Қоракўл териси қимматбаҳо экспорт товар ҳисобланади. Агар қўйларнинг 400 га яқин тури бўлса, фақат битта қоракўл туридан қимматбаҳо мўйна олинади. XX асрнинг 70 йилларида умуман қўйларнинг Туркманистонда 93 фоизини, Ўзбекистонда 84 фоизини, Қозоғистонда 20 фоизини қоракўл қўйлар ташкил этди.[15.]

Республика вилоятларида қоракўлчилик трестлари ташкил этилди. Масалан, 1977 йили Сурхондарё вилояти қўйчилик совхозлари трестига 15 та совхоз бирлаштирилди.[16. 3-5 бетлар] “Сайроб”, “Коммунизм”, “Вандоб”, “Сангардак”, “Сайхон”, “СССР 50 йиллиги”, “Ўзбекистон”, “Чорвадор” каби совхозлар шулар жумласидандир. Бироқ турли сабабларга кўра қоракўлчилик совхозларида тери тайёрлаш режаси тўла бажарилмади. Вилоятда 1978 йил режага нисбатан 29889 дона қоракўл тери кам етиштирилди.[17. 12-15 бетлар]

Шерободда 1966 йил район бўйича қоракўл тери 102, Пилла 105 фоиз, жун 109 фоиз, полиз 104 фоиз, сут 106 фоизга бажарилди.

1971-1975 йилларда Шерободнинг давлатга маҳсулот етказиб беришни қуйидаги рақамлардан ҳам кўришимиз мумкин.

| Йиллар | 1971 | 1972 | 1973 | 1974 | 1975 |
|---|---|---|---|---|---|
| Сут (тонна) | 1290 | 1430 | 1600 | 1690 | 1760 |
| Гўшт (тонна) | 270 | 280 | 300 | 310 | 310 |
| Жун (тонна) | 167,3 | 176,3 | 176,3 | 180,3 | 180,3 |
| қоракўл (тери минг дона) | 12,1 | 13,6 | 14,6 | 17,6 | 19,1 |

Сурхон воҳасида маълумки қўйнинг икки тури кўпайтирилиб, боқилган. Булар қоракўл (қоракўл териси етиштириладиган қўйчилик) ва думбали қўйлар. Сурхондарёда думбали қўйлар боқиш кенг тарқалиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд: қозиқи, жойдори, (қозоқи ва ҳисори қўй чатишмаси), ҳисори. Ҳисори қўйлар асосан Денов ва Бойсун туманларида кўп боқилган. Яйловларни табиий шароити ва фойдаланишига қараб қуйидаги турларга бўлинган, тоғ бағри ва чўл яйловлари, яъни пастки тоғ олди ва чўл зонаси районларидаги кузги-қишки-баҳорги яйловлар, ўрта тоғ районларидаги баҳорги-ёзги яйловлар, юқори тоғ районларидаги ёзги яйловлар.

Денов, Шеробод ва Бойсун туманларидаги тоғ олди ҳудудларида асосан энг кўп ёғ ва гўшт қиладиган ҳисори қоракўллар боқилиб, ёз ойларида тоғ зоналарига ҳайдалган. Бу қўйларнинг жуни қириқ, яъни дағал бўлган. Шеробод ҳудудида қўйларнинг бошқа турлари боқилиб, бу қўйлар: ислиқи қорақўй (ҳисори қорақўйларга қараганда кичикроқ, жуни ҳам майинроқ бўлган, қозоқи қўй ҳам деб аталган, ғалжаки (Афғонистон территориясидан ўтган), чибаланг (араби, қоракўл), кўрғўза (қозоқи ва чибалангдан урчиган) ва саржипаранг (Саржибой томонидан яратилган) турларга бўлинади.

Шундай қилиб, Сурхон-Шерobod воҳасида ота-боболаримиз асосан ҳисор қорақўй ва ислиқи қорақўйларни боқишган бўлиб, бу қўйлар тана ва думба тузилишига қараб хам турли хилда номланган. Масалан, капкирт думба, ойна думба, шалпи дума турларига бўлинган. Агар капкирт думба тури яхши боқилса думбасининг оғирлиги 30-35 кг гача етган. Ойна думбали тури кўпроқ танасига ёғ боғлаган. Шалпи думбали тури ҳам капкирт думбали турлича оғирликда ёғ берган, бироқ чорвадорлар бу турдан қўчқор танлашмаган. Сабаби, шалпи думбали ҳисори ва ислиқи қорақўйлар семиргандан кейин унинг юришини думбаси анчагина қийинлаштирган. Шунинг учун чўпонлар совуқларга бели ва бўйни узун, боши ва тумшуғи чўзинчоқ, капкирт думбали қўчқорларни танлашган ва бир қўчқорни икки йилдан ортиқ қўймаган. Бунда ота-боболаримиз кўп нарсаларни ҳисобга олишган. Қўзилаётган совлиқни азобламаслиги, наслнинг бузилиб, майдалашиб кетмаслиги, кўп гўшт ва ёғ қилишлиги ҳамда яйловларда қийналмай ҳаракат қилишлиги каби жиҳатлар эътиборга олинган. Ҳисори ва ислиқи қорақўйлар сурхон воҳасининг турли бекликларида иқлим шароити ва яйловлардаги ўт-ўланларнинг кучли ёки кучсизлигига, поримли (ёқимли) ёки поримсиз (ёқимсиз)лигига ҳамда боқилишига қараб турлича вазнда бўлганлар. Масалан, ҳисори қўйлар Денов ва Сариосиё ҳудудларида, Ҳисор тоғ бағирларида 180-200 килограммгача, ислиқи қорақўйлар эса 90-110 килограммгача гўшт-ёғ қилган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ҳисори ва ислиқи қора қўйларни асосан гўшти ва ёғи учун боқишган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар - Турсунов Сайпулло, Тўхтаев Абдиғани, Аннаева Зарифа, 146-147 бетлар
2. Собиқ Н.Боймуродов жамоа хўжалиги тарихи. –Термиз., 1994 йил, 26-б.
3. Турсунов С.Н, Қобилов Э.О. ва бошқалар. –Т., “Шарқ,” 2001 йил, 251- б.
4. Жарқўрғон ҳақиқати. 1974 йил, 3-февраль.
5. Жарқўрғон ҳақиқати. 1976 йил, 24-25 февраль
6. Валиев У. Давлатга сифатли қоракўл тери // Қизил Ўзбекистон 1960 йил, 8 апрель.
7. Эргашев А. Ҳам гўшт, ҳам тери. // Совет Ўзбекистон, 1965 йил 26 май.
8. Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1955. - №4. – С. 42-49.
9. Каннцепальский А.С. Качество каракуля совхозов и колхозов за 1954-1955 гг. // Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1956. - №1. – С. 24-27.
10. Каплин А.А. Итоги 27-го Международного пушного аукциона в Ленинграде // Каракулеводство и звероводство. – Москва.1956.- №6.–С.19-22.
11. Бойко Д.Ф., Канцепольский А.С. Ленинградский пушной аукцион и очередные задачи каракулеводства // Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1956. - №6. – С. 22-29.
12. Закиров М.Д. Каракул Узбекистана.–Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 7.
13. Зокиров.М. ва бошқалар. Қоракўлчилик. Тошкент.Ўқитувчи, 1983. – Б.296.
14. Абиркулов А. Проблемы размешения и развытия животноводства в Узбекистане.- Ташкент. Фан, 1984, –С 81.
15. Қашқадарё ВДА, 498-фонд, 1-рўйхат, 143”а”-иш, 21-варақ.
16. Жилякова В.С., Чепелева А.К. Основы каракульеводства. Алма-Ата. Кайнар. 1976. –С. 3-5.
17. Қашқадарё вилояти давлат архиви, 498-фонд, 1-рўйхат, 219-иш, 12-15 вар.

# ВОПРОСЫ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ КАДРОВ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНАХ ТУРКЕСТАНА

**Мирзаджанов Бахтиёр Тулкунович.**
PhD. Наманганский государственный
университет baht_mir@mail.ru.

Резюме: В статье рассматривается вопрос представления кадров из коренного населения в системе управления Туркестана, проявлявшаяся в начальный период в виде политики пренебрежительного отношения к коренным кадрам и их представлению в структурах управления, явившейся характерной чертой данного периода, что впервые выделено автором статьи на три этапа.

Ключевые слова: кадры, советская власть, Туркестан, коренное население, коренизация, управление.

Resume: Maqolada Turkistonning boshqaruv tizimida tub aholi vakillaridan iborat kadrlar vakilligi masalasi ko’rib chiqiladi, bu esa dastlabki davrda tubjoy kadrlarni mensimaslik siyosati va boshqaruv tuzilmalarida ularning vakili sifatida namoyon bo’ladi. birinchi marta maqola muallifi tomonidan uch bosqichga ajratilgan ushbu davrning xarakterli xususiyati.

Kalit so’zlar: kadrlar, sovet hokimiyati, Turkiston, tub aholi, mahalliylashtirish, boshqaruv.

Abstract: The article discusses the present frames of the indigenous population in the control system of Turkestan, manifested in the initial period in the form of policy neglect of indigenous personnel and their representation in governance structures, which were characteristic of this period that for the first time highlighted by the author in three stages.

Keywords: cadres, Soviet authority, Turkestan, indigenous population, korenization, management.

В истории кадровой политики советской власти в Туркестане и особенно в вопросах привлечения кадров из коренного населения немало нераскрытых событий и однобоких подходов.

Характеризуя положение в Туркестане после февральской революции 1917 года, Х.Адиб подметил, что, хотя «туркестанцы и начали превращаться в граждан», но они не возымели ожидаемого результата и не оправдали надежды и чаяния коренных народов [Khalid Adeeb, 2007, - P.141.]. Так на Первом этапе – периоде открытого игнорирования коренных кадров, была выдвинута идея создания органа высшей исполнительной власти - Совета народных комиссаров (СНК), формировавшегося из коалиции большевиков и левых эсеров и о вхождении кадров из коренного населения в которые не было и речи. Вместе с тем созданный этой коалицией Совет народных комиссаров Туркестанского края по существу остался инородным образованием в регионе, выступая в роли «агентов Центральной советской власти» [Кощанов Б.А., 1994, с.28.], в первоначальном составе которого, не были представлены представители коренных народов Туркестана. Председателем СНК был избран большевик Ф.Колесов[НАУз, ф.Р-25, оп.1, д.6, л.1.].

Так, при формировании СНК было решено в открытую не допускать представителей коренных народов с тем предлогом, что среди коренного населения «нет пролетарских классовых организаций» [Khalid Adeeb, 1966, -P.292.]. В итоге в состав СНК вошли 15 комиссаров[НАУз, ф.Р-25, оп.1, д.6, л.1.] (по профессии: четверо были рабочими, двое – учителями, 2 – врачами, 2 – военными, 1 – нотариус, 1 – секретарь, 1 – чертежник, 1 – табельщик, 1 – железнодорожный техник[Голованов А., 1991. с.84.].), в числе которых, не было ни одного представителя коренных народов. По мнению советских историографов, главной особенностью было то, что в силу социально-экономической и «культурной отсталости народов» республик региона [Тайны национальной политики ЦК РКП. 1992, с.33.], здесь как бы не было подготовленных руководящих кадров. А имеющиеся в то время немногочисленные местные кадры были ещё недостаточно опытными, «политически неразвитыми», не были знакомы с методами политической и организаторской работы. В этом, проявлялась явная великодержавная сущность шовинизма большевистской кадровой политики, встречавшаяся повсеместно на территории Туркестана. В

итоге Ташкентские советы стали исключительно представительством русских и европейских меньшинств Туркестана[Karasar A.H., 2002, - P.100.].

К примеру, в письме от 3 августа 1917 года[ФОГА, ф.121, оп.1, д.14, л.63.], Федченского (Кувинского) совета рабочих депутатов Скобелевскому уездному совету, указывалось о том, что Федченский Совет рабочих депутатов, обсудив вопрос в связи с выставленной кандидатуры «туземного населения на пост Кувинского Комиссара сарта» (фамилия которого им даже не была известна – в источнике также не упоминается – М.Б.), был против утверждения выдвигаемой кандидатуры «туземного» населения. И для не допущения выше указанного кадра из коренного населения утверждается, что «в интересах общественного спокойствия и благополучия и правильной постановки административного дела и справедливого отношения, к русскому населению» совет просил утвердить кандидата выставленного только ими, на пост Кувинского участкового комиссара, то есть подполковника А.Н. Уфимцева, место жительство которого находилось в городе Скобелеве[ФОГА, ф.121, оп.1, д.14, л.63].

Схожее явление можно было наблюдать и в Наманганском уезде. В целях противодействия попаданию, так называемых «нежелательных элементов» к власти Наманганский ревком пишет, что «благодаря мало подготовленности населения к новой форме правления, в волостные советы иногда проходят, нежелательные элементы. В силу этого придется кое-где произведенные выборы отменить, произвести перевыборы»[ НАУз, ф.Р-25, оп.1, д.254, л.157об].

На съезде городских самоуправлений Туркестанского края проходившего с 12 по 14 ноября 1917 года участвовало от Сырдарьинской области – 16, Ферганской области – 15, Самаркандской области – 14, города Ташкента – 10, от Закаспийской области и Новой Бухары – по 5 делегатов. От мусульманских организаций на данном заседании участвовали 26 человек (С.Акаев, Махмудов, Мир Азимов, Т.Норбутабеков и др.), на котором представитель от Самарканда с горечью подчеркнул, что: «…количественное соотношение туземного и европейского населения ненормально в отношении представительства во власти, европейцы повсюду лучше представлены» [Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар), 2019, б.54.].

Начиная с 1919 года актуализируются вопросы равного – пропорционального представления в органах власти представителей коренных народов края. Но особо важное место в деле при¬влечения к государственной работе представителей коренных национальностей имела радиограмма ЦК РКП (б) от 12 июля 1919 года ТуркЦИКу и крайкому РКП (б) Туркестана. В которой говори¬лось, что: «…в интересах полити¬ки рабоче-крестьянской власти на Востоке необходимо широкое пропорциональное привлечение тур¬кестанского туземного населения к государственной де¬ятельности, без обязательной принадлежности к партии, … избегать всяческих трений создающих антагонизм.» [Ферганский отдел ААП РУз., ф.1, оп.1а, д.83, л.4.; Там же, д.97, л.2.].

Ещё одним интересным моментом кадровой политики советской власти в Туркестане, является создание национальных секций. В Туркестане официальное оформление национальных секций РКП(б) начинается после VIII съезда РКП(б), состоявшегося в марте 1919 года (хотя чуть ранее при ЦК РКП(б) в ноябре 1918 года бы¬ло учреждено Центральное бюро мусульманских ком¬мунистических организаций народов Востока – Б.М.). В дни работы VIII съезда РКП(б) работала и II конференция Компартии Туркестана, рассматривавшая организационное оформление национальных секций РКП(б). В этой связи на конференции с докладом выступает Т.Р.Рыскулов [Устинов В.М., 1988, -С.7-8.], который и предложил создать специальное мусульманское бюро при Краевом комитете КП Туркестана для широкого привлечения представителей коренных народов во все сферы государственной деятельности. В итоге создаётся Мусульманское бюро коммунистической партии Туркестана (Мусбюро) - ставившее перед собой задачу защиты интересов коренных народов и усиления на неё влияния новой власти.

Одной из важнейших задач его стало «привлечение мусульманских работников к партийной и советской работе, объединение и распределение их по местам»[ ААП РУз., ф.60, оп.1, д.59, л.24.]. Мусбюро и его органы на местах играли важную роль в формировании кадров из представителей коренного населения[Айриева Н.А, 1973, -С.10.]. В него вошли Т.Рыскулов (председатель), Ю.Алиев, Д.Мухит¬динов, Н.Ходжаев и др. [Зиямов Ш.С., Нуруллин Р.А., 1988, –

С.33.]. На бюро возлагались организация и руководство партийной работой в нацио¬нальной части и среди коренного населения. Были образованы национальные секции - тюркская, киргизская, татарская, азербайд¬жанская, а также 4 отдела - дисциплинарно-просветительский, военный, редакционно-издательский и секре¬тариат[ААП РУз., ф.60, оп.1, д.200, лл.2-11.].

Был создан специальный аппарат сотрудников для работы в Мусбюро. Были определены и задачи Мусбюро, включающие следующее:

- широкая пропаганда среди представителей коренного населения идей советской власти;
- организация Советов, агитаторских курсов, школ и инструктирование агитаторов;
- выпуск газет, брошюр и других печатных изданий на языках коренных национальностей;
- воздействие на лояльную часть старой интеллигенции и привлечение ее к работе в советском аппарате;
- развитие пропаганды в сопредельных восточных странах;
- организация воинских частей из представителей местных национальностей и ведение в них культурно-просветительной работы;
- развитие народного просвещения среди местного населения Туркестана, реформа школ и их освобождение от религиозных воззрений[Каримов Р., 1974, -С.59-62.].

В резолюции Крайкома КПТ от 6 июля 1919 года были уточнены и функции Мусбюро. В административно-кадровом плане, оно имело своего председателя и секретаря, причем последний входил в секретариат Крайкома КПТ[ААП РУз., ф.60, оп.3, д.59, лл.24-25.].

На заседании Краевого Комитета КПТ от 7 июля 1919 года было утверждено «Положение о мусульманских национальных коммунистических секциях», состоявшее из 10 разделов. Вопрос укрепления влияния партии на Советы и борьба против всяких провокаций и агитаций антисоветского духа среди местной массы, а при надобности использование репрессивных мер через административную власть» выделялось в нем отдельным пунктом и также, отражалась и на кадровой политике[ААП РУз., ф.60, оп.3, д.159, л.73.].

Летом 1919 года мусульманские бюро начали создавать¬ся при партийных комитетах уездных городов в виде их отделов. Например, к концу 1919 года в Токмакском уезде число членов - киргизов, узбеков и других национальностей выросло до 1154 человек, в Пишпекском уезде - почти до 4000. Ташкентская старогородская организация за пять месяцев выросла с 60 человек до 1140. Старогородская организация Самарканда насчитывала около 1000 представителей[Иноятов Х.Ш., 1984, – Р.134.].

Особую роль в формировании Мусбюро играла Ферганская область. Здесь Мусбюро организационно состояло из семи представителей:

1. Р.Капкаев – представитель города Скобелева. 2. М.Сарымсаков – представитель города Ош. 3. И.Ахунов – представитель Скобелевского уезда. 4. Маджитов – представитель города Андижан. 5. Мухамеджанов – представитель станции Маргилан. 6. А.Макаев – представитель города Наманган. 7. Н.Тюракулов – представитель города Коканд. В Президиум Областного бюро входили: Р.Капкаев - председатель, И.Ахунов - тов.председателя и Н.Тюракулов - секретарь[Ферганский отдел ААП РУз., ф.1, оп.1а, д.98, л.6.].

Для агитации и привлечения в советские органы мусульманского населения области они были мобилизованы 23 мая следующим образом: Макаев и Ахунов были направлены в Асака, Федченко и Кува, Мазитов и Бирюлов (дополнительно к списку – Б.М,) в Андижан, Коканд и Наманганские уезды, а город Скобелев был поручен Капкаеву для организации и чистки мусульманских коммунистических коллективов. Кроме того, было велено запросить все мусульманские коллективы области в срочном порядке представить в Ферганское областное Мусбюро сведения о численности кадров[Мирзаджанов Б.Т., 2010, – С.79-83.].

Хотя Мусбюро способствовало дальнейшему, более широкому привлечению коренного населения к активному участию в управлении государством, подготовке и выращиванию кадров из коренных народов, но в результате её активной деятельности и постоянной мобилизации кадров нередки были случаи того, что в самой организации, чувствовался острый кадровый недостаток, о чем говорит и прошение от Феробмусбюро от 30 августа 1919 года об оставлении её кадров на своих местах[Ферганский отдел ААП РУз., ф.1, оп.1а, д.98, л.35.].

В деле подготовки кадров из коренного населения Мусбюро уделяло внимание вопросам

печати и изданию литературы на языках коренных народов Туркестана. В Самарканде на узбекском языке издавалась газета «Меҳнаткашлар товуши» («Голос трудящихся»), в Фергане - «Янги Шарқ» («Новый Восток»), в Намангане - «Эркинлик» («Воля»). Газеты на персидском языке издавались в Полторацке (Ашхабад) - «Садойи фуқаро» («Голос трудящихся») и Самарканде - «Шулаи Инқилаб» («Пламя революции») и т.д. [Каримов Р., 1974, – С.62].

Но впоследствии Мусбюро и многие её члены были обвинены в национальном уклоне и подвергнуты различным гонениям и репрессиям, а «… советская политика была направлена на уничтожение сохраняющегося буржуазного национализма»[ Казиев С.Ш., 2015, – С.32].

Заключить уместно словами Ли Сянчжуна, что «несмотря на реализацию политики «коренизации» в Средней Азии, местные народы по-прежнему оставались в меньшинстве, а русские преобладали, и такое положение вещей серьёзно не менялось и в последующие годы» [Ли Сянчжун, 2014, –С.43.].

## ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES


1. Karasar A.H. 2002. National identity and regional integration in Central Asia: Turkestan reunion. Dissertation for the degree of PhD in International relations. IESS Bilkent univ. – Ankara, 2002.
2. Khalid, Adeeb 1966. Tashkent 1917: Muslim Politics in Revolutionary Turkestan.// Slavic Review. Cambridge University Press. Vol.55, No.2. (Summer 1966).
3. Khalid, Adeeb 2007. The Fascination of Revolution: Central Asian Intellectuals, 1917-1927.// In Empire, Islam, and Politics in Central Eurasia. Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University, 2007.
4. Айриева Н.А., 1973. Деятельность компартии Туркестана по подготовке партийных и советских кадров (1918-1924гг.) Автореф.дисс.канд.ист.наук. - Ташкент, 1973. {Ayrieva N.A. Deyatelnost Kompartii Turkestana po podgotovke partiynix I sovetskix kadrov (1918-1924gg.) [Activity of the Communist Party of Turkestan for the training of party and Soviet cadres (1918-1924) Author’s dissertation of the Candidate of Historical Sciences.] Avtoref.disser. - Tashkent, 1973.}
5. Архив Администрации Президента РУз. (ААП РУз.): ф.2, оп.1, д.49, л.л.11, 12об., 16, 64.; д.78, л.д.1,3,3об.,4.; ф.58, оп.4, д.592, л.68.; ф. 60, оп.1, д.59, л.24.; д.200, лл.2-11.; д.310, л.л.1-5.; д.316, л.л. 7, 9, 11, 13, 15, 17, 19, 25, 34.; д.505, л. 14-16; д.4408, л.4.; д.3788, л.л.22-23.; д.4408, л.4.; оп.3, д.159, л.73.; ф.499, оп.1, д.363, л.1. {Archive Of The Administration Of The President Of The Republic Of Uzbekistan. (AAP RUz.):}
6. Иноятов Х.Ш., 1984. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. –Москва: Мысль, 1984. {Inoyatov X.Sh. Narodi Sredney Azii v borbe protiv interventov I vnutrenney kontrrevolyusii. [The Peoples of Central Asia in the Struggle against the Interventionists and the Internal Counter-revolution] - Moscow: Misl, 1984.}
7. Каримов Р., 1974. Мусбюро и его роль в распространении идей марксизма-ленинизма в советском Туркестане. // ОНУ №07, 1974. {Karimov R. Musbyuro I ego role v rasprostranenii idei Marxisma-Leninisma v sovetskom Turkestane. [Musbyuro and its role in spreading the ideas of Marxism-Leninism in the Soviet Turkestan.] // ONU No. 07, 1974.}
8. Кощанов Б.А., 1994. «Большевики в Туркестане. 1917-1922 гг. Доктрина и реальность». Автореф. дисс.док.ист. наук. – Москва, 1994. {Koshanov B.A. The Bolsheviks in Turkestan. 1917-1922. Doctrine and Reality». Abstract. diss.doc.ist. nauk. - Moscow, 1994.}
9. Ли Сянчжун, 2014. Плюсы и минусы политики «коренизации» СССР в 1920-е годы. // Ойкумена. 2014. № 1. {Lee Syanchjun. Plyusi I minus politiki «korenizasii» V 1920-e godi of the USSR. [Pros and cons of the policy of» korenization « of the USSR in the 1920s.] // Aykomena. 2014. № 1.}
10. Мирзаджанов Б.Т., 2010. Кадровая политика центра в Туркестане / Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва ҳозирги замон. - Тошкент, 2010. {Mirzadjanov B.T. Kadrovaya politika Centra v Turkestane [Personnel policy of Center in Turkestan] / National relations and tolerance in Uzbekistan: historical experience and present times. - Tashkent,

2010.}
11. Национальный архив Узбекистана (НАУз), ф.Р-17, оп.2, д.82, л.л. 1, 39, 40-41.; ф.Р-25, оп.1, д.6, л.1.; д.254, л.157об.; д.397, л.107.; ф.36, оп.1, д.54, л.л.6, 16.; д.151, л.л.15-15об. {National archives of Uzbekistan (NAUz)}
12. Тайны национальной политики ЦК РКП. 1992. Воспроизведено по тексту 1-го издания (Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик и областей в Москве 9-12 июня 1923 года. Бюро Секретариата ЦК РКП.) – М.: ИНСАН, 1992. {Secrets of national policy of the Central Committee of the RCP. Reproduced from the text of the 1st edition (The fourth meeting of the Central Committee of the RCP with the responsible employees of the national republics and regions in Moscow on June 9-12, 1923. Bureau of the Secretariat of the Central Committee of the RCP.) - Moscow: INSAN, 1992.}
13. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 2019. Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). – Т.: O'zbekiston, 2019. {History of Uzbekistan (1917-1991). The first book (1917-1939 ears). - T.: Uzbekistan, 2019.}
14. Устинов В.М. 1988. Зампред Совнаркома Российской федерации. - Алма-Ата: Казахстан, 1988. {Ustinov V.M. Zampred Sovnarkoma Rossiyskoy Federatsii. [Deputy Chairman of the Council of People's Commissars of the Russian Federation] - Alma-ATA: Kazakhstan, 1988.}
15. Ферганский областной государственный архив (ФОГА): f.121, оп.1, д.14, л.63; оп.2, д.12, л.27, 36-37об.; оп.2, д.20, л.л.1-3об.; д.147, л.л. 5-8.; д.156, л.д.1-8.; д.280, л.л.6-38.; д.526, л.л.4-27.; д.533, л.л.49-178.; д.528, л.л. 38-52.; д.529, л.л.1-8.; д.528, л.л. 38-52.; д.529, л.л.1-8.; д.531, л.л. 14-33. {Fergana regional state archive (FRSA)}
16. Ферганский отдел ААР RUz., f.1, оп.1а, д.83, л.4.; д.97, л.2.; , д.98, лл.6, 35.; д.155, л.7. {Ferghana Department of AAP RUz }

## XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЭҲТИЁЖ

**Курбанов Бахтияр Журабаевич,**
Наманган давлат университети
Тарих кафедраси катта ўқитувчиси
baxtiyarkurbanov2014@mail.ru

Аннотация: Мақолада XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда темир йўл линияларининг қайта тикланиши ва янги линиялар қурилишининг тарихий шарт-шароитлари, бундан асосан пахтачиликни ривожлантириш ва Марказнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини қондирилиши ҳамда иқтисодий хизмат мутахассисларининг ахборотлари эътиборга олинганлиги, қурилиши материалларининг етишмовчилиги, республиканинг иқтисодий имкониятлари каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Совет давлати, Йўллар Халқ комиссарлиги, Ўрта Осиё темир йўллари, темир йўл транспорти, Нозирлар Кенгаши, Иқтисодий Кенгаш

Аннотация: В статье рассмотрены исторические условия реконструкции железнодорожных путей и строительства новых линий в Узбекистане в 20-30-е годы XX века, в основном в освоении хлопка и удовлетворении потребности Центра в сырье, а также по информации специалистов экономической службы, освещается нехватка строительных материалов, экономические возможности республики и др. вопросы.

Ключевые слова: Советское государство, Народный комиссариат путей сообщения, Среднеазиатские железные дороги, железнодорожный транспорт, Наблюдательный Совет, Совет народного хозяйства.

Annotation: In the article explores the historical conditions of the reconstruction of railway lines and the construction of new lines in Uzbekistan in the 20-30s of the XXth century, mainly the development of cotton and the satisfaction of the Center's needs for raw materials, as well as

the information of economic service specialists, the lack of construction materials, the economic opportunities of the republic and etc. issues.

Keywords: Soviet state, People's Commissariat of Roads, Central Asian railways, railway transport, Board of Supervisors, Economic Council.

XX асрнинг 20-йилларига келиб Совет давлати қурилиши шароитида темир йўл хўжалигини тиклаш ишлари аввалгидек оддийгина усулда эмас, балки янги ижтимоий-иқтисодий омилларни синчиклаб ўрганиш ҳамда марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. Бузилган темир йўлларни қайта тиклаш билан бир вақтда Термиз – Душанба, Термиз – Гулистон (Амударёда), Фарғона – Қувасой, Андижон – Тентаксой темир йўли ва шохобчалари ҳам қурила бошланди. Жами 500 километр масофа йўл тикланди ва республика территориясида 265 километр янги темир йўл қурилди[1].

Темир йўл танспортини тиклаш ишлари ҳам сезиларли даражада жонланди. 1922 йилнинг охирига бориб Туркистон АССРдаги темир йўллар, йирик паровоз деполари ва темир йўл устахоналари тиклаб бўлинди[2]. Хилково, Саксаул ва Термиз-Жарқўрғон-Сурхон темир йўл тармоқларини қуришга киришилди. Биргина 1923-1924 йилларнинг ўзида Туркистон АССР территориясида 270 чақиримлик (бир чақирим 1,06 км) темир йўл қайта тикланди. 251 чақиримлик янги темир йўл қурилди[3].

БХСР Нозирлари Кенгашининг 1923 йил 20 декабрдаги йиғилишида Ўрта Осиё темир йўл магистралининг Бухоро станцияси орқали ўтказилиши ва Қарши – Ғузор темир йўлини қурилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Нозирлар Кенгаши Бухоро Республикаси халқ хўжалигини қайта тиклаш учун биринчи ўринда Қарши – Ғузор темир йўлини, иккинчидан, Керки – Термиз темир йўл қурилишини бошлашни муҳим ва заруРлигини ҳисобга олиб 1924 йилда ҳар икки линиядаги қайта тиклаш ишларини якунлаш учун сўралган маблағнинг 50 фоизини, яъни 1 миллион 250 минг рублни ажратишга қарор қилди[4].

Керкидан Термизгача ва Термиздан Душанбегача темир йўллар қуришда ЎзССР ва ТССРнинг иштироки тўғрисида хулосада келтирилишича, Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ҳузуридаги Иқтисодий бюронинг 1924 йил 23 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси вакиллари ушбу республикалар Термиз шаҳридан Душанбегача бўлган темир йўлни тиклаш харажатларининг 25 фоизини ўз маблағларидан ажратишга рози эканликларини билдирдилар. Агар СССР ва Афғонистон ўртасидаги савдо-сотиқ ва ҳарбий эҳтиёжлар учун бошқа турдаги йўл керак бўлса, унда Республика харажатларнинг ортиқча миқдорини қабул қила олмаслигини маълум қилди[5]. Бундан кўриниб турибдики, темир йўллар қурилишида республикаларнинг иқтисодий имкониятлари ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта Осиё темир йўлларининг иқтисодий хизмати ходимлари ҳар бир қайта тикланадиган ва янги қуриладиган темир йўл линиялари жойлашган районларни иқтисодий аҳволи ва имкониятларини синчиклаб ўрганиб чиққан. Масалан, 1924 йилда мазкур хизмат иқтисодчиси Полинский томонидан собиқ Қарши – Китоб темир йўл участкасини ўрганиш ишлари амалга оширилган. Полинскийга Қарши шаҳридан 42-46 верст масофада жойлашган Ғузор уезд шаҳригача борди. Ғузордан Китобгача бўлган йўл "босмачилар" хавфи остида бўлганлиги учун етиб бориш имконияти бўлмади. 1924 йил 5 февралда ахборотига кўра, текширув натижалари қуйидаги кўринишда тақдим этилди: Ғузор тумани Қарши станциясидан 45 верст масофада жойлашган. Собиқ Манғит станцияси ўз номини Ғузор уездининг Оқ-Манғит кенти ёки волости номидан олган. Мазкур уезднинг бир қисми ва айнан жанубий-ғарбий қисми Қарши темир йўл линиясига хизмат қилади. Шимолий қисми эса, яъни Самсоново станцияси иқтисодий муносабатларда Қарши – Китоб участкасига боғлиқ ҳолда фаолият олиб боради[6]. Кўриб чиқилаётган район ёз ойларида Қарши уездининг ғарбий қисми қуриб қоладиган Қашқадарё дарёси ҳавзасида жойлашган. Мазкур ҳудудда асосан буғдой ва гуруч етиштирилади. Ҳосилнинг миқдори ҳақида аниқ маълумот йўқ. Бундан ташқари, пахта ва маҳаллий тамаки экилади. Урушгача бўлган даврда пахтачилик тез ривожлана бошлади. Лекин, инқилоб даврида унинг миқдори камайди. Айни пайтда Госторг пахтанинг 1918 йил ҳосилини Афғонистонга олиб чиқиб кетилаётганда қўлга олинган эски заҳираларини йиғиштирмоқда. Бозор-

ларда қишлоқлардан йиғиштириб олинган унча катта бўлмаган миқдордаги пахта уруғлари сотилмоқда. Ўз вақтида пахтачиликни ривожлантириш бўйича тарғибот ўтказиш ажойиб натижаларга олиб келиш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Лекин афсуски мазкур районда пахтачилик комитети мавжуд эмас. Боғдорчилик маҳаллий аҳолининг севимли иши. Китоб атрофида олма, нок, анорлар учрайди. Лекин бу районда боғлар умумий олганда кам. Бироқ, токзорлар маҳаллий аҳолининг фахри бўлиб, узум эса Бухоро бўйича энг яхшиси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги темир йўл бўйича қуйидаги маҳсулотларни ташиш имконини беради: ишлов берилаётган майдонларга қараганда, 500 минг пуд буғдой, 10 минг пудгача гурунч, 2 минг пудгача тамаки, 20-20 минг пуд атрофида мевалар. Бундан ташқари, ҳосилсизлик жуда кам учрайди ёки умуман бўлмайди[7]. Мазкур соҳалардан ташқари чорвачилик, асаларичилик, ипакчилик, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, кончилик, савдо ва бошқа соҳалар ўрганилди. Маҳаллий аҳолида фабрика-завод маҳсулотларига эҳтиёж мавжуд. Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, аҳоли темир йўл ўтказилишидан жуда ҳам манфаатдор[8]. Ахборотдан кўриниб турибдики, Марказ аввало ҳудудларда пахтачиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиб кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги темир йўл линияларини ўтказиш ишларини амалга оширишни режалаштирди.

Инженер Алексинскийнинг “Военная мысль” журналининг 1925 йил 1-сонидаги “Туркистонда темир йўл қурилиши” номли мақоласида қайд этилишича, Туркистон ўлкасида янги линияларни қурилиши маҳаллий бойликларни эксплуатация қилиш учун ва биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришни таъминлаши керак. 1924-1925 йилларда пахта экин майдонининг катта ҳажмда қисқартирилишида тўпланган тажриба шуни кўрсатдики, қимматбаҳо пахта ўсимлигини экиш учун аҳолини аввало ғалла билан таъминлаш зарур. Пахтачиликни ривожлантириш учун ўлкани ғалла олиб келиниши мумкин бўлган вилоятлар билан боғлаш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда Еттисув линиясини қурилишини якунлаш керак. Еттисув йўлини Верний шаҳрига тезроқ олиб бориш учун барча чораларни кўриш лозим[9]. Бу ўринда пахтачиликни ривожлантириш, унинг миқдорини ошириш ҳамда тайёр пахта хом ашёсини темир йўл транспорти ёрдамида ташиб кетилишини жадаллаштириш орқали совет ҳокимиятининг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш асосий мақсадлардан бири бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Меҳнат ва мудофаа советининг қарорига кўра, 1925-1926 йилларда Ўрта Осиёда транспорт соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, Йўллар халқ комиссарлиги сметасига асосан қуйидаги маблағлар ажратилди: Термез-Душанбе линияси қурилиши учун уч млн сўм, Андижон-Қўқонқишлоқ линиясини тиклаш учун 400 минг сўм, лойиҳалаштирилаётган Самарқанд-Ургут-Панжикент тармоғининг иқтисодий ва техник қидириш ишлари учун 11 минг сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари Йўллар халқ комиссарлигига харажатларини қоплаш учун Когон-Қарши-Китоб линияси қурилишини тугаллашга Ўзбекистон ССРнинг 1925-1926 йилдаги бюджетига 300 минг сўм киритиш белгиланди[10].

1926 йил 9 майда Туркхлопка, Буххлопка, Хорхлопка ишлари бўйича бирлашган ликвидацион комиссия бошқарувининг йиғилишида Йўллар Халқ комиссарлиги томонидан Ўрта Осиёда қурилиши режалаштирилган темир йўл линиялари, жумладан, Андижон-Қўқон-қишлоқ тармоғини қурилиши муҳокама қилинди. 13-йўл участкасининг берган хабарига кўра, бу қурилиш учун кредит ажратилган, Андижондаги омборда қурилиш материаллари жамғарилган, лекин қурилиш ишлари ҳарбий темир йўл комиссиясини келишини кутиб бошланмасдан турган. Қўқон-қишлоқда йиллик юк айланмаси 1.800.000 пудни ташкил қиладиган пахта тозалаш заводи мавжуд эди[11].

1928 йил 1 октябрдан бошлаб, мамлакатда биринчи беш йиллик (1928-1932 йиллар) режасини бажаришга киришилди. 1929-1932 йилларда Қизилқия ва Кўкёнғоқ каби янги кўмир конларини ўзлаштириш, Фарғона водийсида пахта майдонининг кенгайиши, Бўзсув ГЭСи қурилиши, ирригация иншоотларининг ишга тушиши, Мирзачўлни ўзлаштириш, республика шаҳарларида янги ўқув юртларининг очилиши, аҳолининг моддий ва маданий ҳаёт даражасининг кўтарилиши, янги шаҳарларнинг бунёд этилиши йўловчилар ташиш ишига анча ўзгариш киритди[12].

Янги темир йўл участкаларини қуриш ишлари давом эттирилди. 1924 йилдан 1928 йилгача бўлган давр ичида 37 километр узунлигида Марғилон – Қизилқия участкаси, 274 километр узунлигида Қарши – Китоб участкаси, Амударё – Сурхон, Андижон – Тентаксой ва бошқа участкалар қурилди. Йўлларни тиклаш ва янги йўллар қуриш билан бир қаторда, темир йўл транспортини техника билан таъминлаш ишлари ҳам амалга оширилди[13].

Маълумки, собиқ Иттифоқнинг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 5 йиллик режалари иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби транспорт соҳасини ҳам тўлиқ қамраб олди. Йўллар қурилишининг дастлабки беш йиллик режасига кўра қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилди: Термиз-Душанбе-Кофарниҳон темир йўл участкасининг қурилиши Ўрта Осиё ва СССРни Тожикистон маркази билан боғлайдиган линиянинг охири сифатида беш йиллик режанинг келгуси йилларида тугатилиши ҳамда молиялаштиришни ЎзССР Давлат режалаштириш комиссияси беш йиллик режанинг дастлабки 3 йилида амалга ошириши лозимлиги белгилаб берилди. Ушбу йўл йўқлиги сабабли Тожикистон СССРнинг саноат ҳудудларидан узилиб қолган эди. Тошкент-Пскент-Қўқон йўлининг қурилиши тўғридан-тўғри Фарғона-Москва йўли сифатида, Тошкент-Урсатьевская иккинчи йўлига параллел равишда биринчи ва долзарб аҳамиятга эга. Бухоро-Ғиждувон-Қизилтепа, Федченко-Шаҳрихон, Андижон-Чинобод-Балиқчи ва Сирдарё-Пахтаорол кириш йўллари умумий узунлиги 161 км ва умумий қиймати 6,5 миллион рубль бўлиб, бой пахта районларига хизмат қилади. Иккинчи ва учинчи йўллар октябрь тўнтаришидан олдин ҳам мавжуд бўлган ва Фарғонадаги босмачилик даврида вайрон қилинган эди. Самарқанд-Панжикент-Кштут йўли кўмир районига хизмат қилади. Кштут кўмири сифат жиҳатидан ўрта Осиёдаги энг яхши кўмир ҳисобланади[14]. Беш йиллик якунида қуриб битказиладиган темир йўлларинг умумий узунлиги 1074 км ва сармоя суммаси эса 62,9 млн рублни ташкил этди[15].

Мамлакатнинг бошқа иқтисодий районлари билан алоқаларни ҳар томонлама кучайтириш, мавжуд табиий бойликлардан унумли фойдаланиш мақсадида янги темир йўллар қурилди. 1928 йилда Қувасой – Қизилқия ва 1932 йилда Жалолобод – Кўкёнғоқ темир йўллари қурилди. Бу йўллар кўмир конларини ишга солиш ва улардан фойдаланиш имконини берди. Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантириш учун Асака – Шаҳрихон ва Қорасув – Ўш каби унча узун бўлмаган темир йўл шохобчалари қурилди[16].

Хоразмда йўл қурилиши тўғрисидаги масала энг муҳим масалалардан бири эди. Хоразмда пахта майдонининг йилдан-йил кўпайиши, эҳтиёжларининг ўсиши билан бирга унга мол киргизиш (саноат моллари, бинокорлик материаллари, ғалла ва бошқалар) ва мол чиқариш (пахта, қоракўл, пилла, мой ва бошқалар) ишлари ҳам ўсиб борди. Хоразмда ишлаб турган транспорт (пароходлар, қайиқлар, автомобиллар, аэропланлар) унда юк ташишни ва саноат ҳамда маданият марказлари билан муносабатни керагича таъмин эта олмади. Хоразмнинг юк ташиш айланмаси йилдан-йилга кўпайиб борди, 1931 йилда Амударёда юк ташилиши бир ярим баробар кўпайди, аммо юк ташиш асбоблари эса 1930 йилги миқдорда эди. Шуни кўзда тутиб, Хоразм район конференциялари ўз қарорларида Чоржўй – Урганч темир йўлининг қурилишини тезлатишни талаб қилдилар. Бу темир йўлининг қурилиши сув таъминоти масаласини (бинокорлик материалларини ўз вақтида келтириш – Б.К) ва умуман бутун Хоразмни қайтадан қуриш масаласини ҳам ҳал этди. Фарғонадан кейин энг катта пахта районларидан бири бўлиб саналган Хоразмни темир йўл билан таъмин этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди[17].

Ўрта Осиёда темир йўл қуриш бўйича район бошқармаси 1929 йил 7 октябрда иш бошлади. 1929-1930 йиллардаги дастлабки дастурлар қуйидаги линияларни қуриш учун режалаштирилган эди: Чоржўй-Урганч, Душанбе-Қўрғонтепа, Чимкент-Тошкент-Ковалёвская, Мельников-Шўроб, Бағиш-Кўкёнғоқ, Андижон-Чинобод. Бундан ташқари, ушбу объектларнинг ҳеч бири тайёр тасдиқланган ҳолатда эмас эди. 1930 йил феврал ойининг охирида дастур ўзгартирилди. 30 мартда Чоржўй-Урганч линиясидаги ишлар 60 км масофага бажарилди, Ўш- Қорасув линиясида изланишлар тугалланди ва қурилиш ишлари бошланди. Бундан ташқари, Кўкёнғоқ тармоғида ҳам участка ташкил этишга киришилди. 1930 йил 1 апрель ҳолатига Мелников-Шўроб йўлининг 26 км, Бағиш-Кўкёнғоқ йўлининг 10 км, Учқўрғон-Норин йўлининг 27 км, Қорасув-Ўш йўлининг 22 км, Шахрихон-Чинобод йўлининг 22 км, Сирдарё-Пахтаорол

йўлининг 16 км масофаси қуриб битказилди[18].

1931 йилда Семипалатинск – Олмаота – Луковая темир йўлининг ишга туширилиши Ўзбекистонда, айниқса пахтачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Луговая темир йўли 1916 йили Арис темир йўли билан уланган эди. Амалга оширилган ана шундай тадбирлар туфайли 1940 йилга келиб республикада темир йўллар узунлиги 1910 километрга етди[19].

Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг 1935 йил 15 майдаги қарорида келтирилган маълумотларга кўра, 1930 йилда 22,53 км узунликдаги Шахрихон-Чинобод темир йўл линиясини қуриш бошланди, унинг тахминий қиймати ўша йилги нархларда 1. 430. 000 рублга тенг эди. Режалаштирилган ишлар сонидан кенглиги 4,60 м бўлган ер ишлари ва сунъий иншоотлар 100 фоизга, Шахрихон станциясидаги турар-жой бинолари қурилиши 80 фоизга амалга оширилди. Амалга оширилган харажатлар миқдори 949,000 рублни ташкил этди. 1931 йилдан бошлаб, темир йўл йўлни ётқизиш учун рельс йўқлиги сабабли иш тўхтатилди. Мавжуд бўлган маълумотларга кўра, 1935 йилда ҳам, келгуси йилларда ҳам қурилишни давом эттириш кутилмайди. Ушбу йўналиш собиқ Ўрта Осиё темир йўл қурилишининг иш режасига Бош пахта қўмитаси (Главхлопком) талабига биноан киритилганлиги сабабли, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси унинг консервациясини ўз зиммасига олган ҳолда бажарилган ишларни пахта саноати эҳтиёжлари учун фойдаланиш таклифи билан мурожаат қилди[20]. Бундан кўриниб турибдики, темир йўллар қурилишида рельслар ҳамда қурилиш материалларининг етишмовчилиги лойиҳаларнинг тўхтаб қолиши ёки бутунлай тугатилишига ҳам олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонла қайта тикланган ва янги қурилган темир йўл линиялари аввало Марказ манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб борилди. Ўрта Осиё темир йўллари бошқармасида алоҳида иқтисодий хизмат ташкил этилиб, унинг мутахассислари ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларини синчиклаб ўргандилар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Заҳриддинов Ғ.З. Ўзбекистонда пассажирлар ташишнинг ўсиши. – Тошкент: Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, 1969. – Б. 8.
2. Каримов Р. Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. –Тошкент: Фан, 1981. 25-бет.
3. Каримов Р. Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. –Тошкент: Фан, 1981. 26-бет.
4. ЎзМА, 1621-фонд, 2-рўйхат, 57-йиғма жилд, 175-варақ.
5. ЎзМА, Р-88-фонд, 1-рўйхат, 372-йиғма жилд, 184-варақ
6. ЎзМА, 1621-фонд, 2-рўйхат, 57-йиғма жилд, 28-варақ.
7. ЎзМА, 1621-фонд, 2-рўйхат, 57-йиғма жилд, 29-варақ.
8. ЎзМА, 1621-фонд, 2-рўйхат, 57-йиғма жилд, 30-варақ.
9. ЎзМА, Р-1621 фонд, 2-рўйхат, 44- йиғма жилд, 176-варақ.
10. ЎзМА, 1621-фонд, 2-рўйхат, 108-йиғма жилд, 1-варақ.
11. ЎзМА, 1621-фонд, 2-рўйхат, 108-йиғма жилд, 19-варақ.
12. Заҳриддинов Ғ.З. Ўзбекистонда пассажирлар ташишнинг ўсиши. – Тошкент: Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, 1969. – Б. 9.
13. Убайдуллаев И., Аброров З., Захритдинов Ғ. Ўзбекистон транспорти. – Т.: Ўзбекистон КП МК нинг нашриёти, 1969. – Б. 6.
14. ЎзМА, Р-1-фонд, 1-рўйхат, 622-йиғма жилд, 2-варақ
15. ЎзМА, Р-1-фонд, 1-рўйхат, 622-йиғма жилд, 3-варақ
16. Хўжаев С. Ўзбекистонда транспортнинг ривожланиши ва аҳамияти. – Т.: Ўзбекистон, 1970. – Б. 36.
17. Охунбобоев Йўлдош. Танланган асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1976. – Б. 304.
18. ЎзМА, 2585-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 3-варақ.

Хўжаев С. Ўзбекистонда транспортнинг ривожланиши ва аҳамияти. – Т.: Ўзбекистон, 1970. – Б. 36.

# МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ВА УНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ЯРАТИЛИШИ

**Шаманова Зарина Ураловна,**
Сурхондарё вилоят юридик
техникуми ўқитувчиси

Аннотация: Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш жараёнида экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштириш ва унинг қонунчилик асослари яратилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Таянч сўз ва иборалар: Экоҳаракат, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, биологик хилма-хиллик, экологик тарбия, қонунчилик.

Аннотация: В первые годы независимости в процессе организации и охраны особо охраняемых природных территорий в Узбекистане особое внимание уделяется вопросам совершенствования экологического образования и воспитания и создания его правовой базы.

Ключевые слова и фразы: Экодвижение, особо охраняемые природные территории, биологическое разнообразие, экологическое образование, законодательство.

Abstract: In the first ears of independence, in the process of organizing and protecting protected natural areas in Uzbekistan, special attention is being paid to the issues of improving environmental education and education and creating its legal basis.

Key words and phrases: Eco-movement, protected natural areas, biological diversity, environmental education, legislation.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш жараёнида типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш, табиий жараёнларни ўрганиш, атроф табиий муҳит мониторингини олиб бориш, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу борада 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги[1] Қонуни қабул қилинган эди. Мазкур қонунчилик асоси табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий шаклининг ривожланишини етарлича таъминламас эди. Шу сабабли 2004 йил 3 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Янги қонун қабул қилиниши билан уни янгилаш ва такомиллаштириш режалаштирилиб, республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яхлит бир тизимдан иборат бўлиши, у охир-оқибат биохилма-хилликни узоқ вақт сақлаб қолишни таъминловчи узлуксиз экологик занжирга айланиши мақсад қилинди.

Шу жиҳатдан республикамизда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик сиёсати юритиб келинмоқда. Чунончи, 1995 йилда барқарор тараққиёти учун табиатни муҳофаза қилиш ва биохилма-хил ресурсларини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга бўлган Халқаро биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияга (Рио-де-Жанейро) қўшилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан Бонн Конвенцияси (Бонн, 1998), Рамсар Конвенцияси (Рамсар, 1992), Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (Вашингтон, 1997), яқин ва узоқ хориж давлатлар билан табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро битимлар имзоланди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган табиий ва маданий бойликларни ҳимоя қилиш ва сақлаш масъулиятини

белгилаб берадиган «Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги[3] Конвенциясига қўшилиши ўзига хос аҳамиятга эгадир. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозими, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги, «Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ жойлар тўғрисида»ги ва яна бир қатор конвенциялар бўйича Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини амалга ошириш бўйича йўналишларини кучайтирди.

1998 йил республикада Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Бу стратегиянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат умумий майдонининг 10% гача қисмини қамраб олувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барқарор тизимини ташкил қилиш ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий ер майдони 23,4 минг км 2 бўлиб, умумий ер майдонининг 5,2%ни ташкил этади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг энг қатъий тартибли тури бу давлат қўриқхоналари бўлиб, муайян ўсимлик, ҳайвон турлари ва экотизимларни ҳимоялаш учун ташкил қилинган доимий амал қиладиган муҳофаза этиладиган зоналар ҳисобланади. Уларда ҳар қандай хўжалик фаолияти тақиқланган. Республиканинг Чотқол, Бадай-тўқай, Ҳисор, Зомин, Зарафшон, Қизилқум, Нурота, Сурхон, Китоб каби қўриқхоналарида кўплаб Қизил китобга кирган ҳайвон турлари: хонгул, морхўр, северцов қўйи, кўк суғур, Туркистон силовсини, йирик йиртқич қушлар, ҳашаротлар муҳофаза қилинади. Шулар билан бир қаторда Угом-Чотқол давлат табиат миллий боғи, Зомин миллий боғи ҳамда ўндан ортиқ табиий питомниклар ва давлат буюртмахоналари ҳам ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳаётимизнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимининг ҳуқуқий асоси бўлган қонунлар мазмун моҳиятини чуқур ўрганган ҳолда, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идораларининг, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу даврга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятни ошириш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Шунингдек, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари парламентдаги сиёсий партия фракциялари, қўмиталари томонидан ташкил этилган қонун ижодкорлиги, парламент эшитувларида, назорат таҳлилларида, давра суҳбатларида, семинарларида ўз фикр - мулоҳазалари, таклифлари билан ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида муйаян ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Чунки, атроф муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни мутаносиб равишда ҳал этиш кўп жиҳатдан соҳага оид қонун ҳужжатларининг ҳолати ва уларни босқичма-босқич такомиллаштирилишига, шунингдек, экологик сиёсатнинг барқарор ва муваффақиятли олиб борилишига боғлиқдир.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ўтган чақириқда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунларида жумладан, республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яхлит бир тизимдан иборат бўлиб, у биохилма-хилликни узоқ вақт сақлаб қолишни таъминловчи узлуксиз экологик занжир эканлигига алоҳида эътибор қаратиб «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги мавжуд коллизиялар, номувофиқликлар ва ҳаволаларни аниқлаш бўйича бир қатор таҳлилларни амалга оширдилар. Натижада Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ амалдаги 15 та қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (2, 45, 47, 48-моддалар), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (64, 67, 68, 69-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (202, 204-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (82, 261, 284-моддалар), «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни (10 модда), Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низоми (12-13 бандлари), «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (11, 23-моддалар), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (30-модда), Ер кодекси (5, 8, 12, 25, 29, 59, 9-боб номидаги, 71, 72, 73, 74, 75, 79, 86, 87-моддалар), «Ўрмон тўғрисида»ги (11, 15, 21, 26, 27-моддалар), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (11-модда), «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонунлари (5, 6-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (6, 7, 29, 41, 47, 53-моддалар), «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни (22-модда), Солиқ кодексининг (282-модда) моддалари Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунларидир. Мазкур қонунда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган 15 та қонунларни ўзаро мантиқий боғлаган ҳолда қайта кўриб чиқилиб, уларда ҳам фойдаланилган тушунча ва атамаларни турлича талқин этилишини истисно этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўллаш, қонунчилик нормалари ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонун бўйича, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган 15 та қонун ҳужжатлари бир-бирини ўзаро тўлдириб туриши, на фақат Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни билан ҳам мантиқий тузилиши уларнинг мазмуни билан узвий боғлиқлигини ҳам инобатга олинди. Бу эса алоҳида қонунлардаги мавжуд номувофиқликларни, қарама-қаршиликларни бартарф этишни таъминлайди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда бу соҳадаги давлат дастурларини бажаришда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол иштирокини таъминлашга, уларнинг бу соҳадаги, роли ва ўрнини аниқлашга йўналтирилган ҳуқуқий асосни яратиш зарурати туғилди. Бу борада Муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис қўшма палаталарининг йиғилишидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзуидаги маърузасида белгилаб берилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилганлиги долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, ушбу қонун атроф муҳит ҳамда фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, қолаверса, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда фуқаролар ўзини - ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг иштироки ҳамда назоратнинг самарали тизимини яратиш, чунончи, унинг ажралмас устувор йўналиши бўлган жамоатчилик экологик назорати институтини ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир шахснинг вазифаси бўлишишига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастурига мувофиқ Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси экологик қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган қонунларни халқаро амалиёт ва андозаларга мос бўлишини таъминлаш, улардаги зиддиятларни, “оқ доғ”ларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида бевосита атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасига оид 30 га яқин қонунлар ва 150 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, ўрганиб чиқилди.

Қонун ташаббускорлиги фаолияти тартибида 10 та қонун лойиҳалари, шу жумладан, 3 та янги қонун (“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги, “Экологик суғурта тўғрисида”ги, “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги), 6 та амалдаги қонун ҳужжатларини («Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда); «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда); «Чиқиндилар тўғрисида»ги; «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги) такомиллаштириш ва 1 та экологик қонунлар талабларини бажарилишини таъминлаш механизмини шакллантириш борасида ишлар амалга оширилди.

Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг жойларда ижроси қандай бажарилаётгани юзасидан 6 та назорат таҳлил тадбирлари ташкил этилди. Жумладан, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида Ўзбекистон Республикаси “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда Наманган вилоятида “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунларнинг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганилди. Шунингдек, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ташаббуси билан 2015 йилнинг 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг «2013 – 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурида назарда тутилган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларида таълим доирасидаги қонунчиликни ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш бўйича тадбирлар амалга оширилишининг бориши тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, шу жумладан, қўриқхоналар ва миллий боғлар тизимини кенгайтириш ҳамда ривожлантириш имконини бериши шубҳасиздир. Экологик қонунчиликни янада такомиллаштириш, аҳолини, жамоатчиликни атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишига янада кенгроқ жалб қилиш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишлари ва мезонларига қатъий амал қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 йил 7 май.

2. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2004 йил 3 декабр.

3. «Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конвенцияси.

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ВА ДИНИЙ СИЁСАТ: ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аллаёрова Саёҳат Ўраловна,**
Сурхондарё вилояти юридик
техникуми ўқитувчиси

Аннотация: Мусулмон аҳолиси диний ҳаёти масалалари, умуман олганда совет ҳукмронлиги даврида ислом динининг аҳволи мавзуси XX аср Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади ва шубҳасиз, бу билан маҳаллий тадқиқотчи-исломшуносларнинг эътиборини жалб этиб келган.

Калит сўзлар: Совет давлати, “совуқ уруш ҳолати”, советшунослик, ислом дини, Ғарб тадқиқотчилари, “махфий” ислом мавзуси.

Аннотация: Вопрос о религиозной жизни мусульманского населения, о состоянии исламской религии в период советской власти является одним из актуальных вопросов истории Уз-

бекистана в ХХ веке и, несомненно, привлек внимание местных исламских исследователи.
Ключевые слова: советское государство, «ситуация холодной войны», советоведение, исламская религия, западные исследователи, «тайная» исламская тема.
Abstract: The issue of the religious life of the Muslim population, the state of the Islamic religion during the Soviet rule, is one of the topical issues of the history of Uzbekistan in the 20th century, and it has undoubtedly attracted the attention of local Islamic researchers.
Key words: Soviet state, «Cold War situation», Soviet studies, Islamic religion, Western researchers, the subject of «secret» Islam.

XX асрнинг 40-80 йилларида – "совуқ уруш ҳолати" деб аталган икки сиёсий қутб қарама-қаршилиги даврида ислом тадрижий тараққиёти масалалари, бир-биридан ўз ёндашувлари, жараёнларни баҳолаши, тадқиқот объекти, методологик жиҳатлари ва бошқа хусусиятлари билан тубдан фарқ қилувчи, совет ҳамда ғарб мутахассис-тарихчиларининг диққат-эътибори марказида бўлиб келган. Ғарб инглиз-америка тарихшунослигида XX аср иккинчи ярмидан бошлаб ушбу йўналишда салмоқли илмий-назарий ва амалий ўсиш кузатилади ва бу ҳолат маҳаллий тарих фанимизда бугунги кунгача етарли даражада очиб берилмаган.

Инглиз-америка тарихшунослигида Марказий Осиёни бир тизимга солинган ва мақсадли тадқиқотларнинг юзага келиши Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги ҳодисалар билан бевосита боғлиқ бўлиб, "Совуқ уруш ҳолати"нинг юзага келиши натижасида Ғарб илмида алоҳида бир академик фан соҳаси бўлган – советшунослик пайдо бўлди ҳамда унинг асосий вазифаси Собиқ иттифоқни комплекс тарзда ўрганишдан иборат бўлди. Ушбу фаннинг асосий йўналишларидан бири сифатида ислом динининг турли масалалари ва совет давлатининг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларидаги, хусусан Марказий Осиёда совет ҳукмронлигининг турли йилларида кечган тадрижий тараққиётининг тадқиқ этилишини кўрсатиш мумкин. Натижада, советшунослик фани доирасида махсус йўналиш юзага келган ва у таниқли америкалик тадқиқотчи-исломшунослардан бири бўлган Девин ДеУиз томонидан "советшунос-исломшунослик" деб номланган.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги ҳодисалар икки бир-бирига қарши бўлган сиёсий тузум ўртасидаги зиддиятларни ҳамда ўша пайтдаги иккита энг йирик давлат бўлган Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги яширин "кимўзарликни" янада кескинлаштириб юборган. Тарихда ушбу давр "совуқ уруш даври" номини олган бўлиб, унинг характерли жиҳати бир томондан Совет Иттифоқи ва унинг тарафдорлари ҳамда иккинчи томондан АҚШ ва унинг тарафдорлари ўртасидаги 1940 йиллар ўрталаридан бошлаб, то 1990 йилларнинг бошларигача, яъни СССР тарқалиб кетгунига қадар давом этган геосиёсий, иқтисодий ва мафкуравий кураш ҳисобланади.

Айнан шу даврга келиб, СССРни коплекс тадқиқ этишга ихтисослашган, АҚШ ва Ғарбий Европада тараққий этган илмий тадқиқот йўналиши – советшунослик юзага келган. Советшунослик – ўзига хос универсел илмий йўналиш бўлиб, асосан "совет феномени"нинг барча жараёнларда қандай намоён бўлишини ўрганиш билан шуғулланган ва шундан келиб чиққан ҳолда бир неча тармоқларга бўлинган.

Советшунослик тизимида СССРнинг анъанавий мусулмон минтақаларида, хусусан Марказий Осиё республикаларида исломни ўрганишга алоҳида аҳамият берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда ислом ва диний сиёсат ҳар доим Ғарб тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиб келган ва ҳозир ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ғарб тадқиқотчиларининг Марказий Осиёни ўрганишга фаол қизиқишларининг яна бир сабаби, шубҳасиз, геосиёсий омилларга ҳам бориб тақалади. Ғарб тадқиқотчиларининг ушбу минтақага яна бир қизиқишлари сифатида шуни кўрсатиш мумкинки, Марказий Осиё собиқ Совет Иттифоқининг ҳудудлари ичида туб аҳолисини европаликлар ташкил этмайдиган, асосий аҳолисининг катта қисми келиб чиқиши туркийларга бориб тақалувчи халқлардан иборат бўлган ягона қисми ҳисобланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мусулмон Ўрта Осиёсида Россияга қарши ҳаракатларнинг юзага келиши ва улар СССР га хавф солиши мумкинлигини илмий башорат қилувчи тушунчалар кенг тарқалган.

Охирги ўнйилликларда кузатилган Марказий Осиё минтақасига илмий қизиқишларнинг ортиши, кўп сонли илмий-тадқиқот марказларининг пайдо бўлиши, шунингдек, ушбу минтақани тадқиқ этиш ишларининг Ғарб олимлари томонидан давом эттирилиши Ғарбда “Марказий Осиё тадқиқотлари” (“Central Asian Studies”) деб номланган алоҳида илмий йўналиш мавжуд дея таъкидлашга имкон беради.

Инглиз-америка тарихшунослигида Марказий Осиё минтақасининг тизимли тарзда ўрганилиши айнан “совуқ уруш ҳолати”нинг бошланиш даврига, Ғарб фанида мустақил илмий йўналиш ҳисобланган – советшуносликнинг пайдо бўлиши давридан юзага келган. Мазкур диссертация тадқиқотида “Марказий Осиё советшунос-исломшунослиги” деб аталган ушбу илмий йўналиш асосини Марказий Осиё республикаларининг тарихи, ҳаёти ва хўжалик анъаналарини ўрганиш ташкил этади. Асосан XX аср иккинчи ярмининг катта қисмида кечган ўз тадрижий тараққиёти давомида советшунос-исломшуносликнинг ўрганиш соҳалари анча кенгайган, методологик усуллари такомиллашган, шунингдек, университетлар қошида махсус илмий-тадқиқот марказлари ва бўлимлари шаклланган, ихтисослашган нашрларнинг доимий чоп қилиниши ташкил этилган.

Советшунос-исломшунослик доирасида минтақани ўрганишга ихтисослашган бир неча асосий, хусусан француз (А. Беннигсен, Ш.Л. Келькеже, Э.Каррер д’Анкосс, Мэри Броксап ва бошқалар), инглиз (Джеффри Уилер, Олаф Кароe, Уолтер Коларц ва бошқалар) ва америка (Ричард Пайпс, Эдвард Оллворт, Н. Лубин, Вильям Фирман, Эндерс Уимбуш, Элизабет Бэйкон, Ханс Брэкер, Джеймс Критчлоу ва бошқалар) мактаблари шаклланган. Шунингдек, алоҳида бир мустақил гуруҳ сифатида минтақани 1917 йилгача ва ундан кейин тарк этган ва ўлка тўғрисидаги билимларнинг Ғарбда тўпланиши ва тарқалишига катта ҳисса қўшган, келиб чиқиши марказийосиёлик ҳамда россиялик бўлган тадқиқотчиларни (Б. Хайит, Н. Шахроний, М. Ривкина ва бошқалар) олиш мумкин.

Ўзбекистонда совет ҳукуматининг ҳукмронлик йилларида ислом тарихи ва мусулмонларга нисбатан амалга оширган сиёсати анча батафсил ёритилганлиги аниқланди. Ушбу ишларни концептуал жиҳатдан таҳлил этиш орқали биз томонимиздан қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

- Ғарб тадқиқотчиларининг Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг тадқиқ этилаётган 1940 – 1980 йиллардаги диний тарихи борасидаги ишлари жаҳон сиёсати ва дунёнинг икки бир-бирига қарама-қарши бўлган қутблари маркази ҳисобланган СССР ва АҚШ нинг ўзаро муносабатларига бевосита боғлиқ тарзда амалга оширилган ва айнан мазкур сиёсий воқеалар тадқиқотларнинг мавзусини белгилаб берган. Қолаверса, советшунос-исломшунослик ўзининг коммунистларга ҳамда советларга қарши хусусиятидан маълум даражада чекина олган ва кучли илмий-назарий тадқиқотлар даражасига чиқа олган. Советшунос-исломшунослик вакилларининг ишларида борган сари Марказий Осиё мусулмон халқлари тарихига, унинг ўзига хос жиҳатларига, жумладан мусулмон дунёсининг бошқа қисмлари алоқаларига бўлган илмий қизиқиш борган сари кучайиб борган. Ўзининг тараққиёти давомида советшунос-исломшунослик бевосита Марказий Осиё тарихини ўрганишга ихтисослашган тарихчи-олимларнинг янги авлоди билан бойиб борган;
- СССРда ислом тадрижий тараққиётининг турли масалаларини ёритган инглиз-америка тадқиқотчиларининг диққат-марказидан биринчи навбатда қуйидаги муаммолар ўрин олган: 1) совет давлати асосларига аҳолининг мусулмон қисми томонидан етказилиши мумкин бўлган “зарбалар” ва “хавфлар”. Башорат қилинаётган хавфларни келтириб чиқариши мумкин бўлган энг асосий омиллардан бири сифатида, инглиз-америка тадқиқотчилари, аҳолининг асосий қисми мусулмонларни ташкил этувчи Марказий Осиё совет республикаларида аҳолининг табиий ўсиши даражасининг жуда юқорилигини кўрсатганлар. Совет Марказий Осиёсини тадқиқ этиш француз мактаби вакиллари Э. Каррер д’Анкосс («Империянинг таназзули», 1982), Александр Беннигсен ва Мэри Броксап («Совет давлатига нисбатан ислом хавфи», 1983) юқоридаги қарашнинг асосчилари ҳисобланадилар; 2) мусулмон аҳолисининг диндорлик даражасини атайлабдан пасайтириб кўрсатишга уринган совет тарихшунослиги вакилларидан фарқли тарзда Ғарб тарихшунослигида анча кенг ўрганилган “амалдаги” (“ҳақиқий”), “махфий” ёки

“параллел” ислом муаммоси. Иккинчи томондан шуни таъкидлаш лозимки, “махфий” ислом мавзуси советшунос-исломшунослар томонидан Ўрта Осиё жамиятида советларга ва коммунистларга қарши кайфиятлар борлигини кўрсатиб қўйиш учун ҳам ривожлантирилган; 3) исломга қарши фаолият мавзуси бўлиб, ушбу муаммо биз учун минтақада совет ҳукуматининг динга, хусусан, исломга қарши амалга оширган сиёсатининг ҳажми ва мақсад-моҳиятини ёритиш учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мавзуга бағишланган тадқиқотларда динга қарши ҳаракатларнинг хусусияти, амалга оширилган тадбирлар кўлами, аҳолининг диний даражасини “тартибга солиш” ва “пасайтиш” чоралари тўғрисида кенг маълумотлар келтирилган;

- Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон халқлари диний тарихига оид инглиз-америка тадқиқотчиларининг асарлари билан ишлаш танқидий ёндашувни талаб қилади. “Совуқ уруш ҳолати”нинг чуқур таъсири остида бўла туриб ҳамда “сиёсий кун тартиби”га амал қилган советшунос-исломшунослари тадқиқотларнинг катта қисмида “сиёсий-ижтимоий буюртма”га содиқлик аниқ кўриниб турмаса-да, бироз мафкуравий қолиплар ва андозаларнинг мавжудлиги сезилиб туради;

- Советшунос-исломшунослик вакилларининг заиф жиҳатларидан бири уларнинг манбавий ва фактологик асосининг заифлиги ҳисобланади. Совет даврида фаолият олиб борган хориж олимлари ўз тадқиқотларини амалга ошириш жараёнида асосан совет муаллифларининг ишларига, шунингдек, тарғибот-ташвиқот руҳидаги турли хил нашрларгагина таянишга мажбур бўлганлар. Фақатгина Марказий Осиё республикалари томонидан давлат мустақиллиги қўлга киритилганидан кейингина Ғарб тадқиқотчилари минтақа тарихи бўйича тўлақонли ва атрофлича тадқиқотларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлганлар;

- Айрим инглиз-америка муаллифлари томонидан совет давридаги ислом динини тадқиқ этиш жараёни минтақада кечган исломнинг кўп асрлик тадрижий тараққиёти билан боғланмаган ҳолда амалга оширилган. Ваҳоланки, ушбу масала билан боғлиқ кўплаб жараёнларнинг моҳиятини фақатгина минтақанинг ва ислом динининг аввалги даврлардаги тарихини тизимли ва комплекс ўрганиш орқалигина тўғри тушуниш ва очиб бериш мумкин. Советшунос-исломшуносларнинг катта қисми ислом дунёсининг тарихи ва маданияти бўйича дастлабки мутахассислик билимларга эга бўлмаганлар, Марказий Осиё халқлари маҳаллий тилларини тушунмаганлар, шунингдек, мусулмон фиқҳшуносларининг мумтоз асарлари билан танишиб чиқмаганлар. Ушбу ҳолат бугунги кунда ҳам айрим инглиз-америка муаллифларининг Марказий Осиёда ислом тарихи ва диний вазият тўғрисидаги замонавий тадқиқотларида учраб туради ҳамда машҳур америкалик тадқиқотчилар томонидан бир неча бор тўхтаб ўтилган (Ю. Брегель, Девин ДеУиз и др.);

- Умуман олганда, Ғарб инглиз-америка тадқиқотчиларининг ислом бўйича ишлари, шубҳасиз, муҳим тарихий манба ҳисобланади ва замонавий тарих фанига, жумладан маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишларига кенг жалб этилиши лозим. Ҳозирги кунда бизнинг тасарруфимизда Марказий Осиёда ислом тарихининг турли масалаларига бағишланган бир неча муҳим тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларни таҳлил этиш орқали совет ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёда ислом ва жамият тадрижий тараққиётига оид янгича қарашларни илгари суриш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Э. Каррер д’Анкосс «Империянинг таназзули», 1982. London. – С. 382.

2. Александр Беннигсен ва Мэри Броксап «Совет давлатига нисбатан ислом хавфи», 1983. ISBN 9780415609074. - Pp.182

# СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ МИЛЛИЙ КАМСИТУВЧИ СИЁСАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАЯНЧЛАРИ

**Қоражаева Дилором Намозовна,**
Сурхондарё вилояти юридик
техникуми ўқитувчиси

Аннотация: Совет ҳукмати ўрнатилиган дастлабки даврдан бошлаб, миллий камситиш сиёсатини амалга оширишга киришиб, миллий ўзликка, маданиятга, урф – одатларга, анъаналарга қарши жиддий курашни бошлади. Чунки, ушбу ҳокимиятнинг асосий мақсади Чор Россияси амалга ошириб келган мустамлакачилик сиёсатини давом этириб, гўёки камбағал халқ оммасини ҳимоя қилиш, мазлум эзилган аҳолига ер – сувни бепул эзувчи синф қулидан олиб бериш шиори кенг тарғиб қилинган бўлсада, аслида чекка ўлкаларни Россия сиёсий таъсиридан чиқариб юбормаслик эди.

Калит сўзлар: Большевиклар партияси, урф – одат, анъана, "Ҳарбий коммунизм" "маданий сиёсат", ёзув.

Аннотация: С начального периода создания советской власти она начала проводить политику национальной дискриминации и развернула серьезную борьбу против национального самосознания, культуры, обычаев и традиций. Потому что основной целью этого правительства было продолжение колониальной политики, проводимой царской Россией, якобы для защиты бедных масс, безвозмездной выдачи земли и воды угнетенному населению из рабов угнетающего класса, а на деле было не исключать отдаленные районы из-под политического влияния России.

Ключевые слова: большевистская партия, обычай, традиция, «военный коммунизм», «культурная политика», письменность.

Abstract: From the initial period when the Soviet government was established, it began to implement the policy of national discrimination and started a serious struggle against the national identity, culture, customs and traditions. Because the main goal of this government was to continue the colonial policy implemented by Tsarist Russia, to protect the poor people, to give land and water to the oppressed population free of charge from the slaves of the oppressing class. .

Key words: Bolshevik Party, custom, tradition, «Military Communism», «cultural policy», writing.

Большевиклар партияси сиёсий дастурида Россия таъсирида бўлган халқларни капиталист ва помешчиклардан зулмидан озод қилиш мақсадида, чекка ўлкаларни ўз сиёсатига бўйсундириш учун Россия чоризими таъсирдаги ҳамма эзилган мазлум халқларга озодлик бериш, пролетар ҳамда деҳқонлар ҳамжиҳатлигини шакллантириш ғояси мужассам этилган эди. Ана шу ҳамжиҳатликка асосланган коммунистик мафкура жадал иш олиб бориб, чекка ўлкаларнинг ўзни мустақилик давлат тузиб, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, урф – одатларни, анъаналари ҳамда қадриятларни қайта тиклашга имконият бермасликка жиддий киришди. Буни учун миллий ғояларни тарғиб этувчи, миллатни озодликка олиб чиқувчи, миллий маданият, миллий тил, миллий ўзликни тарғиб этувчи кучларни йўқотиш асосий вазифа қилиб олинди. Коммунистик мафкурага асосланган Совет ҳукумати ҳамма соҳада маъмурий – буйруқбозлик, зўровонлик, талончилик, ҳар қандай кўринишдаги миллий озодлик ҳаракатларни олдини олиш ёки бутунлай қириб ташлаш сиёсати чекка ўлкаларда тезлик билан амалга оширилди. Миллий ўлкалардаги хом – ашё бойликларни Марказга бепул ёки кам иш ҳақи тўлаш йўли билан ташиб кетиш, Марказнинг махсус кўрсатмасидаги режаларни бажариш, маҳаллий аҳоли қулидаги мол – мулкни тортиб олиш, пахта монополиясини тулиқ амалга ошириш учун мавжуд экин ерларни давлат ихтиёрига ўтказиш, ўрта ҳол ва бой қатлам ихтиёридаги ер – сув, ҳунармандчилик, чорвачилик билан боғлиқ мулкларни зудлик билан давлатга топшири учун турли хил усуллардан фойдаланилди. Совет жамоа хўжаликларига киришни хохламаган маҳаллий аҳолини молк – мулкни мажбурий давлат ихтиёрига ўтказиш, қаршилик кўрсатганларни инқилоб душманлари сифатида отиб ташлаш, қулоқ қилиш, ватангодо қилиш каби ҳолатлар од-

дий ҳодисага айланиб қолди. Колхозга қирганлар орасидан ҳам қулоқ унсурларини топиш ва уларни олдиндан рўйхатга олиб, қулоқларни сургун қилиш ҳақида кўрсатма келиши биланоқ бу рўйхатдагилар мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилиб юборилган. Бу рўйхат Шўрчи қишлоғидаги «Озод» колхозидан 11, Кенагас қишлоғидаги «Қизил Шарқ» колхозидан 2, Қорлуқ қишлоқдаги «Янги район» колхозидан 3, Жабу қиш¬лоғидаги «Намуна» колхозидан 5, Чўнтош қишлоғида¬ги «Қизил деҳқон» колхозидан 4 оила киритилиб улар турли баҳоналар билан сургун қилинди[3].

Тарихий таҳлиллар давомида энг ачинарлиси асоссиз тарзда маҳаллий халқдан уч олиш мақсадида турли баҳоналар уйлаб топилганлиги, оддий нарсалардан айб ахтарилиб, ўрта ҳол ҳамда ўзига тўқ одамлар сургун қилинганлигини қўйидаги мисоллардан билиш мумкин. «Озод» колхози аъзоси Жума Эрназаровга ману¬фактура сотиш билан шуғулланади, доимий равишда 3—4 ишчига эга, колхозга киришидан аввал унинг қўлида Юнус Хакимов ишлаган, ҳозирда 1 от, 2 хўкиз, 3 сигир, 80 қўйи ва 1 ёғ жувози бор, деган айб қўйилган. Шу колхоздан Аскар Авлиёевга эшон бўлгани, ери ислоҳоти туфайли тугатилганлиги, Қодир Исмоиловга ер олиш хуқуқидан махрум қилинганли ҳамда ўғли ва отаси имом бўлган деган айб қўйилган. «Қизил маслахат» колхози аъзоси Жўра Мелибоевга савдогар, Худойқулов Нормуминга савдогар, чойхонаси бор, «Қизил деҳқон» колхози аъзоси Бобомурод Хожиназаровга амир даврида 5 йил давомида оқсоқол бўлган деб, уни 1929 йил қулоқ қилиниб, сайлов ҳуқуқидан махрум этилган, 1 от, 2 хўкиз, 3 сигир, 1 ёғ жувози бор, деган айб қўйилган. «Намуна» колхозидан Мулла Жума Эргашев, Мулла Холиқ Шокиров, Ортиқ Омонов, Мулла Кўчқор Нурматовлар имом бўлганлари учун қулоқлар рўйхатига киритилган. «Бурнашев» колхозидан Мусабой гуруч бозорида даллоллик қилгани, Абдураим Рахмонов эшон бўлгани учун сургун қилинганлар рўйхатга киритилган[1].

Совет ҳокимияти Октябр тўнтарилишининг дастлабки кунларидан бошлаб, хусусий мулкни бекор қилиб, «Ер тўғрисида» ги декретни қабул қилди. Ерга бўлган хусусий мулкчилик тугатилиб, «Ер коммитетлари» орқали қишлоқ хўжалигини бошқаришга ўтди. Иқтисодий қолоқлик, фавқулодда ҳокимиятнинг бошқарув тизими ҳамда «Ҳарбий коммунизм сиёсати»га ўтилиши натижасида хўжалик юритишнинг ҳарбийча тартибга тушиши маҳаллий аҳолининг ҳаётида жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Меҳнат мажбуриятларининг тинимсиз оширилиши, ўзбошимчалик ва зўравонлик сиёсати, аҳолининг норозилиги ва мавжуд тузумга қарши курашга чиқишига сабаб бўлди. 1921 йил Шеробод округ маркази бўлиб, 1921 йил 7 январда Шерободда биринчи округ деҳқонлари қурултойи бўлиб 1000 дан ортиқ деҳқон вакиллари иштирок этди ҳамда иқтисодий - маданий ва хўжалик ишларини муҳокама қилди. Шунингдек, 1920 йилларда Шерободда деҳқон бирлашмалари вужудга келтирилди. Шеробод тарихида илк бор 1920 йил 400 чироққа қувват берадиган дастлабки «Динамо» дезили ўнатилди. Шунингдек бу даврда Шерободда 3 та обжувоз, 147 мойжувоз ва 128 та тегирмон мавжуд эди[4].

Фуқаролар уруши йилларида Шўрчидаги ирригация ва мелиорация ишлари издан чиқди, кўпгина сув иншоотлари бузилиб, ариқ ва каналларни ўтказиш деярли камайиб, суғориладиган ерларнинг кўпи қишлоқ хўжалик тармоғида яроқсиз ҳолга келиб қолди. 1920 йиллардаги фуқаролар уруши даврида меҳнат мажбуриятларининг ҳаддан ташқари кўплиги халқнинг деҳқончилик ва суғориш ишларига бўлган муносабатини кескин ўзгартирди. Ерга ва сувга нисбатан хусусий мулкчиликнинг бекор қилиниши натижасида суғориш тизими издан чиқиб, канал ва ариқларни тозалаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. 1925 йилдан бошлаб Совет ҳукуматининг ер-сув ислоҳоти туфайли Сурхон воҳасида суғориш тизимини ҳашар йўли билан тиклаш, янги сув иншоотларини қуриш, сув таъминотини яхшилаш борасида амалий ишлар қилина бошланди[2].

Фуқаролар урушидан кейин Сурхон-Шеробод воҳасида ирригация ва мелиорация ишлари тикланиб, жамоа хўжаликларининг ташкил этилиши натижасида бу соҳага алоҳида эътибор берила бошланди. 1925 йил январда Совет ҳукумати пахтага бўлган талабни қондириш мақсадида Сурхондарё округини ташкил этиб, унинг ихтиёрига 2,129 минг десятина ер майдонини ажратди. Ушбу ер майдонининг 52,5 минг десятинаси суғоришга яроқли эди. Округ ташкил этилган даврда ўртача бир омочга 2,72 десятина ер, бир баронага 9,49, бир кетмон ва белга 2,3, бир ўроққа 1,70 десятини ер тўғри келган[5].

Шўро мустабид давлатининг бошланғич андозаси – “Ҳарбий коммунизм” шиддат билан қарор топтирилаётган октябрдан кейинги дастлабки йиллар мантиқи алоҳида қаттиққўлликни талаб қилдики, мамлакат ва республикадаги большевикча “маданий сиёсат” ана шу қаттиққўллик билан амалга оширилди. Бу сиёсат Туркистон халқларининг миллий диний хусусиятларини, турмуш тарзини ҳисобга олмасдан “қизил гвардияча хужум” усулида ўтказилди, у ўзига хос миллий тафаккур тарзини барбод қилишга қаратилган эди.

1920-йиллар охирида ўзбек ёзувини араб алифбосидан ўтказиш сиёсати халқнинг соғлом маънавий ҳаётига катта зарар келтирди. Шуни таъкидлаш лозимки, Туркистонда XX асрнинг бошларидаёқ араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувини ислоҳ қилишга эҳтиёж сезилган эди, чунки ўша даврда айрим Шарқ мамлакатлари, жумладан Туркия ихтиёрига суратда лотин ёзувига ўтган эди. Аммо 1920-йилларда Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ёзувни лотинлаштириш сиёсати зурлик, куч ишлатиш йули билан олиб борилди. 1928 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Советларининг Марказий Ижроия Қўмитаси лотин ёзувчига асосланган ўзбек алифбосини давлат алифбоси деб эълон қилди, лекин бу ишга тайёргарлик анча олдин бошланган эди. 1926 йилдаёқ Боку шаҳрида бўлиб ўтган туркшуносларнинг Бутуниттифоқ сеъздидан кейин республикамизда Й.Охунбобоев раислигида ёзувни лотинлаштириш бўйича марказий комиссия тузилган эди. Шу даврда оммавий ахборот воситалари ёзувни ислоҳ қилиш-араб алифбосидан лотин алифбосига ўтиш халқнинг орзу истагини руёбга чиқаришдир, деган фикрни тарғиб-ташвиқ қилди. Умуман, 1920-йилларда Сталин бошлиқ маҳкаманинг собиқ туркий иттифоқдош республикаларда араб алифбосини йўқотишга интилиши атеистик экстремизм билан узвий алоқадор эди. Чунки янги совет хукумати дастлабки йўллароданоқ динга, жумладан, ислом динига қарши кескин кураш олиб борди. Тарихий тажриба шуни ёркин исботладики, «советлар» «Шарқ халқларининг тараққиёти учун» шиори остида араб ёзувини лотин алифбосига, кейинчалик кириллга ўтказилиши Ўзбекистоннинг маънавий миллий маданияти, тараққиётига кучли салбий таъсир кўрсатди. Араб ёзувининг бекор қилиниши кенг халқ оммасининг бой илмий, бадиий адабиётига бўлган интилишини сундирди. Бу даврни Ўзбекистондаги ижтимоий тараққиёт, унинг ҳолати хўжалик ва маданий қурилиш учун зарур бўлган турли соҳа мутахассисларини тайёрлашни, айни пайтда, мавжуд бўлган кам сонли маҳаллий зиёлилардан усталик билан фойдаланишни талаб этарди. Шу аснода олий ва ўрта махсус таълим қурилиши иши большевикларнинг партиявий, тор синфий сиёсатини амалга ошириш туфайли содир бўлди, булар эса бутун жамиятда бошқарувнинг мустабид тузумини мустаҳкамлашга, хусусан, маънавий хаёт, таълим соҳасининг жиддий сиёсийлашувига олиб келди. Бунинг оқибатида аҳолининг «нопролетар» қисми томонидан олий маълумот олишнинг умуминсоний тамойиллари бузила борди. Айниқса, олий маълумотли ўқитувчилар етишмас эди. Шу мақсадда 1925 йилда Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги олий педагогик таълимни ривожлантириш масаласини кўриб чиқди. Маълум тайёргарликдан сўнг 1927 йил апрелда Ўзбекистон ХКК «Ўзбекистон олий педагогик институти қоидаси ҳақида»ги ҳужжатни қабул қилди. Натижада, 1927 йил январда Самарқандда олий педагогика институти очилади ва унинг олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш, халқ таълимини услубий таъминлаш, мактабларга илмий педагогик ёрдам кўрсатишдан иборат вазифалари белгиланди. 1925 йил февраль ойида Ўзбекистон Компартиясининг 1-сеъздида совет мактаблари сонини ошириш, катта ёшли аҳоли учун эса саводсизликни тугатиш мактабларини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар кўриб чиқилиб,1 ташкил этилаётган совет типидаги мактаблар учун маблағлар ҳам ажратилиши кўрсатиб ўтилади. Масалан, 1924-1925 ўқув йилида маориф тизими фаолиятини яхшилаш учун Сурхондарё вилоятига 89.092 сўм ажратилди.

1929-1930 ўқув йилида Сурхондарё вилояти маориф учун 123 100 сўм ажратилди. 1929-1930 ўқув йилига келиб ушбу ажратилган маблағлар ҳажми 4 млн. 602 минг сўмни ташкил қилди. Натижада ушбу маблағлар эвазига ташкил этилган мактаблар сони ортиб борди. Бунёд қилинган маориф тизими, «саводсизлик»ни тугатиш мактаблари коммунистик партия мафкураси асосида фаолият юритиши лозим эди. Ушбу кўзланган мақсад натижаси ўлароқ таълим тизими тўлақонли равишда хукмрон мафкура исканжасида иш юритди. Таълим тизимини жорий қилиш, «саводсизлик»ни тугатиш каби ислоҳотлар оғир шароитда зўравонлик билан

амалга оширилди. Гарчи, таълим тизими учун маблағлар миқдори йил сайин ошириб борилган бўлса-да, ушбу соҳада талайгина муаммолар мавжуд эди. Мавжуд бўлган мактаблар ўқиш ёшидаги болаларни тўлиқ қамраб олиш учун етарли эмас эди. Совет мактабларидан эски усул мактабларига ўтиб ўқишни ҳоҳлаётган болалар ҳам бор эди. Ўзбекистонда, жумладан Сурхондарё вилоятида «Қизил империя» мохияти ва кудратини халқ онгига мунтазам сингдириб бориш учун ҳар бир вилоят ва туманларда «Қизил чойхона» ва «Қизил клуб»лар ташкил қилинган. 1928 йил Сурхондарёда 18 та «қизил чойхона», 13 та «қизил клуб»лар Қашқадарёда 15 та «Қизил чойхона», 13 та «Қизил клуб»лар фаолият олиб борганлиги кўрсатиб ўтилади. Совет тузуми даврида ушбу чойхоналарнинг одатдаги азалий фаолияти ўзгартирилиб, унинг атамасига «Қизил» сўзи қўшилди ва ушбу чойхоналардан совет мафкурасини тарғиб қилишда фойдаланилди. Бундан ташқари, «Қизил клублар» асосан Маркс, Ленин асарлари, совет тузуми сиёсатини улуғловчи, кўпчилиги рус тилида битилган асарлар билан таъминланган бўлиб, маҳаллий миллат тилидаги, уларнинг бой-қадимий мероси бўлган аждодларини асарларини ушбу кутубхоналардан топиб ўқиш мушкул эди. Амалга оширилган ушбу ишларнинг ҳаммаси советлар «маданий инқилоби» тадбирларининг асл мақсадларидан бири эди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ахмаджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. -Т., “Фан”, 1995, 37 с.
2. Бушуев М.М. Вопросы мелиорации голодностепских земель. В. кн. Отчёт о деятельности Голодностепских рабочих с её подкомиссиями по мелиорации засоленных земель Голодной степи. -Т, 1918; Понятовский С.В. Дренирование в Голодной степи «Народное хозяйство Туркестана», 1920, № 2-3;
3. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. -СПб., 1912, 114 с.
4. Масальский В.И. Хлопковое поле в Средней Азии и его будущее. -СПб., 1982. 19 с.
5. Смирнов В. Орошение Голодной степи. «Народное хозяйство Казахстана», 1932, № 2-3;

# ETNOGRAFIYA

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ (XX аср 20-40 йиллари)

**Очил Бўриев,**
Қарши давлат университети профессори,
+99890 608 26 25
**Муртоз Усмонов,**
Қарши давлат университети доценти.

Аннотация. Ушбу мақолада XX аср 20-40 йилларида Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографияси тарихшунослиги ёритилган.

Аннотация. В этои статье раскрываются историографии этнографии населения Кашкадарынского оазиса в 20-40-х годов XX вв.

Summary. This article describes the historiography of the ethnography of the inhabitants of the Kashkadarya oasis in the 20s-40s of the 20th century.

Калит сўзлар: Туркистон, Ўзбекистон, ўзбек халқи этнографияси, тарихшунослик, Иккинчи жаҳон уруши, этногенез бўйича илмий сессия, иркчилик, Ўз ФА Этнография бўлими, Қашқадарё воҳаси, музейлар, махаллий этнографлар.

Ключевые слова: Туркестан, Узбекистан, этнография узбекского народа, историография, Второя мирвоя война, научная сессия по этногенезу, расизм, отдел этнографии АН Уз, Кашкадарынский оазис, музеиы, местные этнографы.

Key words: Turkestan, Uzbekistan, ethnography of the Uzbek people, historiography, World War II, scientific session on ethnogenesis, racism, Department of Ethnography of the UzFA, Kashkadarya oasis, museums, local ethnographers.

1920-1930 йиллар Ўзбекистонда этнография йўналишининг шаклланиш даври бўлиб, кўплаб мутахассислар тайёрлашга киришилди. 1920-1927 йилларда ўзбек халқи этнографиясини ўрганишга туб аҳоли вакиллари ҳам жалб этилган. Масалан, маҳаллий қадимшунос Т. Мирғиёсов, тилшунос Ғози Олим Юнусов, фольклоршунос Ҳ. Зарипов, рус этнографи Л. П. Потаповлар жанубий вилоятларда этнолингвистик экспедицияларда самарали изланишлар олиб боришган (Бу ҳақда қаранг! Насимов А.Н. XX аср – XXI аср тадқиқотларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари этнографияси масалалари. Тарих фан бўйича фалс. докт (PhD) дисс. автореф. Термиз, 2023).

1924 йилда Шарқий Бухорога Н.Е.Васильев раҳбарлигида экспедиция уюштирилиб, унинг натижалари тўплам шаклида нашр этилган. Тўпламнинг бешинчи боби Бухоро Республикаси аҳолисининг жойлашуви, сони ва этник тарихига бағишланган. Ўрта Осиёни районлаштириш бўйича махсус комиссия 1924 йил сентябридан – 1925 йил февралигача иш олиб борган. Бу комиссия материалларида И.П.Магидович томонидан тайёрланган воҳа аҳолисининг маъмурий тузилиши, этник таркиби, кўплаб статистик маълумотлар берилган (Материалы по районированнию Средней Азии. Кн 1. Территория и населения Бухары и Хорезма Ч.1. Бухара –Т., 1926, с.149-273).

Б.Б. Карп ва М.Е. Сусловаларнинг тўпламида Китоб волости аҳолиси сони, уруғларга бўлиниши ва маданий турмуши ҳақида маълумотлар келтирилган (Карп Б.Б., Суслова М.Е. Современный кишлак Средней Азии (Социалъно - экономический очерк.) Вып. III. Китабская волость. Кашкадарынской область УзССР. –Т.,1926)

В.А.Полозов ўзбекларнинг ерда жамоа бўлиб фойдаланишга оид мақоласида Қарши воҳаси

аҳолиси деҳқончилик тизимидаги ўзига хос анъанавий ҳисобланган пайкал тизими ва унинг удумларини ёритган (Полозов В.А. Узбекское общинное землепользование в Шерабадской долина и Каршинкое степи УзССР. –"Народное хозяйство Средней Азии", 1925, №3. с.69-75; №7, с.17-19).

20-йиллар охирларида рус этнографи Л.П.Потапов Жанубий Ўзбекистон ўзбек қўнғиротларини этнографик ўрганиш учун экспедиция уюштириб, воҳа қўнғиротларини этник тарихи ва этномаданияти бўйича мақола эълон қилган ва бу асар кейинчалик 1995 йилда Якуб Таубе томонидан Германияда алоҳида китоб шаклида ҳам нашр этилди (Л.П. Потапов. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков "Кунград" // Научная мысль – Ташкент-Самарканд, 1930. -№1. –с.37-57; Leonid Pavlovic Potapovs. Materialien zur Kulturgechte der Uzbeken aus Jahren 1928-1930 Mit begltitenden Worten des Sammlers beraugegeben and eingeleitet von Jakob Taube. –Wiesbaden: Harrassowits Verlag, 1995).

1927-1929 йилларда маҳаллий қадимшунос Турди Мирғиёсов (1896-1951) Термиз археология экспедицияси таркибида Қашқадарё воҳаси ярим кўчманчи ўзбекларининг ҳаёти ва турмуши бўйича этнографик изланишлар олиб борган. У 1930 йилда қуйи Қашқадарёдаги Косон тумани Пудина қишлоғида жойлашган қадимий сардоба қолдиқларини аниқлаган (Б.В.Лунин. Турди Миргиязов. - Биобиблиографическе очерки о деяетлях общественных наук Узбекистана т.1 –Т.: "Фан", 1976. с.380-381; Шу муаллиф. Узбекской краевед Турди Миргиясов. -ОНУ, 1998. №4,5. с.8-9).

Н.Г.Маллицкийнинг ўқув қўлланмасида ҳам Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографияси бўйича маълумотлар учрайди (Маллицкий Н.Г. Учебное пособие по географии Таджикистана т.1. –Т. –Самарқанд. 1929).

Уз комстириснинг 1927 йил 9 майда бўлиб ўтган йиғилишида УзССР халқ маорифи комиссарлиги томонидан Л.В.Ошанин рахбарлигида Қашқадарё ҳудудида антропологик экспидиция ўтказиши ва маҳаллий аҳоли этнографиясига оид маълумотларни тўплашга рухсат беришишга қарор қилган ва 500 рубл маблағ ажратилганлиги келтирилди (УзМА, Ф-394 фонд, 1 рўйхат, 204 иш 2-3 варақлар).

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш назардан четда қолмаган, албатта. Тошкент шаҳрида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи бўйича махсус комиссия ишлаб самарали илмий фаолият кўрсатган. Кўчириб келтирилган етакчи олимлар ҳам самарали тадқиқотлар олиб боришган (Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. -Самарқанд, 2008. Б.30-36)

Табиийки, бу даврда Ўзбекистонда этнографик илмий тадқиқотлар кўлами анча қисқарган, кўплаб элшунослар жангларда ҳалок бўлишган ва баъзилари эса Ленинград қамалида бўлишган. Лекин ўзбеклар этнографияси, айниқса этногенези ва этник тарихи ҳам тадқиқотчилар назаридан четда қолмаган, албатта.

Ўша суронли йилларда Тошкент шаҳри бамисоли собиқ Иттифоқ шарқидаги қайноқ илм-фан марказига айланиб, Москва, Ленинград, Киев ва бошқа марказий шаҳарлардаги кўплаб етакчи олимлар Тошкентга кўчириб келтирилган. Тошкент шаҳрида "Этногенез ва этнография" комиссияси (Фольклор шуъбаси билан бирга) фаол иш бошлаган. Таниқли фольклоршунос олим В.М.Жирмунский (1891-1971) раҳбарлигида Тошкентда Ўрта Осиё халклари эпик достонларини тадқиқ этишга киришилиб, ўзбекларнинг "Алпомиш", қирғизларнинг "Манас" ва қорақалпоқларнинг "Қирққиз" каби халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналари ўрганилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошидаёқ Ўзбекистонга кўчирилган Москва, Ленинград, Киев каби марказий шаҳарларнинг кўпчилик элшунослари – Тошкентда С.М.Абрамзон, Е.М.Пешчерева, А.Л.Троицкая, Самарқандда эса Т.А.Жданко, И.Е.Махова, Г.П.Снесарев кабилар самарали фаолият кўрсатишиб, улар музейлар ва ўқув юртларида ишлаган ҳамда этнографик маълумотлар тўплаган. Кейинчалик нашр этилган "Ўзбекистон халқлари тарихи" китобининг жилдларини тайёрлаш ҳам айнан шу уруш даврида бошланиб, элшунослардан О.А.Сухарева, Ш. Иноғомов, В.Г. Мошкова, А.К.Писарчиклар жалб этилган. Шунингдек, кўп жилдлик "Жаҳон халклари" туркумидаги "Ўрта Осиё ва Қозоғистон халклари" (икки жилдлик) китоблари, "Ўрта Осиё

этнографик тўплами” каби салмоқли тадқиқотларни яратиш ҳам шу вақтда режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузурида 1934 йил 4 октябрда ташкил этилган Фан қўмитаси негизида собиқ Иттифоқ ФА Ўзбекистон филиали 1940 йил 9 январда иш бошлаб, мазкур филиал таркибига Тил, адабиёт ва тарих институти ҳам кирган.

Жумладан, собиқ Иттифоқ Фанлар академияси тарих ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг кўплаб таниқли намояндалари: академиклар Р.Ю.Виппер, В.Д. Греков, В.В. Струве, академиянинг мухбир аъзолари С.Б.Бахрушин, Е.Э. Бертельс, профессорлар: С.Н. Валк, Э.М.Левченко, Л.И. Мацулевич, М.В.Нечкина, И.П Петрушевский, И.И Полосин, А. Предтеченский, Б.Е Штейнлар ҳам Тошкентга кўчирилган.

Академик В.В. Струве (1889-1965) раҳбарлигида Ўзбекистон халқлари тарихини яратиш бўйича фундаментал илмий тадкикотлар олиб борилган. Натижада мазкур салмоқли асарнинг биринчи жилди 1947 йилда, иккинчи жилди эса 1950 йилда босиб чикарилган (История народов Узбекистана. т.2.Т.,1947; История народов Узбекистана.т.1.Т.,1950). Олим Ўрта Осиё Давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультети талабаларига туркум маърузалар ўқиган. Олийгоҳда этнография курсини эса профессор С.Н. Винников олиб борган.

Профессор А. Ю. Якубовский (1886-1953) бу даврда собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институтини Ўрта Осиё кабинетига, Ўрта Осиё Давлат университети “Ўрта Осиё тарихи” кафедрасига раҳбарлик килган ҳамда талабаларга минтака тарихи бўйича бир қатор махсус курслар бўйича маърузалар ўқиган. 1942 йилда Е.А. Косминский, А.М.Панкратова, А.Д.Удальцовларнинг “Улуғ Ватан уруши шароитида тарихни ўқитиш” номли ўрта мактаблари тарих фани ўқитувчиларига мўлжалланган услубий қўлланма тайёрланган. А. Ю. Якубовский В. Ф. Гайдукевич билан Фарход ГЭСи қурилиши ҳудудида археологик қазишлар ҳам олиб борган. 1941 йилда А. Ю. Якубовскийнинг “Ўзбек халки этногенези масаласига доир” мўъжаз рисоласи нашр этилган (Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Т.:”Наука”, 1941). Мазкур рисола ҳозирги даврда ҳам Ўзбекистон тарихи, хусусан ўзбеклар этногенези ва этник тарихи бўйича муҳим илмий манбалардан бири сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XX аср 30-йиллари 2-ярми – 40-йиллари бошларида Ғарбий Европада фашизм тажавузи кучайиб, ирқчилик ғоялари кенг етила бошлага эди. Шундан кейин собиқ Иттифоқ минтақалари аҳолиси этногенези ва этник тарихини ўрганишга эътибор берила бошланган. А.Д.Удальсов рахбарлигида СССР халқлари этногенези бўйича 4 та илмий конференция ташкил этилди: биринчиси Узоқ Шимол халқлари (1940), Ўрта Осиё халқлари (1942), Славянлар (1943), Ҳинд-Европа муаммоси (1944). А. Ю. Якубовскийнинг “Ўзбек халқининг этногенезига доир” рисоласи рус ва ўзбек тилида нашр этилган эди (1941).

Уруш қийинчиликларига қарамасдан Собиқ Иттифок ФА Тарих ва фалсафа бўлимии ҳузуридаги “Этногенез ва этнография” комиссияси ташаббуси билан 1942 йил 22-29 августда Тошкентда илмий сессия ўтказган. Анжуман дастурига қуйидаги мавзуларда маърузалар киритилган: “Этногенетик тадқиқотларнинг назарий асослари” (А.Д.Удальцов), “Ўрта Осиё этногенезининг асосий муаммолари” (С.П.Толстов), “Антропология маълумотлари асосида Ўрта Осиё халқларининг этногенези” ҳақида (Л.В.Ошанин), “Милоддан аввалги VI-V асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг этник таркиби” (К.В.Тревер), “Тохарлар муаммоси” (И.И. Умняков), “Орол этногенетек жараёнлар майдони” (С.П.Толстов), “Алан муаммоси ва Ўрта Осиё этногенези” (ЛА Мацулевич), “Ўрта Осиё этногенезида қадимги турк элементлар” (А.Н. Бернштам), “Қазилма одамлар типларининг тикланиши ва уларнинг ўзбеклар этногенез масаласини ҳал этишдаги аҳамияти” (М.М.Герасимов), “Ўзбекистон ҳудудида III асрда учраган мўғул қабила ва уруглари излари” (И.Д.Номинхонов), “Антропология маълумотлари асосида тожиклар этногенези ҳақида” (В.В.Гинзбург), “VIII-X асрларда туркман халқи этногенези тарихидан” (А.Ю.Якубовский), “Туркманларнинг этник тарихи” (Г.И.Карпов), “Туркманларнинг келиб чиқиши ҳақида антропология маълумотлари”, (Г.Ф.Дебец). Мазкур илмий анжуман материаллари уруш даври қийинчиликлари туфайли кейинчалик нашр этилган

(“Советская этнография”, 1947, № 6-7. с.301-326]. Сессияда Ўрта Осиё халқлари этногенези ва этник тарихининг асосий йўналиш ва илмий методологик асослари белгилаб олинди (Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. Б.11).

Маърузачилар Ўрта Осиё минтакаларида қадимдан яшаб келган ўзбек, тожик. қозоқ, қиргиз туркман ва қорақалпоқ халкларининг этник тарихи жуда қаганмдан бошланганлигини ва булар бир нечта этник компонентларни уз таркибига қамраб олиб, мураккаб этник жараёнларни ўтаб, аввал элат ва кейин эса миллат бўлиб шаклланганлигини аник далиллар билан исботлаб беришга харакат килганлар [Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: “Шарқ”, 2001. Б.17-21].

Иккинчи жаҳон урушигача ва уруш арафасида Ғарбий Европанинг баъзи олимлари, хусусан, Германиядаги фашизм мафкурачилари томонидан ирқчилик назарияси олга сурилган эди. Бу назария тарафдорларининг баъзи халқлар (масалан, немис халки) қадимдан аник бир халқдан (бошқа бирор халқлар аралашмасдан) илдиз отиб, ирқий жиҳатдан тозалигини сақлаб (асосий ирқ бўлиб) келган. Немислар олий ирққа мансуб халқ бошқа иккинчи даражали халқлардан устун бўлиб, улар устидан ҳукмронлик қилиши лозим, деган шовинистик тушунчаларни кенг кўламда тарғиб қилишган. Уларнинг тасаввурича Марказий Осиё аҳолиси иккинчи даражали халқлар қаторида бўлган.

Ушбу илмий анжуманда маърузачилар (С. II. Толстов. Л. В. Ошанин. А. Ю. Якубовский, А. Н. Бернштам ва бошқалар) ўша даврда кенг кўламда ёйилган шовинистик ва миллатчилик назарияларини асоссиз эканлигини фош қилишиб, масалага холисона илмий баҳо беришга интилишган. Барча маърузачилар якдиллик билан этнослар бир эмас, балки бир неча этник гуруҳларнинг ўзаро яқинлашишлари ва қўшилиб боришлари натижасида шаклланганини таъкидлашган.

Масалан, С. П. Толстов ўз маърузасида Ғарб олимларининг метафизик назарияларидан воз кечишга чақириб, ҳар бир халқнинг этник таркиби, унинг бошланғич давридаёк мураккаб эканлигини тан олган тақдирдагина этногенетик муаммоларни илмий асосда хал этиш мумкин, деган фикрга келган эли Маърузада ўрганиладиган халқни илк даврларда қайси ҳудудларда, қайси жамоада шаклланганлигини Ўрта Осиё этногенезини ўрганишда муҳим омил эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, унинг ўзбек, тожик, туркман, қозок, қирғиз ва қорақалпок халқларининг шаклланиш жараёнлари даврлари ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир (“Советская этнография”, 1947, № 6-7. с.305-307].

Илмий сессияда антрополог Л.В.Ошаниннинг маърузаси алоҳида ажралиб турган, чунки олим кўп йиллар давомида Ўрта Осиё халқларининг антропологиясини қиёсий ўрганиш натижасида ўзбек ва тожикларда (қозоқ ва қирғизларга нисбатан) ўзига хос европоид ирқий аломат (тип) эканлигини аниқлаб берган. Бу антропологик типни у Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқий тип деб атаган. Олдинроқ эса антрополог И.Ярхо мазкур типни Помир-Фарғона ирқ типи деб номлаган [Ярхо А.И. Краткий обзор антропологического изучения турецких народностей СССР за 10 лет (1924-1934).-“Антропологический журнал”, 1936, №1].

Шунингдек, маърузачи Мовароуннаҳрда тил жиҳатидан туркийлашиш билан бир даврда шу жиҳатдан мўғуллашиш жараёни ҳам ривожланиб борганлиги ва мўғуллашиш ўзбекларда тожикларга нисбатан бир мунча кучлирок кечганлигига ҳам тўхталган [Ярхо А.И. Краткий обзор антропологического изучения турецких народностей СССР за 10 лет (1924-1934) -“Антропологический журнал”, 1936, №1. с.305-307].

Хуллас Л.В.Ошанин Ўрта Осиё, жумладан, ўзбеклар этногенезини антропологик маълумотлар асосида ўрганиб, муҳим илмий хулосаларга келган, унинг кейинчалик яратилган қатор салмоқли илмий тадқиқотларида ҳам тўла-қонли баён этилган [Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй). 2-ж. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019; Ошанин Л.В. Антропологической состав населениие Средней Азии и этногенез ее народов. В. 3-х ч. Ереван, изд-во Ереван ГУ т. 7. ч.1. 1957; ч.2. 1958; ч.3.1959. с.27-28; Ошанин Л.В, Зазенкова В.Я. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в составе данных антропологии. Т.: АН УзССР,1953. с.145-146]. Анжуман охирида автохтонизм назарияси асосида Ўрта Осиё халқларининг (ўзбек, тожик, туркман,

қирғиз, қорақалпоқ) этник келиб чиқиши ҳақида илмий концепсия ишлаб чиқилди.

Этнографлар “Этногенез муаммоси ва миллатнинг шаклланиши (Ўзбекистан шароити ва хусусиятларини ҳисобга олганда)” мавзусида комплекс илмий тадқиқот олиб боришган. Л.А.Мацулевич, И.П.Петрушевский, А.Ю.Якубовскийлар маҳаллий олимларга илмий маслаҳатлар беришган. Шунингдек, Тошкентга кўчирилган йирик олимлар аҳоли ўртасидаги ҳам кенг кўламда маънавий-маърифий ишларга ҳам яқиндан кўмаклашишган.

1940 йил январда собиқ Иттифоқ ФА Ўзбекистон филиали ташкил этилган. 1943 йил 27 сентябрда собиқ Иттифоқ ҳукумати қарорига кўра ЎзФА ни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, 1943 йил 4 ноябрда Республика Фанлар академияси ўз фаолиятини бошлади Бу воқеа ўзбек илм-фани, жумладан ўзбеклар этнографияси тараққиётида янги босқични бошлаб берган. Республикада этнография бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб олиб бориш, дала экспедицияларини уюштириш ва бу ишларга кўпроқ, маҳаллий миллат вакилларидан жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келган.

Академия таркибидаги Тарих на археология институтида Этнография бўлими ташкил этилган ва унга Ўрта Осиё этнографиясининг билимдони академик М.С. Андреев (1873-1948) бошчилик қилган. У уруш арафасида этнографик дала экспедицияларига ва музейларни ноёб экспонатлар билан бойитишга ҳам раҳбарлик қилган. 1948 йилгача эса мазкур институт этнография бўлимини муваффақиятли бошқарган.

Рус элшунос олимаси О.А.Сухареванинг илмий фаолиятини XX аср 30-йилларидаёқ бошланиб, уруш йилларида эса Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. Ўзбекистон давлат университета (ҳозирги СамДУ) ва педагогика институтида талабаларга сабоқ берган ҳамда этнографик эспедицияларда фаол қатнашган. У 1948 йилдан бошлаб Тарих ва археология институтининг Этнография бўлимига раҳбарлик қила бошлаган. Кейинчалик эса О. А. Сухарева ўзбеклар этнографиясига бағишланган кўплаб салмоқли илмий асарлар яратди [Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). –Т., 1958; Шу муаллиф. Квартальная община позднефеодального города Бухара. –М.: “Наука”, 1976. ва бошқ].

Мазкур бўлимнинг ташкил этилиши республикада этнография илмий изланишларини янада жонлантирди. Бу даврда тадқиқотчилар томонидан асосан тарихий ва замонавий этнография ҳамда ўзбекларнинг этник муаммолари юзасидан илмий изланишлар олиб борилган [Аширов А. Этнология. Ўқув қўлланма. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”, 2007. Б.16].

Уруш давридаги ўзбеклар этнографиясини ўрганиш машҳур археолог ва шарқшунос олим С.П.Толстов (1907-1976) номи билан чамбарчас боғлиқдир. У урушга кўнгилли бўлиб жўнаб, Россиянинг Ельна, Можайск шаҳарларидаги жангларда артиллерия разведкаси зобити бўлиб ҳизмат қилган. Москва остоналарида ярлангач, 1942 йил собиқ Иттифок ФАга ўз ишига қайтган. Бу пайтда академиянинг Тарих бўлими Тошкентга кўчирилган эди. С.П. Толстов Тошкентга келгач, 1942 йилда “Қадимги Хоразм” мавзусида докторлик диссертациияси муваффақиятли ҳимоя қилган. Олимнинг кейинчалик “Қадимги Хоразм” (1948) номли монографияси босилиб чиққан эди [Толстов С.П. Древний Хорезм. –М.: МГУ, 1948]. У уруш йилларида “Ўрта Осиё халқларининг қадимги даври”, “Ўрта Осиё халклари ўрта асрларда” каби мақолаларини ва “Қадимги Ўзбекистон маданияти” (“Жангчи кутубхонаси” туркумида) рисоласини ёзган. Кейинчалик 1956 йилда С.П. Толстов ЎзФА фахрий аъзолигига сайланганди [Хоразм тарихи. Урганч-Тошкент, “Фан”, 2019. Б. 433-436].

Шунингдек уруш даврида Б. В. Андрианов. Г. П. Васильева, Я. Р. Винников, Т. А. Жданко, К. Л. Задихина. Б. Х. Кармишева, Е. М. Пешчерева, М. В. Сазонова, М. А. Бекжонова, Г. П. Снесарев каби элшунослар ўзбеклар этнографиясининг турли долзарб масалалари буйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Бу суронли йилларда тарих ва этнографияни ўкитиш ҳамда ўрганиш бўйича тўпланган тажрибаларга кейинчалик мамлакат халқ хўжалигини тиклаш даврида ҳам таянилган. С.П.Толстов раҳбарлигида 1937 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Хоразм археология-

этнография комплекс экспедицияси уруш тугагач, ўз ишини яна қайтадан бошлаган (этнография бўйича муовин Т.А. Жданко ва Ўзбекистон ФА дан вакил эса биринчи маҳаллий археолог Я. Ғуломов ҳисобланган). Шунингдек собик Итгифок ФА Этнография институтининг Ўрга Осиё Фарғона этнография ва Ўзбек этнография отряди экспедициялари ҳам ўз фаолиятларини бошлаб юборган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги музейлар ишлари ҳам янада қайта тикланган.

Хуллас Иккинчи жаҳон урушининг оғир машаққатларига қарамасдан ўзбеклар этногенези ва этник тарихини ўрганиш соҳасида муҳим дастлабки илмий тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, 1942 йил 22-30 августда Тошкентда ўзбеклар этногенезига бағишланган илмий сессиянинг ўтказилиши, янги ташкил этилган Тарих ва археология институтида Этнография бўлимининг самарали фаолияти, Республика этнографларининг таниқли рус тарихчи ва этнографлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон тарихини яратишга жалб этилиши (Я.Ғуломов ва бошқ) ва уларнинг фронт орқасида халқ оммаси билан елкама-елка туриб, мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишгани ҳамда жойлардаги музейларни этнографик коллекциялар билан бойитилишида фаол иштироки каби қатор тадбирлар юртимизда урушдан кейинги даврда этнография бўйича илмий тадкиқотларни янада кенг кўламда олиб борилишига асосий замин бўлиб хизмат қилган, албатта.

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИ ЭТНОГРАФИК ЎРГАНИЛИШИ
## (XX аср 50-80 йиллари)

**Очил Бўриев,**
Қарши давлат университети профессори,
Тел:+99890 608 26 25
**Муртоз Усмонов,**
Қарши давлат университети доценти.

Аннотация. Ушбу мақолада XX аср 50-80 йилларида Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографик ўрганиш ҳолати баён этилган.

Аннотация. В этои статье раскрываются состояние этнографического изучения Кашкадарынского оазиса в 50-80-х годов XX вв.

Summary. This article describes the state of ethnographic study of the inhabitants of the Kashkadarya oasis in the 1950s and 1980s.

Калит сўзлар: Совет даври, коммунистик идеология, этнография, тадқиқот, Қашқадарё воҳаси, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даври, маҳаллий этнографлар, музейлар

Ключевые слова: Советский период, коммунистическая идеология, этнография, исследования, Кашкадарынский оазис, Второя мирвоя война, местные этнографы, музеиы

Key words: Soviet period, communist ideology, ethnography, research, Kashkadarya oasis, period after the Second World War, local ethnographers, museums

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тарих ва эртнографияни ўқитиш ҳамда ўрганиш бўйича тўпланган тажрибаларга таянилди. 1937 йилда С.П.Толстов раҳбарлигида ташкил этилган Хоразм археология-этнография комплекс экспедицияси ўз фаолиятини қайта тиклади. Собиқ Иттифоқ ФА Этнография институтининг Ўрта Осиё, Фарғона этнография ва Ўзбек этнография экспедициялари ҳам ўз фаолиятини бошлади. Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент каби қадимий шаҳарларидаги музейлар ишлари яна қайта тикланди.

Урушдан кейинги тикланиш йилларида ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар салмоғи ошди, айниқса бу тадқиқотларга махаллий ўзбеклардан етишиб чиққан элшунослар жалб этилди.

Машҳур рус шарқшуноси ва этнографи С.П.Толстов раҳбарлигида 1954-1966 йилларда

яратилган “Жаҳон халқлари” туркумида кўп жилдли салмоқли китоблар нашр этилди (13 жилд, 18 китоб). Мазкур кўп жилдликнинг 1,2 китоблари “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари” деб номланиб, уларда Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографиясига оид маълумотлар ҳам келтирилган (Народы Средней Азии и Казахстана кн.1. -М., 1962; кн.2. –М., 1963)

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Қашқадарё воҳасидаги Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб каби йирик шаҳарлари тарихи ва этнографиясини рус элшунос олимаси О.А.Сухарева ўрганиб, кейинчалик салмоқли монографияси нашр этилди (Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко – этнографические очерки) –Т.: Изд-во АН УзССР, 1958)

Таниқли рус элшуноси Н.А.Кисляков асарларида ҳам воҳа этнографиясига оид маълумотлар келтирилган (Кисляков Н.А. Некоторые материальи по этнографии таджиков верхней Кашкадарьи. –ТИИАЭ АН ТаджССР, 1960; Шу муаллиф. Патриархально - феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарскго ханство в конце XIX – начале XX вв. –М. –Л., Изд-во АН СССР, 1960; Шу муаллиф. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. –Л.: Наука, 1969)

Қашқадарё вилоятини комплекс ўрганишга бағишланган китобда ҳам воҳа этнографияси бўйича баъзи маълумотлар мавжуд (Кашкадарынской область т.1. –Т.: “Фан”, 1959).

50-йилларда ўзбек антропологи Қ.Нажимов Сурхон воҳаси аҳолиси антропологиясини ўрганишда Қашқадарё воҳаси аҳолиси этник тарихи ва таркибига ҳам қисқа тўхталган (Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинский области. –ТСАГУ. –Т.,1958 Вып.143 127с). Бу даврда туб аҳоли орасидан ҳам элшунослар етишиб чиқди (К.Шониёзов). 1958 йилда Жанубий ҳудудда собиқ Иттифоқ ФА Этнография институтининг Ўрта Осиё экспедицияси тоғолди гуруҳи (раҳбари – Н.А.Кисляков, аъзолари К.Шониёзов, С.П.Русяйкиналар) иш олиб боришган.

1958-1961 йилларда Б.Х.Кармишева, Е.М.Пешчерева мазкур гуруҳ таркибида этнографик тадқиқотлар олиб боришди. Бу даврда Е.М.Пешчереванинг Ўрта Осиё кулолчилиги тарихига бағишланган салмоқли монографияси нашр этилди (Пешчерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. –ТИЭ АН СССР. т.42. –М. –Л .: “Наука”, 1959).

Бу пайтда аниқ мақсадга қаратилган этнографик экспедициялар уюштирилиб, русийзабон тадқиқотчилар билан бирга маҳаллий изланувчилар ҳам фаол иштирок этишган ва ўзбек халқи этнографияси чуқур илмий ўрганишга киришилган.

Жанубий Ўзбекистон, жумладан Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографиясини ўрганиш учун қатор экспедициялар ва салмоқли асарлар яратган турколог ва элшунос олима Б.Х.Кармишева ҳисоблаади (Кармышева Б.Х. Жилища узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана –Изв. АН ТаджССР, ООН, 1956. Вып.10-11; Шу муаллиф. Некоторые данные к этногенезу южных и западных районов Узбекистана -КСИЭ, -М., 1957, №27. с.14-19; Шу муаллиф. Этнографическая группа “тюрк” в составе узбеков -СЭ. -М., 1960. №1 с.3-22; Шу муаллиф. Этнические и территориальные группы населения северо-восточной части Кашкадарынской области Узбекской ССР. -КСИЭ, -М., 1960. Вып.33; Шу муаллиф. К истории фермирования населения южных районов Узбекстана и Таджикистана. -СЭ. -М., №6. с.95-102; Шу муаллиф. Типы скотоводства в южных районах Узбекстана и Таджикистана (конец Х1Х – XX вв) -СЭ. -М., 1969. №3. с.44-50; Шу муаллиф. Очерки этнической истории южных районов Таджикстана и Узбекстана (по этнографическим данным) -М.: “Наука”, 1976. ва ҳ.к). Элшунос О.Бўриев Б.Х. Кармишева илмий фаолиятига бағишланган қатор мақолалар ёзди (Ўзбеклар этник тарихининг толмас ва етук тадқиқотчиси. -“Водийнома”, 2021 йил 4-сон. Б.100-105; Ўзбеклар этнографиясининг зукко тадқиқотчиси. –“Соҳибқирон юлдузи”, 2021 йил 4-сон. Б.19-25).

XX аср 50-йиллари охирида рус элшунос олимаси К.Л. Задикина қуйи Қашқадарё ҳудудидаги (ҳозирги Кўкдала тумани) узлар этнографияси бўйича маълумотлар тўплаб, ўзининг қизиқарли илмий мақоласини нашр эттирди (Задыхина К.Л. Некоторые вопросы изучении этнического состава населения бассейна Кашкадарья в Сурхандарьинской области УзССР. -КСИЭ АН СССР, т.XXXVII, 1962. №3. с.39-45).

XX аср 50-80-йилларида Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографиясини ўрганишда академик К.Шониёзов (1924-2000) асарлари муҳим аҳамиятга эгадир (О.Бўриев. Шониёзов Карим. – ЎзМЭ, 10 ж. Тошкент, 2005; Насимов А. Академик К.Шониёзов тадқиқотларида Ўзбекистон жанубий воҳалари аҳолиси этник тарихи масалаларининг ёритилиши. –ҚарДУ хабарлари, Махсус сон. Қарши, 2020. Б.243-246).

Устознинг воҳадаги қарлуқ, қипчоқ, уз қавмлари этник тарихига оид асарлари ва бошқа кўплаб илмий мақолалари Совет мафкураси ҳукмронлиги даврида яратилганлигини катта маънавий жасорат дейиш мумкин. Устознинг мазкур асарлари ҳозиргача ҳам ўз қимматини асло йўқотмаган, кейинги даврларда ҳам муҳим этнографик манба бўлиб хизмат қилади (Шониёзов К. Ер – сув жамоалари – “Фан ва турмуш”, 1959 йил 12-сон. Б.26-27; Шу муаллиф. Из истории расселения племени қарлуков. –Сб.работ асп. ООН, вып.2. –Т.,1958; Шу муаллиф. К вопросу о социалных отношениях у карлуков Южного Узбекистана в коице XIX - начале XX вв. (по этнографическим данным) – Изд-во. АН УзССР, -Т., СОН, 1959. №3; Шу муаллиф. Общинное землепользвание в селении Каллык. –КСИЭ АН СССР -Вып. 34, -М., 1960; Шу муаллиф. Историко - этнографичекой очерк карлуков южного и западного Узбекистана. Автореф. канд. дисс… -Л.,1960; Шу муаллиф. Қарлуқлар тили ҳақида – Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари Вып.4. –Т.,1962; Шу муаллиф. Узбеки - карлуки (историко - этнографический очерк) –Т.: “Наука”, 1964. -195 с; Шу муаллиф. Узы (из истории родопелеменних деленый узбеков – ОНУ, -Т.,1970. №2; Шу муаллиф. О традицонное пище узбеков. -Этнографическое изучение быта и культуры узбеков –Т.: “Фан”, 1972; Шу муаллиф. Отгонное животноводство в Узбекистана. –Очерки по истории хозяйство народов Средней Азии и Казахстана –Л.: “Наука”, 1973; Шу муаллиф. К этнической истории узбекского народа (Историко - этнографическое исследование на примере кипчакского компонента) –Т.: “Фан” 1974. -242 с; Шу муаллиф. Основные отрасли животноводство в дореволюционном Узбекистане. –Хозяйственно –культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. –ТИЭ АН СССР –М.: “Наука”, 1975; Шу муаллиф. Кипчаки в узбекской этнической среде в дооктябрский период (процессы интеграции) – Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана –М.,1980; Шу муаллиф. О роле карлукского компонента в этногенезе узбекского народа. –ОНУ, 1981, №6 с.28-35; Шу муаллиф. Традиционные игры и развлечения узбеков отражаюшие быт скотоводов (XIX - начале XX вв.) –Всесоюзн. сессия полевих этнографических и антропологических исследований 1976-1977 гг. Тезисы докладов -Ереван,1978; Шу муаллиф. Этнографические очерки матераильной культуры узбеков конца XIX-начале XX вв. (ҳаммуаллиф Ҳ.Исмоилов) –Т.: “Фан”, 1981; Шу муаллиф. Қанғ давлати ва қанғлилар –Т.: “Фан”, 1990 ).

Бу даврда элшунос олим Ҳ. Исмоиловнинг Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографиясига оид маълумотларни мужассам этган бир неча асарлари чоп этилди. (Анъанавий ўзбек кийимлари –Т.: “Фан”, 1979; Шу муаллиф: Традиционная одежда арабов Кашқадарьнской области УзССР. –Костюм народов Средней Азии –М.: Наука, 1979. с.228-239; Шу муаллиф. Тўй ва тўй маросимлари. –Т.: “Фан”, 1973 (Ҳаммуаллиф. Қ.Кубаков); Шу муаллиф. Этнографические очерки материальной культуры узбеков в конце XIX-начале XX вв (ҳаммуаллиф. К.Шониёзов) –Т.: “Фан”, 1981; Шу муаллиф. Ўзбек тўйлари –Т.: “Ўзбекистон”, 1992). Заҳматкаш марҳум устоз Ҳаёт Исмоилов (жойлари жаннатда бўлсин) ёш тадқиқотчиларга, жумладан каминага ҳам илмий маслаҳатларини доимо аямасдан бериб турар эди.

XX аср 60-йиллари охирида иқтидорли элшунос олим Қ.Кубаковнинг (1939-1986) илмий фаолияти бошланиб, XIX аср охири - XX аср бошларида юқори Қашқадарё ҳудуди қишлоқ, аҳолисининг этник таркиби, қолаверса этномаданияти бўйича қатор илмий тадқиқотларини журнал ва тўпламларида эълон қилди ва шу мавзуда 1973 йилда номзодлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ёқлади (К истории развития узбекской семьи. – Этнографическое изучение быта и културы узбеков. –Т.: “Фан”, 1972; Шу муаллиф. Тўй ва тўй маросимлари –Т.: “Фан”, 1973 (ҳаммуаллиф. Ҳ.Исмоилов); Шу муаллиф. XIX аср охири – XX аср бошларида юқори Қашқадарё қишлоқ аҳолисининг этник таркиби. Тарих фанлари номзоди дисс… -Т., 1973. -211

б.). Раҳматли Қ.Кубаков етук элшунос эди, кўплаб мақолаларини ва диссертациясини асосан ўзбек тилида ёзган эди. Бу ўша даврдан катта илмий жасорат эди, албатта. Устознинг илмий маслаҳатларидан камина ҳам баҳраманд бўлган эди (охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин). Профессор О.Бўриев Қ.Кубаков этнографик мероси бўйича туркум мақолалар ёзди.

Тадқиқотчи О.Ибрагимов Жанубий Ўзбекистон, жумладан Қашқадарё воҳаси чўл ҳудудлари аҳолиси турар жойлари тараққиётига бағишланган номзодлик диссертациясини ёқлади ва қатор мақолалар чоп эттирди (Ибрагимов О. История развития жилиша населения степных районов Южного Узбекистана в конце XIX-начале XX вв. Автореф. дисс… канд. ист. наук, -Т., 1988. -22 с.).

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб элшунос Қ.Кубанов изидан ўзбек халқи этнографиясини ўрганишга маҳаллий ёш тадқиқотчилар кириб келаб бошлади. Хусусан 70-йиллар ўрталаридан О.Бўриев Жанубий Ўзбекистон, жумладан Қашқадарё воҳаси этнографияси билан жиддий шуғулланишга киришиб, унинг қатор асарлари нашр этилди (Бўриев О. Оила ва янги анъаналар. Рисола. -Т., 1988; Шу муаллиф. Катта оила удумлари. -“Фан ва турмуш”, 1979. 7-сон Б.28-29; Шу муаллиф. Об изживани семейной общины у узбеков X1X – начала XX (на этнографическом материале южных областей Узбекистана, -«Общественные науки в Узбекистане», 1984, № 5 с.28-30; Шу муаллиф. Семья (Заметки социолога) – “Звезда Востока”, 1985 №4 с.161-164; Шу муаллиф. Юрт қиёфасининг кўзгуси – “Фан ва турмуш”, 1988 йил 1-сон Б.24-25; Шу муаллиф. Этносоциальная основа хозяйства и организиционных объединений средне-азиатского селения (XIX начало – XX в.) - Всесоюзн. сессия по итогами полевых этнографических исследований 1980-1981 гг, октябрь. 1982. Нальчик, 1982.с.111-112; Шу муаллиф. Мужской объединения и общины у узбеков и таджиков на рубеже XIX-XX вв. -Крат. сод. докл. Среднеазиатских-кавказских чтений. –Л.: «Наука», Ленинград. отд. 1983. с 12-13; Шу муаллиф. Организация материальная основа свадебных обрядов у узбеков в большой семье (на рубеже XIX-XX вв) (Крат. сод. докл. научн. сессия. Л.: «Наука», Ленинград. отд, 1983. с 53-54); Шу муаллиф. О больших семьях юга Узбекистана Крат. сод. докл. Среднеазиатских- Кавказских чтений. -Л.: «Наука», Ленинград. отд, 1985. С.19-20; Шу муаллиф. Современные семейно-брачные отношения юга Узбекистана Тезисы докладов на Всесоюзной научной конф. -Махачкала, 1985.с. 19-20).

Элшунос О.Бўриев Қ.Кубаковдан кейин 12 йил ўтгач собиқ Иттифоқ ФА Н.Н.Миклухо - Маклай номидаги Этнография институти Ленинград бўлимида профессор К.Шониёзов раҳбарлигида 1985 йил 11 июнда “Большая семья узбеков на рубеже XIX-XX вв. (на этнографическом материале южных областей Узбекистана)” мавзусида 07.00.07 – “Этнография” ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ўтган 12 йил мобайнида Ўзбекистонда этнография бўйича бирорта ҳам тадқиқотчи ҳам номзодлик диссертациясини ҳимоя қилмаган эди.

XX асрнинг 30-60 йилларида Ўрта Осиё араблари, жумладан Қашқадарё воҳасида яшовчи араблар этнографияси бўйича ҳам маълум тадқиқотлар олиб борилди (Бурыкина Н.И., Измайлова М.М. Некоторые данные по языку арабов Джугари Бухарского округа и Джейнав Кашқадарынской области Узбекской ССР. -Зап. коллегии. востоковедов при Азиатском музее АН СССР –Л.,1930; Волин С.Л. Из истории Среднеазиатской арабов. –Труды ИВ АН СССР. Вып.36 –М., Л.,1940; Винников И.И. Арабы в СССР. –СЭ, М., Л.,1940; Шу муаллиф; Фольклор Среднеазиатских арабов. -М.,1969; Церетели Г.В. Арабские диалекты Средней Азии. –Тбилиси, 1956).

Юқоридаги шарҳлардан кўриниб турибдики, юқорида зикр этилган асарлар ўша давр ҳукмрон Совет тузуми манфаатларини кўзлаб, аксарият компартия мафкуравий қарашларини ифода этган ҳолда ёзилган. Лекин туб аҳоли ҳаёти ва турмушига ташқи томондан туриб фикр-мулоҳазалар билдириб, хулосалар чиқарилган бўлсада, бу асарлар воҳа этнографиясини ўрганишга маълум даражада ёрдам беради. Ҳозирги даврда мазкур асарларни тарихийлик ва ҳаққонийлик асосида холисона таҳлил этган ҳолда илмий ўрганиш лозим.

Совет даврида воҳа этнографиясини ўрганишда фольклоршунос, тилшунос мутахассислар

ҳам иштирик этишиб, илмий тадқиқотлар яратишди. Бу даврда воҳа аҳолиси тили ва фолклорини ўрганган олимлар тадқиқотларида ҳам этнографик маълумотлар мавжуд (Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Бешкент район шеваси юзасидан кузатишлар. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Т.,1967; Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т.,1968; Жўраев Б. Юқори Қашқадарё шевалари. –Т.,1969; Қаҳҳоров А. "Келиной" туркуми достонларининг ўзига хос хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс. автореф. –Т.,1979; Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси. Филол. фан. номз. дисс. автореф. –Т.,1979; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. –Т.,1988).

Бу пайтда яратилган тадқиқотлар ҳукмрон Совет мафкураси қолипида бўлиб, шу даврнинг манфатларини кўзлар эди. Этнографик тадқиқотлар чуқур илмий, тизимли ва холисона олиб борилмади, тўғрироғи бунга ўша давр мафкураси асло йўл бермади. Комплекс экспедициялар ўрнига гоҳида мавсумий тадқиқотлар олиб борилган, аммо уларга зарур маблағ ажратилмаган. Этнографик тадқиқотларнинг аксарият натижалари нашр этилмаган, баъзилари архивларда қолиб кетган. ХХ аср 80 йиллари охирида ЎзР ФА Тарих институти Этнография бўлими гоҳ тугатилди, гоҳ бошқа ном билан тикланди, элшунос илмий ходимлар  бошқа ишларга ўтиб кетганди. Режалаштирилган "Ўзбеклар" номли кўп жилдлик нашр этилмади. Этнография бўлимида кўплаб саветшунос тарихчилар фаолият кўрсата бошлади. Лекин шунга қарамай бу даврдаги илмий изланишлар кейинги этнографик тадқиқотларга муҳим манбалардан бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихий-археологик тадқиқотлар. Советлар даврида Қашқадарё воҳаси тарихи ва археологияси бўйича қамровдор илмий изланишлар олиб борилдики, булар воҳа аҳолиси этнографиясини ўрганишга ҳам маълум даражада яқиндан ёрдам беради, албатта. Булар ичида академик В.В.Бартольд қаламига мансуб асарлар алоҳида ўрин тутади. Қашқадарё воҳаси тарихини ўрганишда археологик тадқиқотлар ўтказиш зарурати ҳақида дастлабки махсус дастур В.В.Бартольд томонидан ишлаб чиқилган. Олимнинг "Туркистоннинг суғорилиш тарихи" асарининг "Қашқадарё" деб номланган VIII боби воҳа ўтмиши ҳақида муҳим маълумотлар беради (Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. –Соч. –М.: 1965. Т. III; Шу муаллиф. История Туркестана. -Соч. –М.,1963. Т.II; Шу муаллиф. История культурой жизни турецких народов Средней Азии. Соч. –М., 1968; Т. III; Шу муаллиф. Карши. с.450-451; Кеш. с.460-461).

ХХ асрнинг 20-йилларида яратилган И.А. Ремез, В.Л.Вяткин, А.А.Семёновларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. И.А.Ремез Бухоро амирларининг ташқи савдо алоқаларини таҳлил этиш билан бир қаторда, Қарши шаҳри Бухоро амирлигини тоғли бекликлари ва Марказий Бухоро бозорлари ўртасида боғловчи вазифасини ўтаганлигини қайд қилади. В.Л. Вяткин тадқиқотлари Қарши округи, унда қўшин ташкил этилиши масалаларига бағишланган асари бўлиб унда муаллиф 1800-1803 йиллар воқеалари баёнида, шунингдек, Амир Ҳайдарнинг Қарши ҳокими Ҳакимбекка ёзган мактублари асосида воҳа шаҳарсозлигининг айрим жиҳатларига аниқлик киритувчи малумотларини келтириб ўтган. А.Семёнов эса маҳаллий манбаларни чуқур ўрганиш ва уларни илмий таҳлил қилиш асосида Бухоро амирлигидаги ер эгалигини, солиқ тизими, мавжуд унвон ҳамда  мансаблар, шунингдек XIX аср бошларидаги Россия–Бухоро муносабатларини ёритиб берган.

Воҳа этнографиясини ўрганишда Бухоро хонлиги аграр муносабатлари масалаларига бағишланган М.Абдураимов маълумотлари муҳим аҳамиятга эга (Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Т.1. –Т.,1966; Т.II. –Т.,1970). Уларда хонлик ҳамда воҳадаги аграр муносабатларнинг муҳим ўрин тутганини, хўжалик турлари, аграр  муносабатлар тарихи кенг ёритилган.

Бу даврда яратилган М.Е.Массоннинг сардобалар тарихига бағишланган рисоласи ҳамда Қашқадарёнинг қуйи қисмидаги шаҳарлар тарихига бағишланган асарлари воҳа этнографиясини ўрганиш учун ўзига хос илмий аҳамиятга эга дейиш мумкин (Бу ҳақда батафсил қаранг: Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Соч. -М., 1965. т.111; Шу муаллиф. История Туркестана -Соч. -М., 1963. т.11; Шу муаллиф. История культурной жизни турецких народов Средней Азии. -М., 1968; Шу муаллиф. -Соч. т.III. Карши. с.450-451; Кеш. с.460-461; Ремез

И.А. Внешная торговля Бухары до мировой войны. -Ташкент.: ЦСУ Туркреспублики, 1922. -45 с; Вяткин В.Л. Каршинский округ, организация в нем войска и события в период 1215-1217 (1800-1803) годов. Известия Среднеазиатского отдела Русского географического общества. Т.18 (отделный оттиск),-Т., 1926. с.9-26; Семёнов А.А. Очерк поземелъно-податного и налогового устройства Бухарского ханства Тр. САГУ. -Тошкент. 1929. -Серия 2. Вып.1. -54 с; Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине X1X века. Т.1. -Т.,1966; Т.11. -Т., 1970; Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоба. -Т., 1935; Шу муаллиф. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен . -Т., 1973. -48 с; Френкель Н.И. Полевой дневник обследование и краткие описание памятников кандидатов под госохрану находя в г. Карши, Яккабаге, Китабе, Шахрисабе и их окрестностях. -Т., 1954, Кабанов С К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарья. // Тр. Института истории и археологии, вып. 7. - Т. 1955. Шу муаллиф. Нахшаб на рубеже древности и средневековья. -Т., 1977. -176 с; Сухарева О.А. Позднефеодалный город Бухара конца XIX- начале XX веков. -Т.: АН УзССР. 1962. Массон, М.Е. Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и тимуридах. –Т., 1953; Воронина В. Л. Национальная традиция архитектурые Узбекистана. –М., 1951; Пугаченкова Г. А. Неизвестные архитектурные памятники районов Узбекистана. -Искусство зодчих Узбекистана. -Т., 1950; Шу муаллиф. Термез, Шахрисабз, Хива. -М., 1976; Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. –Т., 1958; Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана. -Т., 1961; Пещчерева Е.М. О ремесленных организациях Средний Азии в конце XIX-начале XX вв. -Т., 1960; Кочнев Б.Д. Раскопки и разведки в Каршинском оазисе - «Археологические открытия 1976 года» М., 1976; Абдуллаев Т. Каталог вышивок Узбекистана XIX-XX века. -Т., 1976; Маньковская Л. Ю. Неизвестные памятники XVI-XIX вв. в Кашкадарьинской области) // «Строительство и архитектура Узбекистана». –Т., 1969; №11. Шу муаллиф. Архитектурные памятники Кашкадарьи. -Т.: “Узбекистан”, 1971; Шу муаллиф. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. -Т., 1979; Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. -Т., 1976; Усманова З.И., Сагдуллаев А.С. К изучению памятников Яккабагского района. -Т., 1981; Крашенинникова Н. И. Работа в Китабском и Шахрисабзком районах. -Т., 1982; Шу муаллиф. Работа в Китабе. –Т., 1982; Шу муаллиф. Древнеземледельческий оазис Южного Согда. -Т.,1984; Дуке Х. Чиракчинское поселение. -Т.,1982; Туребеков М. Цитадель Еркурган. –Т., 1982; Исамиддинов М., Сулейманов Р. Еркурган. -Т., 1984. - 94 с.).

Қашқадарёдаги тадқиқотлар ва экспедициялар, асосан, воҳада фаолият олиб борган собиқ Иттифоқ ФА Этнография институти, ЎзР ФА Тарих ва археология институти ҳодимлари ва вилоятда 1963 йилдан иш бошлаган КАТЭ (Қашқадарё (Кеш) археологик-топографик экспедицияси) аъзолари томонидан амалга оширилди.

Ушбу экспедициялар ўз фаолиятининг дастлабки давридаёқ ўлка тарихининг турли соҳалари ва даврларига оид қимматли маълумотлар ва моддий манбаларни тўплашга муваффақ бўлди ва бу маълумотлар воҳа шаҳарлари тарихи, топографияси, меъморий обидалар, ҳунармандчилик ва уларнинг иқтисодий-маданий марказлар сифатидаги аҳамиятига қисман тўхталиб ўтилган.

XX асрнинг 60-80 йилларида воҳа тарихига бағишланган илмий изланишлар янада кўпайди. Бироқ бу асарларда Совет мафкураси таъсири анча сезилиб турарди. КАТЭ томонидан сўнгги ўрта асрларга оид археологик ёдгорликларни кенг қамровли ўрганиш ишлари 70-йиллардан бошлаб қайтадан бошлаган, тикланган. Тадқиқотлар, асосан, воҳанинг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ҳудудларида олиб борилган ва натижалари анча самарали бўлиб, бу изланишлар воҳа этнографиясини ўрганишга ҳам катта ёрдам беради.

# СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИ АНЪАНАВИЙ ТАОМНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна,**
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари доктори

**Аннотация.** Мақолада маданий этнографик макон ҳисобланган Сурхондарё воҳаси аҳолисининг азалий турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятига хос бетакрор миллий хусусиятларини акс эттирувчи анъанавий таомлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Сурхон воҳаси, таомлар, тановул, этнография, дастурхон, этикет, маданият, гастрономия, хўжалик анъанлари.

**Аннотация.** В статье рассматриваются некоторые обычаи, связанные с традиционными блюдами и их символическое значение, социально-культурные традиции, связанные с блюдами населения Сурхандарьинской долины на базе этнографических материалов.

**Ключевые слова:** Сурханский оазис, еда, этнография, посуда, этикет, культура, гастрономия, хозяйственные традиции.

**Abstract.** The article presents the customs and traditional dishes and their symbolical meaning, some social- cultural traditions about the dishes of Surkhandarya valley people, on the bases of ethnographical materials.

**Key words**: Surkhandarya oasis, food, ethnography, dishes, etiquette, culture, gastronomy, household traditions.

Анъанавий таомлар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек таомлари жуда бой ва хилма-хил бўлиб, уларнинг тайёрланиши ва истеъмол қилиш тартиблари аҳолининг ҳаёт тарзи, хўжалик машғулотидан келиб чиққан. Сурхон воҳаси таомлари ҳозирги кунга қадар ўз анъанавийлигини сақлаб келмоқда. Учта ҳудуд - текислик, тоғ олди ва тоғли аҳолини ўрганишда ушбу аҳоли пунктлари аҳолисига хос бўлган кундалик ва йиллик овқатланишнинг кунлик ва йиллик цикли аниқланди. Бу ўзига хослик билан биргаликда таомларда тожик, туркман, қозоқ халқи таомларини учратишимиз нафақат табиий, ижтимоий-иқтисодий, балки қадимдан этномаданий алоқаларнинг умумийлиги билан ҳам характерланади. Бу шундан далолат берадики, узоқ йиллар давомида Ўрта Осиё ҳудудидаги халқларнинг бирга яшаб, ўзаро бўлган алоқалари таом турларининг кўпайишига ҳам олиб келган.

Инсоният ўзининг моддий, жисмонан мужассамланишида ҳам жисмонан, ҳам маънавий озуқа, яъни, тантанали, байрамона, кўргазмали таомларсиз, яъни, моддий ифодасиз ўз-ўзидан мавжуд бўладиган қувонч ҳам, қайғу ҳам бўлиши мумкин эмаслигини англаш мумкин. Тарихнинг ҳоҳ оғир кунлари ҳоҳ енгил кунлари бўлсин, ўзбеклар доим байрам қилишга одатланганлар. Ўрта Осиёга ислом дини кириб келганидан кейин халқимизнинг миллий урф-одатлари қаторига бевосита ислом дини билан боғлиқ бўлган одатлар ҳам қўшилади: Никоҳ тўйи, Азон айтиш, Ақиқа, Танглай кўтариш, Суннат тўйи, Мавлуд ва бошқалар. Оила даврасида ва жамоа билан ҳар бир яхши кун байрам тарзида нишонланган. Оила даврасидаги байрамларга фарзанд туғилиши, никоҳ тўйи, суннат тўй ва ҳар хил бошқа тўйлар (ақиқа, юбилей ва бошқ.), дафн маросимлари, меҳмон чақиришлар бўлса, жамоа билан ўтказадиган байрамларига тақвимий, мавсумий, диний ва дунёвий байрамларга бўлинади. Бу байрамларнинг асосий кульминацион нуқтаси овқатланишдир.

Байрамона таомнинг ҳар қандай шакли, кўргазмали тарзда ҳашаматли ёки маълум эътиқодлар ёки сехрли маросимлар билан боғлиқ ёки аксинча, овқатланишда ўзини ўзи чеклаш ҳақида сигнал берувчи ҳам бўлиши мумкин.

Агар илгари турли ҳудудлардаги аҳоли ўртасида байрам ва тантанали таомларда сезиларли фарқлар мавжуд бўлган бўлса, бу биринчи навбатда тенг бўлмаган табиий-иқлим шароитлари,

шунингдек, қишлоқларнинг урбанизация даражаси ва уларнинг маданий эҳтиёжлари ва имкониятлари туфайли эди.

Энди текислик ва тоғ қишлоқ аҳолисининг дастурхонидаги байрам ва маросим таомларининг таркибида деярли фарқ йўқ ва, албатта, бу ҳар бир оиланинг моддий аҳволига боғлиқ. Ҳозирги вақтда кўплаб анъанавий байрам таомлари нафақат сақланиб қолган (машаққатли таомлар ҳам, масалан сумалак, ҳалим ва бошқ.), балки янгилари ҳам пайдо бўлди.

Одатда, байрамлар хурсандчилик кунлари ҳисобланиб, бу кунларда кўпчилик кўнгилчоғлик янада яхши бўлишини истаб, тансиқ таомлар истеъмол қилишни ҳоҳлайди. Мўл-кўл дастурхон, байрамнинг ўзига хос белгисидир.

Таом ва таомлар билан боғлиқ удумлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, улар орқали ўзига хос турли маданиятлар шаклланишининг йўли, хусусияти ва бошқа эл-элатлар билан ўзаро алоқадорлигига оид қимматли маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Анъанавий байрам таомларини янги йил таомлари; ҳайитларда тайёрланадиган таомлар (қурбон ҳайити, рамазон ҳайити) ва диний маросимларда тайёрланадиган таомларга бўлиб таснифлаш мумкин. Аҳолининг байрам таомлари орасида мусулмон байрамлари ва рўза давридаги анъанавий таомлар, уларнинг тайёрланиши ва тановули ўзига хос локал аҳамият касб этади.

Воҳада қадимдан маросимларда пишириладиган таомлар кейинчалик байрамларда тайёрланадиган бўлган. Ёки илгари бир маросимда айнан ўша таом тайёрланган бўлса, вақт ўтиши билан ўша маросимда бошқа таом тайёрланиши кузатилди. Жумладан, “Дарвишона” маросимида ёрма тайёрланган бўлса, кейинчалик бу таом ўрнини қайнатма шўрва эгаллади. Шуни ҳам айтиш керакки, таом таркиби, маҳсулотлари ўзгарган бўлсада, маросимларнинг ўтказилиши, яъни таом тайёрлаш тартиблари ўзгармаган (садақа чиқариш, ош худойи ва бошқалар).

Маросим таомлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унда аҳолининг касби, хўжалик фаолияти, эътиқодига кўра бир-бири билан ўзаро мулоқотга киришган. Жумладан, “касбини баракасини берсин”, деб одамлар маросим ўтказиб, таом тарқатишган (темирчилар “Довуд пайғамбар” га, чорвадорлар “Чўпон ота” га, деҳқонлар “Бобо Деҳқон” га ва бошқ.) ва бирга жамоа бўлиб тановул ҳам қилишган. Таомлар билан боғлиқ бундай урф-одатлар хўжалик машғулотининг яхши, баракали бўлиши ниятида бажарилган.

Шунингдек, қийин иқлим шароитида яшовчи аҳолининг анъанавий озиқ-овқат рациони яхши сақланиши учун ҳам маҳаллий аҳоли байрам ва маросимлари барча урф-одатларга риоя қилинган ҳолда ўтказилган.

Йил фаслларига қараб ҳам тақвимий маросимлар ўтказилган. Қиш ва ёз фасллари тўқсон кунлик тақвим асосида ойларга бўлинган. Бундан ташқари қишки чилла ва ёзги чилла деб аталадиган ҳар бири қирқ кундан иборат бўлган ҳисоб ҳам юритилган. Воҳа деҳқонлари йилни тўрт фасл асосида қуйидаги ойларга тақсим қилган: Баҳор: ҳамал, савр, жавзо. Ёз: саратон, асад, сунбула. Куз: мезон, ақраб, қавс. Қиш: жаддий, далв, ҳут. Ана шу фаслларга қараб ер ҳайдалган, уруғ сепилган, ҳосил йиғиштирилган.

Жумладан, деҳқон хўжаликларида экин экиш, ҳосилни йиғиб олиш билан боғлиқ, “шамол чақириш” (ҳайдар), “ёмғир чақириш” (суст хотин), “қовун сайли”, “узум сайли”, “дарвишона”, “шохмойлар” каби маросимлар ўтказилган бўлса, чорвадор хўжаликларда эса “тўл тушиш” (қўзилатиш мавсуми), “қўйларга қўчқор қўшиш”, “қут қуйдириш” сингари маросимларда хўжалик аъзолари томонидан биргалашиб, маросим таоми тайёрланган ва тановул қилинганки, бу инсонлар орасида илиқ муносабатларни ўрнатишига сабаб бўлганлиги кўринади.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги мисоллардан табиат руҳларини тўйинтириш учун қурбонлик таомларини тайёрлаш, табиат руҳларига миннатдорчилик маросими ўтказиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин. (сув пири Сулаймон ота, шамол пири Мирҳайдар ва бошқ.)

Кундалик ва байрамона таомлар, бошқа муҳим омиллар билан бир қаторда, ҳар бир этноснинг маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга таъсир кўрсатади. Жумладан, ўзбеклар

Наврўзда сумалак пиширса, Европада Рождество байрамида дастурхонга курка гўшти қўйилади, хитойликлар эса Совуқ таом байрамида гуруч унидан пиширилган совуқ таомларни қўядилар.

Наврўз барча байрамлардан кўплаб архаик элементларни ўз ичига олган озиқ-овқатнинг ўзига хос турларини истеъмол қилиш билан ажралиб туради (сумалак). Ушбу байрам бир йил алмашинуви, тенг кунлик билан боғлиқ бўлиб, маросимий фаолиятда озиқ-овқат катта аҳамиятга эга. Ушбу байрамнинг энг муҳим маросим таоми сумалак қадимги анъаналарга кўра ундирилган буғдойдан пиширилади. Буларнинг барчаси таомланишнинг рамзий фазилатларига эга.

Маросим дастурхонининг асосий таомлари ва маросим тушунчалари кенг этник маданий мазмунга эга тушунчаларга айланди. Дастурхонга маросим элементлари *(қатлама, сўзма, бўғирсоқ)* ни қўйиш, шунингдек, мавқеига қараб дуо қилиш тартиби, одати бугунги кунгача сақланиб қолган.

Буғдой донини кўкартириш жараёни ҳам ўзига хос усулда бўлган. Кузда экилган буғдой тозаланиб, уй ҳароратида ёйиб қўйилган ва вақти-вақти билан сув сепиб турилган. Буғдойнинг кўп ўсиб кетмаслигига ҳам алоҳида эътибор беришган. Агар кўп ўсиб кетса, сумалак пишгач аччиқ бўлиб чиққан. Сумалак учун қўйилган донларга нопок одамларнинг кўзи тушмаслиги учун пана жойда ўстирилган ва фақат дон қўйган кишигина таҳорат олиб, сув сепиб турган. Байрамона таом ҳисоблганлиги учун азадор хонадонларда сумалак тайёрланмаган. Оппоқ ниш уриб чиққан майса орасидан қизил ниш уриб чиқса, бу ўстирилган буғдойдан сумалак қилишмаган, чунки қизил ниш хосиятсизлик аломати бўлиб, бирор фалокат олиб келиши мумкин деб ўйлаганлар. Сурхон воҳасида бундай ҳолатлар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Байрамона таомлар этник гуруҳнинг ўз ички ҳамжамиятини, унинг бошқалардан, ҳатто маданияти ўхшаш ёки яқин бўлган этник гуруҳлардан фарқини билишда муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, ушбу таомнинг маҳаллий хусусиятлари, ички этник маданиятни англашда ёрдам беради.

Халқнинг байрам ва маросим амалиётлари ўртасидаги турли хил алоқалар овқатланишнинг асосий шакллари иқтисодий ва маданий турлари билан боғлиқ. Бир томондан, таомланишнинг қандай муқаддас ва диний жиҳатлар билан тобора кўпроқ банд бўлганлиги кўринади, бошқа томондан, кейинги давр билан боғлиқ бўлиб, бу муқаддас ва диний жиҳатлар ўз аҳамиятини йўқота бошлаган ва ғайриоддий (кундалик бўлмаган) озиқ-овқат турлари аста-секин кундалик овқатлар билан мувозанатлашган.

Қайсидир таом у ёки бу байрамнинг тимсолига айланди ва бугунги кунда у ёки бу байрамнинг таомномасида сақланиб қолишига сабаб эса, маълум бир маҳсулотлар мавжудлигининг мавсумийлиги, диний урф-одатлар, шунингдек, маълум бир таомнинг нуфузи омили ҳисобланади. Ушбу таомларнинг кўпчилиги ўнлаб йиллар ва ҳатто асрлар давомида содир бўлган деҳқон ва чорвадор ошхонасининг симбиозидир.

Фақатгина катта тантаналарнинг таомлари эмас, балки бир-бирига тортиқ қилинган оз миқдордаги таомларни тановул қилиш ҳам одамлар орасида илиқ муносабатларни ўрнатган. Жумладан, сигир бузоқлаганда қўни-қўшниларга гилагай улашиш, янги тандир ўрнатганда ёғлиқ патир пишириб тарқатиш, таом узатганда идишни бўш қайтармаслик каби урф-одатлар эзгуликка йўғрилгандир.

Тадқиқотлардан шу нарса аён бўлдики, тўй-тантаналарнинг таомлари табаррук саналганлиги туфайли кўпроқ тановул қилишга ва ҳатто уйга олиб кетишга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари, ёшини яшаб, бахтли турмуш кечирган инсонларнинг маърака маросимларида ҳам табаррук деб, олдига қўйилган таомни охиригача истеъмол қилишган ва дастурхондаги мева-чевалардан уйга ҳам олиб кетилган. Жумладан, “пайғамбар ёши тўйи”, “минг ойлик тўйи” ва “шукроналик тўй”ларида оқ рўмол тарқатилади. Рўмолга нон, мева-чевалар тугиб берилади. Бу тўйларда асосан шўрва ва палов қилинади.

Кўпгина байрамлар ўзининг гўзаллиги ва кўламини йўқотганига қарамай, рамазон мусулмонлар учун энг муҳим байрам бўлиб қолмоқда ва ҳалол таомларни истеъмол қилиш,

дастурхонда сув, нишолда, хурмо (финики), майиз ва ҳолвалар ҳамда ширинликлар унинг асосий рамзлари. Совет даврида ҳам рўза тутишни канда қилмаганлар бўлган ва улар саҳарлик вақтида қуйидагича ният қилар эканлар:

Рўза тутдим ор учун, нозу-неъмат бор учун,

Рўзамни қабул қилинг, бир чивинча жон учун.

Рамазон Ҳайитида албатта 3 кун давомида ширинликлар пиширилади, улашилади, тарқатилади ва биргаликда баҳам кўрилади. Қурбонлик Ҳайитида эса 3 кун давомида қўй сўйилиб, пиширилади, улашилади ва биргаликда тановул қилинади.

Ўтмишдаги маҳаллий анъаналар бошқа минтақаларнинг анъаналари ёки халқаро ошхона анъаналари билан аралашиб кетди. Анъанавий таомларнинг гастрономик фестиваллари оммавийлашиб, ёшларни ўзига жалб қилмоқда, жумладан, мазали пишириқлар намойиши.

Байрам таомномаси ҳам ўзгариб, у янги таомлар билан тўлдирилиб бормоқда. Бу биринчи навбатда ярим тайёр таомлар ва пишириқларга тегишли. Ўз ўрнида айтиш керакки, бу глобал иқтисодиёт ва ярим тайёр маҳсулотларга асосланган пишириш технологиясига ўтиш билан боғлиқ. Бугунги кунда макарон, лағмон, пельмень, лаваш хамир, қийма гўшт каби ярим тайёр маҳсулотлар уй бекасининг таом тайёрлашдаги ёрдамчи маҳсулотларига айланган.

Бугунги кунда шаҳар аҳолиси ўзларининг урф-одатларини намойиш этишга, қишлоқ урф-одатларини, жумладан, қўлда овқатланишни ва ҳоказоларни қайта тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда байрамона зиёфатда услублар аралашмасини - шаҳар ва қишлоқни кузатишингиз мумкин. Бу эса, ўзбек ошхонасининг барқарор сақланишини яққол намойиш этади.

Кўп байрамона таомларнинг ўзгариши пиширишни такомиллаштириш йўлидан борди, аҳоли таомнинг эстетик кўринишига катта аҳамият беришни, безашни бошлади. Ресторанларда мижозга хизмат кўрсатиш ва шунингдек, байрамни шаҳар меъёрларига мувофиқ ташкил қилишда маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Ҳозирги вақтда урбанизация, аҳолининг ҳаракатчанлиги, фаровонлик ва оилавий овқатланишни «модада» ёки «ресторанда» ташкил қилиш учун ресурсларнинг ортиши таъсири остида байрам дастурхони маданияти сезиларли даражада ўзгариб бормоқда. Байрамона зиёфат қисмларининг анъанавий нисбати бузилиб бормоқда - мўл-кўл чой дастурхони, жумладан, иссиқ гўшт ва балиқ овқатлари, баъзи ҳолларда асосий овқат ўрнини боса бошлайди. Демак, замонавий байрам таомлари ҳам мустамлакачилик даврида кириб келган таомларни, ҳам анъанавий бўлиб қолган таомларни ўз ичига олади. Тановул жараёни эса бир қатор ўзгаришларга бойлиги билан бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу давлатнинг олиб бораётганислоҳотлари миллий таомларга нисбатан ғурурнинг ўсиши билан ҳам боғлиқдир.

Айтиш мумкинки, аҳолининг маросим таомлари жумласига кирадиган ширбиринч, ёрма ош, умоч ош, қора ош, хатим оши, йил оши, ҳолвайтар ва ис чиқаришда тайёрланадиган пишириқлар; Наврўз ва бошқа халқ байрамлари; Ийди Рамазон, Ийди Қурбон ҳайитларида; бешик тўй, никоҳ тўй, суннат тўй, мучал тўй, пайғамбар ёши маросимларида; Мушкулкушод, Биби Сешанба, мавлудлик каби маросимларда пишириладиган таомлар ҳамда мазкур маросимларда тайёрланадиган таомларнинг таркиби, номланиши, тайёрланиши ва тановул қилиниши жараёнида маълум бир жинсий, ижтимоий ва диний жамоа вакиллари, жамоа, уруғ, этнос, ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳам намоён бўлади.

Қолаверса, маросимий равишда тайёрланган таомларни биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, маросим таомлари жинси ва ёшидан қатъий назар ҳамма уни истеъмол қилиши ҳамда бутун жамоани бирлаштирувчи хусусиятга эга эканлиги, ёки аксинча, бошқа маросим таомлари турида турли жинс вакилларининг биргаликда таом истеъмол қилиши мумкин эмас, яъни таомга нисбатан таъқиқ қўйилиши (Мушкулкушод, Биби Сешанба ва б.) ҳам мумкин. Демак, бир сўз билан айтганда, маросим таомларининг инсонларни бир-бирига бирлаштирувчи вазифасидан ташқари, шифобахшлик, тўйимлилик, кўргазмалилик, мавсумийлик, ҳимояловчи, покловчи, таъқиқловчи каби қатор хусусиятлари,

шу билан бирга таомларга магик кучга эга сифатида ҳам қаралганлигини (узма ош, кескан ош, умоч ош, буламиқ, ширгуруч, мошкичири, қовурмоч, ҳолвайтар, тухум ва бошқ.*)* кузатиш мумкин. Халқнинг байрам ва тантанавий таомлари ҳақидаги материалларни умумлаштириш бундай таомларнинг рамзий ва кўргазмали жиҳатлари этник ўзига хосликни сақлашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. – М., 1983.
2. Қорабоев У. Одатнома. – Тошкент: O’zbekiston, 2016.
3. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002.
4. Исоқов Б.Р., Исақова Н.Б. Наврўз байрамининг маросимий таомлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент-Наманган, 2007.
5. Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
6. Йўлдош Муқим ўғли Оташ. Наврўз нақли. – Тошкент, 1992.
7. Жавлиев Т. Анъаналар – ҳаёт сабоғи. – Тошкент, 1992.
8. Қурбонов Ш., Қурбонов А. Тўғри овқатланиш қоидалари. - Т.: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2014. – Б. 114.

## ФУТУВВАТ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТ СИФАТИДА


**Каримов Соҳибназар,**
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, фалсафа фанлари доктори



**Аннотация:** Мазкур мақола футувват (жавонмардлик)нинг асосий хусусиятлари фалсафий таълимот сифатида талқин қилинади ҳамда Шарқ фалсафий тафаккури тизимидаги ўрни ҳақида фикр юритилади.



**Калит сўзлар:** футувват, таълимот, жувонмардлик, мардлик, уюшма, фидойилик, ижтимоий оқим, саховат, олий ҳимматлилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тасаввуф ва футувват, инсонпарварлик, ҳотамтойлик.



**Аннотация:** В данной статье осмысливаются основные черты футуввата как философского учения и размышляется о его месте в системе восточной философской мысли.



**Ключевые слова:** футувват, учение, молодость, отвага, объединение, самопожертвование, социальный поток, щедрость, высокое усердие, честность, трудолюбие, суфизм и футувват, гуманизм, человеколюбие.



**Annotation:** This article comprehends the main features of Futuvvat as a philosophical doctrine and reflects on its place in the system of Eastern philosophical thought.



**Keywords:** futuvvat, teaching, youth, courage, unification, self-sacrifice, social flow, generosity, high diligence, honesty, diligence, Sufism and futuvvat, humanism, philanthropy


Кўп ҳолларда биз футувватни таълимот сифатида ўрганиш жараёнида тасаввуф билан футувватни бир-бирига қўшилиб кетиш ҳодисасига дуч келамиз. Футувват яъни жавонмардлик аҳли ўз ҳаётларини дўст - ёрлари, яқин кишиларнинг ҳожатини чиқариш, муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам беришни ўзининг қалб амри деб билган. Улар орасида сипоҳийлар, ном чиқарган машҳур паҳлавонлар ҳам бўлиб, улар шахсий ҳаётда ҳалол яшаш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиш, номардларга яқинлашмасликка интилганлар. Улар тасаввуфни назарий таълимот, маслак сифатида қабул қилиб олдилар. Ўз навбатида кўпгина шайхлар футувват қоидаларини тариқатга сингдириб юбордилар. Шу тариқа, тасаввуф мусулмон Шарқ мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди. Фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди.

Футувват намоёнларига хос бўлган асосий хислат улардаги маънавий ва руҳий исёнкор ошиқлик, жасорат, жисмоний етуклик ва инсонпарварлик мужассам бўлган.

Соҳибқирон Темур тасаввуф ва футувватни бир-бирларини тўлдирувчи сифатлар деб тушунади. Футувват-фақат яхшилик учун яшаш, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, умрини дўстлар ва халқ хизматига бағишлаб, бева-бечора ва муҳтожлар ҳожатини чиқариш, юл-юрт, пиру устоз шарафини ҳимоя қилиш, ботинан ва зоҳиран пок билиш, фақат ҳалол ва пок одамлар сўҳбатини олишдир.

Бундай сифатларга эга бўлган кишилар ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлиб, ўз эзгу-ниятларини амалга ошириш учун уюшган ҳолда ҳаракат қилар эдилар. Бундай уюшмаларни тарихда жувонмардлар, яъни мард йигитлар деб, атаганлар. Мовароуннаҳрда жувонмардлик ҳаракати X асрдан бошланган. XIII асрга келиб эса футувват ва тариқат бир-бирига қўшилиб кетган. Бу ҳолни биз Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий, Ҳазрат Навоий, Султон Ҳусайн Байқаро, Паҳлавон Маҳмуд фаолиятларида кўрамиз.

Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни исломий мутафаккирларнинг ёзишича футувват сўзи жавонмандлик, мардлик, биродарлик, олийжаноблик маъноларида ишлатилади. У ҳунармардларнинг ижтимоий-сиёсий, диний-аҳлоқий ва мафкуравий оқими

бўлиб ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган. Бу оқимнинг илдизлари Моний ва Маздакнинг таълимотларига бориб тақалади. Зероки, футувват тарафдорлари ҳам худди юқоридаги таълимотларга ўхшаб озодлик ва тенглик ғояларини ўзларига шиор қилиб олганлар, ҳар қандай адолатсизлик, истибдод ва зўравонликка қарши олиб борганлар, меҳнат аҳлини биродарликка, аҳилликка, ўзаро ёрдам ва бир-бирини ҳурмат қилишга даъват этганлар. Шунинг учун футувват фалсафасидаги ғоялар ўрта асрларда, халқ қўзғолонлари учун ғоявий манба бўлиб хизмат қилиб келган. Булардан ташқари, футувват аъзолари чет эл босқинчиларига қарши курашда қаҳрамонлик, мардлик намуналарини кўрсатганлар. Илк ўрта асрларда Муқанна, Абу Муслим, Маҳмуд Таробий ҳамда сарбадорлар жавонмардликка хос тарзда муғулларга қарши кураш олиб борганлар.

Ўрта асрларда футувват махсус уюшмага, жамоага эга бўлди. Бу уюшмага косибу ҳунармадлар, паҳлавонлар, зиёлилар, кўча-куйда томоша кўрсатувчиларга ва бошқа тоифаларга мансуб кишилар аъзо бўлиб кирганлар. Бу жамоага кирганлар муайян хулқ-одоб қоидаларига риоя қилганлар. Буларга поклик, ҳалоллик, ўзаро ёрдам, биродарлик, мардлик, фидоийлик, маънавий баркамоллик, меҳнатсеварлик, уюшқоқлик ва бошқалардир.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда футувват оқимига бағишланган кўплаб рисолалар пайдо бўлган. "Футувватномаи Носирий", "Рисолаи футутия", "Футувватномайи манзум" ва бошқа китоблар шулар жумласидандир. Лекин буларнинг орасида, бизнинг фикримизча, XV асрнинг машғур мутафаккири Хусайн Воиз Кошифийнинг (тахм. 1440-1505) "Футувватномайи султоний ёҳуд жавонмандлик тариқати" рисоласи алоҳида аҳамиятга моликдир. Кошифий Ҳиротда яшаб ижод этган бўлиб, замонасининг йирик мударриси ва олими бўлиб танилади. У иншо, фалақиёт, ахлоқшунослик, фалсафа, илоҳиёт, адабиёт, педагогик соҳасида баракали ижод қилди. У "Ахлоқи Муҳсиний", "Рисолайи Ҳотамия", "Анвари Суҳайлий", "Махзунул иншо" ва бошқа кўплаб рисолаларнинг муаллифидир.

Олимнинг "Футувватномайи султоний ёҳуд жавонмадлик тариқати" номли рисоласи шу билан эътиборлики, унда футувватни ижтимоий оқим сифатида эмас, балки тасаввуф таълимотининг бир бўлаги сифатида талқин қилинади. Бунинг сабаби шуки, футувват билан тасаввуф таълимоти ўртасида муштараклик ва ўхшашликлар кўп. Хусусан, ислом дини қонун-қоидаларига эътиқод қилиш, футувват аҳли ёки муриднинг пиру устозга эга бўлиши, инсоннинг покланиши, хулқ-одоб қоидалари, саховат, олийҳимматлик, фидоийлик, меҳр-шафқат, мардлик, ҳаллолик, меҳнатсеварлик каби ғояларга футувватда ҳам, тасаввуфда ҳам кенг ўрин берилади.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, футувват ва тасаввуф таълимоти ўртасидаги ўхшашлик, муштараклик, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бир-биридан фарқли томонлари ҳанузгача яхши тадқиқ қилинмаган.

Аксарият олимлар кўпроқ футувват ва тасаввуфнинг ўхшаш томонларига, яъни ахлоқ ва хул-одоб қоидаларига тухталганлар. Хусусан, турк олими бу ҳақда шундай дейди: "Футувват қараши ижтимоий ҳаётда идеал деб ҳисобланганлиги учун Хуросон худудидаги суфийлар футуватдан таъсирланиб, унга аҳамиятни кучайтирганлар ва рухоний ҳаётда ҳам бу қараш идеал ҳолга айланган. Футуват гуруҳи аста-секин иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга йўналган бир муассасага айланиб тасаввуф ва тариқатлар билан доимий алоқада бўлган ва шу зайилда тасаввуфнинг теран идеалларини ижтимоий ва иқтисодий турмушда акс эттирувчи жонли, фаол таъсирли бир кучга айланди".

